Шарқ юлдузи

Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Саййид
Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Қуронбоев
Минҳожиддин Мирзо
Сайфиддин Рафиддинов
Фармон Тошев
Исажон Султон
Хайриддин Султонов
Маҳмуд Тоир
Гулистон Матёқубова
Шерзод Ирзоев
Нурбой Жабборов
Кавсар Турдиева
Шуҳрат Маткарим
Адҳамбек Алимбеков
Нилуфар Йўлдошева

Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф
Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид
Масъул котиб – Дилором Муротова
Назм бўлими мудири – Икром Отамурод
Наср бўлими мудири – Саид Анвар
Адабиётшунослик бўлими мудири – Дилфуза Қўзиева

7
2022

УШБУ СОНДА:

НАЗМ

Муҳтарама УЛУҒОВА

ЎЗИМГА САВОЛ



Умринг қатра-қатра сингарми
Далаларга, боғлар, гулларга?
Юрагингда йўқми тош – гина
Илтифотсиз кетган кунларга?

Қутламоққа етарми қудрат
Ғолиб бўлса ҳар ким ўзингдан?
Қочиб, қўрқиб юрганинг йўқми
Кеча айтган ҳукминг, сўзингдан?

БОТИР ЗОКИРОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 85 ЙИЛЛИГИГА

Ашурали ЖЎРАЕВ

ҚЎШИҚ ДУНЁСИНИНГ ОЛТИН ОВОЗИ



Ҳақиқатдан ҳам Ботир Зокиров ҳар қанча шуҳрати баланд, тирик афсона эканлигига қарамай, ниҳоятда камтарин ва хокисор эди. Афсуски, ўша қаттол замоннинг азоб-уқубатларини кўп чекди, таъна-дашномларини кўп эшитди. Санъатдан йироқ кимсалар унинг йўлига катта ғов бўлдилар, камситдилар. Лекин Ботир Зокиров бу қийинчиликларни, тўсиқларни, зарбаларни катта ирода, тинимсиз ижод, янги қўшиқлар билан енгиб ўтди. Қўшиқ санъати осмонида чинаккам юлдуз бўлиб порлади. Ўзидан илоҳий бир санъат қолдириб кетди. Доим энг машҳур санъаткорларнинг олдинги сафида бўлди. Ва ҳамиша шундай бўлиб қолади.

ТАДҚИҚОТ

Умида РАСУЛОВА

ЎЗБЕК ҚИССАЛАРИДА ПОЭТИК ИФОДА



Шунга кўра замонавий ўзбек қиссаларида мавзулар кўламининг ортгани, образлар тизими ўзгарганини кўриш мумкин. Жамиятдаги муаммолар қаҳрамонлар дунёқарашига таъсир этиб, уларнинг фалсафий, эстетик қарашларини янгилаётгани аёнлашади.

Масалан, Эркин Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад насридаги яққол кўзга ташланадиган пичинг, кесатиқ ҳамда қаҳрамонлар нутқидаги қочиримлар иллатларни фош этишга қаратилади. Адиблар жамиятнинг турли қатлам вакиллари дунёқарашидаги ўзгаришларни муқояса этади. Инсон тийнатидаги бунёдкорлик, интилувчанлик хислатлари эса ёшлар образида тажассум топади.

Муродбой НИЗАНОВ *НАСР*

ИККИ ҚОТИЛ



Жиноятчилар ўтирган машина дор қурилган майдонда тўхтамай ўтиб кетди. Дорнинг рўпарасидаги баланд супада бугунги жазо маросимини амалга оширишга масъул бўлган нозир оромкурсида ястаниб ўтирарди. Унинг икки тарафида саккиз киши ҳайкалдек қотиб турибди. Пастда эса тиш-тирноғигача қуролланган бир гуруҳ аскарлар майдонда тўпланган оломон ва машина юкхонасида ўтирган икки маҳбусни ҳушёрлик билан кузатади. Ниҳоят, машина майдондаги одамларни бир бор айланиб, супанинг рўпарасига келиб тўхтади. Қўлида мегафон тутган милиционерлардан бири чаққонлик билан отдан тушиб, оромкурсида савлат тўкиб ўтирган нозирга найча қилиб ўралган аллақандай қоғозни тутқазди.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ *ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР*

ТИКАНЛИ ПИЛЛАПОЯЛАР



–Ундай бўлса, келаси чоршанба куни тайёргарлигингизни кўриб келаверинг, диссертациянгизнинг муҳокамасини ўтказамиз, – дедилар.

Хурсандчилигимнинг чеки йўқ. Лекин бари бир ишонқирамай қайтдим. Айтган кунлари борсам, илмий ишимни беш киши ўқиб, жиддий муҳокама қилиб, очиқ ҳимояга тавсия қилишди.

– Бир айланиб, тушлик қилиб, соат учларда келсангиз, мажлис протоколини олиб кетасиз, – дедилар устоз.

Ҳақиқатдан ҳам соат учдан кейин борсам, йиғилиш баённомаси кўчирилиб, уч нусхада муҳрланган тураради.

Мадина НОРЧАЕВА *НАЗМ*

ҲУМОЮН АКАМГА



Тоғларнинг
Қачонлардир бўлган муҳаббатлари
Кўксида очилган, бевақт сўлгандир.
Этагига замин осилмагунча
Тоғларнинг ҳам руҳи енгил бўлгандир.

Тоғларнинг...
Тоғ бўлмоқ қисматларини
Борлиқ жим эшитар бир сўз демасдир.
Уларга суянмоқ саодат, гарчи
Пойида унмоқ ҳам осон эмасдир.



Тилсимий созларда авжланар ҳаёт

Комил АВАЗ

Оҳанглар

Боғларни буркади кўклам гулларга,
Учиб келди ғуж-ғуж асаларилар.
Ошён бўлсин деб шўх булбулларга,
Куйлайди вафодан масал арилар.

Таратиб ифорин ўрик, олмалар,
Чорлайди бағрига кўркам боғ-роғлар.
Тўлиб қўшиқ айтар ариқ – солмалар,
Тумшуғин поклайди ҳаттоки зоғлар.

Гулзор теграсида ким топар ҳузур,
Ким пинҳон илинжлаб солади соя.
Гўзаллик матлаи улашганда нур,
Замин меҳварида – эзгулик доя.

Дилларнинг рашҳа[1]си – тонгги шабнамлар,
Соҳир сабоҳларда биллурий ранглар.
Турфа ғамзаланар сунбул, суманлар,
Кўнгиллар ромиш[2] и – сирли оҳанглар.

[1] *Рашҳа – сизиб чиққан томчи.*
[2] *Ромиш – ашула, мусиқа.*

Комил АВАЗ – *Оғаҳий номидаги мукофот соҳиби. 1942 йилда туғилган. Тошкент тўқимачилик (ҳозирги Тўқимачилик ва енгил саноат) институтини тамомлаган. "Ўтаётган вақт", "Тонг эпкини", "Ибрат манзили", "Қировли тонгдаги гурунглар", "Ўзликни англаш хиёбони", "Мукошифот" номли насрий ва назмий китоблари нашр қилинган. Гётенинг "Ғарбу Шарқ девони"нинг катта қисмини немис тилидан таржима қилган.*

Тилсимий созларда авжланар ҳаёт,
Умр бир эпкиндир – мусиқий лаҳза.
Қувончу ғам илгин бешиги баёт,
Гоҳ солса оройиш, гоҳ солар ларза.

Комил Аваз чертиб, айлагай талқин –
Ҳаётбахш мусиқа кўнгил мулкидур.
Баҳордек бетаржим, ҳайратли, яқин,
Маснади тамаддун – олам мулкидур.

Кузакда гуллаган гул

Нетай ё Рабб гулладим мен кузакда,
Кулди дўстлар бари яқин, узоқда.
Қиш олдидан гуллашинг не дейишди,
Бош кўтариб гуврашинг не дейишди.

Менинг эрким эмас дедим, ёронлар,
Кўзимга гул, бўстон саҳро, ёбонлар.
Йўқ-йўқ, бошинг тошдан бўлсин офат бу,
Дедим, нечун офат, балки сабот бу.

Яйраб-яйраб, қанот ёйиб эн кетдим,
Ўзим якто гулгун ёниб энтикдим.
Ён-веримда учар қуруқ хазонлар,
Аста-аста совуб борар озонлар.

Мен-ку, ҳамон яшаргандай боқаман,
Тенгим қадди долларга қош қоқаман.
Гўё мени четлаб ўтар изғирин,
Гўё менга отмас совуқ тизгинин.

Вале шохга ёпишса ҳам гулларим,
Бир-бир учди, қаро бўлди кунларим.
Бевақт гуллаш экан умр заволи,
Ярашар ҳар фаслнинг ўз аҳмоли.

Умрнинг ҳам баҳору ёз, кузу қиш
Фаслларда ўзига мосдур қилмиш.
Қиш фаслингга эсон етсанг, эй фарзанд,
Муносиб қўй қадам қишингга монанд.

Инжа шодалар

Мен буғдойман икки тош орасинда,
Мен ёғдайман икки қош орсинда.
Мен соғдайман икки ёш орасинда,
Мен тоғдайман ой қуёш орасинда.
Кулганга кенг бу дунё.

Сийлаганлар ҳамма султон бўлдиму?
Бир махси, этикка улкан бўлдиму?
Гердайганлар кеккайиб хон бўлдиму?
Сал кенгайиб баҳр уммон бўлдиму?
Кулганга кенг бу дунё.

Сен маҳбуби матлубим кўп озорлама,
Аммо бўлар-бўлмасга кўп зўрлама.
Майли ёзғитингда гоҳо боғлама
Лекин нокаслар олдида зорлама
Кулганга кенг бу дунё.

Теракларнинг учлари сулдир-сулдир,
Дарвешларнинг кийимлари жулдур-жулдур.
Нодонларнинг сўзлари шалдир-шулдир
Аммо баҳор ҳамиша гулдир-гулдир.
Кулганга кенг бу дунё.

Яхшиликнинг бозори йўқ, бўлган эмас,
Бирор кимдан нишон қолган эмас,
Аммо фириблар меъёри сўлғон эмас
Саховат сўзи борлиги ёлғон эмас
Кулганга кенг бу дунё.

Муҳаббат деб яшаяпман дунёда,
Курашаяпман керагидан зиёда.
Беармонман бир бор боқса қиёда
Шундай келгум бордур абадким ёда
Кулганга кенг бу дунё.

Мозий куйлари

Бу тун ожиз сездим ўзимни,
Ноиложлан эздим ўзимни.
Вале хаёл билан тонггача,
Илгарилаб, ўздим ўзимни.
Ёшлигимда кездим баякбор,
Қувулмади дилимдан ғубор.
Очутўқлик, умрим йўллари,
Кўз ўнгимдан ўтди бир қатор.

Булар нолиш туйғуси эмас,
Алданишлар қутқуси эмас.
Фақат оний ожизлигимдан,
Эртанги тонг отқуси эмас.

Буролмадим шўхшан ўйларга,
Ғарқоб бўлдим мозий куйларга.
Ва ярқ этди "Сегоҳ" сўнггида –
Ўзни топдим дардим сўйларга.

Сирли олам

Сирли оламда яшар борлиги сирли одам,
Ёлғончимас дегулик ёрлиғи кирли одам.

Ўтиб не кўп замонлар йўқотмай шамойилин,
Англамай кетар хилма-хил турли одам.

Кими содда, ким камтар, ким муғомбир манмандур,
Ўйлар ўзимнан ўзга йўқдур ақлли одам.

Алдов бозорларида сиғмас чайқов оломон,
Имонлидан имонсиз кўп камдир зикрли одам.

Одам ато Ҳавожоннинг гўзаллиги намоён,
Бири-биридан гўзал аҳли аёли одам.

Имон бойи бўл, мулкинг авлодинга етгулик,
Демасинлар эди у зиқна, қусурли одам.

Аё, Тангрим, ўзинг сақла йўқдур Комил Аваздек,
Юраки жароҳатли, рози узрли одам.

Жоним сиза
(Хоразм оҳангида)

Сўвганим, суйдирганим, шуғина жоним сиза,
Куйганим, куйдирганим, шуғина жоним сиза.

Қури[1] бир сиза айтгум, сиза бир аркалигим,
Очмағайсиз сирлигим, шуғина жоним сиза.

Доғимсиз суянганим, боғимсиз гуллаганим,
Севилиб севилганим, шуғина жоним сиза.

Ғийбатдан тўлган жомим, заҳридан талхдир ком[2] им,
Ғамга тўлдирманг шомим, шуғина жоним сиза.

Сиза қоши камоним, мужгонлари пайконим,
Отинг, гўринг ўлганим, шуғина жоним сиза.

Рашк ўтинда ёнғаним, ҳижрон аро қолғоним,
Ёлғон амас айтқаним, шуғина жоним сиза.

Комил Аваз гумоним, ушалди кўп армоним,
Алдамин айтса, жоним, шуғина жоним сиза.

[1] *Қури – фақат*
[2] *Ком – оғиз.*

Икки қотил

Қисса



Муродбой НИЗАНОВ

– Қочинглар! Йўлни бўшатинглар!

– Нарироқ туринг! Яқинлашманг!

– Кимда-ким қотилларга ёрдам беришга уринса, огоҳлантирмасдан отаман!

– Халойиқ, қулоқ солинг! Бегуноҳ инсонларнинг умрига зомин бўлган икки қотил бугун сизнинг кўз олдингизда дорга осилади. Қонхўрларга лаънат бўлсин!

От минган икки нафар милиция ходими қўлидаги мегафонда галма-гал хитоб қилганча, оломоннинг орасидан ўтиб келарди. Одамлар уларга жавобан:

– Ёвузларга ўлим!

– Қотилларга шафқат йўқ! – дея ҳайқиради.

Милиция ходимларининг ортида кузови очиқ каттагина юк машинаси аста юриб келаяпти. Машина юкхонасида қўл-оёғига оғир кишан урилган икки банди йигит ердан кўз узмай ўтирибди. Уларнинг тепасида қурол ўқталган бир жуфт аскар ғўдайиб турибди.

Милиционерлар мегафон орқали оммага хитоб қилади:

– Халойиқ! Қотилларнинг аҳволини кўриб қўйинг. Бегуноҳ одамларнинг жонига зомин бўлган жиноятчиларнинг ҳоли шундай кечади!

– Халойиқ!..

Майдонда зич тўпланиб олган одамлар тинимсиз ғала-ғовур қилар, баъзилар тутқунларни ўз кўзи билан кўриб қолиш илинжида олдинга ўтишга уринарди.

– Ё, Худойим, ўзинг асрагайсан. Илойим, ҳар бандангнинг омонат жонини ёстиқда олгайсан...

– Бундай хору зорликдан Яратган Эгамнинг ўзи сақласин.

Оломон орасидаги кексалар шу тариқа дуо қилиб, ёқасига туфлаб қўйишади. Нарироқда эса баъзилар ўлимга ҳукм қилинган касларнинг қилмишини ўзаро муҳокама қилишаяпти:

– Булар нечта одамни ўлдирган экан?

Муродбой НИЗАНОВ *– Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси. 1952 йилда туғилган. Нукус педагогика институтини тамомлаган. “Текин парвоз”, “Телефон жинниси”, “Кулдиргани учун айбдор” номли ҳажвиялар тўпламлари, “Душман”, “Охират уйқуси” романлари, “Ақчагул”, “Икки қотил” қиссалари нашр этилган.*

– Ким билади дейсан, ҳар қалай, ўнтадан кўп бўлса керак.

– Ундан ҳам кўпроқ! Анави ўнг тарафдагисининг ўзи тўртта оилани гўдагидан-кексасигача бўғизлаб ташлаган.

– Бу томондагисини мен танийман. Тўнғиз қўпгур нашанинг касрига эс-ҳушидан айрилиб, хотинини молдай чавақлаган!

– Оббо, ваҳшийлар-ей!.. Нега қараб турибсиз, уринглар уларни!

– Халойиқ, қонхўрларни тошбўрон қилинг!

Майдонда бот-бот шундай мазмунда ғазабнок хитоблар янграб, бандиларга тош, кесак ёки қайишнинг тўқаси отилади. Улар қўл-оёғи боғлиқ бўлгани учун ўзини ҳимоя қила олмас, фақатгина кўзини чирт юмиб олиб, бошини ўнгу сўлга бурганча зарбаларга чап беришга беҳуда уринарди. Икковининг ҳам оғиз-бурнидан тинимсиз қон оқаяпти.

Жиноятчилар ўтирган машина дор қурилган майдонда тўхтамай ўтиб кетди. Дорнинг рўпарасидаги баланд супада бугунги жазо маросимини амалга оширишга масъул бўлган нозир оромкурсида ястаниб ўтирарди. Унинг икки тарафида саккиз киши ҳайкалдек қотиб турибди. Пастда эса тиш-тирноғигача қуролланган бир гуруҳ аскарлар майдонда тўпланган оломон ва машина юкхонасида ўтирган икки маҳбусни ҳушёрлик билан кузатади. Ниҳоят, машина майдондаги одамларни бир бор айланиб, супанинг рўпарасига келиб тўхтади. Қўлида мегафон тутган милиционерлардан бири чаққонлик билан отдан тушиб, оромкурсида савлат тўкиб ўтирган нозирга найча қилиб ўралган аллақандай қоғозни тутқазди.

Нозир салмоқ билан ўрнидан туриб, бўрон қўпган денгиздек беҳаловат гувиллаб ётган ҳалойиққа юзланди.

– Муҳтарам жамоат! – деди у овозига тантанавор тус бериб. – Мана, қилмишига яраша ўлим жазосига ҳукм қилинган икки жиноятчи қаршингизда турибди. Бу малъунларнинг иккови ҳам ўзининг жуфти ҳалолини шафқатсизларча ўлдирган. Жаннат – оналарнинг оёғи остида, дейишган. Айтишларича, бечора мақтулалар фариштадай беозор аёллар бўлишган экан. Ҳали улар ширин фарзандларни дунёга келтириши мумкин эди. Афсус... Биз бу қаттолларни халқнинг кўз ўнгида дорга осишга қарор қилдик. Бундан буён ҳар қандай қотилликнинг оқибати мана шундай бўлади. Сизлар шунга розимисизлар?

– Розимиз! – дея гувиллади оломон.

– Ундай бўлса, қонхўрлар дор тагига келтирилсин!

– Шошманг, муҳтарам нозир! – жиноятчилардан бири кутилмаганда оёқ-қўлини чирмаб турган занжирни шиқирлатиб ҳайқирди. – Илтимос, бизга охирги марта сўз беринг!

– Сизлар сўроқ пайтида ҳамма гапингизни айтиб бўлгансиз!

– Унақа эмас! Қолаверса, ўлимимиз олдидан халқимиздан розилик сўрашимизга рухсат беринг.

Нозир бир муддат унсиз қолди.

– Халойиқ, сўз берамизми? – деди у бироздан сўнг.

– Берамиз! – дея хитоб қилди оломон.

– Унда биринчи жиноятчини юқорига олиб чиқинглар.

Биринчи қотилнинг ҳикояси

– Онамнинг айтишича, одам боласи дунёга келмасдан бурун номаи аъмоли довот-қалам билан пешонасига ёзиб қўйилар экан. Менинг ҳам қисматимга бугун мана шу майдонда дорга осилиш ёзилган бўлса керак. Янаям ким билсин, ноумид – шайтон дейишган...

Бошиданоқ айтиб қўяй, мен умрим бино бўлиб чивинга ҳам озор бермаганман. Лекин қисмат экан, бугун ўн икки йил бир ёстиққа бош қўйган, кўрган одамнинг ҳавасини келтирадиган йигирма етти яшар нозанин хотинимнинг қотилига айланиб, олдингизга бош эгиб турибман. Мен ростдан ҳам шу аёлга муносибмидим? Очиғини айтсам, биз бир-биримизнинг тенгимиз эмас эдик. Чунки мен табиатан қатъиятсиз, тортинчоқ одам эдим. Шунинг учун тенгқурларим мени “Мўмин” деб чақирар эди. Биз оилада беш фарзанд эдик – икки опам, икки синглим ва мен. Ёлғиз ўғил бўлганим учун ота-онам ҳам, опа-сингилларим ҳам мени яхши кўришар, сира раъйимни қайтаришмас эди. Бироқ уларнинг ҳеч бири менинг феъл-атворимни ўзгартиролмади. Мен болаликдан тортинчоқ, уятчан бўлиб ўсдим. Кўча-кўйда тенгқурларим доим мени яккалаб қўярди. Баъзан онам ёки опаларим уларга қурт ёки қанд-қурс улашиб, мени уларнинг даврасига қўшиб қўярди. Лекин бундай қувончли дамларим узоққа чўзилмайди. Бехосдан биронтасининг оёғини босиб оламан ёки қалтисроқ туртиб юбораман. Оқибатда бошимда мушт, уйга йиғлаб кетаман.

– Сени урганни Худо урсин, илойим, – дея онам муштумзўрларни роса қарғайди.

Бу гапларга чиппа-чин ишониб, уларни Худо уришини кута бошлайман. Бироқ мени калтаклаган ўспиринлар ҳеч нарса бўлмагандай кўча чангитиб юраверади.

Шу тариқа мактабни битирдим. Тенгдошларим турли шаҳарларда ўқишга кетишди. Бироқ мени ҳеч қаерга оёғим тортмади. Яшириб нима қилдим, саводим ҳам ҳаминқадар эди. Муаллимнинг бир сабоғини тушунсам, бошқасини англамай синфда мум тишлаб ўтирардим. Билмаганларимни сўрашга тортинардим. Чунки икки оғиз гапни эплаб гапиролмасдим, мабодо бир нарса десам, синфдошларим гапимни илиб олиб, кун бўйи мазах қилиб юришади...

Ҳурматли жамоат, сизлар менинг гапларимни эшитиб, бу ақли ноқис, бедаво одам экан деб ўйлаётгандирсиз. Унчалик эмас. Менинг ҳам фаҳм-фаросатим жойида. Фақат журъатсиз одамман. Ўзгаларнинг олдида хато гапириб қўйишдан қўрқаман. Кимдир савол берса жавоб бераман, бошқа пайтда сукут сақлашни маъқул кўраман. Мана шу одатим йиллар давомида оёқ-қўлимга кишан бўлиб келди. Тенгдошларим уйланиб, аллақачон бир-иккитадан фарзандли бўлган бўлса-да, мен ҳамон сўққабош эдим. Қизларга ҳам мендай одамови кимсадан кўра, ерга урса кўкка сапчийдиган шўх йигитлар кўпроқ ёқишига кўп бор гувоҳ бўлдим. Бундай йигитлар кўча-кўйда ёки автобусда сулув қизларга дуч келса, тап тортмай уларни қучоқлаб олади. Бундай пайтларда мен хижолатдан ўзимни қўярга жой тополмай қоламан. Лекин қизлар унчалик ҳам уялиб ўтирмайди, қайтанга ўзини қучоқлаб олган олифтага зимдан умид билан қараб қолади. Хуллас, ана шундай енгилтабиат йигитлар ота, қизлар она бўлишди. Ота-онам мени уйлантиришга роса ҳаракат қилди. Бояқишлар қартайган чоғида менга қаллиқ топиш илинжида озмунча елиб-югурдими? Уларнинг эл-юрт орасида иззат-ҳурмати жойида эди, шунинг учун борган хонадонидан ноумид қайтмасди. Бироқ қиз билан учрашганда

мен доим қовун туширардим. Бир гал келинликка номзодлардан бирининг уйига борганимизда у бизга чой ўрнига қайноқ сув дамлаб берди. Ҳамроҳ бўлиб борган дўстим “Демак, унга ёқмадинг” деди. Бошқа бир қиз билан бозорда учрашишга келишдик. Айтилган пайтда у келди. Лекин мендан садо чиқмади, у ҳам лом-мим демади. Икковимиз анча маҳал оғзимизга талқон солиб ўтирдик. Бироздан сўнг қиз:

– Сиз шу ерда ўтириб туринг, мен дўкондан совун олиб келаман, – деб ўрнидан туриб кетди. Шу куни кечгача унинг йўлига кўз тикиб ўтирдим. Энди ўйлаб кўрсам, у сени совундан нима фарқинг бор, деб жўнаб юборган экан.

Ҳар гал овулимизнинг бригадири Сапарали мени учрашувга эргаштириб борарди. У аста-секин менга қизлар билан гаплашишни йўл-йўриғини ўргатди. Бироқ панд-насиҳатлари сира фойда бермади. Сапарали кеч тушганда мени бозордан қайтган новвосдай овул кўчасидан эргаштириб ўтади. Бир йигитнинг ёнидан етти дуркун қиз ўтади, дейишган бўлса, менинг ёнимдан нақ ўн тўртта қиз ўтди. Лекин биронтасининг кўнглига йўл тополмадим.

Тоқати-тоқ бўлган онам охири тоға юртимизга бориб, Қарлибой темирчи деган одамнинг қизига оғиз солиб келди.

– Болам, шу сафар сўлжайиб ўтирмай қиз билан яхшилаб гаплаш, – деди у. – Лабинг қимирлаб турса бас, ота-онасини ҳам, қизни ҳам розилигини олиб келдим.

Сапарали икковимиз Қарлибой темирчиникига пойи-пиёда жўнадик. Бригадир йўл-йўлакай эшитавериб миямга сингиб кетган панд-насиҳатларини такрорлади:

– Бу сенинг охирги имкониятинг, Мийирбек дўстим, эс-ҳушингни йиғиб ол. Агар шу гал ҳам эплолмасанг, бир умр аёл зотига зор бўлиб ўтасан. Мен ҳам энди олдингга тушиб, эл-юрт кезиб юрмайман!

Мен унинг гапларини унсиз маъқулладим. Пешин пайти уйдан чиққан эдик, говгум пайти Қарлибой темирчини қўшнисининг уйига қўндик. Сапарали хонадон эгаси билан олдиндан таниш экан, бир зумда апоқ-чапоқ бўлиб кетди. Бир чойнакдан чой ичиб бўлганимиздан сўнг у мезбонга муддаомизни очиқ айтди.

– Хайрли юмуш экан, илойим, ўнгидан берсин, – деди хонадон эгаси.

– “Қутлуғ бўлсин”ни кейин айтасиз, – деди Сапарали унга. – Келин танлаш жуда бошоғриқ машмаша экан. Мийирбекни бугун ўн бешинчи марта учрашувга бошлаб келаяпман.

Уйдагилар бир-бирига қараб кулиб қўйишди. Мен уятдан қора терга тушиб кетдим.

– Арағингиз борми? – дея сўради Сапарали уй эгасидан.

– Бор.

– Бу ёққа олиб чиқинг.

Бироздан сўнг учта пиёлага ароқ қуйилди.

– Куёвтўрага тўлдириб қуйинг, – деди бизнинг йўлбошчимиз.

– Сапарали оға, мен...

– Шуни ичиб юборсанг, кейин қиз тугул, манави хотинни ҳам қўшиб олиб кетамиз деб туриб оласан!

Хуллас, кўзимни чирт юмиб, пиёладаги ароқни охиригача сипқориб юбордим. Кўз олдим жимирлаб, назаримда уйнинг ичида қалдирғочлар учиб юргандек туюлди. Негадир кайфиятим кўтарилиб, қўшиқ айтгим келди. Лекин тортинчоқлигим бунга йўл бермас эди.

– Қачон борамиз? – сўрадим Сапаралидан.

– Қаёққа? – деди у ҳайрон бўлиб.

– Темирчининг уйига-да.

– Нима, темирчига кетмон буюртирмоқчимисан?

– Йўғ-ей, ҳалиги...

– Тушунарли, бироз сабр қил. Ҳозир янганг чақиртириб келади. Қиз бола деган учрашувга янгаси билан бирга чиқиши керак, айниқса, сенга ўхшаган йигит билан...

Хонадон бекаси қизни чақириш учун чиқиб кетиб, орадан ярим соат ўтар-ўтмас қайтиб келди.

– Бўрими-тулкими? – сўради Сапарали сабри чидамай ундан.

– Бўри, – кулди аёл.

– Қизнинг ўзи қаерда?

– Нариги уйда ўтирибди. Сен йигитни киритиб юбор, иккови гаплашиб олсин.

Бу гапдан сўнг бояги жасоратим тумандек тарқаб кетиб, мени яна ҳаяжон босди. Юрагимнинг гурсиллаб уриши бутун хонага эшитилиб тургандек эди. Сапарали судрагандек ташқарига бошлаб чиқди.

– Уят-шармни йиғиштир! Боя сенга айтдим, бу – охирги имкониятинг. Бу гал ҳам бўшанглик қилсанг, кейин ўзингдан ўпкалайсан.

У мени қўшни хонага киритиб юбориб, ортимдан эшикни ёпди. Қиз тўрга солинган кўрпачанинг бир чеккасида қунишиб ўтирган экан. Менга назари тушиши билан дик этиб ўрнидан турди-да, деразанинг олдига борди. Мен унга яқинлашишга ботинолмай, остонада қаққайиб туравердим.

– Шу... Эсон-омон юрибсизми, қариндош? – дедим бироздан сўнг тилим зўрға калимага келиб.

– Эсон-омон юрганимиз учун олдингизда турган бўлсак керак-да, – деди у ҳозиржавоблик билан.

Мен ортиқ нима дейишни билмай довдираб қолдим. Чунки Сапаралининг айтишича, қиз бу саволимга бир оғизгина “шукр” деб жавоб бериши керак эди. Кутилмаганда у қоидани бузди. Энди бошқа гап топиб, ҳангомани давом эттиришим керак. Аксига олиб, шу пайтда бирон маънили гап тилимга келмасди.

– Нима, оғзингизга талқон солиб олдингизми? – деди қиз менга синчков тикилиб.

– Узр, хаёл билан бўлиб...

– Нималарни хаёл қилаяпсиз?

Аъзойи баданимни тер босди. Шу топда калламда хаёл бор эканми?

– Онам айтган эди... – дедим чайналиб.

– Нимани айтган эди?

– Сиз билан турмуш қуришимиз керак экан.

– Онангиз бу гапни менга ҳам айтди, – деб қиз менга томон икки қадам юрди. У менинг бўшанглигимни аллақачон пайқаган эди. – Бироқ у киши гапнинг давомини ўғлимдан эшитасан деган эди.

– Йўқ, мен унақа гапга уста эмасман, – деб яна довдираб қолдим.

– Ичдингизми? – деди қиз кўзимга тикилиб.

Мен ундан назаримни олиб қочишга уриндим.

– Қўймаганларидан сўнг... Озгина...

– Унда бугун гаплашадиган гапимиз йўқ.

– Нега? – дедим мен тортиниб.

– Чунки бу – умр савдоси. Ақли бор одам умр савдосини маст пайтида ҳал қилмайди.

Қиз шу заҳоти ортига бурилиб, хонадан чиқиб кетди. Мен қўлидаги қушини учириб юборган овчидек шалвираганча Сапаралининг олдига қайтдим.

– Хўш, нима бўлди? – деди у сабри чидамай. Мен мезбонлардан уялиб, унинг саволига жавоб бермадим.

– Қиз қаерда? Гапирсанг-чи!

– Кетди.

– Қаёққа кетади?

– Уйига.

– Нима деди?

– Ичган экансан, умр савдоси мастликда ҳал қилинмайди деди.

– Оббо! – деб Сапарали тиззасига тарсиллатиб урди.

Шундан сўнг бошқа ароқ ичилмади. Эрталабки нонуштадан сўнг янгамиз тағин қизни эргаштириб келиб, икковимизни холи қолдирди.

Бу гал ҳам бир муддат мум тишлаб ўтирдик.

– Мана, бугун ичмадим, – дедим мен тилга кириб.

– Азонда ароқ ичиб бўларканми?

Яна тилимни тишладим.

– Исмингиз нима? – сўради қиз.

– Мийирбек.

– Мийирбек, адашмасам, сиз менга севги изҳор қилмоқчи бўлиб турибсиз, тўғрими?

Воҳ! Қиз бу гапи билан елкамдан оғир бир юкни олиб ташлагандай бўлди. Ақлингга қойилман!

– Шундай, қариндошим, – дея минғирладим мен.

– Бироқ бундай нозик масалада кундузи гаплашилмас эди-ку, – деди у сирли кулимсираб. – Қаранг, деразадан қуёш мўралаб турибди. Нима, сиз қуёшдан уялмайсизми?

– Уяламан.

– Куппа-кундузи ошиқ-маъшуқлик ҳақида сўзлашсак уят бўлар.

– Унда қачон?..

– Кеч тушишига вақт бор, шекилли?

– Тўғри-ку, бироқ уйда онам сизнинг жавобингизни кутиб ўтирибди.

– Унда бугун кечқурун уйга ўта қолинг.

– Сизникигами?!

– Ҳа, бизникига! Кечқурун уйда янгам икковимиздан бошқа ҳеч ким бўлмайди.

Қиз чиқиб кетди.

– Яна боплабди! – деди Сапарали бор гапдан хабар топгач. – Сени қара-ю. Аввалроқ ўрнингга ўзим қизлар билан гаплашсам бўларкан.

Энди афсусланишдан фойда йўқ эди. Бу қиз бизнинг Сапаралидан анча ақллироқ экан, деган ўй кечди хаёлимдан. Чунки ақли бор ошиқ куппа-кундуз куни қиз болага муҳаббат изҳор қиладими? Киноларда ҳам унақа эмас. Сапаралининг шунга ҳам ақли етмади-ку...

Кечқурун қиз билан янгаси бизни кутиб олиб, уйга бошлаб кирди. Ўртада шоҳона дастурхон ёзилиб, турли ичимликликлар қўйилган экан. Бу маназарани кўриб, бўлажак қаллиғимнинг, “Умр савдосини мастликда ҳал қилиб бўлмайди”, деган гапи эсимга тушди. Ўзимча бугун ичмасликка қарор қилдим. Аммо бунинг имкони бўлмади. Бироздан сўнг янгамиз шишалардан бирининг қопқоғини очди.

– Сизга ўхшаган йигитлар дунёга бир марта келади, – деди у кўзларини сузиб. – Бунинг устига, бизнинг остонамизни босиб келибсиз, шунинг шарафига бир-икки ҳўпламдан ичмасак бўлмас.

Пиёлалар тўлдирилди. Сапарали бизнинг яхши ният билан келганимизни айтиб, ишларимизга ривож тилади-да, пиёладаги ароқни охиригача ичиб юборди. Унинг ортидан янга ва қиз... Мен ҳамон пиёлани ушлаганча сукут сақлаб ўтирардим.

– Сиз нега ичмаяпсиз, куёв бола? – деди қизнинг янгаси.

Мен уялиб ерга қарадим.

– Унга ўзим газак олиб бераман! – деб бўлажак қайлиғим санчқида бир бўлак помидор узатди.

– Йўқ, мен ичмайман.

– Қачондан бери?

Мен индамадим.

– Қўйинг, йигит кишига ноз қилиш ярашмайди, – деди у бўш келмай. – Олинг энди, қўлим толиб кетди.

– Ахир, кеча ўзингиз...

– Биламан, умр савдосини маст ҳолда ҳал қилиб бўлмайди деган эдим. Бироқ мен ичиб қўйдим-ку.

– Унда бу гал ҳам ҳал бўлмас экан-да, – деди Сапарали хавотирли қиёфада.

– Ҳал қиламиз, оға, – деди қиз. – Инингиз икковимиз ҳам ичиб олиб гаплашсак, ҳаммаси яхши бўлади.

Шу гапдан сўнг ичмай бўладими? Ичдим... Кейин иккинчи, учинчи қадаҳни бўшатдик. Ҳар гал қиз менинг ёнимга келиб:

– Мен десангиз, шу гал ҳам йўқ демайсиз! – дейди жон олгудек ноз билан. Йўқ дейишга ҳолим бор эканми? Мен ҳам қизнинг юзидан ўтолмай ичавердим. Хуллас, эртаси куни чошгоҳ пайтида уйғондим, бошим тарс ёрилгудай оғрияпти. Сапарали эса менинг пойимда тош қотиб ухлаяпти. Уйда икковимиздан бўлак ҳеч ким йўқ. Дастурхон йиғиштириб олинган. Уст-бошимни тартибга солаётиб кўкрак чўнтагимдан чиқиб турган бир парча қоғозга кўзим тушди. Шу заҳоти очиб кўрдим. Қоғозда менинг бўш шишани қучоқлаган кўйи парёстиққа бош қўйиб ухлаб ётган ҳолатим чизилган экан. Сапаралини уйғотиб, қоғозни унга кўрсатдим.

– Кетдик, – деди у норози қиёфада. – Ҳаммаси тушунарли. Барибир бу қиз сенга тегмайди...

Шу пайт супада ўтирган нозирнинг тоқати-тоқ бўлиб, жез қўнғироқнинг арқонини тортди.

– Сен бўлмағур гаплар билан вақтимизни олаяпсан!

– Афв этинг, муҳтарам нозир, дунёда ҳар бир ишнинг сабаб ва натижаси бўлади. Мен ҳам бу гапларни бежиз айтаётганим йўқ, чунки бекорга бировнинг жонига қасд қилмаганимни исботлашим керак.

– Унда қисқа ва тушунарли қилиб гапир!

– Ўлим олдидан сўнгги дамларимни мендан қизғанманг, муҳтарам зот! Чунки ҳикоямни тугатишим билан менинг бу дунёдан насибам ҳам узилади.

– Давом эт!

– Шундай қилиб, бу менинг охирги марта қаллиқ ўйинига чиқишим бўлди. Ота-онам ҳам келин олиб, невара суйишдан умидини узди. Опа-сингилларим турмушга чиқиб кетишгач, онам анча қартайиб қолди. Мен нақ оиланинг келинига айланиб қолдим. Ўзим чой қайнатиб, овқат пишираман, сигир соғаман...

Бир куни Сапарали уйимизга кириб келди.

– Яқинда бир журналда қизиқ нарсани ўқиб қолдим, – деди у онамга. – Қайсидир мамлакатда ўттиз беш яшар йигит ҳар куни рўзғор ишларини қилавергани учун бора-бора ўзи ҳам буткул аёлга айланиб қолибди.

– Ё, тавба! – деди онам ёқасини тутамлаб. – Худонинг ўзи ҳар бандасини бундай кўргиликдан сақласин!

– Мийирбек ҳам эртадан-кечгача қозон-товоқ билан ўралашиб юриб, аёлмижоз бўлиб қолишидан қўрқаман, опа. Хўп десангиз, уни ўзимга ҳисобчи қилиб ишга олмоқчиман.

– Майли, чироғим. Шундоғам болам бечора уйда зерикиб кетди.

– Яқинда пахта терими бошланиб, шаҳардан ҳашарчи қизлар келади. Насиб этса, шулардан биттасини ўғлингизга тўғрилайман.

– Қайдам... Ёши ҳам ўттиз бешдан ошди.

– Ҳечқиси йўқ, тенги топилади.

Тез орада бригадада ҳисобчи бўлиб ишлай бошладим. Чиндан ҳам, кузда институтдан теримчилар келишди. Йигирма икки қиз ва тўрт йигит. Чет тиллар факультетининг тўртинчи курс талабалари экан. Сапарали уларнинг орасидан уч қизни бизнинг уйга жойлаштирди. Оз муддатга бўлса-да, қозон-ўчоқ муаммосидан қутулдим. Лекин баъзан ўчоқбошига югуриб борганимни ўзим сезмай қоламан. Бундай пайтларда қизлар менинг ҳаракатларимни зимдан қизиқиш билан кузатиб туришади.

– Исмингиз нима? – деди кечқурун қизлардан бири.

– Мийирбек.

– Менинг исмим Ойпарча, – деди у. – Сиздай одамнинг хотини жуда бахтли бўлса керак?

– Хотиним йўқ.

– Нега? Кетиб қолганми?

– Ҳали уйланмадим.

– Ростданми?

– Ҳа.

У нарироқдаги дугоналарига қараб қичқирди:

– Қизлар, послушайте! Жентельмен нашелся мне?

Ойпарча шу кундан бошлаб мени “Мой жентельмен” деб чақиришга одатланди. Мен уялиб кетаман. У эса жўрттага қилгандай уйда ҳам, далада ҳам шу гапни тилидан қўймайди:

– Мой жентельмен, идем сюда!

Ҳашарчилар қайтиб кетадиган пайт яқинлашди. Далада кўрак терими давом этарди. Кечқурун тарозининг бошида турган эдим. Бир пайт отизнинг ўртасида Ойпарча қаноргa суянганча мени қўли билан имлаб чақира бошлади. Аста олдига бордим.

– Қанорни елкамга қўйиб юборинг, – деди у.

– Ўзим орқалаб бора қолай.

– Йўқ, зўриқиб қолишингиз мумкин, – деди у кулиб.

– Ҳеч нарса қилмайди, – дедим пинагимни бузмай. – Бундан оғир юкларни ҳам кўтариб юрибмиз.

– Унда бирга кўтарамиз. Ўзи, анчадан бери сиз билан тарозининг бошига қўл ушлашиб боришни орзу қилиб юрибман, – деди у.

Мени ҳаяжон босди. Ахир, унинг қўлини қандай ушлайман?

– Бўла қолинг, – деди Ойпарча қанорнинг сиртидан бир қўлини менга узатиб. Мен тортина-тортина унинг қўлини ушладим. Қизнинг юмшоққина кафтининг ҳароратини ҳис қилиб, сесканиб кетдим.

Курак солинган қанор анча енгил эди. Шундай бўлса-да, беш-олти қадам юрганимиздан сўнг Ойпарчанинг оёқлари чалишиб, ариққа йиқилди. Ҳамон қўлимни маҳкам чангаллаб турган қизнинг ўрнидан туришига кўмаклашмоқчи бўлдим, бироқ унинг ўзимга боқиб турган ишвали нигоҳига кўзим тушиб, довдираб қолдим.

– Ўтиринг, – деди Ойпарча қўлимдан тортиб.

– Ҳеч қаерингиз оғримаяптими? – дея сўрадим ёнига тиз чўкиб.

– Юрагим оғрияпти.

– Нега?

– Ҳайронман. – У кутилмаганда қўлимни кўкрагига босди. – Дукиллашини сезаяпсизми?

– Ҳа.

– Сизнингча, юрагим нима деяпти?

– Билмайман.

– Мени севасанми, Мийирбек, деяпти!

Мен уялиб, кўзимни олиб қочдим.

– Қўрқманг, ҳеч ким кўргани йўқ, – деди у мени ўзига тортиб...

Хуллас, икковимиз пахтазор орасида бир муддат ўпишиб ётдик. Қиз боланинг кучоғи бунчалик лаззатли бўлишини биринчи марта ҳис қилдим.

– Кечқурун ёнимга келинг, Мир, – деди Ойпарча ўрнидан тургач ишва билан.

– Қизлар бор-ку?

– Улар ухлагандан сўнг келинг.

– Уяламан, сезиб қолишса...

– Унда ўзим бораман!

Шу куни биз эҳтиросларимизни жиловлай олмай, эрталабгача бир-биримизга чирмовуқдай ёпишиб ётдик. Ойпарча бокира эмас экан, аммо у инъом қилган тотли дамларнинг завқидан сармаст бўлиб, бу нарсага ортиқча аҳамият бермадим.

Тез орада ҳашарчилар шаҳарга қайтди. Ойпарча эса келин бўлиб бизникида қолди.

– Она, рухсат берсангиз, ўқишимга бормоқчи эдим, – деди орадан бир ҳафта ўтгач, эрталаб чой ичиб ўтирганимизда.

Онам савол назари билан отамга қаради.

– Бораверсин, – деди отам. – Эрга тегдим деб ўқишини ташлаб қўймайди-ку. Қозон-товоқни Мийирбекнинг ўзи эплайди.

– Қаёқдаги гапни гапирасиз-а, отаси, – деди онам оғриниб. – Менинг қўл-оёғим йўқми, рўзғор юкини ўғлимнинг елкасига ортиб қўйсам... Худога шукр, ҳали куч-қувватим жойида.

Чиндан ҳам, келин туширгандан бери онамнинг кайфияти кўтарилиб, анча қувватга кириб қолган эди.

– Она, сизга айтадиган яна бир гапим бор, – деди Ойпарча одоб билан.

– Гапиравер, қароғим.

– Отам менга атаб уч хонали квартира олиб қўйган эди. Қачон оила қурсанг, шу уй сеники, деган.

– Қаерда?

– Микрорайонда.

– Худойим-ей, ота деган уй-жойни ўғлига олиб бермасмиди?

– Отамнинг ўғли ҳам, қизи ҳам менман.

Онам айтган гапидан пушаймон бўлиб, жимиб қолди.

– Ҳайҳотдай уйда бир ўзим яшашга қўрқаман, – деди Ойпарча. – Агар рози бўлсангиз, Мийирбекни ҳам ўзим билан бирга олиб кетсам...

Чол-кампир бир муддат иккиланиб қолишди.

– Майли, бора қолинглар, – деди отам ниҳоят. – Қаерда бўлсангиз ҳам Худо бахтингизни берсин.

Кузнинг сўнгги кунларидан бирида жомадонга кийимларимни жойлаб, шаҳарга йўл олдим. Ойпарча уйдан ортиқча нарса олишимга йўл қўймади. Унинг отаси квартирада ҳамма шароитни муҳайё қилиб қўйган экан. Биз ҳеч нарсага зориқмай яшай бошладик. Қайнотам Фанлар академиясида профессор, қайнонам институтда ўқитувчи экан. Менинг одобим уларга маъқул бўлди.

– Қизимиз сал эркароқ ўсган, – деди бир куни профессор мени холи олиб қолиб. – Сен эркак кишисан, сал қаттиққўлроқ бўлиб, уни измингга солиб ол. Барибир қизим сени ташлаб кетолмайди, мен бунга йўл қўймайман.

– У менинг йўриғимга юришни истамаса нима қиламан? – дедим иккиланиб.

– Шунга ҳаракат қил. Бироқ чегарадан чиқма.

Профессор менинг қизига қўл кўтара олмаслигимни яхши биларди. Шундай бўлса-да, эслатиб қўйишни маъқул кўрди, шекилли. Чунки қайнотамникига меҳмонга борган пайтларимизда Ойпарча атайин менга ўзининг малайидек муомала қилар, бу билан ота-онасининг олдида ўзининг оиладаги мавқеини кўрсатиб қўймоқчи бўларди. Бунинг устига, хотиним спорт билан шуғулланган, қиличбозлик бўйича бир неча марта республика чемпиони бўлган. Шундай аёл билан пачакилашишга ҳаддим сиғарканми? Эсимни таниганимдан бери умрим далада ўтди. Тенгдошларим пўрим жинси шимларни кийиб, кўчада савлат тўкиб юрганида мен эски чолворда тўртта тележка уланган трактордa пахта пунктига қатнаганман. Ўша пайтларда мен бугун кечагидан барвақтроқ пахтани топширганимга хурсанд бўлардим. Ўйлаб қарасам, ёшлигим чанг билан гарднинг орасида ўтиб кетибди. Хуллас, мен Ойпарча тугул, дунёдаги энг ювош-мулойим қизнинг ҳам юзига тик қаролмайдиган журъатсиз одамга айланиб қолганман. Бундай феъл-атворим хотинимга жуда ёқади. У кино ёки дискотекага кетганида мен уйда қолиб, мазали овқат пишириб қўяман.

– Мажнуним, ўзимнинг эркатойим! – деб Ойпарча ҳар гал пешонамдан ўпиб қўйиб, уйдан чиқиб кетади. Мен уни қозон-товоққа яқинлаштирмадим. Унинг олдида ўзимни ҳақир, паст санардим. Бир кунмас-бир кун Ойпарча мени уйидан ҳайдаб юборишидан қўрқиб яшадим. Унинг дўстлари кўп эди. Тез-тез уйга ўзи билан бирга ўқийдиган ёки қиличбозлик тўгарагида бирга машқ қиладиган йигитларни бошлаб келади. Мен елиб-югуриб уларнинг олдига дастурхон ёзаман.

– Мой жентельмен, мени рашк қилишни хаёлингга ҳам келтирма, – дейди Ойпарча бундай кезларда. – Улар шунчаки дўстларим. Ўн беш ёшга тўлганимда дадам мени эркалаб, ўғил болаларнинг кийимини кийдирган. Хуллас, ўғил болаларнинг даврасида юриб, эркакшода бўлиб ўсганман.

Ойпарча кўпинча уйда еб-ичиб, яна йигитлар билан чиқиб кетади. Бироқ кечқурун мен билан кўнгилхушлик қилишни ҳам канда қилмайди. Шунинг учун

ундан гумонсирашни хаёлимга келтирганим йўқ. Шубҳаланганимда ҳам қўлимдан нима келарди?

Институтни битириш арафасида унинг ташвишлари янаям кўпайиб кетди. Тушгача ўқиш, тушдан сўнг консультация, орада қиличбозлик машқлари... Кўз очиб кўрган хотиним бўлгани учун унга раҳмим келади. Қўлимдан келганча, шароит яратиб беришга, оғирини енгил қилишга тиришаман.

Бир куни Ойпарча қиличбозлик бўйича халқаро мусобақага кетадиган бўлди. Институтдан ўн икки кунлик йўлланма беришибди. Икковимиз унинг сафар халтасини тайёрладик.

– Қайтиб келгунингча, овулда яшаб турсаммикин? – дедим мен.

– Йўқ, буни хаёлингга ҳам келтирма. Кўриб турибсан, уйда шунча дов-даскамиз бор, қаровсиз қолдириб бўлмайди. Менга ҳасад қилиб юрган душманларим ҳам оз эмас. Улар ҳатто сени ҳам мендан қизғанади. Икковимизнинг ҳам уйда йўқлигимизни билса, бор-будимизни талаб кетишлари мумкин.

– Бўпти, ҳеч қаёққа бормайман, – дедим итоаткорлик билан.

– Ўзим айланай сендан! Онанг сени менга атаб туққан, – деб у худди кенжатой ўғлини эркалагандек пешонамдан ўпиб қўйди.

– Сенга Женевадан қўнғироқ қилиб тураман, – деган эди Ойпарча сафарга кетаётганида. Лекин ваъдасида турмади. Мен эртадан-кечгача уйда телефонга умид билан термилиб ўтирдим. Ростини айтсам, унинг алдаб-аврашларига ёш боладай ишониб, ўргимчакнинг тўрига илинган чивиндек, чорасиз аҳволда қолган эдим. Тунлари киприк қоқмай, тиқ этган товушга умид билан қулоқ тутиб ётдим. Гарчи Ойпарчанинг хориж сафари ўн икки кунлик эканини билсам-да, хаёлимда у мусобақани беш-олти кунда якунлаб, уйга қайтиб келадигандек туюларди. Ҳозир унинг кўнглида менга нисбатан заррача муҳаббат ҳисси бўлмаганини биламан. Бироқ ўша кезларда Ойпарчага ипсиз боғланиб, кўзим кўр, қулоғим кар бўлиб қолган эдим. Хотиним мени чиндан яхши кўради, овулимизнинг қизлари мендай оққўнгил йигитнинг қадрига етмади, деб ўйлардим.

Хуллас, орадан ўн икки кун ўтса-да, Ойпарчадан дарак бўлмади. Хавотирлана бошладим. “Душманларидан биронтаси жонига қасд қилдимикин, ёки у чиққан самолёт ҳалокатга учрадимикин? Балки у бошқа бир йигит билан?.. Йўқ-йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! Ойпарча ҳеч қачон менга хиёнат қилмайди. У мени жонидан ҳам ортиқ яхши кўради”.

Хаёлимни чулғаб олган бундай қарама-қарши ўйлардан ўзим қўрқиб кетаман.

Ниҳоят, ўн еттинчи кун деганда у қайтиб келди. Ярим тун эди. Уйқум қочиб, шифтга термилиб ётганимда узоқдан деразага ёруғ тушиб, бироздан сўнг уйнинг рўпарасига енгил машина келиб тўхтади. Шу заҳоти ўрнимдан туриб, парданинг орасидан ташқарига мўраладим. Машинадан оппоқ кўйлак кийиб олган хотиним тушди. Ҳайдовчи машина юкхонасидан унинг сафар халтасини олди. Ойпарчанинг қўлида ғилофга солинган спорт шамшири бор эди. Сўнг иккаласи машинанинг орқа тарафига ўтиб, атрофга олазарак қараб олди-да, ўпишди. Рашк ва аламдан аъзойи баданим титраб кетди. Шу заҳоти ақлимни йиғиб олдим. “Булар замонавий, ўқимишли одамлар, ўпишиб хайрлашиши айб бўлмаса керак”, деб ўзимни юпатдим.

– Айка, эртага соат учда келаман, – деди нотаниш йигит.

– Келишдик! – деб Ойпарча йўлак томон чопқиллаб кетди.

Мен дарҳол ўрнимга ётиб олдим. Ойпарча бир гал, “Ўзгаларнинг қадамини пойлаб, эшикнинг ортида гап пойлайдиган одамларни ёмон кўраман”, деган эди.

Шунинг учун уни хафа қилишни истамадим.

Эшик қўнғироғи уч марта жиринглагунча қилт этмай ётдим. Шундан сўнг кўзларимни уқалаган кўйи эшикка яқинлашдим.

– Ким?

– Мен, Ойпарчаман, – деди у. Чироқни ёқиб, эшикни очишим билан у бўйнимга осилиб, юз-кўзимдан чўлпиллатиб ўпа кетди.

– Сени жудая соғиндим, Мир! Сен ҳам соғиндингми?

– Соғиндим.

– Кун узоғи уйда бўлдингми?

– Ҳа. Сенинг қўнғироғингни кутиб ўтирдим.

– Қўнғироқ қилишнинг имкони бўлмади.

Ўн етти кунлик айриликдан сўнг биз янги келин-куёвлардек висол шавқидан маст бўлиб, бир-биримизнинг бағримизга сингиб кетдик.

Эртаси куни у кечаги йигит билан келишилган пайтда учрашдими-йўқми, хабарим йўқ, чунки тонг азонда уйдан чиқиб кетиб, қош қорайган пайтда қайтиб келди. Кўриниши жуда ҳорғин эди.

– Айтгандай, Женевадаги мусобақада совриндор бўлганимни биласанми? – деди у овқатланиб бўлганимиздан сўнг.

– Йўқ, ўзинг айтмадинг-ку!

– Анави қилични кўраяпсанми? – Ойпарча деворда осиғлиқ турган ғилофли қиличга ишора қилди. – Уни ғолиб бўлганим учун совға сифатида беришди.

– Нечанчи ўринни олдинг?

– Ярим финалда иккинчи ўринни.

– Табриклайман.

– Раҳмат.

Ота-онамни кўрмаганимга ярим йилдан ошган эди. Уларни жуда соғинганман.

– Бир-икки кун овулга бориб келсак яхши бўларди, – дедим унинг кайфияти яхшилигидан фойдаланиб.

– Нега? – деди Ойпарча ажабланиб.

– Онамнинг соғлиғи яхши эмас эди, шуни ўйлаб хавотирланяпман.

– Ўқишим битсин, кейин овулингга ҳар куни бориб келишимиз мумкин.

– Ўқишинг қачон тамом бўлади?

– Келаси ҳафта сўнгги имтиҳон, кейин ҳужжат тўлдираман. Хуллас, нари борса, йигирма кунда бутунлай қутуламан.

Қирқига чидадим, қирқ бирига ҳам сабр қилганим маъқул, деган қарорга келдим. Йигирма кун ҳам зумда ўтиб кетди. Ойпарча дипломни қўлига олди, лекин кутилмаганда яна иши чиқиб қолди. Уни хорижликлар билан ҳамкорликда ишлайдиган "ТАКС" фирмасига тилмочликка ишга чақиришибди. Маоши директор ўринбосариники билан тенг экан.

Ойпарча фирмада иш бошлагандан сўнг ташвишлари янаям кўпайди. Ҳар куни ярим тунда уйга кириб келиб, эрталаб барвақт чиқиб кетади. Икковимиз кунига атиги беш-олти соат бирга бўламиз. Шу вақтни ҳам асосан тўшакда бир-биримизга тескари қараб ухлаш билан ўтказамиз. Бора-бора деярли гаплашмайдиган бўлдик. Кўпинча у мен пиширган овқатга ҳам қўл урмайди. Ойпарча кўп пул топа бошлади. Шунга яраша, янаям сахий бўлиб қолди.

– Рўзғорга керакли нарсаларни оларсан, – деб қўлимга мўл-кўл пул тутқазади.

– Сенинг ҳам ишларинг кўпайиб кетди, – дедим бир куни. – Ўқишни тамомласам,

ота-онангни кўриб келамиз, деган эдинг...

– Кўриб турибсан-ку, бош қашишга вақтим йўқ. Ҳа, айтгандай, кеча овулингизнинг бригадирини кўрдим, исми ким эди-я?..

– Сапаралиними?

– Ҳа, ўша одам. “Бизнинг чол-кампирлар қалай?” десам, “Зўр!” деди. Сал аввалроқ Қирғизистондан келган бир табиб онангни даволаган экан, шундан бери аҳволи жуда яхши эмиш.

Ойпарча яна олти ойгача овулга бориб келишимга изн бермади. Кейин билсам, у мени овулидан қайтиб келмайди деб қўрққан экан. Унга мен эр сифатида керакманми ёки рўзғорга қарайдиган оқсоч ўрнида қадрлиманми, аниқ билолмасдим.

Хотиним ишлайдиган фирманинг ишлари кун сайин гуркираб кета бошлади. Орадан икки йил ўтиб фирма икки қаватли меҳмонхона билан уч юз ўринли ресторан қурди. Бу иморатлар ҳар куни йўқ деганда бир миллион сўм фойда келтираркан. Шундан сўнг Ойпарча уйни буткул унутди. Икковимиз анча бегоналашиб кетдик. Шу аҳволда яна олти йил бирга яшадик. Бу орада отам вафот этди. Унинг жанозасига меҳмондек бориб келдим. Ҳайҳотдай ҳовлида онам ёлғиз қолди. Шаҳарга кўчириб келишимга Ойпарча рухсат бермади. Ундан воз кечиб кетишга эса менинг журъатим етмади. Тўғрисини айтсам, қўрқдим. Чунки хотиним ишлайдиган фирма хўжайинларидан кўпчилик ҳадиксирар эди. Қўлида миллиардлаб пул ўйнайдиган одамлардан ҳар балони кутса бўлади. Худо кўрсатмасин, агар улар менга қасд қилса, қўлимдан нима келади?

Бир куни онам уйимизга меҳмон бўлиб келди. Ёши етмишдан ошган бўлса-да, касалдан тузалгандан бери анча тетиклашиб қолган эди.

– Болам, мен ҳам отангга ўхшаб сендан рози-ризолик сўрамай ўлиб қолишдан қўрқаман, – деди у мунғайиб. – Бу нима аҳвол? Ундан кўра, тақдирга тан бериб, овулга қайта қол.

Мендан садо чиқмади.

– Эй, Худойим-ей, пешонамда шу кунларни кўриш ҳам бор экан-да. Бундай яшагандан кўра, уйланмаганинг яхши эди. Мен ҳам қариган чоғимда келиннинг қўлидан бир пиёла чой ичмасам, бошқаларга ўхшаб набира суймасам... Сен бу ерда хотинларга ўхшаб рўзғор қилиб ўтирибсан. Кун алламаҳал бўлди, лекин ҳалигача хотинингдан дарак йўқ.

– Келинингиз ишдан кеч қайтади.

– Аёл боши билан ярим тунда кўчада қандай юради? Ишхонасига бориб олиб келсанг бўларди...

Онамнинг гапи баҳона бўлиб, Ойпарчанинг ишхонасига йўл олдим. Фирманинг эшик-туйнуги ёпиқ, фақатгина дарвоза ёнидаги қоровулхонада чироқ ёниб турарди.

– Ичкарида ким бор? – сўрадим қоровулдан.

– Шу пайтда ким ҳам бўларди? – деди у ажабланиб.

Ойпарча икки йилдан буён директор ўринбосари бўлиб ишлайди.

– Директор ёки ўринбосарлари дегандай?..

– Улар ресторанда. Лондондан келган меҳмонларга зиёфат беришаяпти.

Фирмага қарашли меҳмонхона билан ресторан шаҳар марказида ёнма-ён қурилган эди. Таксига ўтириб, ўша ерга бордим. Ресторанга киравериш да қаққайиб турган икки норғул йигит йўлимни тўсди.

– Сизга нима керак?

– Ресторанга кирмоқчиман.

– Ресторан банд. Ичкарида нозик меҳмонлар бор.

– Биламан. Хотиним шу ерда, уни кўришим керак.

– Хотинингиз ким?

– Ойпарча.

– Унда кутиб туринг. Ҳали-бери чиқишмайди.

– Айтаяпман-ку, Ойпарча менинг хотиним бўлади! – дедим асабийлашиб. – Уни чақириб беринглар.

– Қанақа одамсиз ўзи! – деди йигитлардан бири жаҳл билан. – Нима, хотинингиз меҳмонларни қолдириб, сиз билан кетиши керакми?

– Йўқ, кетиши шарт эмас, фақат...

Гапим бўғзимда қолди. Тоқати-тоқ бўлган йигитлар мени ташқарига судраб чиқишди.

Анча вақт ресторанниng рўпарасида бемақсад кезиб юрдим. Ойпарчадан дарак бўлмади. Уйга қайтмоқчи ҳам бўлдим. Лекин онамга нима дейман? “Хотиним ресторанда меҳмонлар билан ўтирган экан, мен билан гаплашишни истамади”, дейманми? Шуни ўйлаб, охиригача кутишга қарор қилдим.

Алламаҳалда ресторандан бир гала одамлар чиқиб, меҳмонхонага кириб кетди. Меҳмонхонанинг деразалари кўча томонга қараган эди. Бироздан сўнг иккинчи қаватдаги хоналардан бирида чироқ ёнди. Кимдир дераза пардасини четга суриб, дарчани очди. Мен ўша хонага синчков тикилиб турардим. Кутилмаганда ичкарида эгнига юпқа ичкўйлак кийган хотинимга кўзим тушди. У деразани ланг очиб қўйиб, кўчага қаради. Мени кўриши билан деразани қайта ёпиб, хонанинг чироғини ўчирди.

Ойпарча кун кеч бўлгани учун меҳмонхонада ётиб қолмоқчи бўлган, деган хаёлга бордим. Ҳадемай пастга тушишига ишончим комил эди. Лекин хато ўйлаган эканман. Хотиним олдимга тушмади. Мен эса унинг йўлига умидвор кўз тикиб бир соатча атрофда айланиб юрдим. Ортиқ кутишимдан фойда йўқ эди. Ноилож уйга қайтишга қарор қилдим. Шу пайт томида қизил-яшил чироқ липиллаб ёниб-ўчиб турган енгил машина ёнимга келиб тўхтади. Орқа эшикдан икки нафар милиция ходими тушиб, ўлжага дуч келган қирғийдек менга ташланди.

– Нима қилаяпсизлар? – дедим кутилмаган ҳолатдан саросимага тушиб.

– Боргандан сўнг биласан!

Улар зумда мени машинага тиқиб, олиб кетишди.

– Қаерда ароқ ичдинг? – деди ҳайдовчининг қаватида ўтирган лейтенант ортига қия бурилиб менга.

– Ичганим йўқ.

– Алдама! Тўғрисини айтсанг, уйингга олиб бориб қўямиз.

– Айтдим-ку, ичганим йўқ деб!

– Ичгансан!

– Ичганим йўқ.

– Ёлғон гапираяпсан, ярамас! – дея лейтенант бир стакан бадбўй сувни юзимга сепиб юбориб, ҳайдовчига буюрди. – Касалхонага ҳайда!

Кейин билсам, у юзимга ароқ сепган экан. Касалхонада менинг ароқ ичганим ҳақида маълумотнома ёзиб беришди. Шундан сўнг мени милиция бўлимига олиб келиб, деярли онадан туғилгандай ечинтириб, қамаб қўйишди. Куз кириб, кунлар совуб қолган эди. Шунинг учун муздек хонада совуқдан жунжикиб, қалтирай бошладим.

– Кийимларимни беринг, совқотиб кетаяпман, – деб ялиндим навбатчиларга.

– Кўнглинг яна нимани тусайди? Балки хотинчангни ҳам келтириб, қўйнингга солиб қўярмиз? – дея мазах қилиб кулди улар.

Шу аҳволда икки кун қамоқда ётдим. Учинчи куни Ойпарча келиб, мени у ердан чиқариб олди.

– Кечирасиз, шундай ҳурматли инсонларнинг одами эканингизни билмабмиз, – деди милиционерлардан бири кийимларимни қайтариб бераётиб. – Ўзингиз ҳам бир оғиз айтмабсиз.

Ойпарча эшикнинг рўпарасида турган "Мерседес" машинасининг рулига ўтирди. Мен унинг қаватидан жой олдим.

– Бу кимнинг машинаси? – сўрадим ундан.

– Директорники.

– Ҳайдовчиси йўқми?

– Нима, сенинг қамоқда ётганингни фирмадагиларга овоза қилишм керакмиди? – деди Ойпарча қошларини норози чимириб.

Уйга келгунча бошқа гаплашмадик.

– Бундан кейин менинг ортимдан пойлашни бас қил, – деди Ойпарча уйга кираётганимизда. – Йўқса, бундан баттарини кўрасан!

Онам мени кўриб йиғлаб юборди.

– Қарғим-ей, ароқ ичиб нима қилардинг? Ҳалиям келиним омон бўлсин. Шугина муштипар орага тушиб қутқариб олмаганида, қамалиб кетаркансан.

Бояқиш кампир аслида нима бўлганидан бехабар эди. Мен ҳам индамай қўя қолдим. Ҳаётимиз шу зайлда давом этаверди. Бирон-бир қариндошим ёки овулдошим остонамни ҳатлаб келмайди. Ўзим ҳам ақалли икки-уч кун овулга бориб келишнинг имконини тополмайман. Ойпарча директорга ўринбосар бўлганидан бери тез-тез уйга меҳмон бошлаб келадиган одат чиқарди. Улар билан гоҳ русча, гоҳ мен тушунмайдиган аллақандай нотаниш тилда чуғурлашиб ўтиради. Мен эса белимга этак тақиб, елкамга сочиқ ташлаб олиб, елиб-югуриб ош-овқат пишираман. Эвазига Ойпарча ора-сира "араққа газак" деб юзимдан чўлпиллатиб ўпиб қўяди. Шунисига ҳам шукр қиламан. Тақдир мени шундай ўқимишли, топармон-тутармон аёлга дуч қилгани учун хурсанд бўламан.

Профессор қайнотамиз баъзан уйга қўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўраб туради.

– Ойпарча уйдами? – дейди у салом-аликдан сўнг.

– Уйда эди... Боягина қўшниларникига чиқди.

– Унга айтиб қўй, уйга вақтида келиб, вақтида кетсин.

– Ҳалиям шундай қилаяпти, – дейман ёлғондан.

Гап оҳангига қараганда, профессор қизининг юриш-туришидан озми-кўпми хабардор бўлса керак. Бироқ у ҳам, хотини ҳам бизнинг уйимизга қадам босмайди. Агар кўргиси истаса, қўнғироқ қилиб уйига чақиради. Бир сафар профессор кетмакет уч кун қўнғироқ қилиб, Ойпарча билан гаплаша олмади. Мен биринчи гал ёлғон гапирдим, иккинчи марта ҳам аллақандай баҳоналарни рўкач қилдим, бироқ учинчи куни тилимга тайинли гап келмай, довдирадим.

– Фирмага чет элдан меҳмонлар келган экан, – дедим чайланиб.

Бу гапни ҳам тахминан айтдим. Чунки Ойпарчанинг, "Бугун америкаликларни кузатиб қўйдик, эртага яна бир гуруҳи келади", деган гап-сўзларини эшитавериб ўрганиб қолган эдим.

Ойпарча шу сафар отасидан қаттиқ дакки-дашном эшитиб, жуда тушкун

кайфиятда қайтди. Анча вақтгача зимдан ўз ёғига қоврилиб юрди. Ҳар қалай шундан сўнг кечқурун кун ботмасдан ишдан қайтадиган одат чиқарди. Аввалгидай мени эркалаб-суйишларини ҳам йиғиштирди. Унинг олдида ўзимни айбдор сезиб, қийналиб кетдим. Лекин "Тарки одат – амри маҳол" деб бекорга айтишмаган экан, икки ҳафтадан сўнг у яна аввалги ҳолига қайтди.

Бир куни профессор яна кўнғироқ қилди.

– Сен овулингга кетмадингми? – деди у ҳайрон бўлиб.

Мен индамадим.

– Ойпарча кеча ҳеч нарса демадими?

– Йўқ.

– Кеча уйдамиди ўзи?

– Ҳа, уйда эди...

Профессор оғир хўрсинди.

– Унда сен ҳозироқ кийиниб, тайёр бўлиб тур, ҳайдовчим овулингга ташлаб келади.

– Тинчликми, ота? – дедим мен хавотирга тушиб.

– Онангнинг аҳволи оғир эмиш.

О, шум тақдир! Нега бунчалар қаттолсан! Нега мени онамдан жудо қилаяпсан? Бояқишнинг "чирофим" деб эркалашларини эшитмаганимга қанча вақт бўлди. Неча йиллардан бери у билан бир дастурхон атрофида ўтириб чой ичмадим. Бундай дамларда онам қизиқ-қизиқ воқеаларни сўзлаб берар эди. Ҳикоялари худди ўқилмаган китобдек мароқли эди. Бу дунёда якка-ю ягона суянчиғим бўлган волидам ҳам мени ташлаб кетаяптими?.. Онажон, мендай ноқобил ўғилни дунёга келтириб нима қилардингиз? Ахир, мен фарзанд бўлиб бирон кун корингизга ярамадим. Нега мен бунчалик ноқобил бўлиб ўсдим? Балки болалигимда сизларнинг, "Ёмонга ёндашма", "Сени урганни Худо урсин, улар билан қасдлашма", "Алдансанг-алдан, илло-билло ўзгаларни алдама", деган ўгит-насиҳатларингиз туфайли, ёки "Эҳтиёт бўл, йиқиласан", "Энкайма, бурнинг қонайди", "Ушлама, оёғингга тушиб кетади", деб атрофимда парвона бўлганингиз учун шу аҳволга тушгандирман. Ёки бу иллатлар табиатимда бор эдими? "Бола отадан ботмон кам туғилади", деган гапни бекорга айтишмаган экан-да! Ахир, сиз ҳам, отам ҳам овулда ҳурмат-эътиборли одамлар эдингиз-ку. Мен сизларнинг ишончингизни оқлай олмадим. Ота-онасининг корига ярамаган юзи қора кимсага айландим...

Профессорнинг машинаси йўлакнинг рўпарасига келиб тўхташи билан ёзги қалпоғимни қўлимга олиб югуриб пастга тушдим. Чунки овулда қалпоқсиз юриш ноқулай. Профессор машинасини бекорга юборгани йўқ. Ким билади, уйда нима аҳвол...

Машина овул томонга бурилиши билан уйимизнинг олдида одамлар тўпланмаганмикин деган хавотир билан атрофга аланглади. Худога шукр, ҳеч ким кўринмади. Йўлда бизникига бораётган Сапарали билан хотинига кўзим тушди.

Бахтимга онам тирик экан, бироқ аҳволи оғир эди. Опа-сингилларим унинг бошида кўзёш тўкиб ўтирибди.

Мен онамнинг ёнида тиз чўкдим.

– Келдингми, қулуним! – деди у титроқ қўллари билан юзимни силаб. – Манави қизлар ўлмасимдан бурун йиғлаб ўтирибди. Сен эркак кишисан, ўзингни қўлга ол. Худога шукр, мен қирчинимда кетаётганим йўқ, ёшим етмиш тўртга кирди. Худо берган беш фарзанд атрофимда парвона бўлиб турибди, нимадан нолийман?

Биргина ўкинчим, ёлғиз ўғлимнинг роҳатини кўриш насиб қилмади. Анави хотин қартайганимда сени бағримдан тортиб олди. Майли, ўтган ишга саловат. Худога шукр, умримнинг охирида тўшак тортиб ётиб қолмадим. Шу кунгача ўзимнинг чойимни ўзим қайнатиб ичдим. Яратган Эгам мени ҳеч кимга зор қилмади. Энди сенга айтадиган сўнгги гапим шу, ўғлим – отангдан мерос қолган мана шу ҳовли-жойга ўзинг эгалик қил. Шаҳардаги каталакдек уйда қамалиб яшашни бас қил. Болам, васиятимни эсингдан чиқарма. Онангга сўз бер, чироғим. Мен ўлгандан сўнг бу уйнинг остонаси чангалзорга айланмасин...

Онамнинг нафаси қисилиб, бир муддат жимиб қолди. Қизлар ўзини йиғидан тиёлмай ташқарига чиқиб кетди.

– Кўрдингми, болам, аёл кишининг дийдаси бўш бўлади, – деди онам бироздан сўнг. – Сен ўзингни қўлга ол. Менинг маъракамга одам кўп келади. Ҳеч ким норози бўлиб кетмасин. Бўхчага йигирмата чопон билан тўққизта кўйлак солиб қўйганман. Яна икки тўп бахмал ҳам бор. Ишқилиб, ўзимнинг бисотимни ўзимдан аямanglар. Мен сизларга берган оқ сутимга мингдан-минг розиман, қароғим.

Онам тағин энтикиб қолди.

– Ташқарига чиқа қол, болам, – деди у сал енгил тортгач. – Сени кўриб кўнглим жойига тушди. Энди бироз мизғиб оламан. Қизларга айт, ёнимга келиб ўтирсин.

Онам қайтиб уйғонмади. Биз зор йиғлаб қолавердик. Чиндан ҳам, унинг жанозасида жуда кўп одам йиғилди. Бояқиш мендан ҳам, қизларидан ҳам ҳеч нарса таъма қилмасдан ўлимлигини ўзи тайёрлаб қўйган экан. Маъракасида ҳамма нарса етарли, бадастир бўлди.

Шу куни қайнотам билан қайнонам ҳам етиб келди. Бироқ Ойпарчадан дарак йўқ эди. Жаноза намози ўқилгач, профессор мени чеккага тортди.

– Ойпарча қаерда?

– Ишда эди.

– Нега келмади?

– Америкадан меҳмонлар келишаётган экан.

– Ҳе, меҳмони бошидан қолсин! Уйга боргандан сўнг уни фирмадан чиқариб ол. Муаллимлик қилса ҳам очидан ўлмайди.

Профессар бу гапни жиддий айтаяптими деб ҳайрон бўлдим. Унга “Бу иш қўлимдан келмайди” деб айта олмадим. Айтганим билан ҳеч нарса ўзгармайди. Кейинги пайтларда Ойпарча турли баҳона-важлар билан отасини ҳам алдашга ўтиб олган эди. Унинг олдида мен ким бўпман!

Онамни сўнгги йўлга кузатдик. Етти кунгача ҳаммамиз уйда бўлдик. Ўлмоқнинг ортидан ўлмоқ йўқ, дейишган. Опа-сингилларим ҳайҳотдай ҳовлида мени ёлғиз қолдириб, уй-уйига қайтиб кетишди. Мен эрталабдан мол-ҳолга емиш бериб, томорқадаги экинларга қарайман. Кўнгил сўраб келган одамларнинг олдига дастурхон ёзаман. Шу зайлда орадан ўн етти кун ўтди. Кечқурун кутилмаганда Ойпарча таниш “Мерседес” машинасида ҳовлимизга кириб келди. Мен индамадим.

– Аҳволингни тушуниб турибман, – деди у бошимни кўксига босиб. – Онадан айрилиш осон эмас. Аксига олиб, шу кунларда менинг ҳам ишларим кўпайиб кетди. Гоҳ Америкадан, гоҳ Италиядан машҳур бизнесменлар келишаяпти. Улар бизга қоғоз ва фанер ишлаб чиқарадиган комбинатларни қуриб беришмоқчи. Ана шу корхоналар ишга тушса, мен улардан бирига директор бўламан. Ўшанда сен ҳам ёнимда ишлайсан.

Мен унинг гап-сўзларига эътибор бермадим.

– Нега индамайсан? – деди у эркалагандек бармоғи билан иягимдан кўтариб.

– Отанг Ойпарча фирмадаги ишини йиғиштирсин, деди.

– Наҳотки? – деди у асабий кулиб. – У киши ҳалигача замоннинг зайлини тушунмаяпти. Ҳаёт ғилдираги яна аввалги изига қайтади деб ўйлайди. Лекин буларнинг бари хомхаёл! Ўтган даврни қайтариб бўлмайди. Ҳозир замон бошқа, отамга ўхшаб ёстиқдай-ёстиқдай китоб ёзишдан фойда йўқ. Ҳозир ақлини ишлатиб, кўпроқ пул топишни эплаган одам яхши яшайди.

Ойпарча шунчалик завқ билан гапирардики, менинг сўзларини эшитмаётганимга ҳам эътибор бермасди.

– Барибир энди мен шаҳарга қайтиб бормайман, – дедим унинг гапини бўлиб.

– Бу нима деганинг? — деди у авзойи ўзгариб.

– Онам ўлими олдидан, “Отангдан қолган уйнинг бўсағасини чангалзор босмасин”, деб васият қилган.

– Нега чангалзор босаркан? Уйингни сотиб кетамиз.

– Йўқ, мен овулда, ота юртимда яшамоқчиман.

– Ҳим!.. Отсталый! Ўзи, профессорлар ҳақиқатни тушунмаганида сендан нимани кутиш мумкин?

Ойпарча асабий тарзда у ёқдан-бу ёққа бориб кела бошлади.

– Борасан! – деди сўнг қатъий оҳангда. – Мен бу ерга сени олиб кетиш учун келганман.

Кутилмаганда унинг кўзлари чақнаб, қўллари мушт бўлиб тугилди. Худди қаҳратон совуқда қолгандай тишлари такиллай бошлади. Унинг аҳволини кўриб қўрқиб кетдим.

– Ойпарча, мени тўғри тушун, онамга сўз берганман, – дедим ялинчоқлик билан.

– Ўликнинг гапини тириклар қилмайди, – деди у менга хезланиб.

– Мабодо, ажрашсак қандай бўларкин?

– Ҳа-а, гап бу ёқда дегин! Мен бечорани ўн йил хотин қилиб, энди ташлаб кетмоқчимисан?

Ойпарча ғазабнок қиёфада атрофимда айлана бошлади.

– Ташлаб кетмоқчи эмасман, лекин...

– Нима, лекин?

– Бизни боғлаб турадиган фарзанд ҳам йўқ...

– Муҳаббатимиз-чи?!

Эй, Худойим-ей! Одамда уят бўлмаса қийин экан. Ойпарчанинг кўнглида менга нисбатан заррача муҳаббат бўлса, бурнимни кесиб беришга тайёрман. Бироқ у бу гапни шунчалик ишонч билан айтдики, эшитган одам чиппа-чин ишониши тайин.

– Лекин сен биргина менинг муҳаббатим билан яшамадинг, – дедим қўрқа-писа.

У менга тешиб юборгудек тикилди. Шу заҳоти кўзларимни ерга тикдим.

– Хўш, бу билан нима демоқчисан?

– Ҳеч нарса. Фақат... Бундан кейин мени тинч қўйишингни истайман.

– Ҳеч қачон тинч қўймайман, тушундингми? – деди баттар жазавага тушиб. – Билиб қўй, сен менга “Эри бор” деган ном учун кераксан! Уйда вақтида иссиқ-совуғимни тайёрлаб ўтириш учун кераксан! “Профессорнинг қизи эрсиз юрибди” деган маломатга қолмаслигим учун кераксан! Отам мен туфайли икки марта инфарктга йўлиққан. У учинчи марта бу дардни кўтаролмайди. Йўқса, сенинг турқингга кўзим учиб тургани йўқ, тушундингми?!

– Тушундим.

– Тушунган бўлсанг, ҳозироқ олдимга туш!

Менда ҳам қандайдир журъат пайдо бўлди.

– Йўқ! – дедим ўжарлик билан. – Тушунганим учун ҳам олдингга тушмайман. Ота юртимда қоламан.

– Шунақами? – деди у ғижиниб. – Унда азонда бу уйдан сенинг ўлигинг чиқади. Шунга розимисан? Айт, қайси бирини танлайсан? Ўлимними ёки ҳаётни? Барибир сен менинг қўлимдан тириклай қутулолмайсан. Осмонга учсанг оёғингдан, ерга кирсанг қулоғингдан тортиб оламан.

Мени маъзур тутинг, муҳтарам жамоат! Нега мен ҳаётдан воз кечишим керак экан? Дунёга келиб нима кўрдим? Бошқаларга ўхшаб юрт кездимми, фарзанд суйдимми? Ўзга эркаклар сингари “Хотин, чой олиб кел” деб уйнинг тўрида қўр тикиб ётмадим-ку. Шунча азоб-уқубатларга чидаб яшаб, энди ном-нишонсиз ўлиб кетишим адолатданми? Балки сизлар мени қўрқоқликда айблаётгандирсиз. Ватан учун кўксини ўққа тутган мард азаматлар хаёлингиздан ўтаётгандир. Тўғри, улар она юртнинг тупроғини ҳимоя қилиш йўлида ҳалок бўлишган. Бироқ мен нима учун жондан кечишим керак? Аллақандай бир шаллақи хотиннинг касрига ўлиб кетаверсам, биров раҳмат айтадими? Йўқ, биродарлар, мен қанчалик мўмин-қобил одам бўлганим билан ҳаётдан тўйганим йўқ. Шунинг учун бу гал ҳам тақдир измига бўйсунишни маъқул кўрдим. Бугун бўлмаса, эртага бу қафасдан қутулишнинг имконини топарман деб ўйладим. Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ дейишган, ҳозирча бу кўргиликларга жимгина чидаб туришга қарор қилдим.

Тез орада мол-ҳолни бозорда сотиб, ҳовли дарвозасига қулф урдим-да, шаҳарга қайтдим. Онамнинг сўнгги васиятини бажаролмадим. Ўзим туғилиб ўсган ота ҳовлимиз ҳувуллаб қолаверди.

Шаҳарда яна аввалгидек рангсиз ҳаётимиз давом этди. Бироқ эндиликда Ойпарча озми-кўпми мен билан ҳисоблашадиган бўлди. Кечқурун кўнглимни олади, эрталаб ишга кетиш олдидан “гудбай” деб юз-кўзимдан ўпиб қўяди. Барибир ота-боболар “хотин – бошидан” деб бекорга айтишмаган. Ким билсин, агар вақтида унга нисбатан қаттиққўлроқ бўлганимда ҳаётим бошқача кечармиди? Энди афсусланишдан фойда йўқ, пешонамга ёзилганига чидаб яшашга мажбурман.

Орадан бир ой вақт ўтди. Бир куни тунги соат учларда машина сигналидан уйғониб кетдим. Лекин ўзимни ухлаганга солиб ётавердим. Машинанинг чироғи уч марта ёниб-ўчгач, хотиним аста ўрнидан турди-да, оёқ учида юриб ташқарига чиқиб кетди. Парданинг ортидан кўчага мўраладим. Ойпарча кабинага чиқиши билан машинанинг чироғи ўчди. Ичкарида нималар бўлганини ўзимча тахмин қилдим, орадан чамаси беш-ўн дақиқа ўтгач, Ойпарча билан эгнига спортчилар кийимини кийган барваста гавдали, сочлари қалин бир йигит машинадан тушди.

– Гудбай! – деди Ойпарча унинг юзларидан чўлпиллатиб ўпиб. Йигит эса хотинимнинг билагидан маҳкам ушлади.

– Яна қачон учрашамиз?

– Нима, тўймадингми?! – деди Ойпарча ишва билан. – Эртага анави гўрсўхтани касалхонага ётқизаман. Гаплашиб қўйганман. Кейин сколько хошеч?

Юрагим шув этиб кетди. Осонликча унинг қўлидан соғ қутула олмаслигимни англадим. Балки касалхонада мени ўлдириб юбормоқчидир. Ёки жиннига чиқариб... Ойпарча аввалдан кўзимга чўп суқиб юрганини билардим, лекин шу пайтгача бугунгидай кўз ўнгимда бу даражада тубанликка боргани йўқ эди. “Ўзингни қўлга ол, Мийирбек! Ахир, сен эркаксан-ку, нега номусингни бунчалик

оёқости қилишларига жим чидаб турибсан? Шунчалик пасткашмисан? Отангдан рози-ризолик сўрашга улгурмаганингга ким айбдор? Кимнинг касрига онангнинг сўнгги васиятини бажара олмадинг? Буларнинг жавобини ким беради! Бу аҳволда одамларнинг олида қандай бош кўтариб юрасан? Шунча ғафлат уйқусида ётганинг етар энди. Кўзингни оч, Мийирбек! Бир-икки кундан сўнг кеч бўлади. Ҳозироқ ҳаракатингни қил!"

Ич-ичимдан отилиб чиққан бундай унсиз хитобларнинг залворидан аъзойи баданим зирқираб кетди. Ихтиёрсиз равишда деворда осилган шамширни қўлимга олиб, уни қинидан суғурдим.

Йўлакда Ойпарчанинг қадам товуши эшитилди. Мен баттар ҳаяжонга тушиб, кўз олдимни қоронғи туман босди. Қўлимдаги қиличнинг дастасини янада маҳкамроқ сиқимладим.

Эшик очилиб, рўпарамда Ойпарчанинг ғира-шира кўланкаси пайдо бўлди. Шу заҳоти хўрланган эркаклик номусим, отамнинг сўнгги дамда мени кўролмай очиқ кетган кўзлари учун, онамнинг сабил қолган васияти учун қасос олиш мақсадида зарб билан унинг кўксига шамшир санчдим. Шамшир Ойпарчанинг кўкрагига қанчалик ботганини билмайман, чунки шу заҳоти жон талвасасида ташқарига отилдим.

Ойпарча спорт билан шуғулланган учун анча бақувват, чайир аёл эди. У, "Тўхта, ярамас!" деб йўлаккача ортимдан эргашиб келди-да, ўша ерда йиқилди.

Мен ялангоёқ ҳолда шаҳар Ички ишлар бўлимига етиб бориб, беҳол ўтириб қолдим. Хуллас, мен содир этган қотилликнинг қисқача тарихи мана шу.

Майдонда тўпланган издаҳом жимиб қолган эди. Баланд супада ўтирган нозир ва унинг ёнидан жой олган кайвонилар анча вақт ўзаро шивирлашиб, алланималарни муҳокама қилишди.

– Халойиқ! – деди бироздан сўнг нозир ўрнидан туриб баланд овозда. – Мана, биринчи қотилнинг ҳикоясини ўз қулоғингиз билан тингладингиз. Суд ҳайъати жиноятчи ўз номусини ҳимоя қилиш ва ҳаётини асраб қолиш мақсадида бундай жиноятга қўл урганини инобатга олиб, уни афв этишга қарор қилди. Маҳбус ҳозироқ озод этилади.

Майдонда шодон ҳайқириқлар янгради. Қўл-оёғи кишандан халос қилинган маҳбус гандираклаб кетиб, одамларнинг устига қулади. Халойиқ уни ҳаводаёқ илиб олиб, қўлма-қўл кўтариб кетди.

– Энди рухсатингиз билан иккинчи рақамли қотилга сўз берамиз, – деди нозир жез қўнғироғини жиринглатиб.

ИККИНЧИ ҚОТИЛНИНГ ҲИКОЯСИ

– Азиз биродарлар, сизларнинг ҳеч бирингиз мени танимайсиз. Бугун дорга осилсам, бironта аёл "Арслонимдан айрилдим" деб сочини юлиб йиғламайди, эркак зоти ҳам "Вой, жигарим"лаб юрак-бағрини тиғламайди. Онам ҳам, туғишган-биродарим ва овулдошим ҳам сизлар бўласиз, десам мендан хафа бўлманг! Чунки мен бу ёруғ дунёга келиб на ота-онамни, на ака-укаларимни ўз кўзим билан кўрмадим. Бошқа гўдакларга ўхшаб она сутини эммадим. Барибир мени ҳам қайсидир она дунёга келтирган-ку. У вақтида ўзига боғлиқ бўлмаган сабаб туфайли мендан воз кечиб, ҳалигача фарзанд доғида пинҳона ҳасрат чекиб яшаётган бўлса керак деган ўй билан ўзимга таскин бераман. Балки у ҳозир сизларнинг орангиздадир,

балки бу азобларга дош беролмай аллақачон ўлиб кетгандир... Нима бўлганда ҳам у менинг онам бўлиб қолаверади. Ахир, мен ҳам осмондан оёғимни осилтириб тушмаганман. Хуллас, энди ҳаммасини тушунган бўлсангиз керак. Мен қисматига оғир кўргиликлар битилган сағир, ногирон бир одамман. Эҳтимол, сизлар турқ-атворимга қараб, “Бу одам мушукка ҳам озор бермайдиган хокисор бир кас бўлса керак”, деб ўйлаётгандирсиз. Лекин кўриб турибсиз, мен одам ўлдирдим. Бегуноҳ кишини дорнинг тагига судраб келишмайди. Сизларга тушунарлироқ бўлиши учун бошимдан кечган воқеаларни батафсилроқ гапириб беришимга тўғри келади. Бир етимнинг сўнгги сўзларини бемалол айтиб олишига имкон беришингизни илтимос қиламан, ҳурматли нозир!

– Гапир! – деди нозир.

– Мен аввалига одамларнинг оила қуриб, алоҳида ҳаёт кечиришидан бехабар эдим. Ўзимча, бошқа болалар ҳам биз каби бир жойда туғилиб, бир жойда яшашига ишонардим. Уларни ҳам битта тарбиячи ўйнатиб, овқатлантиради деб ўйлардим. Бироқ кейинроқ тасаввурларим сароб эканини англай бошладим. Бизни музей ёки ҳайвонот боғига олиб боришганида кўча-кўйда ота-онасининг етовида юрган болаларга кўзим тушиб, анграйиб қолардим.

– Сора опа, – дедим бир гал тарбиячимизга. – Нега анави тарбиячининг иккитагина боласи бор?

У дафъатан нима дейишни билмай ўйланиб қолди.

– Бошқа болалари ухлаб қолган бўлса керак, – деди бироздан сўнг. – Лекин сизлар унақа дангаса эмассиз,

– Ухлаб қолса, нега уйғотмаган?

– Олег, бўлди энди. Кўчада кўп гапириш яхши эмас.

Шундан сўнг унга бошқа савол беришга ботинолмадим.

Биз ҳар гал ярмарканинг ёнидан ўтамиз. Шундай пайтларда одамларнинг болаларига ҳар хил кийимлар, ўйинчоқлар олиб бераётганини кўриб ҳавасимиз келади. Биз эса сафни бузишимиз, орқада қолиб кетишимиз мумкин эмас. Олдинда қизил таёқ ушлаган бир тарбиячи, ўртада яна бир тарбиячи юради. Улар бот-бот:

– Етишиб юринглар! Гуландон, жим бўл! Марат, нега орқада қолиб кетдинг? – деб бизга дашном беришади.

Ҳаммамиз инкубатордан чиққан жўжаларга ўхшаб бир хил кийинганмиз. Ҳеч қачон бизни дўконга олиб бориб, ўзимизга алоҳида кийим олиб беришмайди. Гуруҳимизда қанча бола бўлса, ҳаммаси бир кунда янги кийим кияди, бир вақтда овқатланиб, бирга ўйнайди. Кўчада юрган болаларнинг кийимлари эса ранг-баранг, бир-бириникига ўхшамайди... Нима бўлганда ҳам, биз оч-яланғоч эмасмиз. Айниқса, ўйинчоқларимиз жуда кўп. Лекин бундан сира қувонмаганмиз. Чунки ҳеч ким бу ўйинчоқларни меники деб айта олмайди, улар барчамизга тегишли эди. Сизлар бола учун ўзининг ўйинчоғи, алоҳида коса-товоғи бўлиши қанчалик муҳим эканини биласизми? Бизда эса ҳамма нарса ўрталикда, умумий. Шунинг учун ўйинчоқларимиз эскирмайди, синмайди, пуфакларимиз осонликча ёрилмайди. Ахир, биз уларни қўрқа-писа, эҳтиёткорлик билан қўлимизга оламиз-да, ўйнаб-ўйнамасдан жойига қўйишга шошиламиз. Бу ишимиз учун тарбиячилардан мақтов эшитамиз. Шунинг учун мириқиб ўйинчоқ ўйнагандан кўра, уларнинг алқовига сазовор бўлишга тиришамиз. Ора-сира аллақандай нотаниш одамлар биздан хабар олиб кетишади. Уларнинг келишини бир-икки кун олдин сезардик. Чунки ўша кунларда ўйинчоқларимиз янаям кўпайиб қолади. Биз шу пайтгача кўрмаган

ажойиб машиналар, қўғирчоқларни қўрқа-писа силаб кўрамиз, бироқ қўлимизга олиб ўйнашга журъатимиз етмайди. Тарбиячиларимиз ҳам бундай пайтларда бир нарсасини йўқотгандек жонсарак бўлиб қолишади. Эртадан-кечгача қовоғини осилтириб юришади. Бояги одамлар келиб-кетишгандан сўнг чиройи очилиб, яна бизга нисбатан меҳрибон бўлиб қолишади. Биз ҳеч нарсага тушунолмай ҳайрон бўламиз. Нотаниш кишилар келган пайтларда ёввойиларга ўхшаб мум тишлаб ўтирамиз. Агар тушки уйқу пайтида келишса, кўрпанинг бир чеккасидан мўралаб уларни зимдан кузатамиз.

– Кечаги келган одамлар кимлигини биласизларми? – деди бир куни Ғайрат деган ўртоғимиз.

– Билмаймиз, – дедик биз.

– Улар бизнинг дадаларимиз экан!

– Дада нима дегани?

– Дада дегани... дада дегани, ҳалиги...

– Ғайрат нима дейишни билмай каловланиб қолди.

– Дада дегани – ота дегани! – деди Қармиш исмли шеригимиз билағонлик билан. У кейинроқ сафимизга келиб қўшилган эди. – Ғайрат ёлғон гапираяпти. Бу одамлар бизнинг дадамиз эмас. Дадалар шанба куни келишади, мана кўрасизлар! Дадам келиб мени олиб кетади.

– Нега фақат сени олиб кетаркан?

– Чунки сизлар кўпчиликсиз-да!

– Унда бир гал Ғайратни, бошқа гал мени олиб кетсин. Бошқа куни тағин бошқа бировни...

– Ғайрат тўполончи, сенинг бурнинг оқади.

– Кимнинг бурни оқади?

– Сенинг!

– Ўзинг шунақасан!

Баҳс муштлашувга айланди. Агар тарбиячимиз келиб қолмаганида кўпчилигимизнинг юз-кўзимиз кўкарган бўларди.

– Нега жанжаллашдингиз? – деди Сора опа бизни тинчлантиргач.

– Ҳаммаси Қармишдан бўлди! У бизнинг дадамизни ўзиники қилиб олмоқчи.

– Ғайратнинг ўзи кечаги одамларни бизга дада бўлади, деяпти. Ахир, улар дадамиз эмас-ку, тўғрими?

– Тўғри.

– Унда бизнинг дадамиз ким?

– Билмадим, – деди Сора опа ўйланиб. – Бу гапларни қўйинглар. Яхшиси, ўйинчоғингизни ўйнанглар!

– Сора опа, ўзингиз айтинг, дада дегани қанақа бўлади?

Тарбиячимизнинг кўзларида ёш ҳалқаланиб, кутилмаганда қўлларини юзига босганча, югуриб хонадан чиқиб кетди. Ҳаммамиз Қармишни ёмон кўриб қолдик. Чунки у меҳрибон тарбиячимизни қаттиқ хафа қилган эди. Шундан сўнг биз дада деган сўзни бошқа тилга олмайдиган бўлдик. Бу ёмон сўз экан!

Ҳаётнинг ўзи аста-секин ҳаммасини ўз ўрнига қўяркан. Биз ҳам ёшимиз улғайгани сайин бу ер ўзимизнинг уйимиз эмаслигини, бизларни ҳам бошқа оналар туққани, вақтида ҳаммамизнинг ўз дадамиз бўлганини тушуниб етдик. Лекин дадам мени эркалаб, юз-кўзимдан ўпмаган. Фақатгина ора-сира тарбиячимиз меҳр билан бетларимдан суйиб, бошимни силаб қўяди. Шунисига ҳам хурсанд бўламан.

Бироқ у Ғайратни ҳам, Наврўзбойни ҳам эркалаганини кўрганимда кайфиятим тушиб кетади. Менга фақатгина ўзимни яхши кўриб, сочларимни силайдиган она керак эди. Начора, бунинг имкони йўқ.

Хуллас, ақлимизни таниганимиз сайин баъзи болаларнинг ота-онаси борлигидан хабар топдик. Улар дам олиш кунларида, баъзан байрамларда ҳар хил ўйинчоқлар олиб келиб, фарзандини уйига етаклаб кетишади. Бундай пайтларда биз қафасдаги қуш сингари мунғайиб қоламиз. Кўнглимизга ҳеч нарса сиғмайди. Бизни ҳам ота-онамиз олиб кетишини, бепоён далаларга олиб чиқиб ўйнатишини орзу қиламиз. Лекин бизнинг бу орзумиз армонга айланиб, ич-ичимизга чўкиб қолаверади. Тарбиячиларимиз кўнглимиздан кечаётган ҳиссиётларни яхши билади. Улар кўнглимизни кўтариш илинжида қизиқ-қизиқ ўйинлар ўйлаб топишади. Нималарнидир гапириб, ўзлари мириқиб кулишади, лекин кулгиси зўрма-зўраки чиқади. Ора-сира болаларга сездирмай чуқур уҳ тортиб қўйишади. Улар бир-бирига сочи тез оқариб бораётганидан нолиганини кўп эшитганман. Уйига бориб келган болалар эса анчагача даврамизга қўшилишни истамай, ҳўрпайиб юришади. Шунга қараганда, ташқаридаги ҳаёт яхши бўлса керак деб гумон қиламиз. Лекин ота-онаси излаб келмайдиган биз каби болалар учун мўъжазгина чорбоғимиздан ташқаридаги ҳаётнинг турган-битгани жумбоқ эди.

Тарбиячиларимиз боласини қайтариб олиб келган ота-оналарга тўнғиллайди:

– Болангизни бира тўла олиб кетинг ёки бу ерга умуман келманг. Икки ўртада норасидани қийнаганингиз қолади.

Бир куни мен тарбиячимиздан:

– Надя опа, нега мени ота-онам олиб кетмайди? – деб сўрадим.

– Олег, қўзичоғим менинг! Ахир, мен сенинг онангман-ку, – деди у мени бағрига босиб. – Сени бегоналарга бериб қўярканманми?

– Унда нега уйингизга олиб кетмайсиз?

– Бизнинг уйимиз шу ер-ку.

– Қармишнинг ота-онаси бошқа жойда яшайди-ку?

– Тўғри, уларнинг уйи бошқа. Лекин бизнинг уйимиз ҳамманикидан чиройли. Мен сизларга тарбиячи бўлгач, шу ерни ўзимга уй қилиб олганман.

– Нега унда мени тиззангизга ўтқазиб эркаламайсиз?

У мени бағрига босиб, юз-кўзимдан ўпди.

– Чунки сен кап-катта бола бўлиб қолдинг. Мана, оёқларингга қара. Ҳадеб эркалатаверсам, бўйинг ўсмай қолади!

Надя опа мени тиззасидан туширди.

– Надя опа, менинг дадам ҳам борми?

– Бўлди, кўп маҳмадоналик қилавермай, болалар билан ўйна!

Мен ноилож бошқаларнинг сафига бориб қўшилдим. Надя опанинг, “Мен сенинг онангман”, деган гапи қувонтирган бўлса-да, “Бизнинг уйимиз шу ер”, деган сўзининг маъносини унчалик тушунмадим. Бу ер бизнинг уйимиз бўлса, нега шунча бола яшаши керак? Улар бўлмаганида ҳамма ўйинчоқлар меники бўларди, эрталаб қаймоқ билан ширинкулчаларни ҳам ўзим еган бўлардим. Менинг дадам ким экан? Ҳовлидаги дов-дарахтларни парваришлаб юрадиган бир кўзи кўр кекса боғбон ёдимга тушди. Балки дадам шумикин? Йўқ, унақа дада менга керакмас! Менинг дадам ёш, баланд бўйли одам бўлиши керак. Надя опа алдаяпти. У менинг онам эмас. Агар бу ер бизнинг уйимиз бўлса, нега ўзи кечқурун кетиб қолади? Қаёққа боради? Тўғри, у менинг онам эмас!

Шу воқеадан сўнг Надя опадан ўзимни олиб қоча бошладим. Унинг ўзи ҳам бу ҳақда бошқа гап очмади.

Биз кўпинча тарбиячиларимизнинг кўзини шамғалат қилиб иккинчи қаватдаги балконга чиқамиз-да, ўзимиз ўйлаб топган ўйинни ўйнаймиз. У ердан кўчада кетиб бораётган, бекатда автобусдан тушаётган одамлар кўриниб туради.

– Ана, менинг дадам келаяпти, – дейди шерикларимиздан бири кўчага имлаб. Шундан кейин орамиздан кимдир пастга тушиб кетиб, бироздан сўнг каттакон сумка кўтариб кирган бўлади. Боя "Дадам келаяпти" деган болага сумкадан ширинликлар чиқариб берган бўламиз. У эса ҳаммамизга мақтанчоқлик билан қараб қўйиб, қўлидаги ширинликларни апил-тапил "еб қўяди". Кейин дадаси билан бирга "уйига кетади". Бироздан сўнг бошқа биримизнинг онамиз "келади". Дадаси ёки онаси сўраб келмаган болалар уларнинг ортидан ҳавас билан қараб қолишади. Ўйиннинг шартини келишиб олгунимизча бир муддат ғала-ғовур қиламиз.

– Бугун менинг дадам келадиган бўлсин.

– Йўқ, менинг дадам келади.

– Менинг ойим келсин.

– Сенинг ойинг йўқ.

– Бор.

– Йўқ!

Баҳс муштлашувга айланишига бир бахя қолганида орамиздан битта ақллироқ бола чиқиб, уларни тинчлантиради:

– Жим бўлинглар, тарбиячилар билиб қолса, ўйнатмай қўяди.

Бу гапдан сўнг "дадаси" ёки "ойиси"ни кўришга муштоқ бўлиб турган болалар жимиб қолишади. Дарров муросага келиб, ўйинни бошлаб юборамиз. Бу ўйинни мен унчалик ёқтирмайман, бироқ ҳар гал "бахтли бола" бўлиш менга ҳам насиб этармикин деган умидда уларга эргашганимизни ўзим ҳам сезмай қоламан. Аксига олиб, ҳеч ким, "Бугун сенинг ота-онанг кела қолсин", демайди. Одатда, бу ўйинда ота-онаси бор болалар ғолиб чиқишади. Бир нарса десак улар, "Дадамга айтиб бераман", деб қўрқитади. Биз эса кимга айтиб беришимизни билмай, тилимизни тишлаб қоламиз. Тарбиячиларга арз қилсак, улар ҳаммамизни бирдай койиб беради.

Бир куни мен ортиқ чидаб тура олмадим.

– Бугун менинг ойим келади! – дедим қатъият билан.

Болалар кулиб юборди.

– Ойинг йўқ бўлса, қаердан келади?

– Ойим бор!

– Йўқ!

– Бор! Надя опа менинг ойим бўлади.

Болалар янаям қаттиқроқ кулди.

Мен уларга эътибор бермай, балконнинг бурчагига суяб қўйилган шотига миниб олиб:

– Ана, менинг ойим келаяпти! – деб қичқирдим.

Одатда, ойиси ёки дадаси "келаётган" болалар шундай деб бақирар, бошқалар эса, "Қани?", "Қаерда?" деб ўша томонга қарашар эди. Бироқ ҳеч ким менинг гапимга эътибор бермади. Аксинча, Карим билан Наргиз ёқамдан ушлаб пастга торта бошлади.

– Туш, сенинг ойинг йўқ!

– Тушмайман!

Мен балконнинг темир панжарасидан маҳкам чангалладим. Элмира билан Тозагул ҳам менга ёпишди. Лекин улар ҳарчанд уринмасин, мен қўлларимни қўйиб юбормадим. Шу топда чиндан ҳам ойим мени излаб келаётгандек, агар темир панжарани қўйиб юборсам, ҳаётимда юз бериши мумкин бўлган энг катта бахтдан қуруқ қоладигандек жон-жаҳдим билан уларга қаршилик қилардим.

Болалар мени панжарадан ажратиб ололмагач, оёғимнинг остидаги шотини тортиб юборишди. Шундан сўнг қўлларимни икки томонга ёзганча, балкондан ташқарига қулаганимни элас-элас эслайман. Кейин нима бўлгани ёдимда йўқ. Мен иккинчи қаватдаги балкондан ерга қулаб тушган эканман.

Сизнинг қаршингизда турган ёвуз қотилнинг энг катта бахтсизлиги шу воқеадан бошланди. Ўша куни умуртқам билан ўнг оёғим синган экан. Қайсидир шаҳардаги касалхонада бир йил тўшакка михланиб ётдим. Бир оёғимнинг товони ерга тегмайдиган бўлиб қолди. Мени даволаган дўхтирнинг ҳамкасблари билан суҳбати қулоғимга чалиниб қолди.

– Боланинг умуртқа суяги қийшайган, – деди у. – Ҳозир сезилмаслиги мумкин, лекин ёши улғайганидан кейин қадди букилиб, бўйи яхши ўсмай қолиши мумкин.

Болалар уйига қайтиб келганимда гуруҳимиз анча ўзгариб кетган эди. Карим, Наргиз ва Элмирани ўша воқеадан сўнг ота-онаси уйига олиб кетишибди.

Бу ерда ҳамма тезроқ улғайиб, болалар уйидан чиқиб кетишга, қаерда бўлса ҳам мустақил ҳаёт бошлашга ҳаракат қилади. Касалхонадан чиққанимда мен ҳам анча-мунча ақлимни таниб қолган эдим. Адашмасам, ўша пайтда ўн уч ёшга тўлган бўлсам керак.

– Надя опа, тўғрисини айтинг, менинг онам ким? – деб сўрадим бир куни тарбиячимиздан.

У менга анча вақт ўйчан тикилиб қолди. Бироқ аввалгидай ёлғон гапиришга тили бормади.

– Билмайман, болам, – деди чуқур тин олиб.

– Хўп, мени бу ерга ким олиб келган?

– Бунисидан ҳам хабарим йўқ.

– Биладиганлардан сўраб кўринг.

– Майли.

Тарбиячимиз менинг саволларимдан аввалгидай осонлик билан қутула олмаслигини тушунди. Мен ҳам кунда-кун ора уни қистовга олардим.

– Бўпти, Олег, сенга бор гапни айтиб бераман, – деди Надя опа бир куни. – Ростини айтсам, сени бу ерга ким олиб келганини ҳеч ким билмайди. Ёз пайти эди ўшанда. Бир куни эрталаб ташқарида ёш гўдакнинг чирқираб йиғлаган овози эшитилди. Мен навбатчи эдим. Югуриб ташқарига чиқдим. Қарасам, дарвозанинг ёнига оппоқ йўргакка ўралган чақалоқ ташлаб кетилган. У яқиндагина дунёга келгани шундоққина кўриниб турибди. Мен уни ичкарига олиб кирдим. Шу заҳоти гўдакка эмизик билан сут бердик. Бироқ у шишадаги сутни ичишнинг уддасидан чиқмади.

– Болага кўкрак бериш керак, – деди тарбиячилардан бири.

Орамизда Сора эмизикли аёл эди. У дарров чақалоққа кўкрагини тутди. Норасида она сутига тўйиб олгач, зумда Соранинг бағрида пишиллаб ухлаб қолди.

– Хўш, болага нима деб исм қўямиз? – деди тарбиячилардан бири.

– Унга оқ сут берган Сора исм қўйсин!

– Йўқ, уни мен топдим, шунинг учун исмини ўзим қўяман, – дедим мен бўш

келмай. Бошқалар шунга рози бўлди. Мен сенга Олег деб исм қўйдим.

– Кейин онам мени излаб келмадими?

– Йўқ. Биз анча пайтгача унинг йўлига кўз тикдик. Қилмишидан пушаймон бўлиб, боласини сўраб келишига умид қилган эдик. Афсус, умидимиз пучга чиқди.

– Демак, менинг дадам ҳам номаълум экан-да.

– Олег, мени кўп қийнама. Шундоғам йигирма йилдан бери бу ерда ишлаб, юрагим қон бўлиб келган.

Шундан сўнг мен ота-онамнинг излаб келишидан бутунлай умидимни уздим. Аста-секин юрагимда одамларга нисбатан нафрат пайдо бўла бошлади. Болалар уйининг рўпарасидан ўтаётган аёлларга кўзим тушса, улар шу атрофда ёш гўдакларни чириллатиб ташлаб кетадигандек туюларди. Балки уларнинг орасида бир пайтлар мени ташлаб кетган онам ҳам бордир, у мени кўриш илинжида бу ердан ўтиб-қайтаётгандир, деган ўй кечади баъзан хаёлимдан. “Агар онанг келиб, сени олиб кетаман деса рози бўлармидинг?” деб ўзимга-ўзим савол бераман. Бу саволга қатиъй жавобим ҳам тайёр: “Йўқ! Ҳеч қачон рози бўлмайман, чунки энди жуда кеч. Эндигина дунё юзини кўрган ожиз ва ҳимоясиз фарзандини тап тортмай кўчада ташлаб кетган бемеҳр онанинг менга кераги йўқ. Меҳрга зор бўлиб унсиз йиғлаган пайтларимда ақалли бир марта бағрига босиб эркалатишга ярамаган, “Кўзмунчоғим” деб юз-кўзларимдан ўпмаган аёлни она деб аташга тилим бормайди. У аёл мен учун бутунлай ёт, мен ҳам унга бегонаман”.

Мен етимликнинг аччиқ ҳақиқатини тушуниб етган, сағирликнинг дарду изтиробларни жимгина ичимга ютиб яшашга мажбур эдим. Вақт ўтгани сари одам ҳамма нарсага кўникар экан. Биз ҳам улғайдик. Энди аввалги беғубор ўйинларни ўйнамаймиз. “Дадалар қанақа бўлади?” деб тарбиячиларимизнинг бошини қотирмаймиз. “Сенинг даданг йўқ, сенинг ойинг йўқ” қабилидаги маломатлар ҳам ортда қолиб кетди. Бу ерда кечган ҳаётимиз давомида мудом кўнглимизнинг бир чеккасида тугун бўлиб турадиган мискинлик ҳисси барчамизни барвақт улғайтириб қўйган эди. Биз қисматдошларимизнинг нигоҳидаги қувонч ёки мунгни бир қарашдаёқ англаймиз. Шунинг учун болалар уйи билан хайрлашув оқшомимиз анча ғамгин кечди. Тарбиячиларимиз, муаллимларимиз ва директоримиз шаънимизга эзгу тилаклар билдириб, кўнглимизни кўтаришга ҳаракат қилишди. Бироқ биз эзгин ўй-хаёллардан қутула олмаймиз. Барчамиз ҳадемай ўзимизнинг болалигимиз кечган болалар уйини бутунлай ташлаб кетишимизни ўйлаб, ғамгин тортиб қолган эдик. Устозларимиз бизни қаноти кучга тўлган бургутларга қиёслашди. Хўш, парвозга шайланган ўша шунқорларнинг борадиган манзили, қўнадиган ошёни борми? Бу саволларга жавоб йўқ эди.

Болалар уйида биз ёмон ўқиганимиз йўқ, аттестатимиз “тўрт” ва “беш” баҳолар билан безалган. Шу боис кўпчилигимиз умид билан катта шаҳарларга йўл олдик. Хайрлашув олдидан барчамизга бир-икки ойга етадиган пул бериб, бир сидра кийинтиришди.

– Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ дейишган, – деди директоримиз бизни кузатаётиб. – Мана, сизлар ҳам камолга етдингиз. Келажакда сизлар машҳур инсонлар бўлишингизга ишонаман! Ўзингиз ҳам эшитган бўлсангиз керак, дунёдаги кўплаб атоқли олимлар, таниқли ҳарбийлар, шоир ва давлат арбоблари ҳам ёшлигида сизга ўхшаб қийинчиликларни бошидан кечирган...

У ҳеч қачон бизнинг олдимизда “етим” деган сўзни тилга олмасди. Тарихда қайси таниқли инсон сағирликда улғайган бўлса, у ҳақда “Болалиги қийинчиликда

ўтган” деб гапирарди.

Мен Тошкентга бориб, политехника институтига ҳужжат топширдим. Кун бўйи боғ ва хиёбонларда ўтириб, имтиҳонларга тайёрланаман. Кечқурун аэропорт ёки темир йўл вокзалига бориб, сафарга отланган йўловчи қиёфасида ўриндиқлардан бирида ётиб тонг оттираман. Дастлабки кунларда шовқин-сурон туфайли тузукроқ ухлолмадим. Бироқ қаттиқ толиқсанг, ёнингда замбарак отиб турса ҳам тошдек қотиб қоларкансан. Бора-бора йўловчилар кўпайиб кетса, тик оёқда ҳам ухлаб олишга ўргандим. Бундай кезларда болалар уйидаги тинч ва беташвиш ҳаётимни соғинаман. Юмшоққина тўшакда мириқиб ухлаш энг катта бахт бўлиб туюлади менга.

Вокзалда ижарачи ахтариб юрган аёллар кўп эди, бироқ мен уларнинг биронтаси билан гаплашмадим. Негаки, пулим камайган сари юрагимни қўрқув босар, бир тийинсиз қолсам, аҳволим нима кечишини тасаввур қила олмасдим. Тезроқ ўқишга кириб, ётоқхонага жойлашиб олсам, институтдан стипендия беришса, ҳаётим изга тушиб кетишига умид қилардим. Унгача кунига икки маҳал ёвғон овқат билан бўғирсоққа қаноат қилишим керак.

Афсус, шунча қийинчиликлар билан кечган йигирма бир кунлик тайёргарлигим ҳавога учди. Ҳамма имтиҳонлардан “ўрта” баҳо билан ўтган бўлсам-да, “Меҳнат стажинг йўқ экан”, деб мандатдан ўтказишмади. Институтда дардимни эшитадиган одам топилмади. Охири тақдирга тан бериб, ўзим учун анча қадрдон бўлиб қолган Улуғбек боғига йўл олдим. Эрталабдан бери туз тотмаган бўлсам-да, овқатланиш кўнглимга сиғмасди. Тушкун кайфиятда йўлак четидаги ўриндиқлардан бирига чўкдим. Юрагимни изтиробли ўйлар қамраб олди. Мен бу дунёга нега келдим? Кимга керакман? Қорнинг очдими деб сўрайдиган онам бўлмаса, қийналганимда бошимни силайдиган отам бўлмаса, сафардан қайтганда борадиган уйим бўлмаса, бу дунёда яшашимдан нима наф? Тинчгина ҳаёт кечираётган одамларнинг оёғи остида ўралашиб, уларга халақит беришимдан нима маъно бор? Мен ўлсам, ҳеч ким аза очмайди, бу йигитга нима бўлган экан ўзи, деб сўрайдиган одам топилмайди. Бундай хор-зор бўлиб юришнинг нима кераги бор?..

Бадбин ўй-хаёллар таъсирида анча вақт бошимни чангаллаб ўтирдим. Тўққизинчи ёки ўнинчи синфда ўқиб юрган пайтларимизда болалар уйининг директори айтган бир гап туйқус ёдимга тушди. Ўшанда у кутилмаганда синфимизга кириб келиб:

– Сизлар келажакда машҳур одамлар бўласиз, чунки сизларни меҳр билан ўстириб, камолга етказган Ватан деган меҳрибон онангиз бор. Барчангиз унинг ишончини оқлашингиз керак! – деб барчамизни ватанпарвар бўлишга ундаган эди.

Шу гапни эслаб бироз дилим ёришди. Ҳаёт учун кураша олмаётганим учун ўзимдан хафа бўлиб кетдим. Йўқ, мен ҳам бошқалар каби яшашга ҳақлиман! Ота-онам ташлаб кетганида мени бағрига олиб, нон-туз бериб вояга етказган Ватанимнинг олдидаги қарзимни узишим керак. Мен ҳам оила қуриб, ажойиб фарзандларни тарбиялайман. Уларнинг менга ўхшаб етимлик азобини тортмаслиги учун қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан!..

Августда боғ ўқишга тайёргарлик кўраётган талабалар билан гавжум бўлиб кетди. Йўлак бўйлаб у ёқдан-бу ёққа ўтаётган йигит-қизлар орасида баъзан бизнинг овуллардан келган ёшлар ҳам учраб қолади. Бироқ улар мени танимайди. Болалар уйидан чиққан ўн саккиз нафар тенгдошимнинг ҳам биронтаси Тошкентга келгани йўқ. Хуллас, одамлар билан тўлиб-тошган азим шаҳарда мен бутунлай ёлғизман.

Кутилмаганда рўпарамдан ўтиб бораётган қизлардан бири менинг олдинга

узатилган оёғимга қоқилиб, мункиб кетди. Қўлидаги музқаймоқ нарироқдаги гулзорга бориб тушди. Қиз бир амаллаб мувозанатини сақлаб қолди.

– Кечирасиз, – дедим мен ўнғайсиз ҳолатда оёғимни йиғиштириб олиб.

– Уятсиз! – деди қиз жаҳл билан. – Қилғилиқни қилиб тағин кечирим сўрайди-я.

Икки дугонаси унинг атрофида парвона бўлишарди:

– Ҳеч нарса қилмадими?

– Оёғинг оғримаяптими?

Қизлар нарироқдаги ўриндиққа бориб ўтирди.

– Ўзимизнинг қорақалпоқ йигитларига ўхшайди, – деди қизлардан бири мен томонга қараб қўйиб.

– Бўлса бордир, лекин оёғини йиғиштириб ўтирса ўладими?

– Шу баҳона қизлар билан танишмоқчи бўлса керак-да.

Қизлар ҳар хил киноялы гаплар билан мени мазахлаб кула бошлади. Бу ерда ортиқ қолишни истамадим. Ўрнимдан туриб, чўлоқ оёғимни судраб босганча уларнинг олдидан ўтиб кетдим. Қизлар шу заҳоти кулгидан тийилиб, жимиб қолишди.

– Вой, шўрим! Бечоранинг оёғи ногирон экан-ку, – деди улардан бири ортимдан.

– Мен қаёқдан билай! Бояқиш кечирим сўраган эди-я.

– Биз эса унинг устидан кулиб ўтирибмиз. Уят бўлди!

– Унда бориб кечирим сўра.

– Ҳечам-да! Ногирон бўлса ўзига.

Мен тез-тез юриб улардан узоқлашдим.

Аэропортда иккита бўғирсоқ билан бир стакан қаҳва олиб, тушлик қилиб олдим. Шундан сўнг ўзимга қулайроқ жой ахтара бошладим. Орқасида суянчиғи бор юмшоқ ўриндиқларнинг ҳаммаси аллақачон банд қилинган. Бу одамларнинг самолётга чиптаси бор, сафар олдидан юмшоқ жойда ўтиришга ҳақли, менга эса йўл бўлсин! Шундоғам аэропортдан қувиб чиқаришмаганига шукр қиламан.

Бахтимга чеккароқдаги ёғоч скамейка бўш экан. Ўша ерга жойлашиб, кўзларимни юмдим. Қаттиқ чарчаган эдим, дарров ухлаб қолдим.

– Тур, болам!..

Кўзимни очганимда тепамда нотаниш бир кампир қаққайиб турарди. Аллақачон тонг отибди, йўловчилар қайсидир рейсга чиқишга тайёргарлик кўраяпти.

– Нима, уйинг йўқми? – деди кампир қўлидаги полювгичнинг дастасига суяниб. – Сени ўн кундан бери кузатаман. Кечқурун шу ерда ётиб юрибсан.

Унга нима деб жавоб беришни билмай каловландим.

– Борадиган жойим йўқ, – дедим секингина.

– Бирон жойда ишлайсанми?

– Йўқ. Ўқишга келган эдим, киролмадим.

– Унда нега овулингга қайтмайсан? Ёки йўлкирага пулинг йўқми?

– Пулим бор-ку...

У менинг жимиб қолганимни ўзича тушунди.

– Эй, болажоним-ей, ўқишдан йиқилганинг учун уйга боришга ор қилаяпсанми? Ўзи, ҳозирги замонда ўқишга кириш ҳам қийин бўлиб кетди. Менинг ўғлим ҳам уч йил институтга киролмай, охири Ленинградга бориб ўқиди. Кейин ўша ерда оила қуриб, яшаб қолди. Энди нима қилмоқчисан? Қачонгача аэропортда яшайсан?

– Қайдам.

– Бу ерда ҳар хил одам бор. Ёмонларнинг қўлига тушиб қолсанг, ўзингга

қийин бўлади. Хоҳласанг, меникига юра қол. Уйда ёлғиз яшайман. Ўғлим, “Сизни ҳам Ленинградга кўчириб олиб кетаман”, деб оёқ тираб туриб олди, лекин мен кўнмадим. Қартайган чоғимда бегона элларда нима қиламан? Худо хоҳласа, ўзи невараларимни олиб қайтиб келади.

Кампирнинг меҳрибонлигидан дийдам бўшаб кетди. Тилим калимага келмай, ерга қарадим.

– Гапим ёқмадими, болам?.. Майли, яна ўзинг биласан, – деб у пол ювишга киришди.

– Жон деб борар эдим-ку, лекин ижара ҳақи тўлашга пулим йўқ.

– Эй, болам-ей, бунинг нимасини ўйлайсан. Йигит кишининг омади олдида бўлади. Вақти келиб сен ҳам иш-пишга кирарсан. Пул топганингда бир нарса берсанг-берарсан, бермасанг ҳам розиман. Мен савоб учун айтаяпман.

Шу куни кампир мени шаҳарнинг чеккароғидаги тор кўчалардан бирида жойлашган ҳовлисига етаклаб борди. Ҳовли мўъжазгина, хоналари ҳам ихчам экан. Ҳовлининг бир чеккасида ҳожатхона, ҳаммом қурилган. Пастак эшикли қўранинг томига беш-ўн боғ беда тахланган. Қўранинг ичида боғлаб қўйилган эчки кўзга ташланади.

Оққўнгил кампирнинг уйида бир ярим ой яшадим. Бошга тушганини кўз кўради дейишган. Мен шаҳардаги мардикор бозорига ишга чиқа бошладим. У ерда асосан билаги бақувват, барваста йигитларга талаб кўпроқ эди. Одатда, менга кўзи тушган йигитлар:

– Ҳа, ака, мардикор излаб юрибсизми? – деб сўрашади.

– Йўғ-ей, ўзим мардикорман, – дейман ўнғайсизланиб. Йигитлар мийиғида кулиб қўйиб, бурилиб кетишади. Нима бўлганда ҳам бирон марта бозордан ноумид қайтганим йўқ. Доим насибамга яраша иш топилади.

– Сиз манави йигитларга ёрдам берасиз, лойга сув қуйиб, сўраган нарсасини узатиб турасиз, – дейди бошқалар қатори мени ҳам ишга ёллаган хўжайин сахти-сумбатимни диққат билан кўздан кечириб. – Бироқ сизга камроқ тўлайман, ука.

Мен рози бўламан. Мардикор йигитлар кун бўйи ғишт қуяди, уй қуради ёки ер ағдаради. Ишқилиб, бир муддат тинмайди. Мен уларга чой қайнатиб бераман, ғишт қуядиган қолипини қум билан тозалаб, кетмон-белкуракларини юваман. Бу орада хўжайинлар билан танишиб олишга ҳам улгураман. Улар етимхонада ўсганимни эшитгач, менга жуда меҳрибон бўлиб қолишади. Ҳар хил овқатлар билан сийлашади. Кечқурун бошқалар билан баб-баравар пул беради. Камига халтамга у-бу егуликлар ҳам солиб юборишади.

Адашмасам, октябрь ойининг ўрталари эди. Трамвайда кетаётиб боғда мени мазах қилиб кулган қизлардан бирини учратиб қолдим. У ҳам мени таниди.

– Салом бердик, – деди у яқин қариндошини учратгандек хурсанд бўлиб.

Мен бош ирғаб унинг саломига алик олдим, бироқ нима дейишни билмай мум тишлаб туравердим. Кейинги бекатда қаватимда ўтирган кампир тушиб кетгач, қиз ёнимга келиб ўтирди.

– Кечиринг, биз ўшанда беадаблик қилдик, – деди у ийманиб.

– Ҳечқиси йўқ, мен аллақачон у воқеани унутиб юборганман.

– Барибир, биз ҳалигача виждонимиз қийналиб юрибмиз.

Иккковимиз яна уч бекатгача бирга кетдик. Унга қаерда яшаётганимни айтдим, лекин мардикорлик қилиб кун кечираётганимни яширдим.

– Мен ҳозир тушаман, – деди қиз трамвай бекатга яқинлашганда. – Манави

кўчани кўраяпсизми, биз шу кўчанинг ўнг тарафидаги тўртинчи уйда яшаймиз. Эртага кечки соат олтида келинг, сизни кутиб ўтирамиз.

– Раҳмат, сизларни овора қилишни истамайман...

– Ундай деманг! – деди қиз қатъий оҳангда. – Эртага албатта келинг, хўпми? Қизлар билан, қайси биримиз сизни учратсак, уйга меҳмонга чақиришга келишган эдик. Бормасангиз хафа бўламиз.

Қизнинг трамвайдан тушгандан кейин ҳам ортимдан қўл силтаб хайрлашиб қолиши менга далда бўлди. Шу куни унинг жилмайиб турган қиёфаси кўз олдимдан кетмай, ярим тунгача бедор ётдим. Худога шукр, бу дунёда мени йўқлайдиган одамлар ҳам бор экан. Балки менинг ҳақиқий ҳаётим энди бошланаётгандир. Шу пайтгача беҳуда умидсизликка тушган эканман. Ҳаёт – курашдан иборат, дейишади. Мен нега ўз ҳаётимни изга солиш учун курашмайман? Йўқ, бунақаси кетмайди! Менинг ҳам бошқалар каби бахтли яшашга ҳақим бор. Ҳаммаси ўзимга боғлиқ. Мени тушунадиган, қийин пайтда қўллаб-қувватлашга тайёр бўлган шундай ажойиб қизлар турганда нима учун қайғули хаёллар билан яшашим керак? Бундан буён ўзимни қўлга олиб, фақат олдинга ҳаракат қиламан. Мени болалигимда балкондан итариб юборган болалардан ҳам, мандатда йиқитган ўқитувчилардан ҳам домангир бўлишни бас қиламан. Чунки айнан шулар менинг бояги қизлар билан учрашишимга сабабчи бўлди.

Эртаси куни зўрға кунни кеч қилдим. Обдон ювиниб-тараниб, унниқиброқ қолган кийимларимни дазмолладим. Айтилган пайт яқинлашганда кампирдан рухсат сўраб йўлга тушдим.

Улар мени кутиб ўтирган экан. Қўнғироқни босишим билан кечаги қиз эшикни очди.

– Келдингизми? – деди жилмайиб. У чиройли кийиниб олиб, ўзига обдон оро бергани боис янаям очилиб кетган эди. Беихтиёр унинг бежирим кўйлаги остидан қўшалоқ олмадек бўртиб турган бўлиқ кўкракларига назарим тушиб, кўзларимни олиб қочдим.

Қиз мени ичкарига бошлаб кирди. Хонада икки дугонаси ўтирган экан. Ўртада дастурхон безатилган. Мен тортина-торина улар таклиф қилган жойга ўтирдим. Салом-аликдан сўнг гапимиз дарров қовушиб кетмади. Қизлар бир муддат овул ҳақида, у ерда қолган дўстлари ҳақида гаплашиб ўтирди. Мен бундай бахтдан бенасиб ўсганим учун уларнинг суҳбатига қўшилолмадим.

Тез орада танишиб олдик. Учаласи ҳам шаҳарга яқинда келишибди. Роза тиббиёт институтига, Олмагул консерваторияга, Кенжагул эса адабиёт институтига ўқишга кирибди. Ўша куни Кенжагул институтга қабул қилинганлар рўйхатида ўзининг исм-шарифи йўқлигидан хафа бўлиб келаётган экан. Шундоғам ҳаётда яхшигина қоқилганидан ўкиниб келаётган қизнинг йўлига майиб оёғимни саланглатиб узатиб ўтирганимни қаранг! Ўзимнинг ношудлигимдан уялиб кетдим.

Кенжагул эртаси куни институт ректорининг қабулига кириб, ўзининг чўпон қизи экани, махсус йўлланма билан ўқишга келганини айтибди. Шундан сўнг уни ҳам институтга қабул қилишибди. Бундай имконият менда ҳам бор эди. Лекин мақсадга эришиш учун сағирликда ўсганимни пеш қилмадим. Одамларда ўзимга нисбатан ачиниш ҳиссини уйғотишни истамадим. Мудом қаддимни тик тутиб, мағрур яшашни мақсад қилган эдим. Бироқ қанчалик ўзимни мардона тутишга уринмай, сира бунинг уддасидан чиқолмасдим. Чунки менинг орқамда суянадиган одамим йўқ. Ёлғон гапиришга ўрганмаганман. Шунинг учун дастурхон бошида

қизларга ўзим ҳақимда бор ҳақиқатни яширмай айтиб бердим. Қизлар менинг ҳикоямни эшитгач маъюс тортиб қолишди.

– Хафа бўлма, – деб Кенжагул менга тасалли беришга уринди. У кеча мени трамвайда учратиб, уйига таклиф этган қиз эди. – Энди сен ҳам ёлғиз эмассан, ёнингда бизга ўхшаган дўстларинг бор. Дунёда ҳеч кимга ота-онасини боғлаб бермаган. Вақти-соати келганда ҳаммамиз ҳам етим бўлиб қоламиз. Сен ҳам иродангни қўлга олиб, хуш-хурсанд бўлиб яшашга ҳаракат қил. Театрларга, кинога бор. Истаган пайтингда бу ерга келавер. Биз ҳеч қачон сени бегона қилмаймиз.

Бироздан сўнг Роза қумғон билан ташноб олиб келиб, менга тутди.

– Буни нима қиламан? – дедим ажабланиб.

– Қўлингни ювиб ол, ҳозир овқат сузамиз.

– Овқатни қошиқ билан емаймизми?

– Йўқ. Гуртик[1] қўлда ейилади.

Ортиқ савол бермай қўлимни ювдим. Болалар уйида бизга ҳам гуртик пиширib беришган, лекин биз уни шўрваси билан бирга қошиқда ичардик.

Дастурхонга овқат тортилди. Бироқ унинг хамирини қўлда ейишга жуда қийналдим. Чангалимдаги овқатни гоҳ дастурхонга, гоҳ ерга тушириб қўяман. Шунинг учун иккинчи қўлимни ҳам ишга солишга мажбур бўлдим. Қизлар менинг беўхшов ҳаракатларимга эътибор бермай, лагандаги гўштни олдимга суриб қўйишар, косадаги шўрвани совутиб беришади.

Шу кундан эътиборан тез-тез қизларнинг ижара уйига бориб турадиган бўлдим. Худди улар мени кўриб қоладигандай, мардикор бозорига чиқишдан ҳадиксирайдиган бўлдим. Янги йилдан сўнг омадим чопиб, шаҳардаги трамвайлардан бирига чипта сотувчи бўлиб ишга жойлашдим. Энди бошқаларга ўхшаб эртадан-кечгача ишдаман. Кампирнинг қўрасидаги эчки-улоғига қарашга ҳам қўлим тегмайди. Бироқ унга ижара пули тўлай бошладим. Маошим ёмон эмас. Орада ўзимга қишки кийимлар сотиб олдим. Баъзан бозор-ўчар қилиб келаман. Бундай пайтларда кампирнинг боши кўкка етади. Менинг янги ишим қизларга ҳам маъқул бўлди.

– Яхши бўпти, кўпчиликнинг назари тушадиган иш топибсан. Тошкентда яшайдиган икки миллион одамнинг камида икки юз минги сени танийдиган бўлади, – деди Кенжагул.

– Сени излаган пайтда топишимиз ҳам осон бўлади, – деди Роза.

– Айтгандай, биз трамвайингга чиқсак, нима қиласан? – сўради Олмагул.

– Нима қилардим? Хуш келибсизлар, дейман.

– Биздан кира ҳақи олмасанг керак, ҳар қалай? – деди у ноз билан. Кенжагул дарров унинг оғзига урди:

– Нега олмас экан? Трамвай унинг шахсий машинаси эмас-ку!

– Олегга жуда меҳрибонсан-ей! – дейди Олмагул сирли жилмайиб Кенжагулга.

Чиндан ҳам, қизлар баъзан мен ишлаётган трамвайга чиқиб қолишарди. Шундай пайтларда Роза бепарво қиёфада менга пул узатади. Мен ҳам ҳеч нарса бўлмагандай йўлкира ҳақини олиб, унинг қўлига чипта тутқазаман. Шундан сўнг у мени бошқа синамайдиган бўлди.

Ишга кирганимдан сўнг мен ҳам дўстлар, касбдошлар орттирдим. Бир гал улар билан мажлисда учрашсак, бошқа куни меҳмондорчиликка ёки тўй-маъракага бирга борамиз. Баъзан шаҳар ташқарисига чиқиб дам оламиз. Шу ишлар билан овора

[1]. *Гуртик – қорақалпоқ миллий таоми.*

бўлиб икки ойгача қизлардан хабар ололмадим. Бир куни учаласини трамвайда учратиб қолдим.

– Сенмисан, Олег? – деди Кенжагул хурсанд бўлиб. – Анчадан бери кўринмай қолдинг. Қаёқларда юрибсан?

– Ишларим кўпайиб кетди, – дедим улар билан саломлашиб.

– Нега бизникига бормай қўйдинг?

– Бир-икки кунда ўтаман.

– Аниқроғи, қачон? – деди Кенжагул.

– Эртага!

Мен йўловчиларга чипта тарқатишда давом этдим. Кенжагул бир муддат мени синчков кузатиб турди-да, бармоғи билан имлаб чақирди. Унинг олдига бордим.

– Кир кийимларингни ҳам олиб бор, – деди у қулоғимга шивирлаб. Мен бош иргадим. Олмагул билан Роза бизга синовчан тикилиб турарди.

– Уни севиб қолганга ўхшайсан, – деди бироз узоқлашганимдан сўнг Роза унга. – Индамаса, Олегнинг юз-кўзидан ўпиб олишдан ҳам тоймайсан.

– Сизлар билмайсиз-да, – деб хўрсинди Кенжагул. – Менинг ҳам унга ўхшаган акам бор эди, бояқиш йигирма уч ёшида умуртқа силидан вафот этган. Мен ўша пайтларда ўн тўрт яшар ўспирин қиз эдим. Акам ҳам эр етилиб қолган эди, шунинг учун овулнинг қизлари билан гаплашгиси келарди. Улар эса шу заҳоти: “Йўқол кўзимдан, букур чўлоқ!” деб бобиллаб беришади. Шундан сўнг бечоранинг уч-тўрт кунгача қовоғи очилмай юради. Мен ўша қизларни ўлгудай ёмон кўрардим. Кўнгли учун акамга бир-икки оғиз ширин гап айтиб, жилмайиб қўйса бир жойи камайиб қоларканми, деб домангир бўлардим. Ўша куни боғда биз ҳам Олегнинг дилини оғритдик. У ногирон оёғини судраб олдимиздан ўтиб кетганида худди акам тирилиб келиб, менга маломат қилаётгандек туюлиб кетди. Олегнинг ҳам умуртқа суяги қийшиқ экан. Шундан бери уни кўрсам, марҳум акам эсимга тушади.

Мен ҳайрон бўлдим. Кенжагул шу пайтгача бу ҳақда бирон марта оғиз очмаган эди.

– Кондуктор, қаердасиз? Биз тушамиз!

Трамвайнинг олдинги томонидаги йўловчининг хитобидан хаёлимни йиғиб олиб, ўша томонга юрдим.

Эртаси куни қизларнинг олдига камтарона совға-салом билан кириб бордим. Чунки энди мен талабаларга нисбатан бадавлатроқ эдим. Битта халтага кирлаган энгил-бошимни солиб олганман. Кенжагул зумда уларни ювиб берди.

– Бундан кейин ўзинг кир ювиб юрма, – деди у. – Кеча кўйлагингнинг ёқасида совун юқи қотиб қолганини кўриб уялиб кетдим.

Қизлар билан борди-келди қилаётганимиздан бери бир йилча вақт ўтди. Бу орада биз жуда қадрдон бўлиб қолдик. Бир-биримизни уч-тўрт кун кўрмасак, соғиниб қоламиз. Баҳорда кампирнинг ўғли Ленинграддан қайтиб келиб, мен қизлар яшаётган ҳовлидаги бўш хонага кўчиб ўтдим.

Шу тариқа тўрт йил ёнма-ён яшадик. Бирга кинотеатрларга бордик. Кейинчалик Розанинг олдига Дўйсенбой, Олмагулнинг олдига Ниятулла деган йигитлар келадиган бўлди. Иккаласи аста-секин мендан узоқлашиб бораётганини кўриб ич-ичимдан норози бўлардим. Бахтимга Кенжагул ҳамон ёлғиз. Агар у ҳам бирортасини топиб олса, мен бундай бахтсизликни кўтаролмайман. Ундан кўра, шаҳардан бош олиб кетаман. Мен ана шундай дамларни юрак ҳовучлаб кута бошладим.

Ошиқ-маъшуқлар жуфт-жуфт бўлиб уйдан чиқиб кетишади.

– Олег, манави қизлар кўзимизни куйдираяпти-ку, – дейди Кенжагул шундай кезларда. – Биз ҳам кинога бормаймизми?

Бироздан сўнг икковимиз кўчага йўл оламиз. Бироқ биз кўчада бошқаларга ўхшаб қўлтиқлашиб юрмаймиз, кинотеатрда ҳам орамизда бир одам сиғадиган жой очиқ қолади. Бу тартибни бузишга сира журъатим етмайди. Чунки ўзимнинг унга нолойиқ эканимни яхши биламан.

Кенжагулнинг ўқиши охирлаб борарди. Бироқ Роза ҳали яна икки йил, Олмагул бир йил ўқиши керак экан.

– Кенжагул икки ойдан сўнг овулига қайтиб кетишидан хабаринг борми? – деди бир куни Олмагул.

– Биламан, – дедим мен сир бой бермай. – Вақти-соати етиб сизлар ҳам кетасиз.

– Бизнинг йўриғимиз бошқа, – деди у. – Бироқ Кенжагул сен учун жонини беришга ҳам тайёр. Нега у билан гаплашиб кўрмайсан?

– Унинг шунчаки менга раҳми келади, холос. Бошқа ҳеч гап йўқ...

– Ҳаммаси шундан бошланади. Сен бир уриниб кўр.

Шу гапдан сўнг ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Бир куни унга кўнглимни очишга журъат қилдим. Олмагул анча пайт унсиз ерга қараб ўтирди. Ниҳоят, бошини кўтариб:

– Пайпоғингни еч, ювиб бераман, – деди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, мен яна ўша гапни қўзғадим, қиз бу гал ҳам сукут сақлашни маъқул кўрди.

– Мени кечир, Кенжагул, – дедим ўзимнинг қилиғимдан уялиб. – Майли, икковимиз дўст бўлиб қоламиз. Ўринсиз гапларимдан хафа бўлма.

– Гапларингиз ўринсиз эмас, – деди у чуқур тин олиб. – Мен ўша кундан бери шу ҳақда ўйлайман. Ота-онам чўпон бўлгани учун шаҳардан узоқда яшайди. Бунинг устига, уларнинг ёлғиз фарзандиман. Бизнинг элда одамлар ичкуёвни унчалик ёқтирмайди. Сени овулимга бошлаб бориб, ўз қўлим билан оёғингга тушов солишни истамайман. Шундоғам ўн етти йил ўзгаларнинг қош-қовоғига қараб яшаганинг камми?

– Бунинг ҳечам ёмон томони йўқ. Шу пайтгача сағир яшаган бўлсам, бу ёғига менинг ҳам ота-онам бўлади.

– Қайдам. Отамнинг феъли оғирроқ. Тилига келган гапни қайтармайди. Жаҳл устида ҳамиятингга тегадиган гап айтиб юбориши мумкин...

– Бор-йўғи шуми?

Кенжагул унсиз бош иргади. Мен аста уни бағримга тортдим. Икковимиз бир-биримизнинг юрак уришимизни вужудимиз билан ҳис қилиб, бахтнинг қучоғига сингиб кетдик. Эҳ, қандай тотли дамлар эди!..

Кенжагулнинг овули район марказидан саксон чақирим узоқда жойлашган экан. Йўл четида анча вақт улов кутиб, ниҳоят сув ташувчи машинага чиқиб олдик.

– Шундай қилиб, Серимбет чўпоннинг қизи экансан-да? – деди йўл бўйи биз билан гаплашиб кетаётган ҳайдовчи Кенжагулга юзланиб. – Хўш, манави йигит ким?

Кенжагул кўзларини ерга тикди.

– Тушунарли. Демак, куёв бола! Иним, исминг ким?

– Олег!

Ҳайдовчи менга ялт этиб қаради.

– Оббо, шоввоз-ей, – деди у кулиб. – Бу қанақаси бўлди? Ўзимизнинг

қоракўзлардан эканинг шундоқ кўриниб турибди-ку.

– Биринчи тарбиячимиз рус хотин бўлган экан, ўша аёл менга шундай исм қўйган.

– Детдомда ўсган экансан-да. – Боядан бери жилмайиб келаётган ҳайдовчи дарров лаб-лунжини йиғиштириб олди. – Ҳа, одамлар бузилиб кетди, иним. Манави қариндошимиз кўнглига олмасин, тўғриси, кўп аёллардан инсоф кўтарилди. Яқинда кимдир бизнинг ҳовлининг олдига йўргакдаги чақалоғини ташлаб кетибди. Уйга олиб кириб, ўзимизча парвариш қилдик. Барибир сигирнинг сути она сутининг ўрнини босармиди? Бечора гўдак беш кундан сўнг қайтиш бўлди.

– Мен ҳам вақтида йўргакда қолганман, оға, – дедим унга. – Бахтимга болалар уйида эмизикли аёл бор экан, ўша менга оқ сут берган.

– Тўғри, яхши инсонлар ҳам кўп дунёда. Хафа бўлмагин-ку, иним, сени туғиб, ташлаб кетган ўша хотин вақти келиб қилмишига яраша Худодан топади. Балки аллақачон жазосини олгандир. Бироқ сен Олег деган гапни йиғиштир. Бундай исм билан Қизилқумда яшолмайсан. Серимбет чўпон отингни эшитса, қамчи билан уйидан қувиб чиқариши аниқ. Яхшиси, ўзимизга мослаб, Ўролбой ёки Ўринбой бўла қол. Ўйлашимча, Ўролбой маъқулроқ, бахтли оила бўлиб, элга ўралашиб юрарсан.

Ҳайдовчининг шарофати билан йўлдаёқ Ўролбой бўлиб олдим. Айниқса, Кенжагул бундан қувониб кетди. Икковимиз ваъдани бир жойга қўйгандан бери уни шу масала қийнаб келаётган экан. Ўзича ота-онамга бу гапни қандай тушунтираман, деб ҳайрон бўлар, лекин дардини менга айтолмай юрган экан.

Сурув ётоққа қайтаётган пайтда овулга кириб бордик. Кампир шоша-пиша қизига пешвоз чиқди. Қўра тарафдан отаси ҳам кела бошлади.

– Мана, қизим, тўрт йил бир зумда ўтиб кетди, сен ўқимишли одам бўлиб қайтдинг. “Сизларни қандай ташлаб кетаман?”, деб қайсарлик қилган эдинг, нима, бизни бўри ермиди.

Чол билан кампир қизини уйга бошлаб кирди. Мен ҳам беихтиёр уларга эргашдим.

– Э, манави бола ким бўлди? – деди ичкарига кириб ўтирганимиздан сўнг Серимбет чўпон қўлидаги қамчиси билан менга имлаб. Кенжагулнинг ўрнига онаси жавоб берди:

– Куёв бола экан.

– Ё, Олло! – чол оғир хўрсиниб, ўрнидан туриб кетди. – Қариган чоғимда бошимда шу кўргилик ҳам бормиди. Отаси бошқа эркак бўсағамни босиб кириб-чиқиб юрса, одамлар нима дейди... Исминг ким сен боланинг?

– Ўролбой, – дедим ийманиб.

– Ота-онанг борми?

– Йўқ.

– Етиммисан?

Мен ерга қарадим.

– Тақдирнинг ишини қара, кампир! – деди чол баттар куйиниб. – Худо бандасига бермайман деса, биратўла манглайини қирчиб йўнаркан-да. Эр етилган ўғлимни олгани етмагандай, энди менга қуда-қудағайни ҳам раво кўрмади!

Кенжагул чидай олмай, изиллаб йиғлаб уйдан чиқиб кетди. Менинг ҳам ўпкам тўлиб, ўзимни зўрға босиб ўтирибман. Бироқ бўсағa ҳатлаб ташқарига чиқиб кетолмадим. Кетганда қаёққа бораман? Йўлга тушсам, ким мени қайтаради?

Хуллас, тақдирга тан бериб, охиригача чидашга қарор қилдим.

– Шундоғам узоқ йўлдан чарчаб келган қизни изза қилишингиз яхшими? – деди кампир чолига. – Ота-онали куёв сизга иймон олиб берармиди? Қайтанга унақалар ўғлимни сенга ичкуёв қилиб қўймайман деб қизимизни ўзи билан олиб кетади. Бояқиш Кенжам шуларни ўйлаган бўлса керак-да. Ҳамма нарсага етган ақлингиз нега шунга етмайди?

Чол қамчиси билан этигининг қўнжига урди.

– Садағаси кетай бундай ақлнинг... Ишқилиб, пешонам шўр экан.

Икки-уч кундан сўнг Серимбет чўпон ниҳоят, жаҳлдан тушди, эл-улусни ўтовига чорлаб, бизга тўй қилиб берди.

– Хўш, энди нима иш қилмоқчисан? – деди қайнотам бир куни мени олдига чақириб.

– Қайдам. Ўзимнинг ҳам бошим қотиб турибди.

– Ўқиганмисан?

– Йўқ.

– Тошкентда нима иш қилдинг?

– Трамвайда кондуктор эдим.

– Биз сенга Қизилқумда трамвай юргизиб беролмаймиз-ку?

Мен индамадим.

– Унда гап бундай, – деди чол, – тарғил қашқани миниб, сурувга эгалик қиласан. Мен ҳам қартайган чоғимда чўлда ўлиб қолишни истамайман.

Рози бўлмай иложим қанча! Лекин шу ёшга кириб отга миниб кўрмаганман. Дастлабки кунларда эрталаб отга миниб, кечгача эгардан тушмадим. Уйга қайтганда қадам ташлашнинг эвини тополмай қийналиб юрдим. Бундай пайтларда Кенжагул ичкарига суяб киритади.

– Озгина чидаб тур, Ўролбой, отам билан онамни кўндириб, шаҳарга кўчиб кетамиз, – дейди хотиним менга далда бериб. У овулдаги тўрт йиллик мактабга ўқитувчи бўлиб ишга жойлашган эди.

Аста-секин от минишни ўрганиб олдим. Сурувни ёлғиз ўзим узоқ яйловларга ҳайдаб кетадиган бўлдим. Қишда қўйлар қўрада қолар экан. Мартнинг ўрталаридан чўлда майса-гиёҳлар барқ уриб ўса бошлади. Кўк исини олган қўйлар қўрада туролмай қолди. Шундай қилиб, туппа-тузук чўпонга айландим. Ҳар куни тонг азонда отарни яйловга ҳайдаб, қош қорайганда қайтариб келаман. Фалокат оёқ остида деб бекорга айтишмаган, кунлардан бирида сурувга учта қашқир оралади. Қўйлар ҳуркиб, бир неча бўлакка бўлиниб кетди. Тагимдаги от ҳам менга бўйсунмай, тепаликка қараб чопди. Ҳайрон бўлдим, бу қашқир қувлаган чўпоннинг оти эди-ку, нега депсиниб, орқага чекинади? Ёки жонивор устидаги одамнинг қўрқоқлигини сездимикин? Нима бўлганда ҳам ҳозир ўйланиб ўтирадиган вақт эмас. Отни қуюндай елдириб уйга келдим.

– Ота, сурувга қашқир тегди! – дедим остонада жиловни тортиб.

Чол ичкаридан шошиб чиқиб келди.

– Нега қўйларни ташлаб келдинг?

– Қашқирларга қараб ҳайдасам, от қайсарлик қилди.

– Тақимингда куч йўқ-да! Туш отдан!

У ичкаридан милтиқ олиб чиқиб, яйловга от чоптириб кетди. Мен уйда қолдим. Кечга яқин Серимбет чўпон қайтиб келди. Ташқарида унинг:

– Ўролбой! – деган қаҳрли овозини эшитиб ташқарига югуриб чиқдим. Чол

бўйнимга қамчи билан туширди.

– Отарни соб қилибсан-ку, лаънати!

Шундан сўнг у юзинг-кўзинг демай мени калтаклашга тушиб кетди. Мен жонҳолатда юз-кўзимни ҳимоя қилишга уринар, бироқ қочиб қолишга мадорим йўқ эди. Қамчининг зарбидан эгнимдаги кўйлагим парча-парча бўлиб йиртилиб кетди.

Кенжагулнинг, “Отажон, ўлдириб қўясиз-ку бечорани”, деган зорланиши элас-элас қулоғимга чалинди. Кейин нима бўлганини эслолмайман. Алламаҳалда ўзимга келдим. Серимбет чўпон қаергадир ғойиб бўлган, қора уйдан кампирининг йиғи аралаш дийдиёси эшитиларди:

– Қулуним-ей, отангнинг феълини биласан-ку, орага тушиб нима қилардинг? Қорнингдаги болангга зарар етмаган бўлсин, ишқилиб. Шўрим қурсин...

Қаттол Серимбет ғазаб устида қизини ҳам савалаганга ўхшайди. Хотинимнинг ой-куни яқин эди. Мен зўрға эмаклаб ичкарига кирдим. Кенжагул чап тарафда чўзилиб ётган экан. Онаси ўзини қўярга жой тополмай гоҳ унинг бошида чўкади, гоҳ ташқарига чиқади.

Кенжагул менга кўзи тушиб, бироз қаддини ростлади.

– Ўролбой, Худога шукр, тирик экансан, – деди у. – Мени кечир, сени бахтли қиларман деб ўйлаган эдим. Отамнинг бунчаликка боришини кутмаган эдим. Ўн бешта кўй унга икковимиздан ҳам азизроқ экан...

Кенжагул қорнини чангаллаб инграшга тушди.

Шу пайт ташқарида от аравaнинг шовқини эшитилди.

– Кампир, қизингни олиб чиқ, – деди Серимбет чўпон. – Аксига олиб, Наримбетнинг шу пайтгача юриб турган машинаси ҳам бузилиб қолибди. Овулда телефон ҳам йўқ. Қурғурлар энчайинда вертолётда келиб, мақтаб-мақтаб кетишга уста, лекин яқин атрофда касалхона қуриб бермайди, телефон ўрнатмайди. Ўзи, шаҳарга кўчиб кетганлар тўғри қилади.

– Ўролбой, эшитаяпсанми, шаҳарга кўчамиз, отам айтаяпти, – деди Кенжагул кўзлари жавдираб.

Овулнинг одамлари Кенжагулни устига сомон солинган фойтун аравага миндиришди. Онаси унинг ёнига ўтирди. Биз ярим оқшомда район марказига жўнадик. Кенжагул йўлда қаттиқ безовта бўлди. Қанчалик ошиқмайлик, сира йўлимиз унмайди. Бунинг устига, аравани тезроқ ҳайдасак, хотиним қийналади.

Тонгга яқин касалхонага етиб келдик. Дўхтирлар Кенжагулни замбилда ичкарига олиб кириб кетишди.

– Худойим, қизимни ўзинг асрагайсан, – деб кампир гоҳ деразадан ичкарига мўралайди, гоҳ эшикдан киришга уринади.

Орадан бир соатча вақт ўтгач ичкаридан ҳамшира чиқди.

– Кенжагулнинг қариндошлари борми?

– Бор! – дедик ҳаммамиз баравар.

– Қон топширасизлар, уни операция қиламиз.

Операция анча чўзилди. Биз эса ўтаётган ҳар бир дақиқани санаб, эшикка умид билан кўз тикиб ўтирардик. Аммо бошимизга кулфат тушди. Кенжагул операция столида ҳаётдан кўз юмди. Калтак зарбидан ҳомила ҳам қорнида нобуд бўлган экан, уни ёриб олишди. Эртаси куни туш пайтида икки бирдай ўликни от аравада уйга олиб қайтдик.

Кенжагулнинг отаси қора уйнинг олдида йўлимизга кўз тикиб ўтирган экан.

– Кампир, – деб овоз берди бизга кўзи тушгач, – қизинг омонми?

Йўл бўйи юраги ҳасратга тўлиб келаётган кампир ўкраб йиғлаб юборди.

– Қулунимдан айрилдим! Вой, болажоним...

Чол ичкарига югуриб кириб, қўшотар милтиқни олиб чиқди.

– Анави ҳароми етимча қани?!

– Қоч! – деди менга аравaнинг ортида келаётган қўшнилар. – Серимбет отиб ташлайди.

Мен қоронғида чўгирмадай бўлиб ўсиб ётган қорабароқ[2] билан у ер-бу ерда чўнқайиб турган жинғилнинг орасига ўзимни отдим. Ортимдан кетма-кет ўқ овози эшитилди. Ўлган бўлсам керак деб ўйладим ўзимча. Йўқ, тирик эканман. Узоқдан кампирнинг аянчли фарёди, Серимбет чўпоннинг, "Барибир сен шумоёқ сағирни топиб, ўлдираман!" деган қаҳрли ҳайқириғи элас-элас қулоғимга чалинди.

Икки кун овул ташқарисидаги қабристонда яшириниб ётдим. Учинчи куни пешин пайтида у ерга Кенжагулни олиб келиб кўмишди. Мен қоронғи тушгач, видолашиш учун унинг ёнига бордим. Кенжагулнинг қабри бошида ўтириб, йигирма уч йилдан бери юрагимда йиғилиб қолган дардларимни, етимликнинг ситамларини кўзёшларим билан тўкиб-солдим. Тақдир яна менга нисбатан номардлик қилди, дунёдаги якка-ю ёлғиз суянчиғимдан айирди. Мени тушуниб кўнглимга қараган, оналик меҳри бошимни силаган аёл қора тупроқ бағрида ётибди. Хуллас, мен иккинчи марта етим бўлиб қолдим...

Нозир жез қўнғироқни чалди.

– Сен эртагингни қачон тугатасан?

– Мен эртак эмас, бошимдан кечирган воқеаларни сўзлаяпман.

– Хўш, бу гапларнинг қотилликка нима дахли бор?

– Ҳеч қандай дахли йўқ. Умуман, сиз мендай бир шўртумшуқнинг одам ўлдиришига ишонасизми?

– Унда сенинг никоҳингда бўлган Қувонишбоева деган аёлни ким ўлдирди?

– Мен ўлдирдим!

Нозир афсус билан бош чайқади.

– Сенинг эс-ҳушинг жойида эмас, шекилли.

– Ахир, ўзим ўлиб кетишим керакмиди?

Нозир иккинчи марта қўнғироғини жиринглатди.

– Охирги гапингни айтиб бўлганга ўхшайсан. Энди ҳукмни ижро этишга буйруқ берсак ҳам бўлади.

– Менга яна озгина фурсат беринг, муҳтарам нозир!

– Майли, гапир, лекин қисқароқ қил.

Маҳбус ҳикоясини қолган жойидан давом эттирди:

– Шундан сўнг бошим оққан томонга йўл олдим. Қаерга боришимнинг менга умуман қизиғи йўқ эди. Чунки на туғилган элим, на манзил-маконимнинг тайини бор. Шунинг учун ҳеч ким кўксимдан итармайдиган, ҳолимга яраша кун кўриш мумкин бўлган жой топишим керак эди. Кенжагул яшаган районда қолишни истамадим. Жасадини уйга олиб қайтаётганимизда марҳум хотинимнинг менга қилган яхшиликларини қандай қайтариш ҳақида ўйладим. Мармардан қабртош ўрнатишга имконим етмайди. Балки ҳар ҳафтада қабрига гул қўйиб, руҳини шод қиларман деб умид қилган эдим. Бироқ қаттол отаси мени шундан ҳам бенасиб қилди. У қачондир мени учратса, ўйлаб-нетиб ўтирмай отиб ташлаши тайин. Мени

[2] *Қорабароқ – чўл бутаси.*

ким ҳам сўрарди. Хуллас, хотиним ўлгандан сўнг тўрт-беш йил дуч келган жойда бир амаллаб кун кечириб юрдим. Ниҳоят, омадим чопиб, чеккароқ районлардан биридаги меҳмонхонага қоровул бўлиб ишга жойлашдим. У ерда беш киши ишлардик – мен, яна бир қоровул, қозонхона ходими, меҳмонларга кўрпа-тўшак тарқатадиган аёл ва кир ювувчи келинчак. Биз билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Ойма-ой маошимизни бериб туришади. Қорнимиз тўқ, устимиз бут. Район республика марказидан олисда бўлгани учун меҳмонлар ҳам жуда кам келади. Районнинг катталари марказдан ёки бошқа жойдан келган нозикроқ қўноқларнинг камтаргина меҳмонхонамизга ётишига йўл қўймай, аллақаёқларга олиб кетишади. Фақат аллақандай кичикроқ спорт мусобақалари ўтказилган пайтларда меҳмонхонамиз тўлиб қолади. Бошқа пайтларда бўм-бўш ҳувуллаб ётади. Бироқ биз жуда иноқмиз. Топган-тутганимизни ўртага қўйиб, бирга чой ичамиз. Ора-сира оз-моздан ичиб ҳам турамиз. Комендантимиз Савлия бундай ишларга жуда уста. Ўзинг билиб унга пул берсанг-бердинг, йўқса таппа ерга босиб, чўнтагингдан тортиб олишдан ҳам тоймайди. Ишқилиб, ундан осонликча қутулмайсан. Савлия қорувли, чаққон аёл. Бир зумда тўкин дастурхон тузаб ташлайди. Кир ювувчи жувон эса унинг бутунлай тескариси. Ёши анчага бориб қолган бўлса-да, янги тушган келинчаклардек тортинчоқ, пиёлаларга ароқ қуйилиши билан:

– Мен ичмайман, – деб юзини четга буради.

– Ўн беш яшар қиздай бунча ноз қиласан? Олсанг-чи! – деб жеркиб беради Савлия.

– Йўқ, менга бўлмайди-да, овсин, – дейди у қизариб.

– Қорамланглай, бир ўзинг беҳиштга кирганинг билан зерикиб ўласан-ку. Ундан кўра, ҳаммамиз бирга дўзахга тушганимиз аъло.

Савлия ҳафсаласиз қўл силтаб, бизга қадаҳ узатади. Ўзи косагуллик қилиб, ўзи газак узатади. Биз Савлиянинг амрига сўзсиз итоат этамиз, тўртовимиз ҳам унинг измидан чиқолмаймиз.

– Бу аёлнинг асов йилқидай тайранглашини қара, иним, – дейди қозонхона ишчиси Савлия даврадан узоқлашгач менга. – Кўкраклари сенга ўхшаган иккита йигитга ёстиқ бўлади.

Ростдан ҳам, Савлиянинг қадди-қомати кўрган одамнинг эътиборнини тортади. От жағли, кўзлари чақнаган, киприклари авайлаб қўлда чизиб қўйилгандек ўзига ярашган, кўзлари кулиб турадиган куйдирмажон жувон эди. Шеригим доим зимдан унга суқ билан қарайди, бироқ ўзига гап отишга қўрқади. Савлиянинг феъли ёмон, бир жаҳли чиқса, ҳар қандай эркакни тавбасига таянтиради. У шуни билгани учун менга ақл ўргатишдан эринмайди.

– Шу аёлга уйлансанг, бахтинг очилади. Йигит кишига мана шундай ўктам хотин керак.

– Уйланишга-уйланарман, бироқ кейин унга бас кела олмайман-да, – дейман кулиб.

– Қўрқма, иним. “Эркак кишининг боши ортиқ”, дейишган. Ҳозирдан шунақа қўрқоқ бўлсанг, бизнинг ёшимизга етганда ҳолинг нима кечади?

Баъзан Савлия кириб-чиқиб юриб бу гапларимизни чала-ярим эшитиб қолади. Лекин ўзини эшитмаганга олади. Шунга қараганда, бу гаплар унга ҳам хуш ёқса керак. Нима бўлганда ҳам у ҳали ёш, бошқаларга ўхшаб ўйнаб-кулгиси келади. Шуни ўйлаб ўзимча хурсанд бўламан. Ахир тақдирга тан бермасдан иложим қанча. Кенжагулни минг яхши кўрганим билан у энди қайтиб келмайди. Менга ҳам ҳаётда

суянчиқ бўладиган одам керак. Бора-бора Савлиянинг ўзи ҳам менга тегажоғлиқ қилишга одатланди.

– Яхши юрибсанми, тортинчоқ қайним? – деб шартта бўйнимдан қучоқлаб олиб, мени қитиқлашга тушади. Бундай пайтларда қитиғимга чидолмай ўрнимдан сакраб туриб кетаман. Агар бошқа биронтаси шунақа қилганида индамай қўймасдим, бироқ Савлиянинг ҳазиллари мойдай ёқади. Унинг, “Тортинчоқ қайним”, деган сўзларини қайта-қайта эшитгим келади. Савлия сира бўш келай демайди – гоҳ ортимдан келиб, кафтлари билан кўзларимни маҳкам ёпиб олади, гоҳ бўйнимдан қитиқлашга тушади. Баъзан очиқ турган хоналардан бирига мени судраб олиб киради-да, каравотга таппа босиб, эзғилашга тушади. Унинг ҳар бир қилиғи ўзига ярашади.

Бизнинг ҳазил-ҳузулларимиз жиддий тус ола бошлади. Гоҳида икковимиз каравотда эр-хотинлар каби қучоқлашиб ётамиз, баъзан азза-базза ўпишамиз. Кейинги пайтларда шерикларимиздан ҳам тортиниб ўтирмайдиган одат чиқардик.

– Ўролбой иним, Савлиядан сал эҳтиёт бўл, – деди бир куни кекса қоровул менга. – Бу ўйинларингдан ўт чиқиб, кейин унинг чангалидан чиқолмай қолишинг мумкин.

– Чангалидан чиқолмасам, уйланиб қўя қоламан-да, – дедим бепарво оҳангда.

– Унинг сендан ёши катта-ку.

– Зиёни йўқ, қайтанга мен ундан бурун қартайиб қоламанми деб қўрқаман.

– Яна ўзинг биласан, – деди у чуқур тин олиб. – Унинг осонликча қартаймаслиги рост, зуваласи пишиқ жувон. Лекин сенга бир гапни айтмасам бўлмайди... – Қоровул атрофга аланглаб олиб, овозини пасайтирди. – Савлия – “Йўли қора” аёл! Шу пайтгача нақ тўртта эрнинг бошига етган. Унга уйланганларнинг ҳаммаси бирин-кетин ўлиб кетишди.

– Ўзи ўлдирмагандир, ҳар қалай?

– Албатта, ўзи ўлдирмаган, лекин барибир хосиятсиз аёлми, дейман-да, иним. Кечқурун туппа-тузук юрган эркакларнинг азонда ўлиб чиққанига нима дейсан!

Унинг куйиб-пишиб айтган гапларини ўзимча тушундим, шеригим Савлияни мендан қизғанаяпти, деб ўйладим. Шунинг учун ортиқча эътибор бермадим. Шу пайтгача бунақа ирим-сиримларга сира ишонмаганман. Вақтида Кенжагулнинг отаси мени ҳам “шумқадам” деб маломат қилган эди. Аслида, ўшанда менинг зиғирча айбим йўқ эди. Қайтанга унинг ўзи иккиқат қизини қамчи билан савалаб, абгор қилди. Кенжагул ўлиб қолганидан сўнг ҳамма айбни менга ағдармоқчи бўлди. Хуллас, Савлия менга турмушга чиқса, унга бор меҳримни беришга тайёр эдим. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Кеч куз кунларидан бирида кимсасиз меҳмонхонада унинг қўйнига кирдим. Шундан сўнг тез орада тўрва халтамни орқалаб, Савлияникига кўчиб ўтдим.

Савлиянинг уйи бева хотин яшайдиган жойга сира ўхшамас эди. Уйига тўшалган буруннинг қонидай қип-қизил гиламларга оёқ босишга ҳам тортинасан. Хоналардан бири хорижнинг қимматбаҳо мебеллари билан безалган бўлса, бошқаси қорақалпоқча жиҳозланган. Ошхона алоҳида, ётоқхона алоҳида. Бир сўз билан айтганда, мен у ерда ўзимни тириклай жаннатга тушиб қолгандек ҳис қилдим.

Савлиянинг икки қизи, бир ўғли бор экан. Қизларнинг тўнғичи бешинчи, кейингиси учинчи синфда ўқийди, ўғли эса ҳали кичкина. Эсини таниб қолган қизлар мени унчалик хушламади, лекин беш яшар Борлиқбой икки-уч кундан кейин тиззамга ўтириб олиб, ҳар хил саволлар билан тинчлик бермай қўйди.

– Сен энди бизга дада бўласанми?

– Ҳа, дадангиз бўламан.

– Сен ҳам аввалги дадамизга ўхшаб ўлиб қолмайсанми?

– Йўқ, ўлмайман.

– Сен кучлисан-ку, тўғрими?

– Тўғри, кучлиман.

Борлиқбойнинг кундалик сўроқ-саволлари шу зайлда давом этарди. Энг қизиғи, у, "Сен ҳам ўлиб қолмайсанми?" деган саволни ҳар куни канда қилмас эди. Мен дастлабки пайтларда унчалик эътибор бермадим, бироқ кейинчалик бу гапни эшитганимда миямга бир нарса тўқиллаб урилгандай асабийлашадиган бўлдим. Ахир, ўлим ҳақида гапириш кимга ҳам ёқарди? Ажал билан ҳазиллашишга кўзим учиб тургани йўқ. Норасида гўдакнинг сўзларига қараганда, бу уйда худди эртаклардагидек одамхўр аждаҳо яшармиш. Ўша аждаҳо фақат эркак кишиларни еб қўяркан.

Савлия ўғлининг гапига парво қилмайди, менга ҳам шуни уқтиради.

– Бола дегани ҳар нарсани гапираверади, – дейди у бепарво қиёфада. – Худойим шу гал бахтимни тўкис қилиб берган бўлсин деб ҳар куни ёқамга туфлайман. Мана, кўрасан, ҳаммаси яхши бўлади. Мен ҳам чакана одам эмасман, ота-боболарим илмли кишилар бўлишган.

Савлия уч болали жувон бўлса-да, ўзини ҳали хумори босилмаган ёш келинчаклардек тутарди. Болаларининг кўзини шамғалат қилиб мени тўшакка йиқитиб олади-да, шўхлик билан бўйнимдан қитиқлашга тушиб кетади. Мен эса бундай ёқимли азобга дош беролмай, жонҳолатда унинг қучоғидан халос бўлишга уринаман. Хуллас, ҳаётимиз ана шундай завқли ўтарди.

Бир куни кечки пайт уйимизга Тонготар деган киши кириб келди. Савлия унинг пойига патак бўлиб хизмат қилди.

– Бу киши ота томондан қариндошим бўлади, – дея таништирди уни менга. – Суғурта агентлигида бошлиқ бўлиб ишлайди. Худога шукр, шу оғамнинг ёрдами билан ҳаётда ўрнимни топдим. Менга кўп ёрдами теккан.

Тонготар бу гаплардан ҳаволаниб, гердайиб ўтирибди.

– Ўролбой иним, эркак киши оиланинг эгаси бўлиши керак, – деди у менга. – Савлия қариндошимнинг бошига бир неча оғир синовлар тушиб, кўп қийналди. Барибир уйда эркак киши бўлмаса қийин-да! У болаларига ҳам она, ҳам ота бўлди. Тақдир икковингизнинг бошингизни қовуштирган экан, сен энди унинг кўнглига қара. Худога шукр, Савлия билан болалари оч ўтиргани йўқ. Бунинг устига, қариндошим ёш боладай оққўнгил, игнанинг учидай шумликни билмайдиган одам. Нима бўлганда ҳам ундан гумон қилиб, кўнглини оғритиб қўйишдан эҳтиёт бўл.

Шундоғам унинг кўнглини оғритадиган чамам бор эканми? Савлия жаҳли чиққан куни мени уйидан қувиб чиқармаса яхши эди деб ҳадиксираб яшаётган бўлсам...

– Айтгандай, нега манави болаларни суғурта қилдирмайсан? – деди Тонготар оға хотинимга қараб.

– Суғурта қилдирсам нима бўлади?

– Нима бўларди, ерга кўмиб қўйилган олтиндай эрта-бир кун олдингдан чиқади-да.

– Бу иш қўлимдан келармикин?

– Эй, ўзинг ҳам Худо деган аёлсан-да. Унда ўзингизни ҳам суғурта қилдиринг.

Сен беш мингга, куёв йигит беш мингга суғурта қилдирсангиз, эрта-бир кун оёқ остингиздан ўн минг сўм чиқади.

– Ўн минг сўмни бизга ким беради?

– Ким бўларди, давлат-да! Бир-икки йилдан сўнг ўзим сизларга олиб бераман.

– Бу ишни эплолмасмиз-ов, Тонготар оға.

– Ҳеч нарсани эплашнинг кераги йўқ. Эрталаб ариза ёзиб, бир-иккита қоғозга қўл қўйиб берсангиз бас, қолганини ўзим тўғрилайман.

– Эвазига нима беришимиз керак?

– Савлия, қизиқ экансан-ку. Мен шу пайтгача сендан бир нарса таъма қилганмидим?

Шу куни биз туни билан Тонготарни мақтаб чиқдик. Унинг раҳбарман деб гердайишни билмайдиган оққўнгил, камтар одамлигини юзига солдик. Эрталаб чиндан ҳам кўз очиб-юмгунча хотиним икковимизнинг ҳаётимиз ўн минг сўмга баҳоланиб, ҳужжат тузилди.

Савлия билан ҳаётимиз яна бир маромда давом этди. Вақт ўтган сайин мен ҳам фарзандли бўлишни орзу қила бошладим, лекин бу ҳақда хотинимга айтишга тортиндим. Худо кўрсатмасин, у, “Сенга шу салқин сарой, қўйнингда ўйноқлаган хотин камлик қилдими?” деб жаҳл устида уйидан қувиб солса нима қиламан. Ҳали ёшмиз, бу ниятимга ҳам етарман, фарзанд билан давлатнинг эрта-кечи йўқ деб ўзимни юпатдим.

Майнинг охирида болалар мактабдан таътилга чиқишди. Биз уларни олиб Бухорога – Савлиянинг тўркунига йўл олдик. Хотиним чорвадор овулда туғилиб ўсган экан. Биз борганда тўл мавсуми охирлаб, қўралар қўзичоққа тўлиб кетган экан. Болалар бир ҳафта шу ерда қоладиган бўлди. Савлия икковимиз якшанба куни автобусда уйга қайтдик.

Душанба куни бизнинг оқшомимиз жуда кўнгилли бошланди. Икковимиз ҳам илк бор висолга етишган ошиқ-маъшуқларга ўхшаб тўшакда бир-биримизнинг бағримизга сингиб кетдик. Бир-биримизни ёш боладай қитиқлаб ўйнардик. Тез-тез Савлиянинг гулдурак кулгиси уйни ларзага солади.

– Секинроқ, – дейман мен тортиниб, – қўшнилар эшитса уят бўлади.

– Эшитса-эшитар, – деб у баттар авжланади. – Қўшниларнинг ўзи ўйнаб-кулмайдими? Сени менга дуч қилган тақдиримдан айланай.

Биз тағин ўйин-кулгини давом эттирамиз.

– Бу оқшом сен фарзандли бўласан, – дея у энтиккан кўйи қулоғимга шивирлади. Мен бу гапдан сўнг баттар сархуш бўлдим. Лекин бундай бахтиёр дамлар узоққа чўзилмади. Аттанг...

Савлия ҳазил-ҳузул билан мени кириверишда тўшаб қўйилган узун пойандозга ўраб-чирмаб ташлади. Мен бешикда йўргакланган чақалоқдек қимир этолмай қолдим.

– Савлия, эсинг жойидами? Бўшат тезроқ, нафас ололмаяпман, – деб бақирдим гиламнинг ичидан. Овозим худди қудуқнинг тубидан чиққандай бўғиқ эшитилди.

– Эшитмаяпман. Қаттиқроқ гапир, – деди у шарақлаб кулиб.

– Ҳаво етмаяпти.

– Қўйсанг-чи! Шу ўйинга ҳам чидолмасанг, қанақа эркаксан?

Буям етмагандай у менинг қорнимга миниб олди.

– Ҳеч қаеринг оғримаяптими? – деб бақирди у.

– Оғрияпти!

– Бало ҳам урмайди, ўлмайсан!

Савлия пастга томон сурилиб, аста товонимни қитиқлашга тушди. Кўнглим аллақандай ёмонликни сезгандай бўлди. Товонимни қитиқлаш унга нега керак бўлиб қолди? Нима учун биз болаларни бир ҳафтага ташлаб келдик? Йўлга тушаётганимизда ўгай ўғлимнинг: “Дада, биз боргунча ўлиб қолма, хўпми?” дея айтган гапи эсимга тушиб аъзойи баданим музлаб кетди. Шу топда менга ажал хавф солиб турарди.

Савлия турли усуллар билан товонимни қитиқлашда давом этарди. Мен кулгидан ўзимни тиёлмай, жонҳолатда оёғимни олиб қочишга уринаман. Силлам қуриб, қаршиликни бас қилганим сайин у баттар авжига чиқади. Савлия йигирма дақиқалардан сўнг қилиғини бас қилди.

– Ўролбой, — деди у бироздан сўнг. – Нега индамайсан? Ўлиб қолдингми?

Мен миқ этмай ётавердим.

Савлия ҳаяжонда чуқур-чуқур нафас олганча телефонда рақам тера бошлади.

– Тонготар оғани чақириб юборинг, – деди у кимгадир. – Алло, Тонготар оға, сизмисиз? Ҳа, менман. Бўлди, ҳаммаси жойида... Йигирма дақиқа... Ярим соатдан кейин? Хўп, тушундим.

Савлия гўшакни жойига қўйгач, ёнимга келиб, кўкрагимга қулоғини қўйди. Мен эса нафас олмай жим ётишга тиришдим. Савлия менинг ўлганимга ишонч ҳосил қилди, шекилли, хонадан чиқиб кетди. Унинг нуқул мени қитиқлаб ўйнашининг сабабини энди тушунган эдим. Шу тариқа у ярим йилдан бери мени обдон синаб, қитиғим кучли эканига ишонч ҳосил қилган, бироқ товонимда бундай сезги йўқлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Савлия мени пойандозга ўраб ташлаганидаёқ кўнглим бир ёмонликни сезган эди. Шунинг учун у товонимни қитиқлашга тушганида мен ҳам айёрлик қилдим. Ҳозирча тирикман, бироқ омбирдай сиқиб турган манави гиламдан омон чиқаманми-йўқми, Худо билади...

Бироздан сўнг Савлия пояндозни юмалатиб юборди. Мен айланиб бориб, деворга урилдим. Шу заҳоти югуриб ўрнимдан турдим. Буни кўриб Савлиянинг кўзлари қинидан чиқиб кетай деди.

– Тирикмидинг сен?! – деди у довдираб.

– Кўриб турибсан, соппа-соғман! Нима, сенингча, ўлишим керакмиди?

– Ҳа-ҳа, ўлишинг керак эди! – деб у ўлжасига қасд қилган бургутдай устимга ташланди. Унинг юзида бояги ноз-ишва, бахтиёрликдан асар ҳам қолмаган, шу топда нақ очкўз аждаҳога айланган эди.

– Сен аллақачон кулгидан ичагинг буралиб ўлишинг керак эди! – деб у мени уйнинг ичида қувишга тушди. – Энди барибир ўласан. Бу ердан омон чиқмайсан!

Бизнинг мушук-сичқон ўйинимиз кўпга чўзилмади. Имконини топиб, унинг оёғидан чалиб йиқитдим-да, ташқарига отилдим. Бахтга қарши, Савлия ҳовли эшигини қулфлаб, калитини олиб қўйган экан. Деразаларга эса панжара урилган. Ноилож ортимга бурилдим. Шу пайт Савлиянинг милтиқ ўқталиб чиқиб келаётганига кўзим тушди. Буёғига тақдирга тан беришдан бошқа иложим қолмади.

Жонҳолатда ошхонага югуриб кирдим-да, эшикнинг ортига яшириндим. Мендек сағирга Худонинг раҳми келдими, билмайман, шу пайт жавонда гўшт чопишга мўлжалланган ихчам болтага кўзим тушиб қолди. Беихтиёр уни қўлимга олдим. Савлия ошхонанинг эшигини милтиқ билан итариб очди.

– Чиқ бу ёққа, етимча! Қаердасан? – деб у менга қарама-қарши томондаги газ плитаси томонга юрди. Шу пайт бор кучимни билагимга жойлаб, унинг бошига

урдим. Тиғи обдон чархланган болта унинг нақ қаншарига довур ботиб кетди. Савлия ерга гурсиллаб қулади-да, дарров тинчиб қолди.

Шундан кейин қандай қилиб милицияга борганим ҳақида гапириб, вақтингизни олмай қўя қолай. Бироқ кейин билсам, у Тонготар билан тил бириктирган экан. Аввалги эрларининг ҳам ҳаётини суғурта қилдириб, кейин уларни қитиқлаб ўлдирган. Шу йўл билан давлатдан мўмайгина пул ундирган. Савлиядан гумон қилиш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Чунки қитиқ азобидан ичаги узилиб ўлган одамнинг танасида ҳеч қандай из қолмас экан. Лекин бу гал у қаттиқ янглишди.

Муҳтарам нозир, мана, мен бор ҳақиқатни айтиб бердим. Бу ёғига кўнглим хотиржам. Энди менга қандай жазо берсангиз ихтиёрингиз, тақдиримга ёзилганига розиман.

Ўролбой ҳикоясини тугатди. Майдонга йиғилган оломон аввалгидан ҳам теранроқ сукутга толди. Нозир атрофида тизилиб ўтирган маслаҳатгўйлари билан бир муддат шивирлашиб гаплашди. Сўнг вазминлик билан ўрнидан турди.

– Ҳурматли жамоат! – деди у салмоқлаб. – Биз дастлаб бир нарсага аниқлик киритиб олишга қарор қилдик. Бу сағир йигит умри бино бўлиб онасининг юзини ҳам кўрмаган экан. Агар унинг онаси орангизда бўлса, ўртага чиқсин.

Издиҳом орасидан аёллар бирин-кетин ўртага чиқа бошлади. Бир зумда уларнинг сони юздан ошиб кетди.

– Қайси бирингиз бу йигитнинг ҳақиқий онаси бўласиз? – деб сўради нозир улардан.

– Мен! – дея чувиллашди уларнинг ҳаммаси бараварига.

– Э-ҳа! Ажаб савдо бўлди-ку! Ҳаммангиз уни гўдаклигида болалар уйининг олдига ташлаб кетганмидингиз?

– Ҳа, ҳа! – деб жавоб қилди хотинлар.

– Майли, биз бу гапга ишондик. Хуллас, ҳукм шундай – бу етим йигит ҳали ёш экан, қолаверса, дунёга келиб шу пайтгача пешонаси ёруғлик кўрмабди. Майли, унинг ҳаётини сақлаб қоламиз. Лекин ҳақиқий онаси унинг ўрнига дорга тортилади!

Ўртага чиққан хотинлар жимиб қолишди.

– Жавобингизни кутаяпман! – деди нозир.

Хотинлардан садо чиқмади.

– Ҳаммангиз пасткаш, бағритош хотин экансиз, – деди у ғазаб билан. – Йўқса, мурғак болангизни ташлаб кетармидингиз? Қани, ҳаммангиз ифлос оёғингизни орқага олиб, даврани бўшатиб қўйинглар!

Хотинлар бирин-кетин одамларнинг орасига сингиб кетди.

– Сен озодсан, – деди нозир Ўролбойга юзланиб. – Бундан буён давлатнинг ўзи сенга ғамхўрлик қилади.

– Ҳаётимни сақлаб қолганингиз учун раҳмат – деди Ўролбой унга. – Лекин мен давлат қарамоғида қолишни истамайман. Мен одамлар билан яшамоқчиман. Бошқаларга ўхшаб ўзимнинг уйим, оилам ва фарзандларим бўлишини истайман!

Нозир билан маслаҳатгўйлари унинг илтимосини инобатга олишди. Ўролбойнинг оёқ-қўлидан кишанлар ечилди. Йигит ўзининг енгилгина гавдасини гувраниб турган оломоннинг устига ташлади. Халқ уни ҳавода илиб олди.

Ўролбой кутилмаганда темир каравотдан ерга қулаб тушди. Мийирбек унинг ўрнидан туришига кўмаклашди.

– Ҳеч қаеринг оғримаяптими? – деди унинг юзига синчков тикилиб.

Ўролбой шеригига бир муддат ажабланиб қараб қолди.

– Хурсанд бўлмайсанми, оғайни, икковимиз ҳам омон қолдик, – деди у бироздан сўнг жилмайиб.

– Нимадан омон қолдик?

– Бизни бутунлай озод қилишди.

– Ким?

– Нозир.

– Нозир?! – Мийирбек кулди. – Эртак айтаяпсанми, жўра?

– Нега куласан? – деди Ўролбой куйиб-пишиб. – Мен рост айтаяпман. Икковимизни чорбозордаги дор тикилган майдонга олиб боришди. У ерда биз сўнгги сўз сўраб олиб, бор ҳақиқатни айтиб бердик. Шундан кейин ҳукмни бекор қилишди.

– Ўролбой, бироз дам олиб, ўзингга келиб ол. – Мийирбек уни каравотга ўтқазди. – Чарчагансан. Тушга нималар кирмайди. Бу замонда дор қоптими?

– Сен қаёқдан биласан? Мамлакатлар ўзгараяпти, сиёсатлар ўзгараяпти. Шундай бўлиши ҳам мумкин-ку.

– Барибир бизни озод қилишмайди. Қонуннинг олдида сенинг етимлигинг, менинг бечоралагимнинг зиғирча аҳамияти йўқ. Ахир, шу пайтгача бирон марта қотилларни қўйиб юборганини эшитганмисан?

– Биз қасддан одам ўлдирмадик-ку. Агар шу ишни қилмаганимизда улар бизни ўлдиришарди.

– Гапинг тўғри. Лекин барибир биз ўзгаларнинг жонига зомин бўлдик. Бунинг жавоби бор.

Шу пайт ҳибсхонанинг темир эшиги шарақлаб очилди.

– Чиқинглар! – деди қуролли соқчилардан бири совуқ оҳангда.

Йигитлар эшик томонга юрди. Қоровуллар уларнинг қўлига кишан солиб, етаклаб кетишди.

Қотилларни суд залига олиб боришаётган эди.

1993 йил, апрель

Қорақалпоқ тилидан
Ғафур ШЕРМУҲАММАД таржимаси



Ғафур ШЕРМУҲАММАД – *1973 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаган. “Қудуқ тубидаги фарёд”, “Париқишлоқ афсонаси”, “Кўзларида холи бор” пьесалари саҳналаштирилган. Унинг адабий сценарийлари асосида “Чавандоз”, “Аросат”, “Таъзиядаги тўй”, “Қудуқ”, “Баракасини берсин” сингари бадиий фильмлар суратга олинган. “Саман той” номли китоби чоп этилган.*

Аллоҳдан ўзгага дилингни берма



Муҳтарама УЛУҒОВА

Сўрайман

Саҳарларда юзин очиб
Ердан дуо сўрайман.
Сувлар қуйиб дарахтлардан
Баҳри дунё сўрайман.
Қаддин тиклаб боши эгик
Гуллардан дил сўрайман,
Кўнгил бериб ҳар саргардон
Кўнгилдан йўл сўрайман.
Топганларим кў-ўп бўлсин деб,
Умримни мўл сўрайман.
Банда ўлмас – ризқ узилмас,
Етса басдир йиққаним –
Бу дунёнинг туйнугидан
Ҳур оламга чиққани.

Илтижо

Поку ҳақ юзига қаролмадим тик,
Дилим бир бошқа... тил – ёлғончи тилмоч.
Фанойим бақодек жоним югурик,
Илоҳи, қалбимнинг кўзларини оч.

Муҳтарама УЛУҒОВА – *Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланган. 1952 йилда туғилган. Фарғона давлат педагогика институтининг (ҳозирги университет) ўзбек тили ва адабиёти факультетини битирган. Унинг “Бойчечакнинг тушлари”, “Муҳаббатга тўймасман асло”, “Кунларнинг бағри кенг”, “Эй дилим” номли шеърий тўпламлари, “Баҳор келди сени сўроқлаб”, “Муҳаббат саройида қолганлар” номли бадиий-публицистик китоблари нашр этилган.*

Кундузим мисоли унут оролдир,
Тунлари бошимда ғафлат тоғи тож.
Руҳимга савоб ҳам заҳмат, малолдир,
Илоҳи, қалбимнинг кўзларини оч.

Дунёга устунлик даъвойим борми?
Бир сўзни тишласам, ҳукмим таранг, кож.
Воҳ, менинг кўксим энг қоронғу ғорми?
Илоҳи, қалбимнинг кўзларини оч.

Равшан кўз, очиқ қўл билан тўларман –
Кунларим гуноҳга пора-пора бож.
Қолдими бир қатра умрим... сўрарман
Илоҳи, қалбимнинг кўзларини оч.

Таним тош қўрғонми, бир тола нурсиз...
Ҳарки ноиложга Ўзингдан илож.
Дил қулфин Ўзинг оч, кибр уйин буз,
Илоҳи, қалбимнинг кўзларини оч.

Иқрор

Кўнгил, нодонлигинг бошингга етар,
Жон, дилим деганинг “жони”га кетар,
Кўз нуринг аламлар селоби ютар,
Аллоҳдан ўзгага дилингни берма.

Баҳорни кўрмайсан, сарғаяр боғлар,
Билмайсан, рост кун ким кимни сўроқлар,
Бир Ҳаққа салавот айтар япроқлар,
Аллоҳдан ўзгага дилингни берма.

Тонг – уфқ, шом – уфқ, бир ҳақиқатдир,
Офтоб ловуллаб шул гапни айтур:
“Минг йиллик жонлар ҳам Ўзига қайтур”,
Аллоҳдан ўзгага дилингни берма.

Юз бора йиқилсанг, юз зина бўлсанг,
Яхшисан бандага берарда тўлсанг,
Ёмонсан юз бирда йиқилсанг... ўлсанг...
Аллоҳдан ўзгага дилингни берма.

Кўзинг оч, ютмасин лойқа уммонлар,
Бир умр йўлдошдир туман-гумонлар,
Фақат рост меҳробда мунаввар онлар,
Аллоҳдан ўзгага дилингни берма.

Бора-бора...

Тушимда онамни кўрдим, тонггача
Муҳаббат нигоҳин туйиб ухладим.
Кўнгил бора-бора қўмсайвераркан
Сўзлардан ҳам кўпроқ кўзлар суҳбатин.

Билмадим, қай куни эшик ёпди дил
Овознинг белибос ибратларига,
Кўнгил бора-бора ташна бўларкан
Осуда гурунглар ҳикматларига.

Кутганинг бошқа-ю... Ҳазор ташаккур
Жилмайиб ҳол сўраб тўхтаганларга,
Боғланиб бораркан кўнгил тобора
Атойи Худо – чин йўқлаганларга.

Бағримда соғиниб ибтидоларни
Довондан водийга учаётган най,
Кўнгил бора-бора ўхшаб қоларкан
Ипакдан тўқилган шойиларга-ей…

Кечиккан шеър

Қуёш юзин мотам тўсмасми,
Бу дунёни тўфон босмасми,
Фаришта қоп-қора ёзмасми...
Она, Сизни ранжитиб қўйсам.
Ерга тегиб кўкнинг кураги,
Қоқ ёрилиб ернинг юраги,
Кул бўлмасми суяк-суяги...
Она, Сизни ранжитиб қўйсам.
Терс ўгрилиб мендан кун, кеча,
Чумолидан бойчечаккача,
Вақт қувмасми жаҳаннамгача...
Она, Сизни ранжитиб қўйсам.
Жон бўғзида титраб япроқлар,
Ойдан нурмас, ёғилиб доғлар,
Бир кафт қумдек чўкмасми тоғлар...
Она, Сизни ранжитиб қўйсам.
Юлдузликдан тошга айланиб,

Зулматларда бепаноҳ, ғариб,
Бефайз, бенур юрагим қариб...
Она, сизни ранжитиб қўйсам.
Лойга ботиб шабнам йиғларми,
Тўлиб-тўлиб алам йиғларми,
Маккатилло – Каъбам йиғларми...
Она, Сизни ранжитиб қўйсам.
Тўкилмасми бу юкдан тайин
Дунёда бор тарозу, шайин,
Тўй қилмасми шайтони лаъин...
Она, Сизни ранжитиб қўйсам.
Оқ сутингиз оқ олов бўлиб,
Бошдан оёғимгача тўлиб,
Нажот йўқ бу жазодан ўлиб...
Она, Сизни ранжитиб қўйсам.
Эй-воҳ, булар – шоирона гап,
Амал мушкул, сўз келар саф-саф!
Давраларда мисли фаришта,
Кўнгил гулим – дўсту танишга.
Фақат Сизга бўлдим дилозор,
Она, Сизни ранжитдим кўп бор.
Дилим, тилим, дийдам тош қотди,
Билиб-билмай гуноҳга ботдим,
Кесавердим тутган еримдан,
Пўст ташлади илон феълимдан.
Ўтдан олиб, ўтга солди тил,
Тил дейман-у, у – нафсимга қул.
Тиконларим терган мисли гул –
Онам, Сизни ранжитдим минг бор!
Ёриб қаҳрим булутларини
Чақнайверди моҳтобингиз,
Умрингиздан узиб, умримга
Эладингиз офтобингиз.
На бир малол, на бир аччиқ сўз,
Сукутларга чўмдингиз, она.
Не савол, не туғёнларингиз
Сукутларга кўмдингиз, она.
Айланади дунё – қадим чарх,
Ҳеч кетмайсиз тушимдан, моҳим.
Тонглар силтаб уйғотар армон,
Энди сукут – менинг паноҳим.

Оқ атиргул

Қип-қизил гулларнинг ичинда
Хаёлкаш, расида, мулойим...
Гулбарглар – бу қат-қат кўнгилми,
Тонглардан яратмиш Худойим.
Боғ тўла оловранг гуллар...
Бир-биридан қизиллик талашар.
Яшиллик тахтига оқ чеҳра,
Оқ сурур қанчалар ярашар.
Чор-тараф алвон гул, иши йўқ:
Не туғён, не гирён кўксимда?
Оппоқ гул кўзимга сўзлади:
“Ҳаммадан яхшимсан, ўксима.
Ҳаммадан кераксан ўзима...”
Бир нурки, жисмимга элади.
Тўймайман, оқ атиргуллардан
Онамнинг ҳидлари келади.

Ўзимга савол

Умринг қатра-қатра сингарми
Далаларга, боғлар, гулларга?
Юрагингда йўқми тош – гина
Илтифотсиз кетган кунларга?

Қутламоққа етармикудрат
Ғолиб бўлса ҳар ким ўзингдан?
Қочиб, қўрқиб юрганинг йўқми
Кеча айтган ҳукминг, сўзингдан?

Бугун сени кимлар кечирган,
Кимлар оқлаб, кимлар тушунган.
Тик боқмоққа бўларми ҳаққинг
Ҳукми қаттиқ эртанги кунга?..

Етгайми жон фидойилигинг,
Ўзлигингдан ғолиб яшашга?
Севаман деб айтмоқлик осон,
Осон ҳатто оддий нафасдан.

Дунё чаманин...

Қалбимда неки орзу, хаёл – қаддини шамшод қил,
Мағзини малҳам, азмини шаҳдам, изини обод қил.
Очун дилида дарду ғубор бўлмоқдан асра, ё Рабб,
Дунё чаманин ҳарки қаро нуқтадан озод қил.

Бу жисму юрак мўъжизаи ҳикматинга тимсолдир,
Гўёки уммон мавжида сонсизлар аро бир солдир,
Покиза эса қалбим – обу нур баҳрида қолдир,
Инкори эса мен йўлчига имдод қил – барбод қил.

Кечикиш

Поезд кетди.
Энди уйингдан
Бекатгача учиб борсанг ҳам,
Дилингдаги бор бисотингни
Сўзга жойлаб кўчиб борсанг ҳам...

Поезд кетди.
Ортида қолган
Тутунлардан минг бора аччиқ –
Сабуҳларни комига тортган
Қаро, қуюқ оҳ тортсанг гарчи...

Поезд кетди.
Тошга отсанг-да
Юзинг, кўзинг, нолон ҳисларни,
Наъра тортиб синдирсанг, бузсанг
Оғир карвон – темир изларни...

Поезд кетди.
Олдиндан кўниб
У ёқларда неки қисмат бор.
Муҳаббатнинг бекати фақат
Қалбинг каби кимсасиз, абгор...
Поезд кетди.

Тонгларнинг гуноҳи сенмидинг сулув



Зариф
ҲИКМАТЗОДА

Бир кеча

кўзларинг устина инар моҳ
йулдузлар бошинга қўнадир
фалак хайолинга чўмадир
Фарангис билмассан оҳ
дунйони ҳайратлар кўмадир
ул кеча Сен учун то сабоҳ
Ишқдан бир анжуман тузалар
сабурлар йўлинга узалар
Фарангис келмассан ооҳҳ
фарйодлар дунйони бузалар
бир ғариб тонг отар ул кеча
йо йетам
йо йетмам тонггача.

Оҳангсиз қўшиқ

сенми дайрни-да йондиргучи руҳ
менми ҳажринг туни хароботин руҳбони
тонгларнинг гуноҳи Сенмидинг сулув
тунлар поклигидан йуз бурган менми
тонггача хосхонам ўла хайолинг
менмидим тунгача кўкси йароли
гул қадаҳ нур бода соқий ҳақмидир

Зариф ҲИКМАТЗОДА *– 1972 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозири ЎзМУ), Измирдаги Эге университетларнинг журналистика факультетини тамомлаган. “Исмсиз китоб” шеърий мажмуаси ва жаҳон адабиётидан таржималари нашр этилган.*

Сен малак дил фалак мен ҳалакмидим
базм ичра илкима айоғми туттинг
мунг мени йуттими мен майми йуттим энди-да
ишқингни ҳарир каъбаси ҳайотим ўрни
ҳажрингни замир қибласи ўлимим маскани энди-да
Сенми Ватан
менми Ватансиз

Афсона

кул жоним
бир бор кул
хандон чечакларга
кўмилсин таним
о-оо-ооо
сўнг бор кул жоним
мен гулдек тўкилай дудоқларингдан

Ишқ ҳақида уч қасида

“Сен жонимнинг душманисен аммо
жондин ортиқ севармен Сени”
Бадриддин ХИЛОЛИЙ

Гўзаллик

мени қулатмак учун
йоноғингда чоҳ қазмиш Мавло

Фироқ

сочинг савдосидин
тун рўзгоримни
қачон йориткайдир узоринг Меҳри

Илинж

баҳордан сўнг қиш келди йана
куздан ортда қолганида йоз
йўлларингга баргдек тўкилдим
оҳ бу йил ҳам келмадинг Фаслим

Сенсизликда битилган қўшиқ

ишқ офтоби кўксимга ботди
кўкда ҳилол кезар оввора
мен ўнгимда Сени йўқотдим
тушимга кир жоним бир бора
не фарзона жунун кўнгулда
ғам даштида сарсон ғуборим
бир гул кўрмай ўтдим ўнгимда
тушимга кир ай гул узорим
бормидир бу ҳижрон адоғи
замин ғариб осмон йиғлайдир
хазон ичра эмранар боғим
кел баҳордек тушларимга кир
лол қолдира икки дунйони
бир бор кўзим устина буйур
мен бир умр туш кўрай жоним
Сен тушимда қолгил бир умр
.....
.....

* * *

Йоқимлисан гулим Сан
найсон ишваси каби
титраганда гул лабинг
йапроғида кулимса
йоқимлисан гулим Сан
йоз йоғмури сингари
томчилаган марварид
овозида кулимса
йоқимлисан гулим Сан
мезон торларидайин
асл шаффоф ҳам майин
санжоғида кулимса
йоқимлисан гулим Сан
қиш қуйоши мисоли
балқиб нури жамолинг
пардозида кулимса
Сан гўзалсан тўрт фасл
Сан тўрт фасл сўлимсан
тоза жадид озода
Сан эй Ийсонафасим
фақат бир бор кулимса
ман йиғлаган дунйода
йоқимлисан гулим Сан

* * *

кел хилват ичинда анжуманим кел
кўзларинг шаҳрига меҳмон қил мени
эй йузунда куну сочинда савдо
эй бир йони сукун бир йони ғавғо
ул ики арода сарсон қил мени
кел хилват ичинда анжуманим кел
ул ики арода сарсон қил мени
эй қаҳри қаттиғу меҳри фаровон
эй рози йоширин ишваси урйон
кўйингда бесару сомон қил мени
кел хилват ичинда анжуманим кел
кўйингда бесару сомон қил мени
эй баринда гулбарг йақосинда қон
эй бир тараф боғу йобон ўбур йон
саҳройи ишқингда тўзон қил мени
кел хилват ичинда анжуманим кел
саҳройи ишқингда тўзон қил мени
эй сўлинда тўфон соғинда озар
эй бир қўлинда жом биринда ханжар
ҳуснинг закотига қурбон қил мени
кел хилват ичинда анжуманим кел
ҳуснинг закотига қурбон қил мени

“Измир қўшиқлари”дан

шовуллайди шан зайтунзор
кокилларин йозиб ҳар йон
рақс этадир бир қиз чунон
белларида йашил зуннор
(баҳор фасли тарсо Измир)
шовуллайди шан зайтунзор
шаффоф отларин қамчилаб
тушар марварид томчилар
кўк дўконин очган аттор
(Измир йомғир каби майин)
шовуллайди шан зайтунзор
уфқларда йетти йойчи
йетти тусдан йойлар сочиб
қизил сариқ мовий зангор
(рангин манзар аро Измир)
шовуллайди шан зайтунзор
қадаҳларда суниб тўфон
шанлик бошлар дайри муғон
ҳув денгизда қўпар хуммор
(Измир сархуш бундай майдан)
шовуллайди шан зайтунзор

мен келгинди бир мусофир
кетай десам ўз йуртимга
оғушидан қўйвормас йор
беор йунон қизи Измир
“seviyorum seni” дейа
чиқиб келар зайтунзордан
(шовуллама ай зайтунзор)

Ишқ келганда

йиғлайотган кимдир
дайру харобот
ким ул кетайотган
девона оқил
битайотган надир
йам-йашил оғоч
кимдир келайотган
тиғ тутган фотиҳ
бу қандай вайрона
таланган кўнгил.

Ватандан мактуб келган кун

1

осмон бу қадар йақин
нақадар узоқ йер

2

қўлларингда нима бор
бўйнингда осилган ул надир
эй шарқ шамоли

3

само йанглиғ очиқ кўксимда
ларзаси йашайдир тупроқнинг.



Ўйиқлари пинҳон ойдек юрагим

Шуҳрат АЗИЗОВ

Оловранг гул жилваси

Куртаклар тиш ёрди, уйғонди бодом,
Керишган ғунчалар мунча ғамзали.
Эрта не бўлишин билмайди одам,
Қуёш ҳам қисинар ботар маҳали.
Гўё нур кириб ич-ичига дилнинг
Қитиқлар, жонсарак ҳисларим қари.
Киприги қайишган оловранг гулнинг
Майин жилвасига исинар… ари.

* * *

Сен кетдинг. Менга ўхшаб
Қолди ғунча хўмрайиб.
Тоғ пойингга гул тўшаб
Ўтирибди унграйиб.

Юрагимни қонатиб
Тарк этдинг кошонамни.
Мусичанинг қаноти
Силаган пешонамни.

Сенсиз қушлар ошёни,
Толлар шумшайиб қолди.
Кетдинг. Кўнгли осмонни
Ёйи қийшайиб қолди.

Шуҳрат АЗИЗОВ *– 1978 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаган. “Бир томчи осмон” шеърий тўплами чоп этилган.*

Йўллар икки букилиб
Ортингдан кўтарди бош.
Бир нуқтага тикилиб
Ўтириб қолди қуёш.

Ўлгудай кўргим келур

Энг сўлим тушдан юз бурганим билан,
Соялари тушдай боғ ичидаман.
Уйимдан олисда юрганим билан
Ўз ўлан-тўшагим оғушидаман.
Умрим дарёсига қўшилиб оққан
Ой – кўнглим жайрони, мен ал-ҳайрони.
Билмадим бош олиб кетмиш қаёққа
Юлдузларга тўла фалак айвони?!
Ярмим ер остида, ярмим юзада,
Кўнглимда нима бор билмайди ҳеч ким,
Ярми қумдан чиқиб қолган кўзадай
Бўғзимдан олишга шай ҳамма лекин.
Синиқ кўнглимга қўл солиб мастона,
Сен: – Доим шундай бир нуқтада турки,
Кўриниб тур бутун Ўзбекистонга.
Кўриб турай, – дейсан,
– мен сени ҳар кун...
Мен базўр ўзимга қарши бораман,
Ҳолим йўқ ҳажрингда Худо ургудай.
Мен сени ўлгудай яхши кўраман,
Кўргим келаяпти сени ўлгудай.
Ўзимни топиш энг сўнгги тилагим,
Осмондан келаман яхши-ёмонга.
Ўйиқлари пинҳон ойдай юрагим
Ярақлаб кўринар Ўзбекистонга.

Гулафзо хаёл

Барглар аро эснар эринчак шамол,
Япроқларга титраб қўйиш ҳам малол.
Қуёш косасидан нур ичган сархуш
Лолани қон қилган гулафзо хаёл.
Жон қуши ушоқдай ишқни ахтариб,
Тузоққа тушса-ҳам бошдан бахт ариб,
Соҳир ҳис – кўзларим тарозисида
Тош босмай қолмас бу – севги гавҳари.
Аламсиз қувонч йўқ, висолсиз ҳижрон,
Жаннат ва жаҳаннам – яхлит бир жаҳон,
Бир олманинг икки палласи каби
Ҳаётсиз ўлим ҳам бўлмас ҳеч қачон.

Адолатли адолатсизлик

Сен шундай чиройли, тенги йўқ дилбар,
Ҳамманинг кўнглида бирдек бор эдинг.
Кўзим етмас, қўлим етса ҳам агар,
Бани башар учун баланд дор эдинг.

Қошингга келганда ойнинг ҳоли танг,
Киприкларинг гўё қиличлашади.
Зулматнинг тошини тергунича тонг,
Сочинг билан узун тун беллашади.

Лабларинг чўғларга қилгандим қиёс,
Бошини чангаллаб қолди ғунчалар.
Тоғларнинг бўғзига келдию қуёш,
Аламдан шафақ қон ютди шунчалар.

Уфқ ёнди: “Қўй уни, ёмон куйдирар”,
Билмадим, бу қандай адоват эди.
Билганим, ҳақиқат аччиқ суйдирар,
Сенинг исминг эса Адолат эди.

Ерда қолмас эдинг, кўнглинг тўқ эди,
Сени деб ой ўзин қўярди осиб.
Ҳеч кимга тегмадинг. Тенгинг йўқ эди,
Йўқ эди дунёда сенга муносиб.

Сенсиз ҳам яшашга кўнди бу олам,
Вулқонлар кўнглига қўл солган издек.
Адолатдан бўлар, энди сен одам
Боласига қилсанг адолатсизлик.

Камтарлик соясида

У бир умр ҳалол яшаб косаси ҳеч оқармади,
Дилидаги дардларини тилига ҳам чиқармади.
Сулувларнинг ҳусни душман бўлганидай ўзларига
Хислатлари тушов бўлди, орзулари ушалмади.

Сўзичалик сўлим эмас ариқларнинг жияклари,
Япроқларнинг яноғига туртиб чиққан суяклари.
Кўтарилиб кетарди сал ел куйласа майин ғазал,
Чол юзидек чуваккина тут баргининг ияклари.

Соясига салом берган киприклари қайрилмадир,
Эҳ-ҳе, не бир садоқатсиз дўстларига қайғурмади.
Қиз қошидай керилишиб, кўзларидай сузилишни
Ўзларига эп кўрмади, кеп кўрмади айримлари.

Ёркин, аммо сирли эди, ойдай бағри куюклиги,
Бор давлати – юракдаги севгисию суюклиги.
Хаёллари нурли эди, изтироби тундай гўзал,
Камтарликнинг соясида қолиб кетди буюклиги.

Ишқим учқуни

Ёр, қошларинг қаролари
Юрагимни яралади.
Оҳ урсам бир учқунидан
Етти дўзах яралади.
Куйдирмажон, куйдирмасан,
Суймаганни суйдирасан.
Энди етти дўзахда ҳам
Бир ўзимни куйдирасан.

Мунғайган виқор

Дарахт ўз шохидан бўлолмас халос,
Боғлар ўз оҳидан бўлолмас халос.
Минг кўкка етмасин оҳи, тонг отмай,
Қуёш ўз чоҳидан бўлолмас халос.
Дарахт ўз шохидан бўлолмас халос.

Қордай оқ тутунни кўриб бўш-баёв,
Турткилаб ўйнайди шамол беаёв.
Бошига етади бир боғ ўтинни
Кўксидан тиззанлаб босганча олов.
Тутунни турткилар шамол беаёв.

Ошиқлар оҳида мунғайган виқор:
– Тушларимга кириб чиқади баҳор...
Осмондан оқ кийган онамга ўхшаб
Қор тушиб келмоқда, оппоққина қор,
Тушларимга кириб чиқади баҳор.

Онам пойидаги жаннат оз менга,
Чўлдаги қум ва қор жойнамоз менга.
Бир байт ғазал эрур лабларим, Ватан,
Топилмас юзингдай оқ қоғоз менга,
Топилмас юзингдай оқ қоғоз менга.



Наволарга наво қўшса ҳислар тўлғониб

Аликул МЎМИНОВ

Бешинчи фасл

Қор эримай бойчечак тўкдим,
Йўлаклару, оламларингга.
Баҳор янглиғ пойингга чўкдим,
Хушнуд боқиб қадамларингга.
Оҳ , сезмадинг ёр.

Хаёлларим ёзда қуш мисол,
Бошгинангда қилдилар парвоз.
Қанотлари сачратиб савол,
Елпиб турди руҳинг беовоз.
Тингламадинг ёр.

Куздек сарғиш ҳазин ҳаётим –
Севги юкин кўтарган ҳаммол.
Булутларда тахланар хатим,
Осмонимда милтирар ҳилол.
Кузатмадинг ёр.

Сочларимга қўнар оқ булут,
Иягимда қалтирайди қиш.
Ташқарида сўниб борар ўт,
Ичда ёлғиз ишқ қилар хониш.
Англамадинг ёр.

Аликул МЎМИНОВ *– 1956 йилда туғилган. Қарши давлат педагогика институтини битирган. Ижодкорнинг “Кечиккан туғён”, “Мен излаган йўл”, “Бешинчи фасл” китоблари чоп этилган.*

Қуршаб олди бешинчи фаслим,
Сўз , тополмас излаб лабимни.
Тарк этса гар заминни аслим,
Ташлаб кетгум сенга қалбимни.
Қутлайсанми ёр?

Сўзласа кўзлар

Кўзларимдан кўзларинга нур йўлак қурсам,
Йўлак узра сайр айласа ички маъволар.
Дунёнинг бор шукуҳини шу жойга бурсам,
Жилоланиб янграб турса ишқий садолар.

Қўл ушлашиб нурдек порлоқ туғёнлар чопса,
Наволарга наво қўшса ҳислар тўлғониб.
Пилдираган орзучалар ўзлигин топса,
Мудраётган умидлар ҳам кетса ўйғониб.

Ўт нигоҳлар тўқнашганда чақнатиб чақин,
Бойчечакдек бўй кўрсатса муҳаббатмалак.
Ёт дилларни кўприк бўлиб айласа яқин,
Жуфт кўзларнинг шиддатидан учган камалак.

Оппоқ оққуш порвозидек майин саболар,
Сокингина шитирлатса ишқ баргларини.
Қутламоққа пастлаб келса олис самолар,
Кўтарай, деб туб-тубидан дил дардларини.

Пок ниятга йўғрилмаса орзу ҳам оғу,
Тошга дўнгай кўк тоқида ёрқин юлдузлар.
Қалб қатида ўйноқлаган беозор оҳу,
Сукунатга сингиб кетсак, сўзласа кўзлар.
Сўзласа кўзлар...

Армон

Шукуҳли ҳаётим топгандай якун,
Чеҳрам маҳзунликка томом юз бурди.
Қалдирғочлар кетиб, – бутунлай бу кун,
Армон калхатлари қалбга ин қурди.

Бесамар кезаман ҳовлида тентиб,
Дарбадар еллардек хаёлим ҳоли.
Қўлингиз тафтини соғинч-ла кутиб,
Маъюс шивирлайди ул қўш зардоли.

Тарк этиб кетгандай кўзларимни нур,
Суриниб кетаман текис йўлда ҳам.
Айрилиқ азоби бунчалар, оғир,
Чайқалиб босилар, ташласам қадам.

Бир чизиқ тортилди бебош умримга,
Соябон қулфини ёпди кенг жоҳон.
Айланиб қолдингиз кўз ёшларимга,
Онажон, онажон, эй, воҳ, онажон!

Мен излаган йўл

Ўтинг, ўтаверинг сизники шу йўл,
Бу ҳушёр йўлларда ҳаққим йўқ экан.
Бехос қадам боссам уриб кетгай дўл,
Яланг товонимга санчилар тикан.

Кўз олдимни тўсгай қуюқ бир туман,
Оёғим остидан силжиб кетгай ер.
Кеча кўрингайдир бўлиб ёсуман,
Дардга ошно таним босгай қаро тер.

Шахдам бораверинг, сизни эҳтимол,
Текис йўллар узра қучгай саодат.
Мен эса нотекис йўллардан иқбол
Излаш сархушлигин қилганман одат.

Бўрилар қувлаган тулпорин кўзлаб,
Қирда сарсон кезган сайисман ўзим.
Шамдек милтираган юлдузни сизлаб,
Бутун коинотга тилайман тўзим.

Боласин қўмсаган жайрон юраги,
Бетоқат сакраган ҳолат ичраман.
Олис уммонлардан ахтариб пари,
Чўккан "Титаник"дан зардоб ичаман.

Кеманинг бағрида денгизга ботган,
Хайём рубоийси бўлмадими ҳўл?
Тубсиз сув қаърида тўлғонаётган,
Шоир шеърларига йўл излайман, йўл!

Денгизга термилган қиз

Ҳикоя



Иброҳим МУҲАММАД

Кўклам кезлари майда барг акация дарахтининг муаттар ҳиди ҳеч димоғингизга урилганми? Ёз ўрталарида пишадиган ялтироқ сарғиш мевасини кўз олдингизга келтиринг-чи? У нимага ўхшайди? Янги чиққан уч-тўрт кунлик ойга эмасми? Ҳа, ҳа худди шундай. Сертикан малла шохларда сон-саноқсиз ҳилоллар илиб қўйилгандек, гўё! Аввалари Зоҳир ҳам бунга унча эътибор бермаганди. Бу ўхшатишни унга бир замонлар латофатли қрим-татар қиз Зарема айтганди.

***

Зарема билан анча бурун, кузнинг ўрталарида, шаҳар марказидаги “Маданият саройи”да тасодифан учрашиб қолишди. Саройда “Халқлар дўстлиги” фестивали ўтказилаётганди.

Зоҳир институтни битириб келиб, шаҳар четидаги мактабда расм фанидан дарс берарди. Фестивалда ўқувчилари чизган расмлари билан қатнашаётганди. Зоҳир расмларни ажратилган жойга илгач, чекиш хумори тутиб, ташқарига чиқди.

Етти-саккиз зина пастда ўқувчилар гуруҳ-гуруҳ бўлишиб ичкарига киришга чоғланишарди. Уларнинг ичидан оқ-сариқ юзли қиз диққатини тортди. Чеҳраси танишдек туюлаверди. Аммо уни қаерда кўрганини ҳа деганда эслолмади.

Барча рассом аҳли каби Зоҳир ҳам гўзаллик ошуфтаси эди. Кўзига чиройли кўринган қизларнинг суратини чизишни хуш кўрарди. Ўзича “Ҳусни малоҳат соҳибалар” отлиқ галерия яратишни орзу қилиб юрарди-да. “Энди шу қизнинг ҳам портретини чизишим керак”, дея кўнглидан ўтказди у. Ундан кўз узмай турар экан, қиз ҳам Зоҳирга нимтабассум ила қараб-қараб қўярди. Ниҳоят, ўқувчиларнинг ичкарига киришларига рухсат берилди.

– Мени танимадингиз-а, Зоир ака? – деди бир маҳал қиз унга яқин келиб.

Иброҳим МУҲАММАД *– 1960 йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг (ҳозирги ТДПУ) филология факультетини тамомлаган. Унинг "Хаттот", "Шаҳрисабз хаёли", "Бриллиант узук сири", "Бир йигитнинг кўнгли" китоблари чоп этилган.*

Зоҳир бош чайқади.

– Бир пайтлар Фарғона кўчасида ҳамсоя турганмиз-ку, – дея қиз бошини бир томонга салгина эгиб кулимсиради. – Мен Заремаман! Наҳотки эслолмасангиз?

Зоҳир узуқ-юлуқ эслагандай бўлди. Фарғона кўчасига кўчиб ўтишганди. Қўшнисининг жагалаксоч, шўх қизалоғи бўларди... У икки йилдан сўнг пединститутнинг "Расм-чизмачилик" факультети кечки бўлимига ўқишга кирди. Биринчи курсни битираёзган маҳалда ҳарбий хизматга жўнатилди: Беш йиллик ўқиши чўзилиб, туғилиб ўсган жойига етти йилдан кейин қайтиб келди.

– Одам танимайдиган даражада ўзгариб, катта қиз бўлиб кетибсан-ку, а? Аммо-лекин қош-кўзларинг ҳалиям ўша-ўша. Биз у кўчадан кўчиб кетганимизда, олтинчида ўқирмидинг?

– Йўқ, еттинчида! – шўхчан жавоб айлади Зарема.

– Ҳа-а, кўришмаганимизга ҳам ўн йиллар бўлибди. Сени дарров танимаганим учун хафа бўлмайсан-да, қўшни, – узр сўраган бўлди Зоҳир. – Аммо кўзга яқин, ёқимтой қиз бўлиб кетибсан-да, ўзинг ҳам!

Бу мақтов қизга ёқиб тушганди, раҳмат дегандай жилмайиб қўйди.

– Турмушга чиқдингми? – қизиқсинди Зоҳир.

– Эрга тегиш қочмас. Бироз кутай-чи...

– Кимни? Оқ отли шаҳзоданими?

– Билмасам, – елкаларини қисиб, иккилангандай бўлди Зарема.

Шу маҳал кимдир Зоҳирни гапга тутиб, диққатини тортди. Қизни ҳам ўқитувчилардан бири чақириб қолди. Гап билан овора бўлиб, бирпасда қизни одамлар орасида йўқотиб қўйди.

***

Зоҳир қайтишда бу қизнинг қаерда туришини суриштирди. Зарема ростданам улар аввал яшаган Фарғона кўчасида истиқомат қилар экан.

Эртасига қизни кўргиси келиб, Гоголь мактабига боришга шайланди-ю, бироқ боришга арзугулик важ тополмади. Нима деб боради? Сени кўргим келди дейдими? (Нима, қизнинг кўзи учиб турибдими уни кўришга?!)

Зоҳир ўқишни битириб келгунча, дадаси ҳовлининг ёнбошига тўрт хонали уй солдирибди. Эшик-деразалар ўрнатилган, аммо ҳалигача ромларга ойна қўйилмаганди. Ишдан келган маҳали дадаси ёнига чақириб: "Эски кўчамиздаги Себрам ақайни биласан-а? – деди. – Ҳозир шуникига бориб айтгин: эртага келиб, дераза ойналарини қўйиб бериб кетсин". Доимо хушчақчақ юрадиган кўнгли очиқ Себрам ақай дадаси билан қалин ошна эди. Эски ҳовлиларида ҳам бу қўли гул дурадгор устанинг кўп хизматлари сингганди.

Хаёлни қаранг: балки сизда ҳам шундай ҳолат бўлгандир? Бурунги кўчаларидан кетиб бораркан, шўх-шодон азиз болалиги ўтган кезларни энтикиш ила эслабди-ю, аммо Зареманинг ҳам шу кўчада туриши хаёлидан кўтарилибди. Дарвозани кутилмаганда Зарема очса бўладими?! Хаёлга келмаган бу учрашувдан икковларининг ҳам юраклари ўйнаб кетиб, бир-бирларига тикилганча, лом-мим деёлмай қолишди. Зоҳир бу учрашувдан мамнундек, нимтабассум ила муддаосини билдирди. Қиз хушҳоллик билан ҳозир дея ичкарига кириб, отасини чақириб

чиқди. Себрам ақай, “Ким-ким дейсен, Зарем?” дея йўтала-йўтала дарвоза олдига келди-да, кўзларини қисиб унга термилди. Йигитни танигач, жилмайиб унга қулоқ тутди. Кейин Зоҳирни қўярда-қўймай: “Ай, юрди, чай ичиб кетарсеэн”, деб билагидан тутиб, уйига судради.

Зарема думалоқ стол устига дарҳол оппоқ дастурхон ёзиб, ширинликлару, ялпиз солиб дамланган хушбўй чой келтирди. Қиз қаршисидаги ошхонанинг дераза сидан унга жилмайганча термилар, азиз меҳмонига хизмат кўрсатаётганидан ҳузур қилаётганидек эди. У қримча чучвара пиширган экан. Устига қаймоқ солиб келди. Оҳ, мазасини айтмайсизми?! Тамадидан кейин Себрам ақай эртага ишдан кейин, албатта, уларникига боришлигини айтиб, дарвозагача кузатиб чиқаётганида, даҳлиздаги телефон жиринглаб қолди. Зарема гўшакни кўтариб, отасини гаплашишга чақирди. Орқасидан чиққан Заремага: "Раҳмат, овқатинг жуда мазали бўпти, қўлинг ширин экан", дея миннатдорчилик билдирди. Қиз мақтовдан уялинқирагандай ерга қаради. "Эртага мактабга – олдингга борсам майлими?" деганди қиз бошини кўтариб: "Нимага?" дея сўради ажабланганнамо. "Ўзим шунчаки. Сен билан бир гурунглашмоқчи эдим, холос", деди Зоҳир. "Майли келинг", розилик билдирди қиз паст овозда.

***

Шу кеч Заремани кўз ўнгига келтириб, уни ўйлаб ётди. Анчагача уйқуси келмади. Кейин шартта ўрнидан туриб, чироқни ёқиб, диққатини жамлаганча оқ қоғозга унинг чеҳрасини чизишга киришди. Қизнинг сурати кўнглидагидек чиқди. Зоҳир суратга меҳр ила термилар экан, қизга ишқи тушганини ҳис қилди. Ажаб: шу кеча дилбар қиз тушига ҳам кириб чиқса бўладими?! Уни маҳкам бағрига босганча, сурат учун раҳмат сизга дея юзларидан ўпиб қўйган эмиш...

Зарема ҳам Зоҳирни ўйлаб ётди. Ажаб: қиз ҳам тушида Зоҳирни кўрибди. Худди кинолардагидек, қўл ушлашиб, олисда тўлқинлари мавж уриб ётган кўмкўк денгиз томонга борар эмишлар... Уйғонгач, бу туши гўё келажакдан яхши хабар бераётгандек туйилиб, мудроқ руҳи тонгданоқ кўтарилиб, кайфияти чоғ бўлиб, олам кўзларига ҳар кунгидан-да чиройлироқ кўриниб кетди.

***

Гоголь мактабининг ўнг биқинида бир замонлар акация дарахтларидан барпо этилган эски парк-боғ ҳали ҳам бор эди. Боғнинг адоғида эса ёзги кинотеатр бўлиб, ҳозирда у ишламас, деворлари нураб ётарди. Фарғона кўчасида турган кезлари Зоҳир шу кинотеарт ёнидан ўтиб, мактабга қатнарди. Эртасига Зоҳир кечга томон шу жойга келиб, сегарет тутатиб, Зареманинг йўлини пойлади. Нақ олтида қиз мактабнинг орқа дарвозаси олдида кўринди. Зарема ерга қараганча, ўйчан келар эди. Зоҳир қитмирлиги тутиб, бир ҳазиллашмоқчи бўлди. Ўзини кинотеатрнинг ярми қулаган девори панасига олди. Қиз шу ерга икки қадам қолганида кутилмаганда лоп этиб қаришисидан чиқиб: "Салом, яхши қиз!" деди. Бу ҳазилдан Зарема бир қалқиб тушиб, ранги бироз оқаринқираганча, кўксига туфлаб қўйди.

– Тушимга кирибсан, – деди Зоҳир гапни нимадан бошлашни билмай. Туши-

да кўрганларини айтганди, Зарема юзлари бироз қизариб, уялганидан кўзларини йигитдан олиб қочди.

– Фестивалда бир кўришда мени яхши кўриб қолган бўлса керак бу қиз деб ўйлаяпсиз-а?

– Нима, мен бир кўришда севишга арзимайманми? – киноялиилжайди Зоҳир.

– Нега энди, жудаям арзийсиз-да, Зоир ака, – дея кўзлари қувнаб жавоб қилди Зарема. – Сизни бир кўришда яхши ҳам кўриб қолганман... Аммо бунга анча бўлган... Сиз эсламасангиз ҳам керак?..

– Одамни жуда хурсанд қилиб юбординг-ку, – дея мамнун кулди йигит.

– Олтинчида ўқирдим... Қор қалин ёққан совуқ қиш кунлари эди. Биз тушдан кейин ўқирдик. Охирги соат тугагунча, қоронғи тушиб қоларди. Қор тинимсиз ёққанидан тиззага етиб қолганди. Йўлда темир йўл релисидан ўтаётиб, оёғим сирпаниб, қор босган шпал устига йиқилиб тушдим. Шу пайт кимдир кўтариб, турғазиб қўйди. Қарасам сизсиз! Хавотирли овозда: “Лат-пат емадингми?” дедингиз устимнинг қорини қоқиб. Сизни таниб, йиғлаб юбордим. "Қўл-оёғинг бут, саломат бўлса, кап-катта қиз йиғлашинг нимаси энди? Кел, сени ўзим темир йўлдан ўтказиб қўяман. Қани, орқамдан опичлаб олгин-чи", дея энгашдингиз. Худди шуни кутиб тургандай, дарҳол орқангиздан опичлаб олдим. Сиз қор босган релислар орасидан аста-секин ўтиб, мени то дарвозамизгача кўтариб бордингиз. Биласизми, худди ўша куни сизга меҳрим тушиб қолган эди! Шундан кейин бу ҳолнинг тағин такрорланишини жуда-жуда хоҳлаб юрдим. Ҳар куни мактабдан қайтишда орқамга ўгирилиб, келишингизни кутардим.

Ёзда мени велосипедга миндирганингизни эслайсизми?

– Сени велосипедга ҳам миндирганмидим, ҳали? – дея бироз таажжубланди Зоҳир. – Ҳеч эслолмаяпман?..

– Кўчамиздаги болалар сингилларини велосипедларига миндиришганда уларга ҳавасим келарди. Акам мени ҳеч миндирмасди. Бир куни шунча ялинсам ҳам йўқ дея жеркиб ташлаб кетиб қолди. Орқасидан маъюс термилиб турганимда сиз велосипед билан келдингиз. "Зарема, ке, сени бир айлантириб келаман", дедингиз хушҳоллик билан. Мен ҳеч торинмасдан жон-жон дея олд томонингизга оёқларимни бир томонга осилтирганча ўтириб олдим. Сиз текис асфальт йўлдан велосипедни шундай учирдингизки, дилим яйраб кетди. Шундан кейин мен ҳар куни кўчага чиқиб йўлингизни пойлардим.

– Шундоқ дегин ҳали. Демак, сен мени қизалоқлик пайтингдаёқ...

Зарема ҳа, худди шундоқ дегандай бошини сарак-сарак қилиб, хўрсиниб қўйди.

Зоҳир қизнинг билакларидан қаттиқ тутиб, кўзларига ёлқинли боқиб: "Мен икки-уч кундан бери сени ўйлаб оромимни йўқотдим!" дея тан олди юраги гурсиллаб.

Зарема йигитнинг изҳорига инониб, кўзлари қувонганча, унинг қуюқ сочларини оҳиста силаб, гупирлаб турган кенг кўкракка аста бошни қўйди...

Қонталаш уфқ йўқолаёзган маҳалда бундан кейин ҳар куни учрашиб туришга келишиб, хайрлашишди.

***

Боғнинг бошидаги каттагина кутубхона уларнинг учрашув жойига айланди. Улар ўқув залида гапни китоблардан бошлашиб, ёшликда, талабаликда кечган воқеалар ҳақида соатлаб суҳбатлашиб ўтиришарди.

Зарема бадиий адабиётга меҳр қўйган, рус ва татар ёувчиларининг асарларини кўп ўқиган экан. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар”, Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” романларини ҳам ўзбекча, ҳам русча нашрларини ўқиб чиққанлигини, яна Ўткир Ҳошимов асарларини яхши кўришини, "Ўтган кунлар"нинг киноси китобига ўхшатиб яхши ишланмаганлигини айтиб, Зоҳирни ҳайрон қолдирарди.

***

Кўклам кезлари эди. Бир куни ўша эски боғ оралаб қизни кузатиб келаркан, Зарема сертикан акация дарахтининг сарғимтир, қайрилма меваларига қараб олиб:

– Сиз шуларни нимага ўхшатасиз? – дея қизиқди.

Зоҳир елка қисганди, қиз:

– Мен уларни янги чиққан ойга ўхшатаман, – деди хўрсиниб. – Гўёки шохларда янги чиққан сон-саноқсиз ойларни илиб қўйгандек...

Зоҳир бунга эътибор бермаган экан: ростданам акация мевалари янги чиққан тўрт-беш кунлик ойга ўхшаб кетар экан.

– Биласизми, сертикан бўлсаям шу дарахтни жуда яхши кўраман, – деди Зарема айрича меҳр билан. – Меваси ойга ўхшагани учун эмас. Яна бошқа бир арзирли сабаби бор бунинг.

– Билсак бўладими, у қандай сабаб экан? – дея қизиқсинди йигит.

– Бизни 1944 йилда Қримдан Ўзбекистонга мажбурий кўчиришганда, кўпчилик қариялар, болалар касаллик ва очликдан нобуд бўлишган экан. Момомнинг айтишларича, оч-наҳорлар шу дарахт ширасини шимишиб, жон сақлаган экан. Тут дарахти ҳам ота-боболаримизни очликдан сақлаб қолган дейишади.

Зоҳир шохларига янги чиққан сон-саноқсиз ой илинган акация дарахатни чизиб кўрди. Сурат тайёр бўлгач, унга узоқ тикилиб, асарига нимадир етишмаётганини англади. Шу кеча тушида ўша дарахтга Зареманинг ўйчан суяниб турганини кўрди ва эртасига суратга қизнинг ўша ҳолатини қўшимча қилиб, кўнгли жойига тушди. Заремага совға қилиш учун суратдан яхшилаб кўчирма олди.

Шоир севиб қолса, то маҳбубаси висолига етгунга қадар унга атаб сон-саноқсиз шеърлар ёзади. Хонанда ишқ дардига мубтало бўлса, жононасига бағишлаб юракни ўртагувчи қўшиқлар айтади. Рассом бечора эса хушторининг суратларини чизиб, ёлғиз қолган кезлари унга маҳлиё бўлиб термилгани-термилган... Зоҳир ҳам мана шундай девонаваш ошиқ ҳолига тушиб, қизнинг латофатли чеҳрасини қирқ саҳифали альбомга аста-секин тушириб борарди...

***

Шўролар томонидан қирқ икки йилдан бери ҳақ-ҳуқуқлари чекланиб, туғилган юртларига қайтолмай юрган қрим-тартарлар бир йилдан кейин Ватан дардида кескин ҳаракатга тушиб қолишди. Улар дадиллик билан ҳукуматдан ўз Ватанларини қайтаришни қайта-қайта талаб қила бошлашди. Шаҳар марказида ҳам катта митинг ташкил этишди. Зоҳирнинг мактабида ҳам ўндан ортиқ қрим-татар ўқитувчилари ишларди. Зоҳирнинг эшитишича, шаҳардаги барча қрим-татарлар тунлари тўпланишиб, йиғилишлар ўтказишаркан. Бундан хавотирга тушган шўро ҳукумати вакиллари мактабларга келиб, суҳбатлар ўтказиб, ўзларича уларнинг дардларини ўрганишарди. Шундай йиғилишларнинг бирида физика ўқитувчиси Фотима Аблакимовага сўз берилганида, опа ҳаяжон билан: "Ҳукуматдан талабимиз ўша-ўша битта – жонажон Ватанимиз Қримни бизга қайтариб беришсин!" деди. Халқ таълими мудирининг: "Опа, биз ўзбеклардан норозилигингиз йўқми, ишқилиб?" деган саволига у: "Ўзбекларга мингдан-минг раҳмат! Улар бизни кафтларида олиб юришди! Бундай бағри кенг, саховатли, меҳрибон миллат дунёда ягонадир!" деди тўлқинланиб.

Зоҳир мана шу гапларни эртаси куни Заремага айтди. Негадир у ўйга толди.

Кейин ота-онаси билан боболари юрти – Қримга бориб келганларини гапирди. Улар аслида Қора денгизнинг шундоққина ёқасида жойлашган Алушта деган жойдан экан. Жуда ҳам чиройли, баҳаво, сўлим жойлар эмиш... Зарема у ёқда кўрганларини завқу шавққа тўлганича, гўё ўша ерларда туғилиб ўсган сингари оғзидан бол томиб сўзларди. Унинг гапларини тинглаган одам гўё дунёда Қримдан-да бебаҳо ва бетимсол жой бўлмаса керак деб хаёл қилиши тайин эди.

***

Себрам ақайнинг ўнг ёнидаги қўшниси кўчиб кетди. Дадаси шу уйини Зоҳирнинг акасига олиб берди. Себрам ақай уйни таъмирлашни зиммасига олди.

Зоҳирнинг акаси геолог: ўн беш кун идорада ишласа, ўн беш кун тоғма-тоғ, чўлма-чўл кон излаш билан овора бўлиб юрарди. Зоҳир устага қарашгани бориб турарди. У борган заҳоти Зарема севиниб, гул-гул очилиб кетар, чой дамлаб чиқиб, яйраб-қувнаганча йигитга мулозамат қиларди.

Қайси куни Зоҳир сал эртароқ борса, Себрам ақай кампири билан қаёққадир кетибди. Зарема ҳам энди мактабдан келиб турган экан. Кўзлари чақнаганча, йигитнинг қўлидан тортиб, хонасига бошлаб кирди. Бу шинамгина хонада диққатини ўзига тортган нарса – икки жавонда тартиб билан терилган китоблар бўлди.

Зарема йигитнинг олдига муқоваси яшил альбомини қўйди. Суратларда Қора денгиз соҳилга яқин сўлим шаҳар ва қишлоқлар тасвири муҳрланганди. Зарема бу шаҳар ҳамда қишлоқларни номма-ном таништирди. Ўзи Алуштада олдирган расмларни ҳам бирма-бир кўрсатди.

Хонанинг тўрида, деворда аллақайси рассомнинг сокин турган мовий денгиз тасвири туширилган каттагина сурати илинганди. Зарема ўйчанлик ила суратга узоқ термилиб қолди.

– Биласизми, денгизни жудаям соғиндим, – деди у чуқур хўрсиниб. – Қанийди, қанотим бўлса-ю, Қримга – Қора денгиз томонларга учиб кетсам!

Зарема маъюс тортиб, ўз она тилида ғамгин оҳангда қўшиқ айтди:

Алуштадан эскин ел юзиме урды,
Мен бу кунни коралмадым.
Ветенымга тоялмадим, олдым
Эй гузел Кърым.
Ана – баба Ветеным деб
Коз яшин токе.
Қъартларымиз эмин жайб
Дувалар эте.
Мен бу кунни коралмадым,
Ветанымга тоялмадым,
Ветанымдан асрет олдым.
Эй, гузел Кърым!
(Алуштадан эсган ел
Юзларимга урилди.
Мен бу кунни унутолмадим,
Ватанимга тўёлмадим.
Ватанимдан жудо бўлдим.
Она – бобо Ватаним деб,
Кўзёшларин тўкарлар
Қариларимиз пешонларини саждага қўйиб
Дуолар этарлар.
Мен бу кунни унутолмадим,
Ватанимга тўёлмадим .
Ватанимдан жудо бўлдим.
Эй, гўзал Қрим!)

– Раҳматли момомнинг умрлари охирида ҳар куни хасрат билан ана шу қўшиқни айтарди, – деди Зарема кўзларига ёш олиб. – Гўдаклигимиздан Алушта ҳақида эртагу қўшиқлар айтиб, Ватанни севишга ўргатган ҳам шу шўрлик момом эди!

Маъюслик қизни тарк этмади. Қиз аввалгидек йигит билан очилиб сўзлашмас, гўё биров кўнглини қаттиқ оғритгандек, хафахон кўринар, Зоҳир ҳар қанча қизиқ-қизиқ гаплар айтмасин, ҳазиллашиб кулдиришга ҳаракат қилмасин – бариси бекор кетарди.

***

Қиз Зоҳир билан учрашишга ошиқмай, ундан ўзини олиб қочадиган бўлди. Зоҳирнинг дили хуфтон.

Бир куни оқшом маҳали “Спутник“ кино-театри ёнида Зареманинг узун бўйли, сариқ сочли бир йигит билан кулишиб, кинога кириб кетишаётганини кўриб қолди. “Шунинг учун мендан ўзини олиб қочиб юрган экан-да”, деган хаёлга борди у. Яна бир куни ўша йигитнинг Заремани ишдан кейин уйига кузатиб кетаётганлигига кўзи тушди.

Эртаси куни Гоголь мактаби дарвозаси олдида қизнинг келишини кутиб турди. Хаёлга чўмиб келаётган Зарема унга кўзи тушиши билан ранги-рўйи ўзгариб, бирдан бошқача бўлиб кетди.

– Мендан ўзингни олиб қочишингни энди билдим, – деди кесатиб Зоҳир. – Сендан буни сира кутмагандим, Зарема! Дарров бошқасини топиб олибсан-да, а? Эҳ, сени қара-ю! Сиз биринчи муҳаббатимсиз деганларинг қайда қолди?! Демак, ҳаммаси ёлғон экан-да, а?!

– Сиз-чи, сиз мени эрмак қилиб юрмаяпсизми, шу пайтгача?! – деди қиз ҳаяжону алам билан. – Аслида мен сиздан гина қилишим керак эмасми?! Ўз кўзим билан кўрмасам ҳам майлийди, биров айтса, ўлай агар ишонмасдим. Ҳаммасини энди тушундим: содда қизни бошини айлантириб алдаб, юриб-юриб ташлаб кетаман, деган ниятда экансиз-да, а?! Мақсадингизга етдингизми энди? Кўнглингиз жойига тушгандир? Мен гўл бўлмасам, келиб-келиб сизга кўнгил қўяманми?!

Зоҳир Зареманинг андуҳ аралаш таъналарига тушунмай:

– Нималар деяпсан ўзи? Ким сени алдаб ташлаб кетмоқчи? Ўз кўзинг билан нимани кўрдинг? Одамни хуноб қилмай, тушунтириброқ гапирсанг-чи, ахир?! – деди асабийлашиб.

– Қўйинг-э, ўзингизни гўлликка солганингиз нимаси тағин?! Сизга ярашмас экан! – деди Зарема қўл силтаб иддао билан ёнидан ўтиб кетарди.

Зоҳир ҳеч нимани идрок қилолмай, боши қотганча нима деярини билмай, жойида сўррайиб қолаверди.

Қаерда хато қилди экан-а? Қайси айби қизнинг кўнглини мунчалик қолдирди? Агар Ҳасан расмчи йўлда учраб қолмаганида, ўйлаб ўйига етолмай, дили хира тортганча юраверарди.

– Мана, акахон, тунов кунги расмларни ишлаб опкелдим, – деди илжайиб ўнтача суратни узатаркан. – Яна хизматлари бўлса, бемалол...

Бир ҳафта бурун туғилган кунини “Семурғ” кафесида оғайнилари билан яхшигина нишонлаганди. Кафеда зиёфат бериш хаёлига ҳам келмаганди. Қаршилик курсдоши телефон қилиб, “Сени қутлагани боряпмиз”, деди?! Бу ёқдан қизлару, синфдош йигитлар қўшилди... Яхшиям Ғанижон бор экан... Унинг акаси “Семурғ” кафесининг хўжайинни, қўли очиқ, сахий киши эди. Ғанижон ҳам шу ерда ошпазлик қиларди. Дўстининг дардини эшитиб, “Сира ташвиш тортма, ҳаммаси зўр бўлади”, дея кафенинг йигирма кишилик хонасидаги узун столни зиёфатбоп қилиб безаб ташлади.

Зиёфат ширингина ўтди. Зоҳир ҳам, меҳмонлар ҳам кўпдан бери бундай яйраб ўтиришмаганди. Роса ўйнаб, кулишди. Қутловчиларга қўшилиб, роса ичаверибди, ичаверибди, қизларга қўшилиб, роса ўйнаверибди, ўйнаверибди... Кайфи ошиб кетган Зоҳир курсдош қизлар билан худди севишганлардек вальсга тушгани ҳам, қулоқлари остида азизим, севгилим дея шивирлаганлари ҳам, юзларидан чўлпиллатиб ўпганлари ҳам эсида. Ҳасан расмчи уларни суратга тушириб юргани ҳам кўз олдидан ўтди. Шунча ароқдан кейин бир қадаҳ шампан виносини сипқорганидан кейин... Бу ёғида нималар бўлди, сира эсида йўқ...

Уйга келиб, зиёфатдан олинган расмларга ҳафсаласиз термиларкан, бирдан миясида яшин урилгандек бўлди. Бундай диққат қилса, бир суратда Нозима отлиқ

курсдоши билан вальсга тушаяпти, ортидаги очиқ эшик олдида Зарема уларга ҳайрат билан қараб турган экан! Эҳ, калла, мана гап қаерда экан-а! “Кафеда туғилган кун қилмай ўл!” деди ўзига-ўзи. Энди буни қандай қилиб Заремага тушунтиришни ўйлаб боши тарс ёрилай дерди. Суратга изоҳ бериш учун қизнинг олдига боришдан ўзини тийди. Айби бўлса бошқа гап эди. Гуноҳи бўлмагандан кейин нима учун ундан кечирим сўраши керак? “Вақт ҳамма нарсани даволайди” деган ақидага амал қилиб, бир-икки кун кутишга қарор қилди. Зарема сал ҳовуридан тушсин-чи, кейин ўзи ҳаммасини фаҳмлаб олар, тушунишни истамаса, ундан кейин ўзи билади, деган хаёлга борди Зоҳир.

***

Қрим-татар халқининг Ватанларини қайтариш ҳақидаги талабларини шўро ҳукумати охири қондиришга мажбур бўлди. Улар уй-жойларини сотиб, аста-секин ўз юртларига кўчиш тараддудини бошлашди.

Баъзилари, “Ота-онам, акам, опам шу тупроқда ётибди... Умрим шу ерда ўтди... Менинг Ватаним – Ўзбекистон!” дея кетишга уринишмади ҳам.

Себрам ақай ҳам ўша ёқлардан бошпана топиб келиб, кўчиб кетиш ҳаракатига тушди.

***

Зоҳирнинг онаси – Дилбар опа шаҳар кутубхонасида ишларди. Гоголь мактаби кутубхона мудираси Фарида опа унинг олдига тез-тез бориб турарди. Ўзаро гурунгларида Фарида кулиб ҳазил тариқасида, “Энди татарлардан келин қиларкансиз-да, Дилбар опа”, деб қолди. Дилбар опа тушунмадим дегандай чимирилганди, Фарида Зоҳирнинг анчадан бери Зарема билан опоқ-чапоқ бўлиб, кутубхонада тез-тез учрашиб юрганини айтиб берди. Опа бу кутилмаган янгиликдан ҳайрон бўлди. Секин хўрсиниб, “Бу боланинг эси жойидами?” дея ўйга толди. Ишдан қайтгач, Зоҳирнинг дарсхонасига кириб, ўғли чизган сурату потретларни бирма-бир диққат ила кўздан кечирди. Зареманинг акация дарахтига суяниб, денгизга армон ила термилиб турган суратлари айрича меҳр билан ишлаганидан ўғлининг бу қизга чинданам қаттиқ кўнгил қўйганлигини англади.

Зоҳир кечки овқатдан сўнг хонасига кириб, кимдир бу жойда бўлганини пайқади: иккита сурат пастдан – яшириб қўйган жойидан олиниб, дераза токчасига қўйилиб, устини бўз билан ёпилганди. Зоҳир ҳайрон бўлиб турганди, хонага онаси кирди.

– Зареманинг расмини меҳр билан чизибсан, ўғлим! – деди онаси суратлар устидаги бўзни олиб.

Онанинг гап оҳангида киноя, кесатиқ, пичинг ўринига ўғлининг истеъдоди ва иқтидоридан фахрланиш туйғусигина сезилиб турарди.

– Севиш-севилишга қаршимасман, ўғлим, – дея гапида давом этди Дилбар опа хўрсиниб олиб. – Бировнинг кўнглига биров хўжайин бўлишига ҳаққи йўқ!

Зоҳир дамини ичига ютиб турди.

– Биласанми, мени нима кўпроқ ташвишга солиб, ўйлантиради?

– Нима, аяжон?!

– Келажагинг, болагинам.

– Тушунмадим...

– Келажангинг – бу сенинг болаларинг бўлади, нодон болам, – деди қатъийлик билан Дилбар опа. – Агар ўша Заремага уйлансанг, болаларинг миллати нима бўлади, а?! На ўзбек, на татар. Биологияда буни дурагайлик дейилади. Мен ҳам, даданг ҳам мана шу нарсага қаттиқ қаршимиз! Энди бу ёғини ўзинг яхшилаб ўйлаб ол, ўғлим!

Зоҳир бу масала тўғрида роса ўйлаб, ахири ота-онасининг раъйига қарши бориши маъқул эмаслигини фаҳмлаб етди. Ота-онасига айтадиган гапларини ўйлаб юрган кунлари, Зремадан хат олди. Мактубни ўқигач, Зареманинг дарди ҳам ўзиники билан бир эканлигини тушуниб, кўп афсусланди.

“Зоҳир ака, ножўя гапириб, кўнглингизни қолдирган бўлсам, минг бор узр сўрайман сиздан, – деб бошланганди мактуб. – Биласиз: Бу дунёда ҳар бир миллатнинг ўз Ватани бор. Ўз туғилиб ўсган тупроғида яшаб юрганлар қанчалик бахтли! Аммо биз қрим-татарлари Ватанимиз бўла туриб, мана, неча йиллар ундан айро тушиб, унинг тупроғига зор бўлиб армон билан яшаб келдик. Ниҳоят ота-боболаримизнинг неча йиллик илтижоларини Оллоҳ қабул қилиб, Ватанимизга қайтишлик насиб қилиб турибди.

Сиз менинг меҳримни берган биринчи муҳаббатимсиз! Сиз билан ўтказган кунларим бир умр эсимдан чиқмайдиган энг бахтиёр кунларимдир.

Бир кеч қариндошлар менга қарашиб: "Зарема, сен ўқимишли, одобли қизсан. Аммо кейинги пайтларда қилиб юрган ишларинг бизни кўп ранжитди. Эшитишимизча, сен бир ўзбек бола билан севишиб юрганмишсан. Биз Қримни ўзимиз учун эмас, келажагимиз – сизлар учун талаб қилиб олмоқдамиз давлатдан! Биласанми, миллатнинг бор бўлиши ҳам, йўқолиб кетиши ҳам оналар қўлида. Ўзи шундоқ ҳам миллатдошларимиз камайиб кетишган. Агар сен ўзбек боласига тегиб, бу ерда қолиб кетсанг, қрим-татар миллатидан беш-олтитаси камайиб кетади деган гап бу. Ҳозироқ танла: Ватан, ота-онанг ёки ўзбек боласи". Шу гапдан кейин кўзимга жиққа ёш тўлди. Мен икки ўт орасида қолгандим. Сиздан, муҳаббатимдан кечишни сира ақлимга сиғдиролмасдим. Ота-онам ҳам Ватанларидан кечаолмаслигимни ўйлаб эзилардим. Хуллас, ўйлай-ўйлай охири сизга бўлган муҳаббатимдан кўра ота-онам ва Ватанимни танлашга мажбур бўлдим. Сиз менинг ўрнимда бўлганингизда қандай йўл тутган бўлардингиз, Зоир ака?!

...Ўша куни биз дугонам Салима билан тушлик қилгани “Симурғ” кафесига тасодифан бориб қолган эдик. Ичкарида сиз туғилган кунингизни нишонлаётганингизни қаердан билибмиз. Овқатланиб бўлаёзганимизда, қизиқувчан Салима музика овози келаётган ўша хонага мўраласа бўладими? Бироздан кейин у мени имлаб ёнига чақириб, “У ёққа қара!” деди сирли қилиб. Не кўз билан кўрайки, сиз бир нозанинни бағрингизга босганча, суйилиб рақс тушардингиз. Ўша қиз худди севишганлардек пинжингиздан чиқмай, сизни ўпгани-ўпган эди. Мен жойимда қотиб қолдим. Гўё юрагим тўхтаб қолгандай бўлди! Наҳотки бу менинг севгилим сиз бўлсангиз?! Бундай бўлишини сира хаёлимга келтирмагандим.

Ҳар кеч уйқуга кетишдан аввал сизни кўз олдимга келтириб, сиздек йигитнинг муҳаббатини қозонганимдан қанчалар севинар ва ўзимни жуда ҳам бахтли санар эдим-а! Шу тун эса қанчалар хўрлигим келганини билсангиз эди! Аламимни

йиғидан олиб, болишимни жиққа ҳўл қилиб ётдим.

Эртасига мактаб олдида мени кутиб турган экансиз. Сизга аччиқ-аччиқ гапларни айтиб, хонамга кириб, дераза пардасига юзимни босганча йиғлаб ўтирганимда, Салима келиб қолди. У кулиб: "Бекордан-бекорга хуноб бўляпсан, Зарема, – деди. – Зоир аканинг синфдоши Розия опа бизга қўшни туради. Кеча гурунг орасида тунов кунги Зоир аканинг туғилган кунларини нишонлаганларидан сўз очдим. Зоир ака билан қушоқлашиб рақсга тушган ҳалиги қиз кимлигини аста суриштирдим. У қиз қаршилик бўлиб, Зоир ака билан ўқиган экан. Исми Нозима эмиш. У Зоир акани жудаям яхши кўрган, аммо Зоир аканинг унда сира кўнгли бўлмаган экан. Ўша куни кайф устида Зоир унинг нози-карашмасига бефарқ бўлмай, қучоқлаган, ўпган экан", деганмиш.

Салиманинг бу хушхабаридан ғамгин кўнглим бирдан ёришиб кетди. Суришитириб билмай, ўйламай-нетмай, сизга киноя-кесатиқ гапларни айтиб юборганимдан хижолат тортиб, роса пушаймонлар бўлдим. Ўша бемаза гапларим учун сиздан минг бора узр сўрайман.

Сиз ҳам бир гапнинг тагига етмай, дарров мени бевафоликда айбладингиз. Қўрқманг: мен сиздан бошқа йигитга кўнгил қўймаганман. Сиздан бошқа бегона йигит қўлимни ушламаган ҳали. Ўша куни мен билан кўрган у бола мубораклик холамнинг ўғли – Раим эди. Ватанга қайтишдан олдин у бизникига меҳмон бўлиб келганди.

Биз келаси жума куни поездга чиқиб Тошкентга, ундан Қримга жўнамоқчимиз.

Мен билан хайрлашмоқчи бўлсангиз, пайшанба куни соат бешларда ўша эски кино-театрга келинг, кутаман.

Сизни бир умр юрагининг туб-тубида авайлаб-асровчи Заремангиз".

Хатни ўқиб чиққач, Зоҳирнинг кўнгли жойига тушиб, бироз енгил тортди.

***

Пайшанба куни Зоир "Акация дарахти" картинасини қоғозга ўраб, қирқ бетли альбомини ҳам олиб, белгиланган вақтда ўша қадрдон жойда ҳозир бўлди. Зарема кутиб турган экан. Уни кўриши билан кўзда ёш ила қучоғига отилди. Энтикканча, бир-бирларининг бағирларига сингишиб, унсиз йиғлашди...

Йигит эмасми, Заремани аста қўйнидан бўшатди.

– Менга қара, қолишнинг ҳеч иложиси йўқми? Ана, қўшниларимиз биз шу ерда қоламиз дейишяпти-ку. Сен ҳам қолсанг бўлмайдими, Зарема?

– Уларнинг йўриғи бошқа, – деди Зарема енгил хўрсиниб. – Тўғри тушунинг: мен қололмайман, кетишим керак. Ота-онам менга суяниб қолишган...

У яна кўзларига ёш олди. Зоҳир қизнинг мижжаларини артиб қўяркан:

– Энди кўзларимга қараб бир кул-чи?! – деди жилмайиб. – Сени ғам-андуҳда кўришни сира истамайман, азизам!

Зарема бир хўрсиниб олди-да, чиройли нимтабассум ҳадя қилди.

***

Кечда ҳа деганча Зареманинг уйқуси келавермади. Мижжалари ёшланиб, Зоҳир бериб кетган альбомни алламаҳалгача варақлаб ўтирди.

Эртасига дарси кўплигидан Зоҳир уларни кузатишга аранг улгурди. Поезд ўрнидан жилаётган экан. Зоҳир таниш-нотанишлар орасидан ўтиб, қиз билан хайр-хўшлашишга ийманди. Проводник вагонга чиқинг энди деган ишорани бераради. Зарема қизил дуррачаси билан ёш ювган юзларини артиб, олазарак бўлганча одамлар орасидан кимнидир ахтараради. Ниҳоят, Зоҳирга кўзи тушгач, хайр дегандай қизил рўмолли ўнг қўлини силкитиб қўйди...

***

Кўклам кезлари акация дарахтининг муаттар гуллари ҳиди ҳеч димоғингизга урилганми? Ёз ўрталарида пишадиган ялтироқ сарғиш мевасини кўз олдингизга келтиринг-чи? Наздингизда у нимага ўхшайди? Янги чиққан уч-тўрт кунлик чиройли ойга эмасми? Ҳа, ҳа худди шундай. Сертикан малла шохларда сон-саноқсиз ҳилоллар илиб қўйилгандек, гўё! Аввалларида Зоҳир ҳам бунга унча эътибор бермаган эди. Бу инжа ўхшатишни унга бир замонлар латофатли қрим-татар қиз Зарема айтганди. Шу-шу, қачонки, акация дарахти қаршисидан чиқса, ёки денгиз тасвирини кўрса, Ватаним деб уни ташлаб кетган Заремани андуҳ ила эслаб қўяди.

Яхши ёзилган асар ҳеч қачон эскиртирмайди.
Услуб – хаётнинг ўзи, у фикрларнинг
югурик қонидир.

Гюстав ФЛОБЕР

Меҳр – олам меҳвари

Адиб ва журналист Тўлкин МУҲИДДИНнинг физика-математика фанлари доктори, профессор Мансурхон ТОИРОВ билан суҳбати



Мансурхон ТОИРОВ


Тўлқин МУҲИДДИН: *Мансурхон, "Дўл тоғлари ва етти осмон" номли китобингизда шундай жумла бор: "Оламни гўзаллик қутқаради, деган ҳикматли гап бор. Мен эса оламни меҳр тутиб туради, ҳар бир эзгу ишга меҳр бош бўлади, дегим келади". Келинг, суҳбатимизни мазкур фикрнинг кенгроқ шарҳи билан бошлайлик.*

Мансурхон ТОИРОВ: Тўлқин ака, сизга маълум, Қуръони каримда инсон гўзаллиги ҳақида қуйидаги оят келтирилган: "У осмонлар ва ерни ҳақиқат (ҳикмат) билан яратди ва сизларга сурат (шакл) берди – суратларингизни гўзал қилди..." (64:3)

Фёдор Достоевский машҳур "Телба" романида персонажлардан бири – Ипполит Тереньтев тилидан "Оламни гўзаллик қутқаради" иборасини ишлатади. Аввалам бор, юқоридаги оятда инсон вужуди гўзал суратда яратилгани ҳақида хабар берилаётир, лекин инсоният "гўзаллик" тушунчасини одамзод гўзаллигига нисбатан ишлатгандаям, ёки бошқа гўзалликларга нисбатан ёндашганидаям мавҳум бир тушунчага айлантириб юборяпти, чоғи. Айтайлик, жаҳон бўйлаб ҳар йили ўтказиладиган гўзаллар танлови ғолибаларига бизнинг ўзбек йигитларимиз, гарчи ҳар бири гўзаллик шайдоси бўлса-да, уйланган бўлармиди? Йўқ, албатта! Дидлари пастлигиданми? Асло! Тўғри, ғолиба қизлар эрсиз қолиб кетмас, лекин бу эрларга ўзбек йигитларимизнинг росмана ҳаваси келармикан-а? Ҳаваси келар, фақат чапаничасига-да! Мана, гап қаерда! Бу танловларда асосан қизларнинг бадан гўзаллиги намойиш қилиниб, уларни баҳолашда ҳам тафовутлар бисёр. Асл гўзаллик фақат бадан чиройими? Инсон бадани гўзал экани оятдан шундоғам маълум бўлиб турибди-ку! Лекин одамзод инсон гўзаллиги деган масалага чуқурроқ ёндашади. Оллоҳ яратган вужуд гўзаллигига одамзод тафаккур кучи билан ибони ҳам қўшиб, уни янаям гўзаллаштирган. Том маънодаги гўзалликка эришиш учун

Мансурхон ТОИРОВ *– физика-математика фанлари доктори, профессор, публицист ва ёзувчи. 1946 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) физика факультетини тамомлаган. Юзга яқин илмий мақолалари республика матбуотида, ўндан ортиқ мақолалари хорижда чоп этилган. Бир неча китоблар муаллифи.*

ўша қизларга нима етишмайди? Албатта, ибо!



Тўлқин МУҲИДДИН

Юрак гўзалликка талпинади. Ушбу талпиниш кишини бир умр бахтли ёки бахтсиз қилиши, гўзаллик туфайли улуғликка эришиш ёки ҳалок бўлиш мумкин. Гўзалликка интилган Ал Исо қисматидек фожиалар бу кўк гумбаз остида неча бора содир бўлгани ёлғиз Ўзига аён. Достоевский ўша машҳур ҳикматни эзгу ниятда айтган, албатта, лекин инсоният ўз интеллектуал қобилияти ва жисмоний кучини минг йиллардан буён бетиним ишга солган ҳолда қураётган шаҳарлар, улардаги обидалар гўзаллиги, аёллар гўзаллиги, "виагра"сиз тонг оттиролмайдиган, икки кўзи қонга тўлган ҳамда ядро қуроллари тугмасини босаймибосмайми, деб турган императорлар амбициясини енгишга қурби етармикан?! Бу саволга, агар Достоевский ҳаёт бўлса, жавоб топиб бера олмаган бўларди, менимча. Яъни, биз гўзалликнинг ўзи ҳам ҳимояга муҳтож бўлган даврда яшаётирмиз.

Гўзалликни фақат меҳр ҳимоя қилиши мумкин, деб ўйлайман. Айтайлик, эр хотинига, "Сен нақадар бахтлисан, мендек кўркам йигитга теккансан" деса ва хотин ҳам, "Мендек тенгсиз гўзалга уйлангансиз" дея кибрланса, орадан кўп ўтмай бу икки "гўзал" қурган оиладан ному нишон қолмайди. Аксинча, эр-хотин, иложи борича, бир-бирининг яхши ва гўзал томонларини кўришга интилса ва бир-бирига шулар ҳақида бот-бот гапириб турса, бу оила барқарор бўлади. Бундай муомала учун эса меҳр керак!

Дунёнинг турли бурчакларида рўй бераётган уруш, қирғинбаротларда кимлар ҳалок бўлаётир? Гўзаллик эмасми? Қонга беланиб ётган гўдаклар, қизлар, бева аёллар, сочи, юзини юлиб фалакка икки қўлини кўтарганча нола-фарёд қилаётган оталар, оналар аслида Оллоҳнинг гўзал яратмиши эмасми? Қурол-яроқларини синаш учун бегуноҳ гўдакларни, аёлларни қонга белаш, гўзалдан-гўзал уй-жойларни бузиш, обидаларни ер билан яксон қилиш, миллионлаб одамларни очнаҳор сарсону саргардон этиш гўзалликка қарши очилган уруш эмасми?!

Нега шундай бўлаётир? Сабаб – инсониятга меҳр етишмаяпти. Меҳр бўлмагач гўзаллик кўзга кўринмайди, раҳм-шафқат унутилади, катта-ю кичикнинг фарқига етилмайди. Меҳрсиз одам қонсирайди, жаллодга айланади... Меҳрсизлик – гўзаллик қотили! Меҳрсизлик – инсоният қотилидир!

– Ҳақсиз! Аслида инсоният тарихида рўй берган барча уруш-савашлару жангу жадаллар замирида ноўрин ва ортиқча меҳр – нафси аммора тургани ҳеч кимга сир эмас. Афсуски, Одам Ато авлодлари ҳали-ҳануз мозий сабоқларидан тегишли хулоса чиқариб, меҳр-муҳаббат туғи остида бирлашишга интилмаётир. Табиийки, бу янглиғ парокандалик янги-янги муаммоларни келтириб чиқараверади.

Мансурхон, энди китобингиз сарлавҳасига чиққан мақолангиздаги бир ривоятга мурожаат қилайлик. "Ривоят қилишларича, бир шайх аср намози олдидан

***Тўлқин МУҲИДДИН** – 1940 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини (ҳозирги ЎзМУ) битирган. Унинг "Икки ўт орасида", "Номарддан мард ясаган устоз", "Қалбим кўзи билан кўраман сени" каби ўнлаб китоблари нашр этилган.*

ғусл қилиб, таҳорат олиш учун ҳовлиси яқинидаги дарё сари йўл олибди. У йўл-йўлакай қозонга ёғ қуйиб, кечки овқатга уннаётган хотинига бир-икки танбеҳ бериб ўтибди. Дарё қирғоғида сувга тушмоқ учун ечинар экан, осмону фалакка, теварак-атрофга разм солиб, "Наҳотки, Оллоҳ шундай муаззам оламни олти кунда яратган бўлса" деган шубҳани кўнглидан ўтказибди. Сўнгра Шайх дарёга шўнғибди-да, ғусл олиб чиқиб, ўзига боқса, узун қоп-қора сочли, ўн саккиз яшар гўзал қизга айланиб қолганмиш. У ўзининг бу ҳолидан қўрқувга тушиб, баданини қандай яширишни билмай лол турганда, бир бадавий чавандоз келиб қолибди-ю, қизни ердан даст кўтариб, тиззасига ўтказганча тулпорини чоптириб кетибди ва уни ўзига хотин қилиб олибди. Шайх бадавий билан 30 йил яшабди, ундан 9 нафар фарзанд кўрибди. Бадавий ҳар кун зулм қилавергач, аёл сиймосидаги шайх ахийри жонидан тўйибди-да, шу яқиндан оқиб ўтувчи дарёга ўзини ташлабди. Бироқ жон ширин эмасми, нафаси бўғилгач, типирчилаб, сув юзига чиқибди-ю, у ёқ-бу ёққа аланглаб, ғусл олмоқ учун дарёга шўнғиган жойидан чиқиб қолганини англабди. Аслига қайтган Шайх апил-тапил таҳорат олиб, кийим-бошини кийиб, салласини ўраб, уйи сари равона бўлибди, қараса хотини қозонга солган ёғини ҳалиям қиздириб улгурмаган экан..."

Шу ривоятдан англанадиган мантиқ журналхонларимизни ҳам қизиқтириши турган гап. Мусоҳабамиз пайровини шу тарафга бурсак, нима дейсиз?

– Жуда соз. Аввало, бир жиҳатга эътибор қаратиш жоизки, шайх тушунчаси бизнинг диёрда ва араб оламида бир-биридан фарқлироқ, чамамда. Арабларнинг машҳур ёзувчиси Ал Жаҳизнинг "Хасислар ҳақида китоб" асарида кўплаб шайхларнинг хасислиги ҳақида ривоятлар бор. Китобда нақл қилинишича, бир шайх ҳафтанинг олти куни давомида оила аъзоларини егуликдан обдон сириб, жума намозидан кейин бир неча қадоқ пишган гўшт ва бошқа егуликларни тугунига солволиб, якка ўзи шаҳардан четдаги овлоқ ерга бориб, ўша ерда обдон еб-ичиб, ош-овқатга бўкиб, уйига қайтиб келар ва яна кейинги жумагача олти кун ўзиниям, оила аъзолариниям ош-овқатдан қисиб юраркан. Жума кунларидан бирида шайх оқар сув бўйидаги дарахт остида тамадди қилиб ўтирганда нариги томонидан бир кимса ўтаётиб, унга салом берибди. Шайх саломга алик олгач, йўловчини дастурхонга таклиф қилади. Таклифга кўра йўловчи сув лабига келиб ундан ўтмоқчи бўлаётганини кўрган шайх қўли ва сўзи билан уни тўхтатади. Бу ҳолдан ажабланган йўловчига шайх: "Мусулмончилик шартини адо этиб, менга салом бердингми?" дея савол бериб, "Ҳа!" жавобини олгач, "Мен ҳам мусулмончилик шартини адо этиб алик олдимми?" дейди ва яна "Ҳа!" жавоби бўлгач, шайх саволда давом этиб, "Мен ҳам мусулмончилик шартини адо этиб сени дастурхонга таклиф қилдимми?" деб яна савол беради ва бунга ҳам "Ҳа!" жавобини олгач, "Унда нега сен мусулмончилик шартини адо этиб, "Йўқ, раҳмат!" демадинг? Шу сабаб мен сени тўхтатдим", дея ўз хатти-ҳаракатига изоҳ берган экан.

"Дўл тоғи ва етти осмон" мақоласида мен тилга олган ривоятдаги шайх илмининг комиллиги, ибодатининг бенуқсонлиги билан мусулмон оламига ибрат бўлган зотлардан бирининг тимсолидир. Лекин шундай бўлса-да, нима учундир унинг имонида бир зумгагина иккиланиш рўй бердики, Оллоҳ унга мурувват кўрсатиб, шу бир зумнинг ўзидаёқ шайх имонида Иблис хуружидан ҳосил бўлган иккиланишни парчалаб ташлади. Шайхнинг бошига тушган бу савдолардан ўзи учун зарур хулоса чиқариб олганига ўқувчида шубҳа бўлмаса керак. Манаман деган кўплаб замонавий олимларни ҳам мен ўша оддий банда тоифасига киритган бўлар эдим. Сабаби – суҳбатлашиш асносида уларнинг аксари Қуръонни

ўқимагани, бу муқаддас китобни қўлига ушлаган бўлса-да, бир-икки варақлаб кўя қолгани ва салкам юз йилдан буён имонга бетиним чанг солиб келаётган атеизм ботқоғида қолиб кетганидан бехабарлиги аён бўлади. Атеизм ўз қуроли сифатида Коперник, Дарвин каби буюк олимлар фанда қилган буюк кашфиётларни танлади ва аслида динга қарши қаратилмаган ана шу таълимотлардан фойдаланиб, ўзига ёлғонни сингдирган ҳолда қувват қўшиб борди, эндиликда у қанча-ю қанча одамлар онгини заҳарлаб улгурдики, ўша заҳарланган онглар ичида машҳур замонавий олимларимизни ҳам кўриб ажабланмасдан иложингиз йўқ. "Дўл тоғи ва етти осмон", "Қора туя ҳикмати" мақолаларим орқали Коперник таълимотидан фойдаланиб, чала-чулпа хулоса ясаган ҳамда шу хулосаларига таяниб, Қуръон оятларига ҳужум қилган "аллома"ларга кескин зарба берган эдим. Қуръонда эволюция назарияси ҳақида ҳам оятлар борлиги ва шу оятларга суяниб, улуғ мусулмон алломаларимиз Ибн Сино, Ибн Катир, Ибн Халдун, Ибн ал-Арабий ва бошқалар Дарвиндан неча асрлар олдин шу ҳақида фикр юритишганини назардан қочирмаслигимиз керак. Бу олимлар ўз изланишларида Дарвиндан неча асрлар аввалроқ ҳозирда Дарвинга нисбат бериладиган назарияни баён қилган эдилар. Охирги бир неча асрларгача мусулмон мактаблари ва мадрасаларида эволюция назариясидан сабоқ бериб келинган бўлиб, бу назарияга Дарвин замондошларидан Сэр Вильям Дрейпер "Эволюциянинг мусулмонча назарияси" дея ном берган. Дрейпер эволюция назариясининг мусулмонча нақли Дарвинникидан кўра илгарилаб кетгани, чунки бу нақлда эволюция минералларга ҳам тааллуқли экани назарда тутилганини уқтириб ўтади.

Мусулмон олимлари ҳамиша Қуръон оятларига суяниб иш олиб боришган. Қуйида биз келтирадиган оят ҳам одам яратилишида эволюцион процесс бўлганини назарда тутишни илғаш учун доно бўлиш шарт эмас: "Албатта, (Биз) сизларни (Одамни) яратдик, сўнгра сизларга (унга) суврат бердик, сўнгра фаришталарга: "Одамга сажда қилингиз!" дедик. (Улар) сажда қилдилар, илло Иблис сажда қилувчилардан бўлмади". (7:11)

Қуръон одамларга қиёфа берилиш жараёнида улар тирик бўлгани ҳақида хабар беряпти. Бу эса одамлар лойдан яратилган бўлиб, уларга инсон шакли берилгунигача ҳам улар тирик бўлгани ёки одам яратилишининг биринчи босқичи бу – бирламчи ҳаётнинг пайдо бўлиши бўлиб, унга қиёфа берилиши эса – эволюцион жараён, демакдир. Эволюция жараёни рўй бериши учун маълум бир вақт (давр) керак бўлишини ҳам назарда тутаётир. Арабчадаги "Халақа" сўзи "х-л-қ" илдизидан келиб чиққан бўлиб, у одатда "яратиш" дея таржима қилинади. Лекин фақат шу маъно билангина у сўз ўз имкониятини тугалламайди. Ушбу сўз бирламчи луғавий маъносида босқичма-босқич яратилишни ва ҳар бир кейинги босқич аввалгисидан фарқланишини таъкидлайди. Ушбу сўз инглизча "evolve" (эволюционировать) сўзига эквивалент бўлиб, American Heritage Dictionary луғатида "Аста-секин ўзгариш содир бўлиши", деб изоҳланади. Шунинг учун "халақа" сўзи "яратиш" тушунчасини беришда ишлатилади ҳамда инглизча "evolve" сўзи каби аҳамият касб этади. Қуръоннинг қуйидаги оятида ҳам одамнинг яратилиши бирмунча муддатни ўз ичига олгани назарда тутилган: "(Эй Муҳаммад!) Эсланг, Раббингиз фаришталарга: "Мен (асли) қора балчиқдан (олиб) қуритилган лойдан инсон яратувчиман. (15:28.) Бас, уни тиклаб, ичига Ўз (даргоҳимдаги) руҳимдан киритганман, сизлар унга сажда қилган ҳолингизда йиқилингиз!" деди.

Қуйидаги уч оятга ҳам диққатингизни тортамиз: "Ҳолбуки, У сизларни (она қорнидаги вақтингиздан бошлаб) босқичма-босқич яратган бўлса?! (71 – 14)

“Оллоҳ сизларни (Одамни) ердан ундирди (пайдо қилди)”. (71 – 17) “Оллоҳ барча жониворларни сувдан яратди. Улардан қорни билан (судралиб) юрадиганлари ҳам, икки оёқда юрадиганлари ҳам, тўрт (оёк)да юрадиганлари ҳам бордир. Оллоҳ ўзи хоҳлаган нарсани яратур. Албатта, Оллоҳ барча нарсага қодирдир!” (24:45.)

Барча тирик мавжудотлар дейилганда, ҳаёт мавжуд бўлган ҳамда у ўзи мустақил ҳаракат қила олса, ҳар қандай объект – бунга барча ҳайвонлар ва одам ҳам, ҳаётнинг саккиз сфераси (бактериялар, оддий ҳайвонот олами организмлари ва ҳоказолар) киради – назарда тутилаётир. Қуйидаги оятга эътибор қаратайлик: “Биз уларни яратдик ва (барча) аъзоларини мустаҳкам қилдик ва хоҳлаган вақтимизда (уларни ҳалок қилиб) уларга ўхшаш (бошқа одам)ларга алмаштириб қўямиз”. (76:28)

Инсоннинг барча аъзолари Оллоҳ хоҳлаган вақтда янгисига алмашиб туришини ҳозирги замон фани тасдиқлаб турганига эътибор қаратсак: инсон териси ҳар 14 кунда, қон ҳужайралари ҳар 150 кунда, қорин ҳужайралари ҳар 5 кунда, суяк ҳар 10 йилда, инсон юраги ҳаётида бир маротаба тўла янгиланади; жигар ҳар олти – ўн икки ойда янги бўлади; инсон ичаклари ҳар 16 йилда; миянинг хотира ва ўқишга жавоб берувчи гиппокамп қисми ҳар куни; мушаклар ҳар 15 йилда янгиланади... ва ҳоказо.

Оятда Худо одамнинг шаклини қандай мустаҳкамлагани хусусида ҳам сўз бораётир. Бу жараён эволюция жараёними? Бунда икки мустақил босқич ва улар орасидаги давр кўзда тутилган. Оятда, “Биз уларни мустаҳкам шаклда яратдик”, дейилмаётир. Шундай дейилса, икки босқич ҳамда вақт даври бўлмас эди. Ушбу мулоҳазалар қуйидаги оятга ҳам тааллуқли: “У осмонлар ва ерни ҳақиқат (ҳикмат) билан яратди ва сизларга сурат (шакл) берди – суратларингизни гўзал қилди. Қайтиш фақат Унинг ҳузуригадир”. (64:3)

Айрим манбаларда келтирилишича, Муҳаммад (с.а.в.)нинг яккагина ўғиллари Иброҳим нобуд бўлганининг эртасига қуёш куяди. Саҳобалар Яратган бу билан ўз қайғусини билдираётир, дея ўйлашади. Шунда Муҳаммад (с.а.в.): “Худо бирор кимса ўлгани учун Ўз қайғусини билдириб Оламнинг барча қонунларини ўзгартириб юбормайди”, дейдилар. Қилни қирққа ёрувчи ғарб билағонлари Муҳаммад (с.а.в.) Қуръонни Библиядан кўчириб олган, деган даъвони қиладилару, лекин Худо Одаму Оламни босқичма-босқич яратгани баёни Библияда келтирилмагани, аммо Қуръонда аён келтирилганидан саросимага тушиб, бу ҳолатни тушунтириб бера олмайдилар. Баъзи мусулмонлар Одам Ато ҳамда Момо Ҳаво жаннатда яратилган, деган тушунчада бўлишгани учун ҳам эволюция нуқтаи назарига шубҳа билан қарайди. Лекин Қуръоннинг бирон-бир оятида Одам Ато ва Момо Ҳаво жаннатда яратилгани даъвоси йўқ. Билакс, Қуръон Улар ерда яратилгани ҳақидаги тушунчани беради. Ислом динини қабул қилган немис яҳудийси Муҳаммад Асад (Леопольд Вайс) Қуръон маънолари таржимасида бундай тавсифни маъқуллайди. У айрим мусулмон давлатлардаги бугунги маърифий, ижтимоий, сиёсий қолоқликларнинг асл сабаби уларнинг Ислом таълимоти ва руҳидан аста-секин узоқлашганидадир, деб билади. Олим шундай ёзади: "Ислом жамияти гарчи кўриниб турган бўлса-да, лекин руҳсиз жасад сифатида кўринмоқда. Ҳақиқий Ислом жамияти қурилиши, бутун оламга тарқалишига сабаб бўлувчи омил бугун мусулмонлар ҳаётидан четда қолди... Мен Ислом таълимотини қанча кенг доирада ўргансам, мусулмонларнинг бу таълимотдан узоқлашаётгани, уни ҳаётларига татбиқ қилмаётганидан ҳайрат ва таажжубим шунча орта борди. Ливия саҳроларидан тортиб Ўрта Осиё, Помир тоғларию, Босфордан то Қизил денгизгача бўлган Ислом

мамлакатларидаги олиму мутафаккирлар билан шу хусусда баҳслаша бошладим ва баҳслар асосий машғулотимга айланди-да, бошқа барча ишларимни бир четга суриб қўйдим.

Бу ҳақиқатга ишончим шу даражага етдики, ўзим ҳам Исломни қабул қилмай туриб, мусулмонлар бу таълимотни эътиборсиз қўйганлиги сабаб улар олдида Исломни ҳимоя қила бошладим. Бу ҳаракатимга ортиқча аҳамият бермай юрган ёш бир мусулмон йигит менга: "Сен ҳозирги ҳолатингда ўзинг сезмаган ҳолда мусулмондирсан", деди. Бунга жавобан фақат сукут сақладим. 1926 йили Оврупога қайтганимдан сўнг... Исломни қабул қилдим..."

Ҳар қандай мусулмонни, у шайх бўлса ҳам баъзан биз боя келтирган ривоятдаги каби савол бир зумга бўлса-да, қамраб олиши мумкинлиги ҳамда замонавий фан ютуқлари билан Қуръон оятлари бир-бирига ўта мос тушиб, бир-бирини тасдиқлаб турганлиги сиз тилга олган ривоятда ўқувчига етказилган.

– Мансурхон, янглишмасам, бу мақолангизда Мавлоно Румий маснавийларидан бир ҳикоятни эслагансиз. Унда айтилишича, қоронғи хонага бир филни боғлаб, умрида филни кўрмаган 4–5 кишини ўша хонага киритишади ва хонада нима борлигини аниқлашини сўрашади. Шунда ўша кимсаларнинг бири филнинг думи, бошқа бири оёғи, яна бошқаси қорни, тўртинчиси хартумни ушлаб кўради ва "Хонада нима бор экан?! деб сўраганларга филнинг думини ушлагани супурги, оёғини ушлагани устун, қорнини ушлагани сув тўлдирилган меш, хартумини ушлагани каттакан илон бор экан, деб жавоб беришади. Румий ушбу хонада ҳеч бўлмаса, шам ёғдуси бўлмагани сабаб ўткир кўзли, ақли расо киши ҳақиқатни кўра олмадилар, деб хулоса ясайди. Шу ҳикоят тафсилига ҳам тўхталсангиз?

– Тўлқин ака, бу ҳикоятни эслаганингиз учун ташаккур. Айтмоқчиманки, Жалолиддин Румий маснавийларида келтирилган ушбу ривоят, ўтган асрнинг 50-йилларида "Ватан адабиёти" дарсликларида Гулханий масали сифатида бошқачароқ шаклда тақдим этилар ва унда фил кўчадан ўтиб кетаётган бўлиб, тўрт кўзи ожиз, фил нималигидан бехабар ҳолатида фил нима эканини била олмадилар, дея хулоса ясалади. Албатта, Румий ҳазратларида мантиқ, илмга ишора кучли, Гулханий эса Румий вариантига ўз янгилигини қўшган, чоғи.

Йиллар ўтди, замонлар ўтди, XX аср соча олмаган бахт нурини Мустақиллик қуёши сахийлик билан, қут-барака билан сочиб келяпти. Тошкент, умуман юртимиздаги одамни лол этувчи гўзал меъморчилик, бунёдкорлик ишлари, тинчлик ва хотиржамлик, ёшларимиз, юртдошларимиз юрагидаги шижоат, эртанги кунга шижоат, яратувчанлик кайфияти ҳар қандай кишининг баҳри – дилини очади. Ушбу азим юртга, қадрдон шаҳарга, улуғ халққа муносиб бўлиш истаги туғилади юракда...

Юртимиз тарихига бағишланган лавҳам фил тўғрисидаги масалда кўрсатилгани каби мамлакат ўтмишининг фақат бир қисминигина таниб, билиб, кўриб, ўзларича баҳолаб юрганларга Румий ҳазратларининг илму ҳофизаси шами ёруғида бир зум бўлса-да, аниқроқ кўриши учун берилган кичик бир имкондир. Тарихимизга илм-фан нуқтаи назаридан, холислик шами ёруғида қараш, ҳақиқатни англаш ва комилликка интилиш ёшу қари ҳар бир ватандошимизнинг бурчи, деб биламан.

Қичқириқ

Новелла



Мастура БЎРИЕВА

Аннабелла чуқур нафас олди. Кўзларини чирт юмди-да болтани шаҳд билан кўтарди. Юқоридан пастга учаётган болта қуёш нурлари остида яшин каби ярақлаб кетди. У оёқлари остида типирчилаётган куркани кундага янада қаттиқроқ қапиштирди. Қўли билан эса курканинг бошини ғижимлади. Негадир шу пайтгача куч бермасдан типирчилаётган жонивор болта бўйнига яқинлашган сонияларда худди таслим бўлгандек бўшашиб қолди. Ўлими муқаррарлигини тушуниб етдимикин? Тақдирга тан бергандир балки? Ёинки, кучли қўрқув уни шу куйга солдимикин? Яшин тезлигидаги бу ўйлар Аннабелланинг хаёлларини чулғар экан, қўлини банд этган болта ҳавода муаллақ тўхтагандек туюлди. Худди шу сонияларда унинг кўзларини кўриш учун Аннабелла чирт юмилган кўзларини очди. Кўзларини кўрди-ю, раҳм-шафқат жўш уриб келаётган юраги тош қотди. Ҳис-туйғулари музлади. Бу ўша кўзлар эди. Ваҳший, совуқ, жирканч ва қонга тўла...

Аннабелланинг кўзларидан аламли ёш тирқиради. Руҳи талвасага тушиб, вужуди бўшашди. Унинг кучсизланганини сезган ўлжаси жони борича типирчилади. Бу Аннабеллани сергаклантирди. Ғазаби қайнаб, вужуди оловланди. Ҳайвоний ўкириқ билан болта бир вақтда ҳаракатга тушди ва мағлуб ўлжанинг бошини шарт кесди. Куч зарбидан қон аёлнинг резина этиги, олдига тутиб олган тутқичига ва оппоқ юзига шиддат билан сачради. Бу сафар у қонни кўриб сесканмади. Ҳар доимгидек қўллари қалтираб, танасини совуқ тер босмади. Чуқур нафас олдида, елкасидан тоғ қулагандек хотиржамлик билан нафасини чиқарди. Мамнунлик билан жилмайиб қўйди. Жўмракни очиб аввал юзини, резина этигини, тутқичини ҳафсала билан ювди. “Натижа ёмон эмас”, деди ўзига-ўзи калта қирқилган тим-қора сочларини тўғрилар экан. Қон ҳидига

***Мастура БЎРИЕВА** – 1980 йилда туғилган. Навоий тиббиёт билим юртини тамомлаган. Республика матбуотида ҳикоялари эълон қилинган.*

кўнгли беҳузур бўлиши ҳам уни тарк этибди. Энди ўзини тайёр бўлганлигини ич-ичидан ҳис қилди. “Лекин ҳайвон билан одамнинг фарқи бор-ку”, ўйларди у, куркани тозалар экан. “Неча йилдирки, фақат товуқ ва куркаларда амалиёт ўтадим. Тўғри, қотиллик жараёнини киноларда кўрдим, Стефаннинг танишлари орқали ўликхонадаги амалиётларда қатнашдим, не-не машаққатлар билан турмадаги ашаддий қотиллар билан суҳбатлашишга муваффақ бўлдим. Лекин, ҳақиқий амалиётсиз ўзим истаган натижага эришармиканман? Нима бўлганда ҳам бу ишни бошқа чўзиб бўлмайди. Тезлаштиришим керак...”

Аннабелла ўй-хаёллари гирдобидан ўзини зўрға қутқариб олар экан, майда ёмғир шивалаётганини, ўтиравергандан оёқлари увишиб қолганини ҳис қилди. Керишиб, ўтириб олган стулидан турди. Атрофга назар ташлади. Кеч кузак мўъжазгина боғчасига ўзгача чирой бериб турарди. Дарахтлардан тўкилган турфа ранг барглар ёмғирда ялтираб янада жозибали товланади. Кузнинг ўзига хос гўзал таровати Аннабеллани мафтун этган. Фақат шу фаслгина унга сокинлик ва осойишталик бахшида эта олади. Куз келди дегунча, Аннабелла уйидан боғчасига кўчиб олади гўё. Илиқ қуёш нури, барглар шитири, қушларнинг маъюсгина чуғури уни узоқ-узоқларга олиб кетади. Руҳи енгил тортади.

– Анна, нега ёмғирда турибсан? Кирсанг-чи тезроқ!

Орқа томондан эри Стефаннинг овози янгради. Аннабелла қайрилиб қаради. Ёғочдан чиройли қилиб ясалган, турфа хил гуллар зеб бериб турган айвончасининг эшигидан эри қараб турар, дадасини опичиб олган қизи София эса қиқирлаб, тинмасдан қўлчаларини силкирди. Аннабелла шу заҳоти онгидаги чувалашган ўй-хаёлларини қоронғи пучмоқларига ташлаб юборди-ю, хаёлий ишининг давоми ўлароқ, баҳридили очилиб, дунёдаги энг азиз икки инсонига ҳавода илиқ бўсаларини йўллади. Қўлларини силкир экан, чеҳраси ёришди. “Ҳозир, тезда бораман”, деди-да чаққонлик билан иш анжомларини, тайёр бўлган куркасини олиб, севимли гўшасига йўналди.

У қизи Софиянинг отасиникига ўхшаган тилларанг, майин ва жингалак сочларидан силаб ухлатар экан, яна хаёлларига берилди. Қизи тўрт ёшга кирди. Сўзлари бийрон. Ҳамма нарсага ақли етади. Келажакда ҳозирги ҳаракатлари, ҳиссиётлари хотираларида муҳрланиб қолармикин ёки йўқ? Одатда болаларнинг хотиралари тўрт ёшидан тиниқлашиб, онги билан мустаҳкам алоқалар боғланади дейишади. Унда нега Аннабелла тўрт, беш ёш оралиғидаги хотираларини эслай олмаяпти? Нега онги бу пайтдаги хотираларини очиб беришни истамаяпди? Ёки бу онгнинг ўзига хос ҳимоя жараёни эканмикин?

Аннабелла Софияни қучиб ётар экан, онгидаги қаттиқ чинқирикдан руҳи қақшади. Кейин яна ҳар кунги тушунарсиз оғриқларини ҳис қилгандай бўлди. Яна ўша қоронғиликдаги жажжи қизалоқнинг кўрқинчли, тушунарсиз даҳшатга тўла, ёшлар шашқатор оқаётган кўзларини, титраб-қақшаётган вужудини ҳис этди. Қоронғилик қаъридан ўзига тикилиб турган, ҳар куни онгини, ҳаёлларини, айқаш-уйқаш тушларини ишғол этган ваҳший, совуқ, жирканч ва қонга тўла кўзларни эслайди, холос. Ўттиз йилдирки, уни бир савол қийнайди: “Кўз эгаси ким? У Анабелни нега тинч қўймайди? Нега ҳар сафар бу кўзлар таъқиб этганида у ўзини нотавон, чорасиз, ҳимоясиз қизчадек ҳис этади? Вужудида эса қанча

уринса-да, англаб ололмаган мутассил ва ғижимловчи оғриқни сезади. Беихтиёр юраги сиқилиб, тезлаша бошлайди. Бошидаги кучли оғриқданми ёки қанча уринса-да туман ичида қолган хотираларини кўра олмаганиданми асаблари дош беролмай чирсиллайди, қақшайверади. Бундай пайтларда у ўзига-ўзи тушунмай қолади. Ота-онасини элас-элас эслагандек бўлади. Онасининг жилмайган лаблари, отасининг ҳудди эри Стефан каби чақиришлари: “Анна, келақол...” Қўлларидан тутиб ҳавода чирпирак қилиб айлантиргани... Боши айланиб, дадасини қаттиқ кучгани... Аммо барчасининг юзлари мавҳум...

Аннабелла етимхонадаги ҳаётининг олти ёшлик пайтларидан яққол хотирлайди. У ҳар доим дераза ёнида бурчакда жойлашган ётоғида қунишиб, тизларини қучоқлаб ўтирар, ҳеч ким билан гаплашишни истамасди. Камдан-кам овқатланар, фақат ухлашни истарди. Шу сабабли новча бўлса-да, жуда кичкина кўринарди. Чунки ҳаддан ташқари озғин, қоқсуяк қизча эди. У ҳеч кимни яқинига йўлатмасди. Энагалари аввалига Анабелнинг ўрин-кўрпа, уст-бошини алиштириш, ювинтириш каби кундалик тозалик мезонларини амалга ошириш учун, унга ҳамшира тинчлантирувчи дори юборарди. Шундан кейингина дори таъсирида мускуллари бўшашиб, ҳаракатлари сусайган, узун қора сочли, чарос кўзли, қоқсуяк қизалоқ Беллани (уни етимхонадагилар шундай деб чақиришарди. Худди онаси каби...) энагалар ювинтириб, ўрин-кўрпаларини алиштириб олардилар. Ювиниб ёввойи мушукдан оппоқ фариштага айланган қизалоқ ўрин-кўрпасига ўраниб, куни бўйи мириқиб ухларди.

Стефан ошхонага кириб борар экан, яна ҳар доимгидек Аннабелла бошини чангаллаб ўйга ботиб ўтирар, кўзлари қизарган, анчагина ҳолсиз кўринарди. У Стефанни кўрган заҳоти бесаранжом сочларини тўғрилаб, майин жилмайди. У ҳар доим шундай. Қай ҳолатда бўлмасин эрини кўрган заҳоти юзи ёришади. Аннабелланинг ҳудди шу табиати Стефанни мафтун этган бўлса, ажаб эмас.

– Азизам, яхшигина чарчабсан, юр ухлайқол энди. Юрақол, ўзим эртак айтиб бераман сенга!

Стефанинг бу гапидан кейин Аннабелланинг кўзлари чарақлаб, олдинги ҳолатидан асар ҳам қолмади. Ҳисобсиз ўй-хаёллар, дарду аламлар остида қолиб кетаёзган қайноқ муҳаббати худди аланга музни эритгани каби кўзларига қалқиб чиқди.

– Қани, бошлайқол, Стефаним! Эртакларингни жуда соғинганман! – деди эрининг кенг, мушакдор елкасига бош қўяр экан. – Ҳозир, ширинлигим пишиб қолди. Оламану, ёнинга бораман.

Аслида Аннабелла на ширинликни яхши кўради, на ейди. Фақатгина битта сабаби бор: ўй-хаёлларга берилганида, режалар тузаётганида ошхонада нимадир юмуш билан банд бўлса, кўнгли хотиржам бўлади. Бир жойда тўхтаб қолиш, уни асабийлаштиради. Худди ғам-қайғулар домига тортиб кетаётгандек туюлаверади. Хотиржамлигини йўқотади. Аннабелла тайёр бўлган пиширикларини бирин-кетин олар экан, ширин хотираларга берилиб жилмайди. У Стефанни илк бора етти ёшида ётоғи ёнида кўрганди. Стефан қўлидаги қандайдир китобни унга тиқиштирганди. Аннабелла эса ёввойи мушукдек сапчиб, бурчакка янада қапишиб олганди. Шунда Стефан меҳрибонлик билан: "Ўқишни билмай-

санми, кел ўзим сенга эртак ўқиб бераман", деганича, унинг жавобини кутмаёқ эртакни бошлаб юборганди. Аввалига ҳадиксираб, ёввойича нигоҳ билан қараб турган Аннабелла, кейинчалик эртакларини эшитиб ухлаш учун куни бўйи ўн ёшли, сариқдан келган, жингалак сочли, мовий кўзлари меҳр билан боқадиган Стефанни кутадиган бўлганди.

Аннабелланинг тез ўзгарувчан табиатига мос равишда гўзал ва унутилмас болалик ва унинг ортидан келган муҳаббат хотиралари ўрнини яна қорамтир-хира хотиралар, сўнгсиз режалар эгаллади. У яна ошхона стулига ўтирди-ю, бир умр тушларида кўрса-да, онгида қайта-қайта жонлантиришни истаса-да, зулмат ичидаги фақатгина кўзлардан иборат, юзлари мавҳум шарпаларни қайтадан эслаш учун қошларини чимирди. Асабий титраётган бармоқларини сочлари орасига юбориб, бошини чангаллади. Ҳали бу уринишини натижаси-ни кутмасданоқ, отаси Майкл ва онаси Жулиянинг қотилини эслашга уринди. "Нега кўрганларимни эслаёлмайман?! Элас-элас бўлса ҳам рози эдим. Шунда ҳеч бўлмаса ота-онамни юзларини, менга меҳр билан боқишларини кўрардим. Уларни хаёлан бўлса ҳам ёнимда деб ҳис қила олардим. Қотил-чи? Тирикдир балки? У тасвирлаб берар уларнинг кўринишларини? Мен уни топишим ке-рак! Барчасини билишим керак! Ҳаммасини ўз оғзи билан айтиб беради ҳали. Нега ота-онамни ўлдирди? Нега уйимизни ёқиб юборди? Нега мени кимса-сиз қолдирди? Кейин мен уни ўлдираман. Ҳа, ҳа тап тортмасдан, ачинмасдан, ваҳшийларча... Киноларда кўрганим каби, ашаддий қотиллардан эшитганим-дек..."

Музей остонасига қадам қўйишар экан, Аннабелланинг қалбини ўзгача бир ажиб ҳислар чулғаб олди. Стефанга мамнун жилмайиб, дадасига алланимала-рни чуғурлаб, қуёнчадек сакраб келаётган Софиянинг оппоқ юзчаларидан ўпиб қўйди. Бугунги дам олиш кунида безовта, бесаранжом юрган Аннабелладаги бу ўзгаришни Стефан дарров пайқади. Олдинроқ бу ерга олиб келмагани учун ичида ўзини койиб ҳам қўйди. Чунки у суюклиси Аннанинг суратлар жинни-си эканлигини жуда яхши биларди. Унинг табиати Стефанга беш қўлдек маъ-лум. Билдики, эрталабки, одамлар ғиж-биж бўладиган дам олиш масканларига қилган сайрлари одамови, камгап ва нозик кўнгилли Аннабеллани яхшиги-на толиқтирарди. У оломон шовқинига дош беролмас, бунинг оқибатида чин маънода касал бўларди. Шу сабабдан Стефан йўлларини суратлар музейи то-мон бурди. Анна ҳар бир суратни алоҳида бир олам каби кузатар, юз ифодаси, кўз қарашлари, ички туғёнлари нодир асарлар руҳини ўзида намоён этарди... Кўзлари таниш суратни пайқагани ҳамоно, Аннабелланинг юрагида мудом яшаб келаётган ёлғизлик кенгая борди. Ички қўрқувлари маъромига етаётган сут каби кўпириб кела бошлади. Онгининг қаеридадир мудраб ётган умидсиз-лик, хавотир бу пўртаналарга қўшилди-ю, унинг бесаранжом руҳини талваса-га сола бошлади. Аннабелла ортига қаради. Кўприкда турган икки одамнинг юзлари жуда хира кўриниб турарди. Лекин кўринишлари жуда таниш, ички сезги билан сезди, иккиси ҳам унга руҳан яқин одамлар. Қип-қизил осмон, кўприк остидаги кўм-кўк сув чирпирак бўлиб айланар, Аннабелланинг мавҳум хотиралари ҳам бу пўртаналар ичида юзага қалқиб чиқиш учун айлана туриб

юқорига тирмашарди. Ва ниҳоят! Унинг кўзлари осмондаги олов ранги сингари чарақлади. Ортида, кўприк устида Аннабеллага шунчаки эътиборсиз боқиб турган кўзлар... Иккаласи ҳам бир хил, фақат кўзлари, бири меҳр билан, иккинчиси вахшийларча боқиб турган кўзлар... “Эсладим, эсладим, – қўлларини кулоқлари устига босганича қичқирарди Аннабелла. – Отам, отам-ку ахир...” Унинг вужудидаги бор дарду аламлари, руҳий азоблари вулқон каби отила бошлади. Кўприк остидаги кўм-кўк сувда хотиралари жонланди: жажжи Аннани кимдир бошини сувга тиқар, қизча нафас ололмасдан типирчиларди. Нафаси тиқилиб, ўлар чоғида эса қоп-қоронғи хона бурчагига улоқтириб юборар, кейин токи ҳушидан кетгунича калтаклайверарди. Бу ўша отасининг яна бир нусхаси, эгизаги ёвуз кимса эди. "Анна!" отасининг ҳавотирли овози келди. “Белла!” дея қичқирди онасининг қўрқувга тўла товуши. Унинг асабларини пармалаётгандек гоҳ чийиллаб, гоҳи гувиллаб эшитилаётган бу чақириқлардан қонга йўғрилган қип-қизил осмон бошига қулади. Аннабелла қоқ иккига бўлиниб кетди... У қалт-қалт титрар, ҳамон кафтлари юзи аралаш кулоқлари устида, оғзи ланг очилган номаълум, тушунарсиз махлуқ каби қичқирарди...

Стефан Аннабелладаги ўзгаришни сезиб ёнига етиб келгунича, у Эдвард Мункнинг “Қичқириқ” сурати остида ҳушсиз ётар, докадек оқарган, кўкиш тус олиб, ҳиссиз қотган юзини деразадан тушиб турган кучсиз қуёш нури янада оппоқроқ кўрсатиб турарди...

Касалхонадаги ҳушсизлик соатлари Аннабелланинг ҳали тўлиқ очилиб улгурмаган хотираларини янада яққолроқ, равшанроқ очиб берибгина қолмай, режаларини мустаҳкамлаб, қатъий қарорга келишига замин яратди. У энди ҳаммасини биларди. Барчаси бирма-бир кўз олдидан ўтди. Ота-онасини тортиб олган қотил, отаси Майклнинг эгизак укаси Карл бўлиб чиқди. У ҳар куни отаси ишда пайти келар, онаси билан ётоғига кириб кетарди. Ётоқхона эшигини муштлаб хархаша қилган, эндигина беш ёшни қаршилаган жажжи Беллани эса қўлчаларидан судраб ҳаммомга олиб борар, жўмракни очиб, сув остида қийнарди. Кейин, сув ютиб нафаси тиқилиб ранги кўкара бошлагач, узун сочларидан чангаллаб, ўша зулмат хонага судрарди. Қоронғи бурчакда “Дадажон... Ойижон... Энди яхши қиз бўламан. Урманг, амаки!” деб зор-қақшаб, кўзларидаги қўрқувни оёқлари орасига, ҳимоясиз, нозик, эзилган танасини эса қўлчалари ҳимоясига олган Аннани аёвсиз калтакларди. Унинг жирканч ва қонли кўзлари каби даҳшатли, ўта қўрқинчли зарбалар Аннабеллани ҳар томонга учириб юборар, шалвираб қолган қўл-оёқларини ёрилган пешонасидан оққан қон алвон рангга бўярди. У кафтлари билан юз-кулоқларини ёпганича, оғриқдан тинмай қичқирар, аммо оғзидаги ёпишқоқ тасма қичқириқнинг аламли тўлқинларини ёйилишига йўл қўймасди. Аннабеллани ҳеч ким, отаси, ҳатто ёнгинасидаги хонада нималар биландир банд бўлган онаси ҳам эшитмасди. Ҳар куни худди шу азоблар такрорланар, унинг азобли қичқириқларини эса зулмат хона ютиб юбораверарди...

Аннабелла жуда кўп изланишлар, тайёргарликлар, керакли далилларни тўплаш жараёнида амакиси Карлнинг ваҳшиёна қотиллигини ҳам туман ортидаги манзара каби ғира-шира эслади.

Жажжи Белла узун потила сочлари остидан қўрқув, хавотир билан боқиб, онасининг ётоғига кириб борди. Онаси бир аҳволда, қўли ва боши осилиб шалвираганича ётар, кўзлари умидсизлик, чорасизлик нуқтасига тикилиб, бақрайиб қотиб қолган эди. Отаси Майклнинг танаси эса ошхона ва даҳлиз туташган аросатда тиқилиб ётар, қонга бўялган қип-қизил юзи қийшайиб, оғзидан оққан қон полга томиб ҳалқоб бўлиб қолганди...

Қотил Карл эса ташқи эшикдан чиқа туриб, қон чикиллаб турган пичоғини эгнига артди-да, унга даҳшат билан боқиб турган Аннабеллага хотиржам, истеҳзо билан совуқ тиржайди. Жирканч панжасини кўкарган, ёпишқоқ лабига олиб борди-да, ҳавода ифлос бўсасини йўллади. Кетар чоғида қўлидаги оловни Аннабелланинг оёқлари остига отди...

Энди Аннабелла чинакамига чинқирди. Чинқира туриб болалигидаги қийноқларни, умри давомидаги умидсизликларини вужудидан чиқариб юборди гўё. У олдинги кўринишидан асар ҳам қолмаган, бечораҳол, нотавон амакисининг ёнида турар, шу тобда Карл ҳудди отасининг вахший нусхаси эмас, аслига айланиб қолганидан ҳайратланиб турарди.

– Анна, қизим, – деди у кўз-ёши қилиб, – гуноҳкорман кечир!

Аннабелланинг руҳиятидаги оққўнгиллик туфайли раҳм-шафқат туйғулари аламли жисмини эгаллаб кела бошлади. У озгина иккиланиб қолди. Қўллари бўшашди. Аммо ота-онасидан жудо қилиб, азиз болалик гўшасини аланга ўпқонида қолдирган бу ёвуз кимсани кечириб бўлмаслигини тушунди. Танлаган қуролини унга ўқталди. Кўзларидан ўт чақнади.

– Энди мен Анна ҳам, Белла ҳам эмасман. Мен Аннабелламан! – деганича, қўлларида маҳкам тутиб турган қуроли билан тинмасдан чопаверди, чопаверди... Отаверди... Токи у парча-парча бўлиб, ҳаётидан йўқ бўлиб кетгунича чопаведи...

Аннабелла Драйзер юзлари ёришиб жилмайди. Мамнунлик билан қаламини ёзув столининг устига қўйди. Керишиб деразадан ёришиб келаётган тонгга назар солди, қизалоғи София ва эри Стефан ухлаётган хонага ошиқди-ю, яна ортга қайтди. Столи устидаги йиллаб ўзи билан олиб юрган, энди у учун қуролга айланган Майкл Драйзер ва Жулия Эствуднинг титилиб, сарғайиб кетган ажрим қоғозини олди-да, шарт иккига бўлаклади. Эртанги тақдимотга тайёр турган китобларидан иккитасини олиб, ажрим қоғозларини варақлари орасига солди. Манзиллари томон шай турган, Аннабелла ҳеч қачон кечира олмаган, ота-онасининг исмлари битилган хатжилдларни бағрига олди. Полда эса Аннабелла қандай жазо беришини билолмаган, ота-онасини абгор қилиб, ўзини тирик етим қилган, қизил тусли, жирканч, заҳри қотил шиша “Карл” чил-чил бўлиб “қонига” бўялиб ётарди...

“Токи сўнгги нафасдай ўлгин...”

Эпистоляр эссе



Наврўза
МУҲАММАДХЎЖАЕВА

М.ЦВЕТАЕВАга

Қай бир кун Айвазовскийнинг картинасига тикилиб турибману, бирдан ўлжа исини туйқус сезиб қолган овчи итининг ҳолатига тушгандек бўлдим. Мен ўзимни мафтун этувчи Айвазовский билан сени бир чизиқда туташтира олгандим. Қизиқ-а? Гоҳ измини аллақачон денгизга қўш-қўллаб тутқазиб қўйган қайиқларнинг, картинадан сенга иложсиз тикилиб турган одамларнинг унсиз фарёдига қўшилиб тўлқинларнинг, бўронларнинг овози қулоғингга қуйилади, гоҳ исёнини сукутга ўраган денгизнинг сокинлиги олдида юрагинг дупурини эшитмайдиган даражада карахтликка тушасан. Сен ҳам шундайсан, биласанми? Ёнимда анча вақт муҳаббатга қондира олмаётган қалбинг билан ададсиз исён қилишга уринасан ва бирданига, ҳа, бирданига сукутга чўмасан. Турибтуриб, масрурлигингни, бахтдан масрурлигингни мақтанганча яна олдимдан узоқлашасан. Иккингизни сукутингизда ҳам басма-басига ёпирилиб келаётган шиддатни сезаман. Шитоб учун тузоқ эканлигини сезиб қоламан. Боз устига, сен – Маринасан. У маринист бўлганидек. Ўзинг айтгандинг-а?

“...Ажиб исм танламиш Худо
У – денгиздан менга хотира”.

“...Менинг учун Тангрим этмиш ҳал
Денгизга хос қалбим бисоти!”

Билмадим, тушунтира олдимми сенга ё йўқми? Сиз иккингиз менинг денгизга, денгиз шиддати яширин руҳиятга бўлган эҳтиёжим остида бирлашиб кетасизлар, хуллас. Майли, мени қўя турайлик.

Наврўза МУҲАММАДХЎЖАЕВА *– 1999 йилда туғилган. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети битирувчиси.*

Наврўза МУҲАММАДХЎЖАЕВА

Мен сени таниганимдан бери бир нарсани кўп ўйлайман: сен, назаримда, бахт ва бахтсизлик билан эгиз туғилдинг. Ва мана шу иккиси омихта бўлишни бошлаган нуқтада сендаги фожиа бошланди. Ҳаттоки, жудаям эрта бошланди. Татяна ва Онегинни севинчини жуссангга сиғдира олмайдиган даражада севиб қолганинг ва ёвнигоҳ қарашлар билан сийланганингда, ичингда тинчлик бермас даражада сўзга муҳаббат бодраётган бир вақтда онанг тинимсиз, қаттиққўллик билан этюду гаммалар билан руҳингни чалғитганида, Ася, Валерия, Андрейга етаётган меҳр ва эътиборнинг сенга етмаётган – қониқтиролмаётганида бошланган. Ва бу табиий ҳам эди, менимча. Хоҳ оғриқли, хоҳ ҳузурбахш бўлсин, умуман, ҳамма ҳисларни, шунчаки, меъёрий даражада эмас, ҳаддидан ортиқ даражада талаб қилишингнинг дебочаси эди бу. Онанг ёки отанг керагидан ортиқ эътибор берганда ҳам, бу сенга етмасди. Демак, уларга айб тиркаш ҳам ноўрин. Бироқ, сен бор-йўғи олти ёш эдинг ўша пайт, тушуняпсанми? Мана шу мени даҳшатга соларди. Болалигингни ўзиёқ шу қадар қуйма бўёқлар билан бўялдики, мен кўчани тўлдириб ҳайқирганча у ёқдан-бу ёққа югураётган, ўзларини ҳаддидан аъло бахтли қилоладиган, беғубор болакайларга қараганимдек тикилолмасдим сенга. Онанг айтган экан: хаёлингда қандайдир қаҳрамонлар, оддий ва оддий бўлмаган одамларни яратиб, уларни қаттиқ яхши кўришга ружу қўйган экансан. Улар билан сўзлашишга, ўзингни мамлакатингнинг фуқаролари қилишга уринавераркансан. Сен чиндан "...қоронғи ой ичра ҳассос, мағрур хаёлпараст..." эдинг. Ўша вақтданоқ. Билмадим, ўн беш ёшингда сени ваҳимага солмаган дўнг қабрлар ичида – қабристонда тунаб қолишларингга нималар сабаб бўлди. Эҳтимол, вафот этган онангни туйқус хаёлингдаги қаҳрамонлар каби қаттиқ яхши кўриб қолгандирсан. Эҳтимол, жамиятга, умуман, ҳаётга нисбатан муросасизлигинг каттариб боришни бошлагандир. Эҳтимол, ўртанишга, фожиага тобора эҳтиёжинг ортиб борди. Эҳтимол... билмадим. Барибир, ўсмирликдаги умидларингда ажиб бир соддалик бор эди. Ҳар гал жингалак соч ўсиб чиқиши умидида қайта-қайта сочингни таг-тагидан олдираверганингда, вақт истакларингга соя солаверсаям, сени кўзинг барибир чўғланаверди. Умрингни худди ўсмирдек яшаб ўтдинг, наздимда: бетизгин, нима истаётганингни баъзан илғай олмай, муҳаббатга шу қадар ўч, гоҳ таскинсевар, гоҳ ишқпараст.

"Диққат билан тингланг: мен сизга худди ўлим олдида тургандек сўзлаяпман. Шеър ёзишнинг ўзи менга камлик қилади. Пьесалар ёзиш ҳам мени қаноатлантирмайди. Тушуняпсизми, менга эрта-ю кеч ҳар соатда севмоқ учун яна нимадир ёки кимдир керак (яхшиси, НИМАДИР). Барибир нуқтада уйқашсинки, мен уйғонишга улгурмай қолай, худди ўлим каби. Менинг бутун умрим оғир меҳнат кунимдан кейин донг қотиб ухлаган тунимдек бўлсин" (кундалигидан).

Марина, сени дунё барибир тўйдиролмасди. Эҳтиёжингни қондиришга қурби етувчи захираси бўлмаган бу дунёнинг. Овунчларинг Пастернак берган

ўша арқонда тугаб битганди. Ортиқ овунчларга ҳам дош беролмас даражага етиб бўлгандинг. Сен шоир бўлибгина туғилдинг. Тамом. Она бўлолмадинг, тайин рафиқа бўлишни ҳам уддасидан чиқмадинг, фарзандликни ҳам эпини қилолмадинг. Шоир эдинг. Бор-йўғи шоир.

Тонгда уйғонгач сурган хаёлларимни тушларимдан фарқлолмай қоламан баъзан. Қайсидир кун шундай бўлди. Тушми, хаёлми бу, билмайман. Сен Иринани кўтарганча, қабристон ичида юрибсан. Унга шеър ўқиб беряпсан. Ҳа, бу ростдан Ирина эди. Аля эмас! Ўша сен хушламаган, ҳеч қачон сени ёнингда болаларча эркалана олмаган, етимхонада оч қолганча қазосини топширган қизинг. Эсимда, қанчадир вақт сени ўқимай қўйдим шуни билгандан кейин. Рост. Кўз олдимга ташқарига чиқиб кетаётганингда оёқчаларини кресло оёқларига боғлаб кетадиган икки-уч яшар қизинг қайта-қайта келаверди. Мендан нажот умид қилиб, овоз чиқаришга-да қўрқиб йиғлаётгандек туюлаверди. Ўқиёлмадим. Биласанми, Ирина шеърларинг ҳалқасига яна ҳалқалар қўшиб бориши мумкин эди. Анна (Ахматова шарафига) деб исм қўймоқчи бўлган вақтинг фикрингдан қайтганинг учун умидларнинг – адабиёт қилаётган умиднинг – интиқоми бўлгандир бу қисмат. Айтганимдек, сен шоир эдинг. Она эмас. Лекин, Иринани ҳам ўлгудек яхши кўргансан деб ўйлаб қоламан. Унга ҳам, ўзингга ҳам азоб бериб севгандексан. Билмайман, у вақт руҳинг қандай инқирозлар исканжасида бўлган. Балки, дафн қилишга-да боролмаган қизингни ўйлаб, ўша тор ва тартибли хонангда ёстиқ кучиб хўнграгандирсан ҳам. Ўзи сени доим шу каби фожиаларнинг хумори тутиб келмаганмиди?

Барибир қайтдим. Кундалигингга, хатларингга, шеърларингга. Севинч билан азоб, эҳтирос билан ишқсизлик, оғриқ билан ҳузур уйқашиб кетган шеърларингга. Туйғулари зич ва таранг, таскин бериб турган бир вақтда яна шу таскинни юлқиб оладиган шеърларингга.

“Мен қанчалик яшаш истамай,
Оҳ, шунчалик ўлгим ҳам келди!”

ўн етти ёшингда ўлишинг учун бир боғдан ўзингга қабр учун жой ҳозирлатганинг ёдингдами? Ҳар нафасда ўлимнинг жилваси сени ўзига тортиб турди. Йўқ, бу ўз-ўзини барбод қилиш, яшашга бўлган умидсизликнинг кўриниши эмас эди. Асло! Сенинг ҳар нафасингдан умид чакиллаб томиб турган.

“Сиз шеърлар, шунчаки шеър эканлигига ҳаддан ортиқ ишонасиз. Ундай эмас. Айнан менда, ундай эмас. Мен ёзаётган вақтда ўлишга тайёр тураман” (кундалигидан).

Бу бор-йўғи оқибати ўлимдек фожиаларга, баланд ва ёниқ ҳисларга ўч эканлигингдан эди.

“Шаробингга аралаштирдим
Куйдирилган соч толаларин,
Токи ичинг куйдирсин ғамим,

Токи жўшсин дил нолаларинг.
...Токи кўр бўл – зулматга тўлгин,
Токи ўтдек қуригин, сўлгин,
Токи сўнгги нафасдай ўлгин.”

Шеърларингга кўчиб тушаётган ҳисларинг ҳам шуни жар солди, оқибатда. “Кўзингга кафтингдек, лабингга боланг исмидек таниш” ишқингни охират китобида гуноҳ эканлигидан азобланиб турдинг.

“...Юрак – ишқнинг шароби,
Яхшидан – яхши шароб.
Аёллар йўргакданоқ
Бировга гуноҳ, азоб”.

Ва, бирдан яна исёнга ўтдинг:

“...Қўй осмонни, узоқ у,
Ердаги лаблар яқин.
Аёлмассан, билмайсан,
Бизни қарғама, Тангрим”.

Чехияда, дарбадарликда яшаб юрган вақтинг ёзаётган шеърларингни тинглайдиган ҳаттоки битта инсон йўғида ҳам унга қўядиган ўта қаттиқ бадиий талабларингни кўриб уялдим, рости. Ўзимдан уялдим.

Бир саҳнада шеър ўқиётгандинг. Нафасларинг бўғзингни ёрадигандек ёқимли оғриқ билан, худди “Томирингни кесиб атрофга шарқиратиб ҳаёт ва шеър оқизаётгандек” берилиб ўқирдинг. Тингловчилар ичида бир олтинсоч болакай қўлларингнинг нимага бу қадар қорайиб кетганини сабабини сўради. Сен уни содда кўзларига қараб бутун умр картошка арчиб ўтганингни айтолмадинг. Гапиролмадинг. Бўғзинг эса бадтар оғирлашиб, йиғлолмай, пиёда қадамларинг сени уйингга олиб кетаётган вақт шеърдан бўлак этагингни тортқилаётган ҳамма нарсани жим қарғаб қолдим. Эшикни очиб уйга кирганингда эса ҳеч нарса емаган болаларингга қараб яна шеър ёзолмадинг.

Биламан, Марина, тизгиндан чиққан ҳаётинг ва одатда, одамлар сени қоралашига сабаб бўладиган ҳаётингдаги қора чизиқларни ҳам биламан. Бироқ мени шоир қизиқтиради. Ўша “Қимматбаҳо шароб каби фурсатини кутаётган шеър”ларинг қизиқтиради. Ҳаётдан қасд олиб ёзган асарларинг қизиқтиради. Ҳозир Елабугада тингловчисини тополмай, ҳар қадамда изғиб-изғиб юрган шеърларинг қизиқ менга! Рост. Токи сўнгги нафасдай тотли туюмларнинг таъмини мен ҳам ҳис этиб қолай. Улгуриб қолай.

Тилло ёмғир ёғмас осмондан



Шамсиддин САДОИЙ

Сен ўшал Бухоро

Бухоро, сўнмайсан қуёшга менгзаб,
Дунёлар ёзажак достонча борсан.
Бухоро, илмингни кўтарса жамлаб,
Самога етажак норвонча борсан.

Бухоро, тупроғинг топтади не кас,
Армони ердан то осмонча борсан.
Чингизни тўхтатган-эранларингдан,
Таробий[1] отган ул камонча борсан.

...Манғитлар йўқолиб, босди қизиллар,
Файзулланг тўлаган "Товон"ча борсан.
Файзулла Хўжани қабри қайда – деб,
Масковларда ёнган ўрмонча борсан.

Сен мулки шарафсан, шаҳри-шарифсан,
Ал Бухорий топган минг конча борсан.
Сени жон томиринг "Афшона" ахир,
"Шайхул раис" деган унвонча борсан.

[1] *Маҳмуд Торобий*

Шамсиддин САДОИЙ *– 1958 йил туғилган. "Мени кутган эдингиз", "Дунёни муҳаббат олади", "Давлатинг борида", "Сенга бир кун етарман", "Кипригингни соясидан айланай", "Сени менга яратган", "Ўланчи қиз" каби шеърий китоблари чоп этилган.*

Сен ўшал Бухоро саҳроларидан,
Қараб турган "хонгул" жайронча борсан.
Пойингга бош эгдим, олтин остонам,
Садоийга жону жаҳонча борсан!..

Онамни эслаб

Дейдилар-ким, ой, кун соз даво,
Ўн беши тун, ўн беши ойдин.
Оҳ, онажон тушларимга кир,
Гунг ва карахт кунлардан олдин.

Маҳмуд ТАРОБИЙ

Дейдилар ким, йўлиқса Хизр,
Тупроқ десанг, беражак олтин.
Оҳ, мен сени кўрмоқ тилардим,
Онагинам... олтиндан олдин!..

Келар

Бир тинглаб кўрдингми алла қўшиғин,
Бир очиб кўрдингми гўдак бешигинг.
Бир бор чертдингми айт, тавба эшигин,
Ким аза, ким-кимнинг тўйидан келар.
Ким бало истаса – феълидан келар!

Лоф уриб сўзлама зотингдан банда,
Қачондир минган у отингдан банда.
Халойиқ урмасин ортингдан ханда,
Эл билар кимни не қўлидан келар.
Ким бало истаса – феълидан келар!

Тўрт туп гул ўтказсанг бўстондан нишон,
Дийдор майхона-ю мастондан нишон.
Душман улфат бўлса – қопқондан нишон,
Пайт пойлаб ўнгдан ё сўлидан келар.
Ким бало истаса – феълидан келар!

Кеккайма, бир куни тупроқ бўлгайсан,
Дўсти-душман босган япроқ бўлгайсан.
Манман бўлма, қаттиқ азоб кўргайсан,
Шайтон қон томиринг йўлидан келар.
Ким бало истаса – феълидан келар!

Қўл бериб кўришгил, бўлса ҳам гадо,
Камтар бўл, бошингдан зар сочгай Худо.
Шамсиддин Садоий айлар бир садо,
Тошқинлар баҳорнинг селидан келар.
Ким бало истаса – феълидан келар!..
Кетганлар ёдимга тушар, ёронлар!

Офтоблар қизариб ботмаган кунлар,
Қўлимдан кетгани қайтмаган кунлар.
Булбуллар кўнглимдай айтмаган кунлар,
Бир соғинч қалбимни этганда қонлар –
Кетганлар ёдимга тушар, ёронлар!

Тушларимга кирар Қодирий бобо,
“Болам сеники – дер, келажак”, аммо,
Ўтмаган кунлардан қолган бу дунё
Ўйласам, айрилиб танамда жонлар –
Кетганлар ёдимга тушар, ёронлар!

Олис Магаданнинг овлоқларида,
Аёз, музлар қотиб қароғларида.
Бир зот ётар, қайси гуноҳларига,
“Усмон” – десам, ёнар Сибир томонлар –
Кетганлар ёдимга тушар, ёронлар!

Кеча садаф тори узилган жонлар,
Парфийлар, Нарзийлар булбулзабонлар.
Муҳаммад, Тилаклар, Шавкат Раҳмонлар,
Бағримга тўкилган барги хазонлар –
Кетганлар ёдимга тушар, ёронлар!

Кимга буғдой, кимга сомон дунёсан,
Аждаҳодай нафси уммон дунёсан.
Даҳо туғиб жонин олғон дунёсан,
Садоий соғинчдан синган замонлар –
Кетганлар ёдимга тушар, ёронлар!

Онанг бўлса

Айвонингга қўнар ҳумо қушлар ҳам,
Баҳорга айланар қаттол қишлар ҳам.
Яхшиликка дўнар ёмон тушлар ҳам,
Онанг бўлса дарёлардай тўларсан.
Онанг бўлса подшолардай бўларсан!

Онанг ҳаёт бўлса заҳру заҳар йўқ,
Онанг ҳаёт бўлса ёмон назар йўқ.

Қариндош ёв бўлмас, гина, қадар йўқ.
Онанг бўлса юлдузларга қўнарсан,
Онанг бўлса подшолардай бўларсан!

Минг бор кўрсанг минг бор пойин тавоф эт,
Бир томчи кўзёшин обу ҳаёт эт.
Бошингга тож айла кўнглин обод эт,
Онанг бўлса тоғлар каби ўсарсан.
Онанг бўлса подшолардай бўларсан!

Пайғамбарлар ўсган она бағрида,
Қадрин билгил ғанимат дам олдида.
Садоийдай бўзлаб қолма қабрида,
Онанг бўлса жаннатларда кезарсан.
Онанг бўлса подшолардай бўларсан!..

Бухородан кетолмадим

Тонг отади, кун ботади,
Юракни дард йиғлатади.
Ўзим Шошда оҳу нолам,
Бухорони уйғотади.

Боққа кириб узолмадим,
Қизил гулни барги билан.
Ой, йилни ўтказолмадим,
Шу қизчани дарди билан.

Кўз ёшимдан сувлар сепиб,
Тош кўчангни чангин олай.
Сувратингни чизганда айт?
Қайси гулни рангин олай?

Қизил гулни рангин олай,
Қирмиз гулни рангин олай.
Минг гўзални орасидан,
Фақат сани дардинг олай.

Кўкка боқсанг ой эгилгай,
Юлдузлар бир-бир тўкилгай.
Ошиқ бўлдим, ошиқ аҳли,
Ўлганда дарддан қутулгай.

Ошиқ умрим ғавғодадир,
Бағрим ҳажру балодадир.
Қўш Бухоро сенга жоним,
Садоийдан садоғадир!..

Давлатинг борида...

Давлатинг борида, авжинг зўрида,
Йўқлаб келар ҳатто бегоналар ҳам.
Давлатинг йўғида, бахтинг шўрида
Саломинг олмайди девоналар ҳам.

Давлатинг борида, уйинг тўрида,
Оёғинг ўпарлар мастоналар ҳам.
Чироғинг ўчганда дўстки, дўст ҳатто
Кўчангдан учмайди парвоналар ҳам.

Омад осмонидан тушса юлдузинг,
Баҳор, ёзинг ўтиб келса гар кузинг.
Қўлингни ўпганлар кўмарлар изинг,
Устингдан кулярлар ҳайроналар ҳам.

Бўйнингга илсанг ҳам гадо тўрвасин,
Ичмагил нокаснинг ёғли шўрвасин.
Оллоҳимдан сўра, бергай барчасин,
Тиллога айлангай остоналар ҳам.

Кеча ёнгинамда юргандинг яйраб,
Кўзим ойнасида сочларинг тараб.
Бу кун изларингдан қолдим-ку қараб,
Демак, рост эканда афсоналар ҳам.

Юлдуздай бир ёндим, ўчарман, жоним,
Ҳижрон йўқ жойларга кўчарман, жоним.
Садоийдан ёдгор сенга бу қабрим,
Сарғайган дафтарим тароналар ҳам.

Тилло ёмғир

Кетган тўлқин қайтмаган каби,
Қизлар сирин айтмаган каби,
Севмаган ёр кутмаган каби,
Меҳр кутманг асло ёмондан —
Тилло ёмғир ёғмас осмондан.

Бевафога гул берманг эй дўст,
Душман келса йўл берманг, эй дўст.
Паст одамга қўл берманг, эй дўст,
Меҳр кутманг асло ёмондан —
Тилло ёмғир ёғмас осмондан.

Муҳаббатнинг улуғдир оти,
Мажнунларнинг ҳурмати, ёди.
Дорда қолган Машрабо ҳаққи,
Меҳр кутманг асло ёмондан, —
Тилло ёмғир ёғмас осмондан.

Аждодлардан қолган бир баёт,
Меҳр билан ширидир ҳаёт.
Садоийман, тингла, одамзот,
Меҳр кутманг асло ёмондан —
Тилло ёмғир ёғмас осмондан!..

Озода

Ўн йил ўтса ҳам орадан ошвораман,
Самоларда учиб юрган сайёраман,
Озодани унутолмай садпораман,
Бир кўрмасам кетолмайман Озодани.
Ўзига ҳеч айтолмайман Озодани!

Узоқлардан қараб турсам билмайди у,
Ё билса ҳам иложи йўқ, келмайди у,
Ўғил-қизи кулдирса ҳам кулмайди у,
Бир кўрмасам кетолмайман Озодани.
Ўзига ҳеч айтолмайман Озодани!

Ўша-ўша тош терилган кўчалари,
Деворига шох ташлаган олчалари,
Ҳамма билар мен ошиғи бечорани,
Айланаман Самарқанду Бухорони.
Бир кўрмасам кетолмайман Озодани!

Бир ўғлига отимни ҳам қўйиб олган,
Қўйиб олган бағри дилим ўйиб олган,
Шу ўғлини юрагим ҳам суюб қолган,
Икки ўғил бир қизи бор Озодани.
То қиёмат севаман мен Озодани!

Йиллар ўтар юрагимнинг орасидан,
Тонглар отар кўз ёшимни жоласидан,
Қайга қочай тақдирнинг бу балосидан,
Эй Садоий, унутолмай Озодани.
То қиёмат севаман мен Озодани!

Денгизлар устидан юриб ўтяпман



Мадина НОРЧАЕВА

***

Мени қайтадан чиз,
Бўёғинг етса
Бор совуқ рангларни юборгин сарфлаб.
Бу дайди руҳимни
Ҳа, айни шу кез
Томчилардек ювиб кетмоқда ҳарфлар.

Мени қайтадан чиз,
Тўқнашмасин ҳеч
Ожиз сийратимда қоралар, оқлар.
Дарахт танасидан томган ширадек
Кўриниб тўкилсин кўнглимдан доғлар.

Мени чиз,
Ахир мен тугалланмадим,
Мудом оғриқ берар якунсиз қисмим.
Руҳимга мослаб чиз вужудимни ҳам
О, шунда не шакл топажак жисмим?

Чизавер,
Чаплайвер ранглар додласин
Кўзимни қадаҳдек тасвирга йўғир.
Нигоҳим тўкилса, тупроқ ёдласин
Майсалар йиғласин истиғфор ўқиб.
Мени қайтадан чиз...

Мадина НОРЧАЕВА *– Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори. 1995 йилда туғилган. Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти 4-босқич талабаси. "Кафтдаги йўл" номли шеърий китоби чоп этилган.*

***

Шафақ дарёсида оқди балиқлар,
Сузгичлари тилиб шом лабларини.
Ва чорлаб келдилар
Оқшом рақсига
Фалакнинг энг мунис кавкабларини.
Нега уйғонмадинг, ичимдаги сўз?

Отамнинг пойига чил солди турмуш,
Нақшланди онамнинг кўзидаги дард.
Бахт – кифтимга чангал ботирган бургут
Тутдими, юксакдан қулатмоғи шарт.
Нега уйғонмадинг, ичимдаги сўз?

Мен қушдек донладим олам йиғисин,
Ва сукутга кўмдим чуғурларимни.
Бир куни йўқолдим синган чолғудай
Ўзимдан ўзимни ўғирладимми?!
Нега уйғонмадинг, ичимдаги сўз?!

Кузатилиш

1

Қорачиқларимдан чодир тиккан ой,
Қирқ кунлик чилладан кейин нур сочди.
О, балки илк марта
минг бор ийманиб
Отамнинг пойига юзини босди.
Сурнай нолиб-нолиб этаркан фиғон
Майсалар рангида туш кўриб сармаст.
Бувим билан тенгдош,
Мен билан сирдош
Қирларим қаддини тикладилар даст.
Кафтига тўлдириб ҳур булутларни
Тошдек чўксин, деди,
Дуо – мустажоб.
О, балки мингинчи,
Балки сўнгги бор
Уларнинг этагин айладим тавоф.

2

Нигоҳи қовжираб борар заминнинг,
Кифтларини ёриб нишлайди янтоқ.
Мунғайгандек бўлди, эрка қизини
Олисга узатган отамдек қишлоқ.

Баҳор тиклаёлмас елкаларини,
Қизғалдоқ – адирнинг очиқ яраси.
Қанотин силкитиб видо айтдилар
Жарликка ин қурган қушлар галаси.

Сўнг йўллар чувалди,
Қайтмасдан ортга,
Ёмғирсиз апрелдан кўнглимда ғулу.
Кетар чоғ ёлвордим –
Отамга мадор
Рўзадор қирларга
Сув бер, Тангрим, сув.

***

Кўзимдан норизо учиб ўтдилар
Мен жануб эмасман,
Билган турналар.
Қақраган дийдамда гиёҳдек куйган
сўзларни қироат қилган турналар.
Унут чолғуларда жон берди куйлар,
Бари оҳангларни шамоллар ютди.
Мен баҳор эмасман,
Мен ҳақда куйлаб
Ёғмурлар кўзимдан норизо кетди.
Тушларимни қавиб тўн бичди оқшом,
Тоғларнинг забардаст елкаларига.
Сўнг бори рангларим
Зулматга чўкди
Кўнглимдан қоронғи ўлкаларида.
На қуёш,
На юлдуз,
На осмон қолди.
Фақат тарк этмади
Ишқ деган бир сас.
Турналар кўзимдан учди, йўқолди
Борлиқ янгиланди, фақат мен эмас.

***

Куздан илгарироқ келди ғуссалар
Куздан илгарироқ одимлади дард.
Куздан илгарироқ кунлар қисқарар
Куздан илгарироқ кимдир солди дод.

Куздан илгарироқ тирноқлар кўчди,
Куздан илгарироқ бармоқлар қоқшол.

Куздан илгарироқ рангимиз учди,
Куздан илгарироқ падарим беҳол.

Куздан илгарироқ йўлларни ичган
Куздан илгарироқ дарахтлар мастдир.
Куздан илгарироқ, кузгача кечган
Умримиз ҳеч қандай фасл эмасдир.

* * *

Ҳеч кимни чўчитмас
кузнинг илк куни,
Ҳайбатли булутлар ойни ютмайди.
Фаромуш хазонлар кафтимга қўниб,
Қисматимни чўқиб учиб кетгайдир.

Кетгайдир,
Бу мунис ишқнинг адоғи,
Мезонлар лабида алёри музлар.
Дардчил эртагидан зериккан чоғи –
Деразадан кўкка термилар қизлар.

Термилар,
Тун – йўли бойланган дарё,
Юлдузлар эрийди қоғоз кемадек.
Чақинлардан эшкак эшиб ҳувайдо
Ҳислар сузиб юрар
кўкда беҳадик.

Беҳадик ютасан намчил ҳавони,
Қалбингни тутасан мусаввир ғамга...
Дарахтдек ўсар-у кўксингни ёриб
Бир кун...
Гуллаб кетар куз босган тамға.

Натюрморт

Пастгина хонтахта,
Таниш дастурхон,
Чойнакпўшда ўраб қўйилган меҳр.
Тонгнинг юзларини ловуллатган нон.
Ликопдаги қанд-қуср
Тўққиз пиёла...
Якка тут шохидек синган болалик.
Муқовасиз китоб –
(Ғалати туйғу
Гоҳида даккию, гоҳи далдадек)
Сезасан, тўкилар ранглар тилидан,

Ўзингдан яшириб келган сўзларинг.
Ёдингни уйғотмоқ бўлар ота уй...
Термилар суратдан
Бўм-бўш кўзларинг.

* * *

Бу оқшом дарахтлар қимор ўйнамиш
Офтоб ранг симирган баргларин тикиб,
Қушлар уясини қўйиб ўртага
Чордана қурганча ёки тиз чўкиб.

Дарахтлар ёз билан қимор ўйнамиш,
Узоқ увиллайди итлар зорланиб.
Тошсупа устида эртакка монанд
Бир аёл ёшлиги борар парланиб.

Ютсам кўзларимга тиғдай қадалар
Борлиқни қоплаган ғамангиз ҳаво.
Фалакда бир уя жўжаси билан
Донлаган товуқдек кезар Оймомо.

Чўчир ҳамон ёруғ деразалардан
Деворнинг ўрнига қадалган оғоч.
Бу тунги ўйинда иссиқ фаслдан
Асадни ютади кекса қайрағоч.

Уйқу тўлиб қолган жарлик ёқалаб,
Ҳамма ўз ортига жўнагани он.
Бироз алам, бироз кибр аралаш
Овулни тарк этиб кетар саратон

***

Тушларимда онам буғдой совурар,
Элайди ризқимиз дон-дунларини.
Теграмда эса куз,
Шамол тортқилаб
Сочиб кетаверар тугунларини.
Ноябрь мунғаяр,
Кетса йўл қани?
Қолса оёғидан чалар замҳарир.
Ёмғирга қўшилиб адо бўлсангу,
Япроққа айланиб сўлсанг, сарғайиб.
Барибир тугайди...
Кузак бағирдан
ситилар баҳорнинг сўнгги "оҳ" лари.
Совуқ эпкинлардан қандоқ асрайсан,
Ичингдаги маъсум шамчироқларни.

Ҳумоюн акамга

Тоғларнинг
Қоялари ўсмай қолган қанотдир.
Харсанглари – турмуш сачратган яра,
Ғорларида мудраб ётган фарёддир.

Тоғларнинг
Вазмин кўзларида ётибди вулқон.
Болалиги учган қушдек бедарак,
Гоҳи фаслларга қилади исён.

Тоғларнинг
Қачонлардир бўлган муҳаббатлари
Кўксида очилган, бевақт сўлгандир.
Этагига замин осилмагунча
Тоғларнинг ҳам руҳи енгил бўлгандир.

Тоғларнинг...
Тоғ бўлмоқ қисматларини
Борлиқ жим эшитар бир сўз демасдир.
Уларга суянмоқ саодат, гарчи
Пойида унмоқ ҳам осон эмасдир.

***

Уни маъзур тутинг
Ғамгин нолалар
жарангласа сочин қўнғироғида.
Шиддатин унутган эрксиз балиқлар
Сузиб ўтганида кўз қароғидан.

Уни маъзур тутинг,
Тушларни ямаб,
беркитса қанотин ёриқларини.
Киприклари ила тўқиб, силкитса
Рўмолча мисоли оғриқларини.

Уни маъзур тутинг,
Оби-раҳматсиз
булутлар кўнгилга солганда соя.
Фасллар шамоли зарбидан
чўчиб
ўзини-ўзидан қилса ҳимоя...

Уни маъзур тутинг,
Ғамгин нолалар,
Титроққа солса қалб эҳромларини.
Ҳар шом ўз қонига ботириб қуёш,
Сўнг жим сипқоради ишқ жомларини.
Уни маъзур тутинг...

* * *

Видолар нишлайди замин бағрида,
Қонимда увушган ишқнинг овози.
Мунгли куйларига мафтун этади,
Фиғондан йўнилган машшоқнинг сози.

Метин ҳаволарни симиради тун,
Ёмғирга жўр бўлар турналар оҳи.
Бори бисотимни таламоқ истар,
Ҳали туғилмаган кунинг гуноҳи.

Сен эса саҳройи қароқчи каби,
Бу карвон йўлида кўп сургансан от.
Ибтидода олган омонатим – дил,
Уни сендан асраб қолсам бас, ҳаёт.

Йўловчи

Сочим – йўл
Вақт қайчи урмаган,
Кафтим – кўл
Бармоқлар қамишдир.
Ёдимни аёвсиз тирнаган
Йўловчи, кўзларинг танишдир.
Сочим – йўл,
Жингалак, чигалли...
Оҳуларнинг унут сўқмоғи.
Қачондир осмонга учган у
Санчилиб қолганди тароғим.
Йўловчи, қайга бу сафаринг?
Чўк тушиб тикилдинг гулханга.
О, нечун руҳингга сингар ғам
Соянг ҳам борликдан улкандай.

2

Қадим қўшиқларни тугунингдан еч,
Кўҳна эртакларми туйилган талқон?
Бу илон қоровул
Тангаларини
Кўк юзига сочар
Сичқон – хазинабон.
Тонггача ўзгариб боради олам,
Хоҳ уйқу элтсин, хоҳ бўлгин сергак.
Барча баҳодирлар уйғонар бугун
Ортиқ зиндон бўлмас уларга эртак.
Бири ватан учун ёвга юз бурар
Бири енгиб қайтар аждар, девларни.
Бири кўзгусида аксимни кўриб
Келарми...

3

Бир коса тонгни симиради тут,
Ва мағриб ёқларга кимдир ўт ёққан.
Мангу қўшиқларин этиб хиргойи
Йўловчи – тун ўтиб кетар қишлоқдан.

***

Эй олис самода порлаган юдуз,
Энди сенга мудом қўлим етмасми.
Сенсиз бу кечалар топмасми кундуз,
Ғамлар камаймасми, қайғу кетмасми.
Йўлдош бўлмайсанми адашганимда,
Денгизлар устидан юриб ўтяпман.
Балиқлар ўпади товонларимдан,
Куйдирар, тиллари алангамикин.
Сўнг, ёна бошлайман, бирдан ловуллаб –
Сен томон талпинган бир қучоқ гулхан.
Тоғларнинг бағридан сузиб боряпман,
Манови чўнг қоямас,
Бу оппоқ елкан.
Ишонгин, ҳижроним висолдан тотли,
Йўл тугар қошингга етганим они.
Унутма, мен сени мангу севаман,
Мангу севганимдек қодир Худони.

Не тонг,
Изимизни шудринглар ўпиб
Осмон кулгичида қуёш кўринса.

Йўлларнинг кўзини кафтимда ёпсам,
Тирилса.
Унутиб қолдирса вақт чориғини,
Куртак отиб кетса занжирларимиз.
Кипригим ва қошим аролиғини
Банд этса ул бир жуфт қабрларимиз.
Бормасам
Қарлуғоч нигоҳи билан
Гул чизса манглайим ёриқларига.
Алдасанг
“Бир ишқнинг гуноҳи билан
Даво бор”, деб дилнинг оғриқларига.
Осмон кокилидан томчиласа май,
Қудуқлар фош этса замин оҳини.
Қаро умримиздан
Тақдир индамай
Олиб кетаётир тонг чироғини.
Бу не тонг?!

* * *

Ой – қақнус пат,
Қаро туннинг лабларга ўт туташди.
Тўлқинларинг қанотсифат
Уч денгизим...
Тушларингни чулғаганда парвоз гашти.
Уч денгизим...
Учиб толган қушлар ҳаққи
Зил турмушдан
Падаримнинг елкалари яғир бўлган.
Ўн еттида чилмилдиққа кирган онам
Ҳали бешик қучиб-қучмай сағир бўлган.
Чайқаб юбор жом ичинда тирилсин май,
Қақраб турган жонсиз танлар топсин даво.
Турналарнинг сафаридан зериккандай,
Кўзларини мавҳумликка тикмиш дунё.
Уч денгизим...
Руҳим сендай
Шеър ишқида чайқалади,
Манов дашт ҳам,
Манов қир ҳам, асли қушдир.
Бағритошдай одамларнинг залвори деб
Шўрликларим қушлигини унутмишдир.
Уч денгизим...



Алишер Навоийнинг шаҳрошуб ғазаллари

Олимжон ДАВЛАТОВ

Адабиётдаги “шаҳрошуб” жанри форс мумтоз шеърияти анъаналари замирида шаклланган бўлиб, унинг асосий хусусияти – шаҳар ҳунармандлари ва турли касб эгалари учун хос етакчи хусусиятлар, уларга мансуб касб-ҳунарнинг нозик сирлари ва жамиятдаги аҳамиятини васф этишдан иборат. Ўз махсус шаклига эга бўлмаган шаҳрошуб қасидадан тортиб маснавийгача бўлган лирик жанрларда ёзилган. Масалан, мазкур жанр асосчиси Масъуд Саъд Салмон (XI асрнинг иккинчи ярми) шаҳрошублари қитъа шаклида битилган бўлса, Маҳситий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавийлар шаҳрошублари учун рубоий, машҳур арузшунос олим Сайфий Бухорий эса шаҳрошубнинг ғазал шаклидан фойдаланган. Сайфий Бухорий ҳатто бу йўналишдаги ғазалларини тўплаб, махсус девон – “Саноеъ-ул-бадоеъ”ни тартиб берганлиги ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида Сайфий Бухорийнинг шаҳрошуб жанри ривожига қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлаб: “Мавлоно Сайфий... санъат ва ҳирфа (касб-ҳунар) аҳли учун ҳам кўп латофатли назм қилибтур ва ул тариқда мухтареъ (ихтирочи)дур”, дейди ҳамда Сайфийнинг мазкур йўналишда ёзилган қуйидаги ғазали матласини келтиради:

“Бути пардозгарам к-ў ба касон месозад,
Ҳеч ба ҳоли мани хаста намепардозад”.

(Мазмуни: Менинг пардозчи гўзалим кўп кишилар билан чиқишади-ю, мен хастанинг ҳолига асло парво қилмайди).

Шу вақтга қадар ўзбек тилидаги шаҳрошуб шеърлар XIX аср охири – XX аср бошларида вужудга келган бўлиб, унинг ягона намунаси Убайдуллоҳ Завқийнинг “Аҳли

Олимжон ДАВЛАТОВ *– филология фанлари бўйича фалсафа доктори. 1973 йилда туғилган. Тожикистон давлат университетининг шарқшунослик факультетини тамомлаган. "Ибн ал-Арабий ва унинг ваҳдат ул-вужуд фалсафаси", "Насойим ул-муҳаббат: ҳикоятлар ва ҳидоятлар", "Маънолар хазинаси (Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар)" (1-5 жилдлар) китобларининг муаллифи. Алишер Навоий, Ҳофиз Шерозий, Амирий девонларини луғат ва изоҳлар билан нашрга тайёрлаган.*

раста” ҳажви қасидаси ҳисобланиб келинган. Лекин изланишларимиз натижасида мазкур жанрнинг ўзбек адабиётидаги илк намуналари Алишер Навоий қаламига мансублиги аниқланди. Буюк шоир ўз замонасида машҳур бўлган шаҳрошуб жанрини туркий тил амалиётига жорий этиш мақсадида ушбу йўналишда ҳам бадиий жиҳатдан мукаммал ғазаллар яратди.

Буюк шоирнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонида ҳам шаҳрошуб жанрига оид бир нечта ғазаллар мавжуд бўлиб, улардан бири 130-рақам остида ўрин олган “коғаз” радифи асосида ёзилган ғазалдир. У қуйидаги матла билан бошланади:

Эмас ғамимни ёзар хатқа зарфишон коғаз,
Ки шуъла чекти дамимдин битир замон коғаз.

Мазкур ғазал бир қарашда анъанавий ошиқона ғазаллар турига мансубдек таассурот қолдирса-да, ўз мазмун-моҳиятига кўра шаҳрошуб ғазаллар тоифасига киради. Байтдан байтга ривожланиб борувчи, ишқ йўлида сарсону саргардон бўлган ошиқнинг оҳу нолалари ва изтироблари ифодаси орқали нуктадон ўқувчи бу ғазал орқали қоғозга боғлиқ атамалар, китобат, лаввоҳлик, меъморчилик ва бошқа касб-ҳунарларга хос ҳолатлар ёрдамида гўзал лирик лавҳалар яратилганини илғаб олиши қийин эмас. Жумладан, матладаёқ шоҳона битикларни тайёрлаш жараёнида қоғозга заррин кукунлар сочишга ишора қилинган бўлса, кейинги байтда қора қоғозга оқ ҳарфлар билан ёзиш учун унга тутун билан ишлов бериш ҳақида сўз юритилади. Бу жараёнлар шунчаки қоғозга ишлов бериш тафсилоти эмас, балки ишқ аҳлининг қийноқ ва изтироблари, муҳаббат йўлида чеккан ғуссаларининг ифодаси сифатида келтирилгани сабабли, ўқувчи онгу шуурига туйғу ва сезимлар орқали таъсир қилади:

Эмас ғамимни ёзар хатқа зарфишон коғаз,
Ки шуъла чекти дамимдин битир замон коғаз.

Сипеҳр даври бу саргашта оҳидин бўлмиш,
Магар бу оҳ тутун бўлмиш, осмон – коғаз.

Кейинги байтда ҳам нома битилган қоғозга муҳр босиш, гулранг ва обдон навли қоғозлар тайёрланиши билан боғлиқ жараёнлар қаламга олинган бўлиб, бу ўхшатишлар қоғознинг ишқий манзаралар тимсоли даражасигача кўтарилишига хизмат қилган. Жумладан, учинчи байтда ёрнинг жон бағишлаш хислати, тўртинчи байтда қизил ёноқлари ва лаълга ўхшаш лабларини васф этишда қоғоз тимсоли билан мутаносиблик топилганлиги ҳамда назокат билан баён этилганлиги ижодкорнинг юксак бадиий маҳоратидан дарак беради. Бешинчи байтда фаришталар ёрнинг сифатини ёзишда Қуёшдан битик ўлароқ фойдалангани ҳақида сўз юритилиб, маъшуқанинг ҳусну жамоли коинот узра беназир эканига урғу берилади:

Ёзар фариште қуёш сафҳасиға васфингни,
Магарким ул фалакий топмас обдон коғаз.

Икки фариштa (киромулкотибайн) ҳар бир инсоннинг умри давомида қилган барча яхши-ёмон амалларини ёзиб боришини биламиз. Қиёмат кунида ҳам ҳар бир кишига номайи аъмолига қараб баҳо берилади. Ўшанда пушаймон ва надо-

мат чекмаслик учун турли васваса ва қутқуларга берилмай, кўнгил саҳифасини пок тутган одам исён ва гуноҳлар денгизидан нажот топиши мумкин. Навоий ақидасига кўра, умр дафтарини қора доғлар ва турли саҳву хатолардан холи тутмоққа ҳаракат қилиш – инсонийликнинг муҳим шартларидан ҳисобланади:

Кўнгул саҳифасин асра хутур баҳридин,
Ки сувға зойиъ ўлур тушса ногаҳон коғаз.

Кўнгил саҳифасини пок тутиш учун эса илоҳий тавфиқ мадад ва раҳнамо бўлмоғи керак. Инсон табиатан хато қилувчидир. Яратганнинг ҳукмига буткул таслим бўлган кишигина камроқ хато қилиши ёки хатоларнинг кечирилишига умид қилиши мумкин. Навоий шундай умид билан ғазалига якун ясайди:

Ҳумор дафъиға қуллуқ хатин тилар соқий,
Навоиё, дема ҳужжат кетур равон коғаз.

Яъни мазмуни бундай: “соқий хуморни даф этиш учун қуллик хатини сўрамоқда. Эй Навоий, ҳужжат эмас, қуллик хатига жонингни қўшиб юбор”.

Мазкур ғазалда “коғаз” сўзи радиф вазифасини бажаргани, бундан аввал бу сўз Шарқ мумтоз шеъриятида бирор марта радиф ўлароқ қўлланилмаганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

“Ғаройиб ус-сиғар”дан “Кема оғзи демаким...” деб бошланувчи ғазал ҳам ўрин олган бўлиб, уни ҳам Навоийнинг шаҳрошуб ғазаллари сирасига киритиш мумкин. Агар юқорида тилга олганимиз “коғаз” радифли ғазалда ўрта асрлар қоғоз ҳунармандчилигига мансуб атама ва истилоҳлар асосида лирик лавҳа яратилган бўлса, бу ғазалда балиқчи тимсоли лирик кайфиятнинг изҳори учун восита сифатида танланганини кўрамиз. Ғазал қуйидаги байт билан бошланади:

Кема оғзи демаким, ишқингда кўксум чокидур,
Баҳр мавжи йўқки, ашким селининг кўлокидур.

Ғазалнинг дастлабки уч байтида дарёни кезаётган кема, денгиздек мавжланаётган дарё суви устида кўринаётган қуёш шуъласи, гирдоб атрофида тўпланиб қолган хас-хашаклар ташхис санъати ёрдамида ошиқнинг ишқ йўлида чок-чокидан ситилиб кетган бағри, селдек оқаётган кўз ёшлари, ўтли оҳу нолалари, хасдек заиф бўлган жисмига ўхшатилади. Табиатда сув ва олов бир-бирига зид унсурлар ҳисобланса-да, ишқнинг қудрати билан ҳам денгиздек мавж урадиган кўзёшлар сели, ҳам оламдаги ҳўлу қуруқни баравар ёндирадиган дардли ва ўтли оҳлар ошиқнинг хасдек нотавон жисмидан бир вақтнинг ўзида аён бўлиб, бирлашган ҳолда унинг вужудини фано олами сари йўллайди. Шоир ашкни – дарёга, сув узра порлаб турган қуёшни – ўтли оҳга, кемани эса, яраси очилган ошиқ бағрига ўхшатиш орқали кеманинг ичидаги маҳбуба ошиқнинг бутун жону жаҳони, борлиғи эканини билвосита, нозиклик билан таъкидлашга асос яратган:

Ваҳки, ул киштийда дарёкаш, манга худ йўқ ҳаёт
Эл дегандинким, фалоннинг кофири бебокидур.

Кейинги байтда балиқчи ёрнинг амалига боғлиқ ажойиб ошиқона лавҳа чизилган: балиқчи чапдастлик билан дарёга қармоқ ташлаб, бирин-кетин балиқ тутмоқда. Унинг бу эпчиллигини ҳавас билан кузатаётган ошиқнинг юраги ерда типирчилаётган балиқдек унга томон талпинади:

Ул балиғ тутқанда солиб шасту онинг рашкидин,
Судин айрилған балиғ янглиғ кўнгул топокидур.

Кўнгилнинг сувдан ташқаридаги балиқ каби типирчилашлари "Садди Искандарий"даги бир ҳикоятни ёдга солади. Қалб кўзи очилган инсонлар васфидаги бобдан кейинги ҳикоятда келтирилишича, бир тўда балиқлар сувни излаб, Баҳри Муҳитга йўл оладилар. У ерда бир гирдобга тушиб, катта бир наҳанг (акула)га ем бўлгандан кейингина шу пайтгача сувда бўлганликларини англаб етадилар. Худди шу каби, ҳар бир киши фано – йўқлик гирдобига тушгунга қадар ўзлигини англаши лозим, дея ҳикояни хулосалайди шоир:

Еринг бўлса гирдоби баҳри ано,
Сени туъма қилғоч наҳанги фано.

Не суд ул дам ўлмоқ аён бу тариқ
Ки, матлубаро бор экансен ғариқ?

Нетарсен тилаб ҳаражойибқа йўл,
Ажойиб эрур сенда, огоҳ бўл!


Ғазалда ҳам фақр аҳлининг кўз ёшидан ҳосил бўлган денгиз устидаги кўпикчалар аслида фано манзили сари раҳнамолик қилувчи йўлчи юлдуз ёхуд балолар осмони экани таъкидланади. Фақр аҳли, яъни дарвешларнинг юриш-туришлари кўп одамларда инкор ва эътироз, камситиш туйғуларини кучайтиради. Уларнинг айрим хатолари (кўз ёши денгизи устидаги ҳубоб – кўпикчалар шунга ишора)ни кўрган киши билиб-билмай уларни риёкорлик, ёлғончилик, каззобликда айблаши мумкин. Қалб кўзи очиқ зотлар эса Шайх Санъонлар – фақр аҳлининг хатолари моҳият эътибори билан савобга элтувчи амаллар эканини биладилар:

Кўрма фақр аҳли сиришки баҳрида ҳар ён ҳубоб,
Ким фано кавкаблари, балким бало афлокидур.

Мақтада раддул-матла санъатини қўллаш орқали ғазалнинг дастлабки мисраси кичик бир ўзгариш билан келтирилади. Бу эса, ҳар лаҳзада қайталанадиган ва янгидан-янги бало-ю офатларни ишқ аҳли бошига соладиган ҳижрон одатий ҳаёт тарзига тегишли ғам-ғуссадан фарқли ўлароқ, дарёдаги кема каби ошиқ қалбларни ҳуррият ва поклик манзилларига элтувчи умидбахш ҳиссиёт эканидан воқиф этади:

Эй Навоий, кема тийри кўксум ичра ҳажр ўқи,
Кема оғзи ғўйиё ишқида кўксум чокидур.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоийнинг шаҳрошуб ғазаллари ўз замонасида машҳур бўлган ушбу жанрни туркий тил амалиётига жорий этиш мақсадида яратилган. Уларда ишқ аҳлининг шарҳи ҳоли, муҳаббат йўлида чеккан изтиробларининг ифодаси муайян ҳунар ва ҳунар аҳлига хос хусусиятлар воситасида бадиий жиҳатдан юксак байтларда тараннум этилган.



Ижодий такомил омили

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

Муҳаммад Юсуф ўзбек халқининг суюкли фарзанди эди. У қисқа, лекин сермазмун умр кечирди. Ўзининг унутилмас шеърияти билан халқимизнинг севимли шоирига айланиб қолди.

Халқимизнинг атоқли шоири Абдулла Орипов: “Ҳали ёшлик йилларидаёқ бунчалик кўп мухлис орттирган, дўст-оғайниси бисёр ижодкорни кам кўрганман. Санъаткорлар-ку унинг ҳар бир мисрасини созга солишга тайёр эдилар” , дея таъкидлайди ва бунинг сабабини биринчи навбатда шоирнинг яхши инсон бўлганлигида, деб билади. Дарҳақиқат, унинг ҳар бир мисрасини созга солиш мумкин эди. Қалб торларининг тебранишидан ҳосил бўлган бу мунгли мисралар соз торларида қўним топиши табиий ва созлар ҳам бундай дилкаш, дардкаш мисраларга муштоқ, наинки муштоқ, балки муҳтож эди.

Мен тақдирнинг тақозоси билан, Муҳаммад Юсуф Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида (ҳозирги Давлат бошқаруви академияси) ўқиганида, “Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати” фанидан дарс бериш бахтига муяссар бўлганман. Муҳаммад Юсуф ва унинг сафдошлари Академия очилганининг иккинчи йили битирувчилари бўлиб, улар 1996–1997 ўқув йилида таҳсил олганлар. Адашмасам, ўша йили тингловчилар ва профессор-ўқитувчилар ўртасида Академия мадҳиясини яратиш учун танлов эълон қилинган ва Муҳаммад Юсуф танловга мазкур шеъри билан қатнашган эди. “Академия мадҳияси”нинг ҳар бандида шоир қайта-қайта бу илмгоҳда ўқиётганларни амал, мансаб-мартаба эмас, балки “илм исташ”га,

---

Нусратулло ЖУМАХЎЖА *– филология фанлари доктори, профессор. 1953 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Олимнинг “Поэтик тасвирда пейзажнинг роли”, “Турди назми бадиияти”, “Мунис ғазалиёти” каби “Истиқлол ва она тилимиз”, “XVI–XIX аср I ярми ўзбек адабиёти тарихи”, “Қаро кўзум ғазали тадқиқи” илмий монографиялари нашр қилинган.*

илмий салоҳиятини юксалтиришга чорлайди. Мадҳияда шоир сафдошларини Ватаннинг “қалқонлари, қанотлари”, “Алишернинг авлодлари”, “юрти учун елкасида тоғлар сурган – Рустамлари, Фарҳодлари”, “Ватанида Тожмаҳаллар тиклар султон – Бобурлари, Беҳзодлари”, “Мулки Турон нажотлари”, дея алқайди ва шу сифатларга муносиб бўлишга ундайди:

Илм истанг, изингиздан ибрат ёғсин,
Ихлосингиз, шахдингиздан шиддат ёғсин,
Ортингиздан мағрур-мағрур миллат ёғсин,
Мулки Турон нажотлари, илм истанг!...

Муҳаммад Юсуфнинг айрим шеърлари таҳсил даврида ёзилган ва биринчи марта Академия давраларида ўзи томонидан ўқиб эшиттирилганига гувоҳ бўлганмиз. Жумладан, шоир байрам базмларидан бирида ўзининг янги ёзилган “Озодани севаман мен, Озодани” шеърини ўзига хос нимтабассум билан ўқиб берди. Шеър қарсаклар, олқишлар билан кутиб олинди. Умуман, Академия таҳсили Муҳаммад Юсуф ижодидаги ижтимоий салмоқдорлик юксалишига, дунёқараш кенгайишига, сифат ва савия кўтарилишига катта туртки бўлди десак, хато бўлмас.

Муҳаммад Юсуф салоҳиятининг шаклланишига бутун бошли ўзбек миллий адабиёти анъаналари ва унинг бадиий маҳорат мактаби асос бўлганлиги бегумон. Шоирнинг сайру сукунда ҳам, фаолияти ва фаолиятсиз ҳолатларида ҳам, уйқуси ва уйғоқлик онларида ҳам миллий шеъриятимизнинг мавзу ҳамда мазмун кўлами, ғоялар ва образлар тизими, бадиий тасвир услуб ва усуллари доимий ҳамроҳ бўлган. Қадим шеъриятимизнинг савту садолари, миллий андозалари белгилари шоирнинг ҳар бир шеъридан акс-садо бериб туради. Зеро, ҳар қандай адабий ўзига хослик анъанавийликдан озиқланиш маҳсулидир. Бу фикрни яқиндагина устоз адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров жуда ўзгача таърифлаб берди: “Одам одамга ўхшайди ва ўхшамайди, бир овоз ичида кўп овозлар зуҳурда: манави эвара: унинг юрагингизнинг энг теран қаърларига кириб борадиган овози минглаб наслларнинг овозларини ўзида жамлаган, аммо биз уларни тасниф қилиб регистрларга ажратиб беролмаймиз. Абдулланинг овозида Навоий ва Лутфий ва улардан ҳам илгарироқ ўтганларнинг овозлари йўқ деб ким ишонч билан айтолади. Муҳит, шароит ва айниқса, коинотнинг айланиши авлодга тарз, қиёфа ва меҳнат маромларини беради”. Худди шунингдек, Муҳаммад Юсуфнинг овози ҳам минглаб наслларнинг овозларини ўзида мужассамлаштирган. Биз уларни тасниф этиб, алоҳида ажратиб кўрсатолмасакда, аниқ илғай оламиз. Масалан, Муҳаммад Юсуфнинг “Икрор” шеърини ўқирканмиз ё қайта-қайта тингларканмиз, беихтиёр онг остимизда Абдулла Ориповнинг “Изҳор” шеъридаги мана бу мисралар жаранглайверади:

Қанча диёрларда сайр этиб юрдим,
Қанча манзилларда туздим ошён.
Ва буюк ҳикматга охир юз бурдим,
Сийланган жойида азиздир инсон.
Юртим, сенда экан насибам тугал,
Сен ўзинг масканим, сен ўзинг шоним.
Сен – онам, сен – синглим, ёримсан азал,
Эй, жоним, жаҳоним, Ўзбекистоним!

Ишончим комилки, бундай шеърлар Муҳаммад Юсуфнинг онг остида ҳам ҳамиша жаранглаб турган. Уни бир лаҳза тарк этмаган. У хориж сафарларида муайян воқеликка дуч келиб, уни она-Ватан манзаралари ва қадриятлари билан қиёслаш асносида "Изҳор"нинг акс-садоси, узвий ижодий давоми сифатида "Иқрор" шеъри вужудга келган. Ҳатто, шеърларнинг сарлавҳалари ҳам ўзаро бир-бирига мувофиқдир. Шу даражада мувофиққи, Абдулла Ориповнинг шеърига "Иқрор" деб ва Муҳаммад Юсуфнинг шеърига "Изҳор" деб бемалол ном қўйиш мумкин. Аммо бу икки шеър айнан бир хил асар эмас. Қиёсий таҳлил этганда, уларнинг ҳар биридаги ўзига хосликни батафсил кўрсатиш мумкин. Адабиётшуносликда бу ҳодиса адабий издошлик, адабий таъсир дейилади.

Ёки "Халқ бўл, элим" шеърини оладиган бўлсак, ушбу ғоя ва "халқ бўлмоқ" ибораси қаердан келиб чиқди? Маълумки, 1980 йили Абдулла Ориповнинг "Оломонга" сарлавҳали шеъри ёзилган ва эълон қилинган. Ушбу шеър ўша йиллари жуда машҳур бўлиб кетган, ўзининг оғир бир миллий дардни кўтариб чиққан мазмун-моҳияти, эҳтиросли пафоси, фавқулотда юксак ижтимоий салмоқдор ҳайқириғи билан миллатнинг виждонини ларзага солган эди. Ҳажман ва шаклан жажжигина бу шеър "Қачон халқ бўласан, эй сен, оломон ?!" деган портловчи бонг билан якунланади. "Оломонга" шеърининг шу мисра билан тугалланиши ва Муҳаммад Юсуф шеърининг шу мисрадаги "халқ бўлмоқ" ибораси билан бошланиши (сарлавҳаланиши) асло тасодифий эмас. Бунда ворисийлик, давомийлик, издошлик қонунияти бор.

Оломончилик руҳиятига барҳам бериб, халқ бўлиш муаммоси XX аср охири афкор оммаси онгига маҳкам ўрнашиб, ҳамон жамият тараққиётининг кун тартибидан тушгани йўқ. Ушбу ғоя Муҳаммад Юсуф онгу шуурини, фикру зикрини ҳам мустаҳкам эгаллаб олганлиги шубҳасиз. "Оломонга" шеъри ўзбек миллий жамиятининг бирор онгли аъзосини лоқайд қолдирмаган. Жамиятнинг фаол аъзолари йиллар мобайнида оломончиликни тарк этиб, халқ бўлиш қайғуси билан ёниб келади. Мустабид тузум даврида бу ғояни "Оломонга" шеъри шаклида оммавий минбардан ҳайқириб айтишнинг ўзи улкан жасорат, аммо унинг ечимини топиш имконсиз эди. Чунки элнинг эрки, инон-ихтиёри ўзида

эмасди. Ўзбекистон Истиқлолигина элни шундай эрк ва имкониятга муяссар қилди. Мана шундай ҳуррият даврига келиб, Муҳаммад Юсуф элни Истиқлол берган имкониятдан фойдаланишга даъват этувчи “Халқ бўл, элим” шеърини яратди. Шеър залворли миллий муаммони моҳирона мужассамлаштиргани учун ҳам яшин тезлигида омма онгига сингиб кетди, нашъу намо топди, мустақиллик байрамларида энг яхши истиқлолий қўшиқ сифатида жаранглади, элнинг дардига малҳам бўлди. Демак, “Халқ бўл, элим” шеърини “Оломонга” шеъринг узвий давоми, “Қачон халқ бўласан, эй сен, оломон ?!” нидосига жавоб тариқасида юзага келган, дейишимиз мумкин. Албатта, буни Муҳаммад Юсуф ўз олдига “издошлик жавобини ёзаман” деб мақсад қўйиб, режалаштириб амалга оширган бўлмаса керак. Бу табиий равишда содир бўладиган сирли ва нозик ижодий жараён натижасидир. Муҳаммад Юсуф шеърияти истиқлолий миллий ғоялар билан суғорилган юксак савияли адабий асарлардир. Унинг назми ёш авлодда Ватан туйғусини тарбиялашда энг муҳим бадиий воситалардандир. Шунинг учун ҳам шоир бугун халқимиз ва давлатимиз томонидан қадр-қиммат, эъзоз ва шараф топди.

Шарқ шеърияти – муҳаббат ва меҳр тўла, ғўзал ва ҳассос, юксак бадиий рамз ва ташбеҳларга бой, эркин, инсоний, теран фалсафий, анъанавий романтик шеърият. Қадимдан шундай. У асрлар давомида Ғарб адабиётининг романтик руҳини бир неча бор кўтариб қолди.

Асқад МУХТОР



Жалолиддин Румий

Достондан парча

Комил ХОРАЗМИЙ

Подшоҳ Баҳо Валаднинг ҳассасини ўпди

Султонул Умаро яна бир қадам ташлаб, муҳтарам қариянинг қўлини ўпиш учун энгашди. Лекин чол мағрур туриб, унга қўли ўрнига ёғоч ҳассасини узатди.

Салтон Аълоиддин Қай Қубоднинг сарғиш кўзларида қаҳрли бир саросима акс этди: “Бу не манманлик!”

Лекин ўзга чора йўқ эди – у қаҳрини ютиб, ҳассага лабларини босди.

Шунда Султонул Уламо, шайх учун одатий, аммо соддадил кишиларга яшиндек таъсир этувчи каромат зоҳир этди:

– Ҳукмдор, мени такаббур деб беҳуда ўйладинг! Мусалламлик – гадолик этгувчи уламолар иши, аммо у – дунё султонлари-ю нарсалар моҳиятинини кафтида тутувчи диёнат султонларига муносиб эмас!

Радий Фиш (171)

Султонул Умаро турар қад кериб,
Бир ёнда зўр ният, бир ёнда фириб.

Энгашди Валаднинг қўлин ўпмоққа,
Ҳассасин тутди у. Тўхтади таққа.

Бу ишни у асло кутмаган эди,
Ғазабин бу қадар ютмаган эди.

Ҳассага лаб босди аммо барибир,
“Бу қандоқ синоат? Бордир қандай сир?”

Комил ХОРАЗМИЙ *– 1957 йилда туғилган. Унинг "Кўнглим сендадир", "Буюк Беруний", "Ферузнома", "Огаҳийнома" номли китоблари чоп этилган.*

Валад изоҳ берди: “Азиз ҳукмдор
Ўзингиз улуғсиз. Бизлар хокисор.

Қўл ўпмоқ подшоҳга муносиб эмас,
Дарвешнинг ишидир. Англагаймиз, бас...”

Бу гапдан подишоҳ бўлмиш кўп мамнун,
Ташаккур айтмишдир илтифот учун.

Яна кулиб қўяр – будир баёни:
“Бир ўқ-ла отаркан икки қуённи!”

Ҳар нечук Валаднинг мантиғи аъло,
Ҳам мағрур боқиши – фозил уламо!

Кўниё элига тушгандай қуёш,
Шу кун кўп қувонди кекса ҳамда ёш.

Валийлар шаҳрига солинди асос,
Шону шавкати ҳам жисмигадир мос.

Қай Қубод тарихда қолмиш шу зайл,
Олқишлар ёғилгай унга муттасил.

Икки донишмандга бўлмиш у паноҳ,
Нуқсонин яширгай шу сабаб Оллоҳ.

Подшоҳ Баҳо Валадга тожини узатди

Султон Аълоиддин Баҳо Валадни сарой эшиги олдида кутиб олиб, ичкарига бошлади. Барча Баҳо Валадга салом бериб, қўлларини ўпди. Шунда Султон Аълоиддин юксак овозда:

– Эй дин подшоси! Ўйлаб шундай қарорга келдим. Бугундан эътиборан боболаримдан мерос қолган бу тахтни сизга тақдим этмоқдаман. Сиз султон, мен қулман. Зеро, бутун зоҳир ва ботин султонлиги сизникидир, – дея, ҳамманинг олдида Баҳо Валадга тожини узатди.

Баҳо Валад Султоннинг ушбу сўзларини диққат билан эшитгач:

– Эй дунё ва охират мулкини қўлга киритишга эришган малак сифатли мулк соҳиби, муҳтарам ҳукмдор! Тахтингизда роҳат қилиб ўтираверинг. Биз кўпдан бери дунё молу мулкидан кўз юмган ҳолда Тангрига қуллик қилиб, Унинг амрларини бажаришга интилмоқдамиз, – дея жавоб берди.

Мажлисга даъват этилганларнинг аксарияти бу сўзларни эшитиб, Баҳо Валаднинг хос муридига айландилар.

Меҳмед Ўндер (31)

Валадни тан олди алҳол Қай Қубод,
Унинг ташрифидан бўлур экан шод.

Файз кирди гўёки гулу япроққа,
Фаришта қалққандек худди оёққа.

Тожини бермоқчи бўлди-ку подшоҳ,
Пирнинг маҳобатин англагани чоғ.

Баҳо Валад деди: “Эй шоҳи замон,
Тахт ва тож эрур Оллоҳдан эҳсон.

Бизда майл йўқдир бойликка асло,
Дарвешнинг бойлиги – муборак дуо.

Оллоҳга қулликдир бизларнинг амал,
Ибодат фарзини қилсак мукаммал”.

Бу сўзни эшитиб ҳамма лол бўлди,
Ўзга бир равишу ўзга ҳол бўлди.

Яна бир башорат

Бу орада Султонул Уламонинг умри тугаб борарди. У ҳис этардики, кўнглига хуш ёққан ана шу Кўнё – унинг фоний дунёдаги сўнгги манзилидир.

Бир гал Султонул Уламо Жалолиддин билан қалъа девори устида, ҳозир у турган жойдан ўттиз қадам берида туриб, шаҳарга разм соларди. Ўшанда у султон саройи ва амир қўрғони гумбазлари самога бўй чўзган, масжид ва мадрасаларининг пештоқлари қуёшда ялтираб турувчи бу шаҳарга боқиб, тўсатдан қўлларини олдинга чўзган ва шундоқ деган эди:

– Қара, ўғлим, уйларнинг сон-саноғи йўқ! Бу шаҳарда набираларим, набираларимнинг набиралари ҳам яшайверсин!...

Султонул Уламо умрининг Кўнёда ўтган сўнгги икки йилини ана шунга – авлодларим шу тупроққа чуқур илдиз отишсин, деган орзуга сарфлади.

Радий Фиш (173)

Даврнинг шовқини тинди шу зайл,
Кўнё мулкида ўтди икки йил.

Икки йил нимадир – ел каби ўтди,
Ёмғирдай товланиб, сел каби ўтди.

Бўрон қўналғаси бўлди бу макон,
Кўён кўнмоқликка бергандек имкон.

Шаффоф инсонларга ошён бўлди у,
Бу ердан чекинди фитна ва кутку.

Иймон шуъласи-ла ёришди шаҳар,
Тоғ-тошдан энг оддий заррага қадар.

Тақдир ёзувлари шудир эҳтимол,
Эзгулик бу жойда топти-ку камол.

Баҳоуддин Валад илк илдиз бўлди,
Юраги илоҳий шукуҳга тўлди.

Ҳали кўп дарахтлар бўлгайдир бунёд,
Япроқлари қалин, қомати шамшод.

Гуллари оламга таратгай ифор,
Бу ерда яхшилик фасллари бор.

Ҳар ким ўз ҳолича яшасин майли,
Қуёш қораймасин зулм туфайли.

Назм маликасига

Ўзбекистон халқ шоири
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
хотирасига

Эркин Воҳид яна Абдулла Ориф,
Назм майдонида суронлар солиб.

Ҳайратга чулғарди ҳар сатрлари,
Булар эди шеър афсунгари.

Хоразм тарафдан чиқди ногаҳон,
Файласуф бир шоир Омон Матжон.

Дур каби ярақлаб ҳар битта ҳарфи,
Қаторни тўлдирди Рауф Парфи.

Шоиралар қайда улар каби, хўш,
Зулфиянинг ўрни турар эди бўш.

Назм маликаси кутилар эди,
Қуёш кўкда тутилар эди.

Нодирлик рутбаси фалак-чун нима,
Худонинг бергани – улуғ Ҳалима.

Унда жамулжамдир асрор овози,
Сўзларнинг жилваси, туйғулар нози.

“Бегим” дея шеърлар битгани замон,
Сеҳрли тўн кийди ўзбекча забон:

“Қия тушган нигоҳни армонга йўймагайсиз,
Қиз қалбига севмоқни осонга йўймагайсиз.

Қийнамангиз, у ўзи ўртангучи бир бағир,
Бу бағирни кенгликда осмонга йўймагайсиз” .

Абдулла Қодирий ўқиса агар,
“Буни Кумуш ёзди!” дерди муқаррар.

Мунча беғубордир ўзбек аёли,
Сўз айтиш бобида ибо-хаёли.

Нодира руҳидан тарбия топиб,
Майда-чуйда дардни ишқ ила ёпиб.

Завқу шукуҳимга дунё тор, деди,
Осмондан тушгани иссиқ қор, деди.

Шунчаки ёзишни қилган эди рад,
Токи оҳангларга таслим бўлсин дард:

“Менинг шунчаки йиғлагим келмас,
Хаёл шароб мисол қилсин саврхуш, маст.

Менинг шунчаки куйлагим келмас,
Овоз пардаларим чидаб берса бас” .

Бундай овоз борми туркий назмда,
Фарғона, Самарқанд ё Хоразмда?!

Барчани мот қилмиш Сирдарё қизи,
Олис коинотдан тушган юлдузи.

Эй фалак ҳунаринг бунча мукаммал,
Ёзуви нафису, нозик ва гўзал.

Унинг шеърияти жарангдор наво,
Маҳзун кўнгилларга бағишлар даво.

Кимлардир шеър ўқиб роҳат қилдилар,
Баъзилар чидолмай ҳасад қилдилар.

Шоирлик юкини кўтармоқ қийин,
Жунун ҳам руҳида бўлмоғи тайин.

Унга сирдош керак – ўзидек доно,
Яна маслаҳатгўй, жасур мавлоно.

Зебуннусо каби яшармиди тоқ,
Унга суянч бўлди Мавлон Умрзоқ.

Бириси ой бўлди, бириси офтоб,
Бамисоли қалқон – сиёсий арбоб.

Ғаразнинг итлари қаттиқ ҳурдилар,
Аммо, буюк жуфтлик мағрур турдилар.

Бу ҳам бир қисматдир синов, имтиҳон,
Майдонда курашмоқ эмасдир осон.

“Шунчаки кулмоқ ҳам истеҳзодай гап,
Бирдан қаҳ-қаҳ урай, чўчиб кетсинлар.

Бошларига осмон тушгандай қулаб,
Ғафлат бандалари ёқа тутсинлар” .

Ҳар ёққа таралди ғолиб қаҳ-қаҳи,
Ғанимлар ёқасин тутдилар гаҳи.

Шоира кўк сари айлади парвоз,
Кетар маҳалида қийналди бироз.

Уни унутмайди эл-улус абад,
Ноёб мисралари билмагай сарҳад.

Асрдан асрга ўтар бус-бутун,
Назм маликаси асли биз учун.

Тани шоирангни, эй халқим, яна,
Таваллуд кунини қилиб тантана.

Бу шеърим шунчаки ишора – рамзий,
Мақомин шарафлар Комил Хоразмий.



Қўшиқ дунёсининг олтин овози

Эссе

Ашурали ЖЎРАЕВ

Йиллар ўтган сари миллий эстрада санъатимиз асосчиси, машҳур санъаткор Ботир Зокиров номи яна ҳам қадрли, янада юракларимизга яқин, азиз бўлиб бораётир. Шу боис Ботир Зокиров қўшиқлари замонлар ўзгаришига қарамай ҳамон барҳаёт, ҳамон яшашда давом этмоқда.

Ботир Зокировнинг турли сабабларга кўра 50, 60, 70, 80 йиллиги нишонланмаганлигини ҳисобга олсак, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 2 декабрида қабул қилинган "Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори, 2021 йил 26 августида эса Президент фармонига кўра Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ марҳум санъаткорлар, ижодкорлар қаторида Ботир Зокировга ҳам "Фидокорона хизматлари учун" ордени берилгани, Президентимизнинг 2021 йил 16 октябрдаги 61-сонли қарори билан "Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузурида Ботир Зокиров номидаги миллий эстрада санъати институти" ташкил қилингани том маънода ҳақиқат жамоли, маданий ва маърифий ҳаётимиздаги улкан воқеликлар бўла олди.

Президентимизнинг "Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарорига кўра Ботир Зокиров ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ йирик тадбирлар ўтказиш, у яшаган уйда ёдгорлик мажмуаси ўрнатиш, музей, санъаткорнинг ҳайкали, хотира китоби, янги ҳужжатли фильм яратиш, "Ботир Зокиров ижодий меросининг миллий санъатимиз тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти" мавзусида илмий конференция ўтказиш ва яна кўплаб ибратли тадбирларнинг амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳозирда ноёб истеъдод соҳиби бўлган бу санъаткорнинг 85 йиллик тўйи катта

***Ашурали ЖЎРАЕВ** – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист. 1956 йилда туғилган. Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтини (ҳозирги ЎзДСМИ) тамомлаган. "Юрак бўронлари", "Сенга кўнгил берсам", "Дил гавҳари", "Саҳифага сиғмаган сатрлар", "Майсалар уйғонган тонг" каби китоблари нашр этилган.*

тантаналар ва юксак эҳтиром билан нишонланмоқда.

Ботир Зокиров ҳаёти билан яқиндан танишар экансиз, унинг мактаб ўқувчиси бўлган пайтларидан консерваторияда таҳсилларини давом эттирган даврларида ҳам ҳамиша “аъло” ўқишга интилгани, кўз ўнгида содир бўлаётган воқеалардан теранлик ахтаргани, ўқиган китобларидан илм ва зиё излаганига гувоҳ бўласиз. Унинг юриш-туришидан тортиб оддий муомала маданиятида ҳам ҳақиқий зиёлига хос белгилар мужассам бўлган.

Бундай тарбияни у биринчи галда отаси ва устози, Ўзбекистон халқ артисти Карим Зокировдан ўрганган. Карим Зокиров ўзбек миллий операсининг номдор ва машҳур ижрочисигина эмас, кўпчилик хотирасида оддий, камтар, бениҳоя хокисор, ҳеч қачон дарғазаб бўлиб, бировни ғийбат қилиб, ёмонлаб гапирмаган самимий ва дилбар инсон сифатида қолган.

Ботир Зокировнинг болалик ва ўсмирлик даврини шунчаки қайд этиб бўлмайди. Санъатга ўта қизиқувчан, тиришқоқ, сабр-қаноатли ва билим олишга ташна, қизиқувчан ёш Ботир билмаган нарсаларини, албатта, сўраб-суриштириб, ўқиб-ўрганиб олар, доим керакли машғулот билан банд бўлар, ё расм чизар, ё қўшиқ ўрганар, ёки шеър ёдлар эди. Қўлига янги китоб тушиб қолса, ўқиб тугатмагунча қўймасди. Кечалари ухламай китоб ўқиб чиққани учун кўпинча кўзлари қизариб юрарди. Унга нафақат болалар, балки катталар ҳам ҳавас қилишарди.

Ботирнинг болалигидан ўзига хос донолиги билан атрофидагилар ҳурматини қозона олган. Бунинг барчаси ана шу донолик, илмга ташналик, санъат дунёсига бўлган муҳаббат замирида улкан бир зиёли инсон, санъат фидойиси вояга етаётганидан дарак эди.

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳақида илк бор отасидан эшитган ёш Ботир унинг асарларини аввалига мактаб дарсликларидан ўқиб билди. Мактабда доим Навоийнинг бирор-бир асарини олиб юргани учун ҳам уни ҳатто “Алишер” деб аташарди. Ҳатто айрим мактаб ҳужжатларида исми Алишер Зокиров деб ёзилган ҳолатлар ҳам бўлган. Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонидан парчаларни ёддан ўқиб, Мажнун образи унинг қалбидан, вужудидан мустаҳкам ўрин олгани боис, ўн тўрт ёшида “Мажнун” деб аталган ажойиб картина ҳам яратади. Узоқ муддат давомида, ранглар устида ўта синчков ва талабчанлик билан ишланиб, қаламда чизилган мазкур суратдаги манзара қуйидагича эди: зилол сувли ҳовузчага кўм-кўк булоқ оқиб келиб қўшиляпти. Ҳовузча бўйида ғамгин хаёлларга чўмган, сочлари тўзғиган, кийим-боши бир аҳволда, кўкси очиқ, паришон Мажнун ўтирибди. Ёнида чиройли, мунчоқдай-мунчоқдай кўзлари жавдираб жайрон ётибди. Мажнун ўнг қўли билан жайроннинг бошини силаяпти. Томирлари бўртиб турган чап қўли иягида. Тиззалари остида пайлари таранг тортилган камон. Мажнуннинг қаршисида бошини оёқлари устига қўйганича арслон узала тушиб ётибди. У ҳам гўё Мажнуннинг аҳволини кўриб, оғир ғам-ғуссага ботгандек. Картинанинг орқа кўриниши сариқ рангда. Мажнуннинг паришон ва синиқ чеҳраси, ишқ олови билан ёнган ҳасратли кўзлари киши юрагини эзиб юборади...

Эй, ишқ устида хасим нечуксен,
Эй, бедилу бекасим нечуксен!
Ки Лайли ишқида нотавонсен,
Ишқида жаҳонга достон сен...

Мазкур гўзал картинани Ботир Зокировнинг дастлабки "Автопортрет"и дейиш мумкин. Гарчи бу асар бирор-бир кўргазмада намойиш этилмаган бўлса-да, у ҳар қандай истеъдодли рассомнинг асаридан асло қолишмасди.

Ботир Зокировнинг Навоий асарларини ўқиб-ўрганиши, Мажнун образига меҳр-муҳаббат кейинчалик унинг илк қўшиғи яратилиши, биринчи марта саҳнага чиқиш жараёнларида ҳам ўз ёрқин белгиларини намоён эта олган. Санъаткор бир умр Мажнун мисол яшади, Мажнун бўлиб куйлади.

"Ботир Зокиров катта талант соҳиби, юксак эҳтиром фарзанди. XX асрнинг ўта маданиятли ва зиёли кишиси эди. Бу улуғ санъаткор ҳамиша ҳалол, имонли, ҳақиқатгўй бўлган, ҳар қандай шароит ва вазиятда ўз танлаган йўлига, ўз санъатига ҳамда юксак эътиқодига содиқ қолган. Ҳамиша у кишининг ҳаёт ва ижод йўли ибратли, санъати умрибоқийдир", дея хотирлаганди Ботир Зокировни Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов.

Ҳақиқатдан ҳам Ботир Зокиров ҳар қанча шуҳрати баланд, тирик афсона эканлигига қарамай, ниҳоятда камтарин ва хокисор эди. Афсуски, ўша қаттол замоннинг азоб-уқубатларини кўп чекди, таъна-дашномларини кўп эшитди. Санъатдан йироқ кимсалар унинг йўлига катта ғов бўлдилар, камситдилар. Лекин Ботир Зокиров бу қийинчиликларни, тўсиқларни, зарбаларни катта ирода, тинимсиз ижод, янги қўшиқлар билан енгиб ўтди. Қўшиқ санъати осмонида чинаккам юлдуз бўлиб порлади. Ўзидан илоҳий бир санъат қолдириб кетди. Доим энг машҳур санъаткорларнинг олдинги сафида бўлди. Ва ҳамиша шундай бўлиб қолади.

1978 йили Б. Зокиров "Ялла" ансамбли билан Бишкекка гастролга борганида, уларнинг концертига Чингиз Айтматов ҳам кирган ва концертдан сўнг Ботир Зокировни Чўлпон-отадаги дала ҳовлисида меҳмон қилиб, узоқ суҳбатлашган. Айтматов унга соғлигини асраш кераклигини қайта-қайта тайинлаган. Шунингдек, Ботир ака машҳур шоирлар Нозим Ҳикмат, Расул Ҳамзатов билан ҳам кўп марта учрашиб, ижодий мулоқотларда бўлган.

Бу улуғ зотларнинг аксарияти Ботир Зокиров истеъдоди ва ҳайрат тўла қўшиқларини концертларда, суҳбатларда ҳам "Сиз мўъжиза яратасиз", дея баҳолаганлар. Қўшиқчилик санъатида мўъжиза яратиш эса фақат катта ва улуғ санъаткорларгагина насиб этади. Ботир Зокировнинг дилрабо қўшиқлари, нолалари ва авжларида юрак куйлаган. Бу қўшиқлар қайси тилда бўлмасин, юраги булоқдай қайнаб, гулхан каби ловуллаб ёнган. Овозидаги шира тўла авжлар аввал юракда яратилган, юрак ҳароратидан, нолаларидан куч олган.

Энг оғир дамларда ҳам, қувонч ва бахтли лаҳзаларда ҳам юрагига суянган Ботир Зокиров ҳар сафар жарроҳлик столига ётганида ҳам юрагидан мадад сўради, юрак орқали Аллоҳга илтижолар қилиб, саҳнага қайтишни ўтинди.

Адабиётнинг чинаккам мухлиси бўлган Ботир Зокиров тасвирий санъатни

ҳам севар, кўп ўқир ва чизар эди. Таниқли ижодкорлар Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Ўлмас Умарбеков, Туроб Тўла, Учқун Назаров, рассом Рўзи Чориев, актёр Турғун Азизовларнинг яқин дўсти сифатида улар билан тез-тез ижодий мулоқотда бўлиб турарди.

Навбатдаги қўшиғи устида узоқ ишлаб, унинг сўзи, мусиқаси юрагини жизиллатмагунча куйламайдиган Ботир Зокиров ҳар бир қўшиғини камида етти-саккиз вариантдан сўнг қиёмига етказарди. Бу унинг қўшиқ яратиш йўлидаги заҳмати, репертуарини умрбоқий қўшиқлар билан бойитиш маданияти эди. Таниқли композитор Икром Акбаров билан ижодий ҳакморлик Ботир Зокировнинг ижрочилик санъатида янги ва нурли саҳифаларни очди. Бу ҳақда Ўзбекистон халқ артисти Икром Акбаров шундай хотирлайди:

– Ботир билан ишлаш ҳам мароқли, ҳам машаққатли эди. У ҳар бир янги яратилажак қўшиқ устида худди деҳқон ерга тер тўкиб ишлагандек, жуда қаттиқ меҳнат қиларди. Танлаган шеърининг сўзлари ёқмаса, қайтадан ёзарди. Кераксиз, куйга тушмайдиган мисраларни, сўзларни олиб ташларди. Айрим қўшиқларни ўн вариантда ишлаган пайтларимиз бўлган. Масалан, русча “Ошиқ булбул” қўшиғини ўн саккиз вариантдан сўнг куйлаган. Умуман, у ўзига ёқмаган, юрагини жизиллатмаган қўшиқни асло айтмасди. Агар қўшиқ ёмон чиқса, “Ҳошим” бўлиб қолибди-ку, Икром ака”, дерди кулиб. Иккинчи операцияга тайёргарлик кўриб юрган кезларда ҳам нуқул “ишлайлик” дерди. Баъзан шанба-якшанба кунлари врачлардан рухсат сўраб, уйимизга олиб келардик. “Эй, сорбон” қўшиғи ана шу даврда яратилди. Узоқ ишладик. Қўшиқ собиқ иттифоқ радио оркестрида ёзиб олинди. Қўшиқни ёзиб олиш жараёнида овоз режиссёри Володя Бабушкин бошини чангаллаб йиғлаган ва чидолмай хонадан чиқиб кетган эди.

Ботир кўп қиррали ижод соҳиби эди, фақат у мусиқа ёзмади. Аслида, ёзса бўларди, истеъдоди етарди. Баъзи номдор композиторлардан яхши ёзарди. У мусиқани, куйни муқаддас деб билгани учун ҳам бунга қўл урмади. У мусиқани, куй ва қўшиқни илоҳий мўъжиза, деб эъзозлар ва бунга хиёнат қилганларни кечирмасди. У мусиқа, тасвирий санъатни чуқур биладиган, теран англайдиган маданиятли ва зиёли санъаткор эди...

Таниқли композитор, Ўзбекистон халқ артисти Манас Ливиев бир суҳбатда шундай деган эди:

– Бу улуғ санъаткорга меҳрим ҳамиша баланд бўлган. У ўзбек эстрада қўшиқчилик санъатининг пойдеворини қўйганлардан. Ва доимо эстраданинг чўққисида юрган баланд ҳофиз.

У бетакрор овоз соҳиби эди. Ўзбек қўшиқларидан ташқари араб, эрон, афғон, рус, фаранг, ҳинд қўшиқларини ҳам роса маъромига етказиб куйлагани боис, дунёни лол қолдирди. Араб, эрон ва ҳинд санъаткорлари унинг ижросини юксак баҳолаб, “Ботир бизнинг ҳам қўшиқчимиз”, деб олқишлаганларига кўп бора гувоҳ бўлганман. Бу унга берилган катта баҳо.

Ботир Зокиров “Маҳаллада дув-дув гап” фильмидаги бир қатор қўшиқларни қойил қилиб ижро этган. “Мафтунингман” фильмидаги “Сартарош” қўшиғини ҳам биринчи бўлиб у куйлаган.

Оғир хаста бўлишига қарамай, умрининг охиригача жасорат ва матонат би-

лан қўшиқ куйлаган Ботир Зокиров нафақат ўзига хос рассом, ажойиб ҳикоялар муаллифи, актёр ва таржимон ҳам эди. Шунингдек, “Суғд элининг қоплони” операси либреттосини ёзган. Асарни ўзбек тилига машҳур адиб Асқад Мухтор таржима қилган, мусиқа муаллифи Икром Акбаров бўлган. У қайси соҳа ёки жанрга қўл урмасин, барчасида ёрқин излар қолдирган. Лекин Ботир Зокиров номини қўшиқ санъати оламга ёйди. “Раъно”, “Араб тангоси”, “Кел, ёр”, “Қайдасан, азизим”, “Мажнун монологи” сингари кўплаб қўшиқлари миллий эстрада санъатимизнинг бебаҳо дурдоналарига айланган. Қўшиқ дунёсига Мажнун бўлиб келди, қўшиқ унинг Лайлиси бўлди. У Лайли ишқида армонсиз нола қилди. Қўшиқ саҳросида юракларни ўртаб-ўртаб фарёд айлади. Унинг фарёдларига саҳро гуллари бардош беролмади, ўт-ўланлар илдизига титроқ кирди. Тўрғайлар унинг ўтли овозини эшитгач, сайрашдан тўхтадилар. Қўшиқ карвони куй сеҳри билан аста-аста одимлайди: “Эй, сорбон, оҳиста юр, ороми жоним борадур...” Юракдан булоқдай қайнаб чиқаётган нолаларнинг чеку чегараси йўқ. Қўшиқ саҳросининг Мажнуни яна Лайли ҳақида ёниб куйлайди:

Лайли ишқин танимда жон қил,
Лайли ишқин рангимда қон қил...

Сиз жозибадор қўшиқ куйлаётган Ботир Зокировнинг ёниқ, теран кўзларини кўрганмисиз? Тафаккур балқиб турган бу доно кўзлардан ҳайратга тушганмисиз? Куй ва қўшиқ юлдузлардай порлаб турган бу сеҳргар кўзларни унутиб бўлармикин?!

Кечалар юлдуз санаб,
Юлдуз кўзинг, деб ёнаман...

Ҳа, Ботир Зокиров куйлаётганда унинг қувонч ва изтироб тўла кўзлари ҳам қўшиқ айтарди. Бу кўзларда қўшиқнинг бетакрор сувратларини кўриш мумкин эди. Нолалар фақат овоз орқали эмас, балки кўзлардаги теран ва ўтли нурлар билан мухлислар қалбларига кириб борарди.

Уни машҳур қилган қўшиқлардан бир “Раъно”ни эшитиб, тўймайсиз бу дилрабо қўшиққа:

Ҳаётим тўла маъно, Раъно,
Сўнмасин ёшлик ўти...
Бахтингдан бахтим пайдо, Раъно.
Барнолар ичра барно, Раъно...

Ошиққа дилдормисан,
Ҳамма гуллардан аъло, Раъно.

Яна бир ҳаяжонли ҳолат: Ботир Зокиров ўзи маҳорат билан чизган бир қанча “Автопортрет”ларида кўзларини тасвирлашда ёрқин ва маҳзун ранглардан фойдаланган. Унинг кўз қорачиқларида ўткир ва ҳаётга ташна нур порлаб туради.

Бу қўшиққа, кўпроқ куйлашга бўлган меҳр ва иштиёқ нури, ҳаётга ташналик нури...

Унинг кўзлари овозидай бепоён, улуғвор эди. Бундай доно, жасоратли ва илҳомга ташна улкан кўзлар буюк адиб Ойбекда бор эди.

Ойбекнинг чарағон ва бетимсол кўзлари... Уларга тўқнаш келган ҳар қандай кўзлар ўз-ўзидан аланга олади. Сўнг кўзлардаги қудратли куч уларни ҳайрат ва ҳаяжонга солади. Бу тафаккур ёғилиб турган кўзлар беихтиёр адиб яратган ўлмас ва боқий асарлар ҳамда қаҳрамонлар сиймоларини ёдга солади. Ботир Зокировнинг қуёш мисол порлаб турган кўзларида ҳам ўлмас, бетакрор қўшиқлар нур таратиб туради. Ҳозир ҳам санъаткорнинг фотосуратларига, киноконцертлардаги сиймосини кўрганимизда бу кўзлардан қўшиқ ва нолалар таралади:

Қайдасан, азизим, қора кўзлигим,
Кўзларим йўлингда ширин сўзлигим...

Кел, баҳор рамзини куйга солиб кел,
Кел, кел, гул ёрай, деб кел...

Ботир Зокировнинг бетакрор ва жозибадор қўшиқлари авж пардаларга чиққанида, унинг кўзлари осмонида чақмоқ пайдо бўлади. Бу ўтли чақмоқда барҳаётлик, абадийлик оҳанглари ва юракларни ҳамиша титроққа соладиган нолалар мужассам...

Аслида Ботир Зокировнинг мафтункор ва гўзал қўшиқлари сири нимада?

Бу қўшиқлар миллионлаб юракларни қандай забт этиб, қандай ларзага солган?

Назаримда бу сеҳрли санъат сири, юракларни қайта-қайта забт этган жозибаси, дунёвий мафтункорлиги, қўйингчи, Ботир Зокиров феномени унинг бебаҳо, сеҳрли ва ширадор ОВОЗИДА эди.

У дунё саҳналарини ана шу мардона овоз билан забт этди. У ана шу ҳайратли, дилбар, мафтункор, ўктам овози билан Парижни ҳайратларга тўлдирди, Москвани янада мафтун этди.

Овоз – санъатакор қўшиқларининг ташриф қоғози эди.

Овоз – унинг куй-қўшиқ, оҳ-нола ва дардли юраги эди.

Ботир Зокиров овози – тоза, қуйма олтин ёмбисидай эди.

Олтиннинг эса баҳоси йўқ. Олтин бениҳоя қимматбаҳо ва нархи жуда-жуда баланд. Жумладан, олтин овознинг ҳам...

Олтин овозлар – ҳар қандай юракни забт эта олади.

Олтин овозлар – барча мухлисларни ҳайратга солади.

Олтин овозлар – юракларда қўшиқ бўронларини ясайди. Бу ўзбекнинг буюк санъаткори Ботир Зокировнинг олтин овози эди. Бу илоҳий овозни унга Худойим берганди!

Бу овоз – меники, сизники, ҳаммамизники!

Бу овоз – ўзбекники, Ўзбекистонники!



Эй дўст, муҳаббатнинг умри тузоқдир

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ

Шарқ адабиёти тарихида Робия, Ҳайрон хоним, Нотавон, Меҳри Хотун, Шараф хоним, Зебунисо, Увайсий, Нодира ва бошқа кўплаб шоираларнинг ўз даври адабий муҳитига таъсири катта бўлган. Умуман, Шарқда қадимдан аёл шоиралар алоҳида ўринга эга бўлиб, улар қандай замонда яшаганларидан қатъи назар озми-кўпми даражада ўзлиги, иқтидори, фикру маслакларини намоён эта олганлар.

Машҳур озарбайжон шоираси Маҳсатий Ганжавий ҳам шундай шоиралардан биридир. Озарбайжон ва мусулмон уйғониш даврининг кўзга кўринган вакиласи бўлган Маҳсатий нафақат гўзал шеърлар ёзган, балки куйлар басталаган, санъатнинг кўплаб турларидан хабардор қобилият эгаси ҳамда моҳир шахматчи ҳам бўлган.

XI аср охири, XII аср ўрталарида (1098 йилда туғилган – вафот этган йили ноъмалум) Озарбайжоннинг Ганжа шаҳрида дунёга келиб, ҳаётининг асосий қисмини шу қадимий шаҳарда ўтказган Маҳсатий Ганжавийнинг асл исми Маниса бўлиб, Маҳсатий унинг адабий тахаллусидир. Мазкур тахаллуснинг келиб чиқиши борасида бир неча ривоятлар бўлиб, улардан бири, шоира Маниса Султон Санжар саройида ўтказилган шеърий суҳбатлардан бирида камтарлик билан ўз атрофидагиларга нисбатан унча гўзал эмаслигини айтгани билан боғлиқ. Султон унинг бу фикрини рад этиб, “тў меҳ-ҳасти”, яъни, “сен буюксан”, дейди. Ва гўёки кейинчалик ана шу “меҳ-ҳасти” деб берилган таъриф “маҳсатий”га ўзгариб, шоиранинг тахаллусига айланган.

Адиб, олим Аббосқули Бокуховнинг Озарбайжон тарихига оид “Гулистони-Эрам” асарида эса “Маҳсатий” номи “моҳ” ва “сати”, яъни “буюк хоним” , “ой хоним” деган маънони билдириши айтилади. Шунингдек “Моҳ асти” – “Ойсан” дегани ҳамдир.

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ *– филология фанлари номзоди, профессор. 1954 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. Унинг “Юлдузнинг беш қирраси”, “Латиф шеърият”, “Билиб айтилган сўз” монографиялари, “Турк адабиёти хрестоматияси”, “Турк адабиёти тарихи” (XIII–XVIII асрлар) ўқув қўлланмалари, “Ишқ асири бўлган жон” рисоласи нашр этилган.*

Шоиранинг ҳаётига доир маълумотлар жуда кам бўлиб, у ҳақда фақат Абдулла Жавҳар Заргар Табризийнинг “Амир Аҳмад ва Маҳсатий” достонидагина сўз боради. XIII асрда яшаб, ижод этган шоир ва олим Абдулла Жавҳар Заргар Табризийнинг мазкур достонида Амир Аҳмад, Ганжа шоҳлари Султон Муҳаммад, Султон Маҳмуд каби тарихий шахслар ҳақида ҳикоя қилинади.

Достонда шундай маълумотлар бор: “Балх шаҳрида яшовчи илоҳиётчи олим оиласида қиз туғилади. У қизининг тақдирини билиш мақсадида мунажжимларга мурожаат қилади. Мунажжимлар фикрича, юлдузлар қизнинг келажаги порлоқ, халқ муҳаббатини қозонадиган инсон бўлишидан далолат берадилар. Аммо қиз тақдири харобот (ичкилик ичиладиган жой, майхона) билан боғлиқ бўлишини ҳам айтадилар. Отаси қизининг тарбияли, саводли бўлиб улғайиши борасида қайғуриб, яхши таълим-тарбия олишига имкон яратади. Ўн саккиз ёшигача мактабда сабоқ олган қиз яхши таҳсил соҳибаси бўлиб етишади. Кейинчалик отаси қизини мусиқа муаллимларига олиб бориб, унга ўн икки мақомни ўргатиб, чанг, уд, барбат (удга ўхшаш мусиқа асбоби) чалишдан дарс беришларини сўрайди. Танишлари бундан ҳайрон бўлиб, “Бу нима қилганинг? Сен аввал қизингга яхши таълим бердинг, унга Қуръонни ўргатдинг, энди бўлса, уни мусиқачи, раққоса қилмоқчимисан? Наҳотки қизинг раққоса бўлишини истайсан?” дея сўрашади. Ота жавоб беради: “Агар унинг пешонасига хароботга тушиш ёзилган бўлса, қўйинг, бунга ҳам тайёр бўлсин”. Мазкур маълумотлар қанчалик асослидир аммо Маҳсатийнинг моҳир созанда, бастакор бўлгани ҳақиқатлиги айтилади.

Достонда ҳикоя қилинишича, Маҳсатий отаси вафотидан кейин тақдир тақозоси билан Ганжанинг Харобот маҳалласига кўчади. Йигирма ёшидаёқ ўз билими, хуш овози, шеъриятга ҳаваси, истеъдоди билан эътибор қозонган. Узоқ-яқинлардан Ганжага келган тожирлар, зодагонлар унинг овозини тинглаш мақсадида Хароботга ташриф буюрганлар. Асарда ҳатто Ганжа шаҳри ҳокими ҳам Маҳсатий қўшиқлари мухлиси сифатида тилга олинади. Ўша давр мусиқа санъати ва мусиқий муҳитидан хабардор бўлиш учун достондаги Ганжа шоҳининг берган зиёфати тасвири жуда аҳамиятлидир. Чунки Маҳсатийнинг Ганжадаги энг кучли шахмат устаси эканлиги ҳам шу достонда таъриф этилади. Бежизга “Амир Аҳмад ва Маҳсатий” достонига чизилган миниатюраларнинг бирида шоира Хатиб ўғли билан бирга шахмат ўйнаётгани тасвирланмаган. Ганжа шоҳи шоира иштирокидаги шахмат мусобақаси ташкил этиб, унда ўз кучини ҳам синайди. Маҳсатийнинг ушбу рубоийси ҳам унинг уста шахматчи бўлганлигидан далолат беради:

Шодлик отин сурсанг, очарсан майдон,
Таъбин сеҳри айлар одамни ҳайрон.
Пиёда, от, фил, рух, фарзин сурганда,
Уста, топқир бўлсанг, ютарсан осон.

Масҳатий асарларидан унинг Рум, Марв, Балх, Нишопур, Хирот, Хуросон, Зузан, Аррон каби шаҳарларда ҳам бўлганини сезиш мумкин. Манбаларда унинг бир муддат Марвда яшаб, ижод қилгани ҳам айтиб ўтилган. Ёшлик чоғларида бир неча йил Ганжадан узоқда истиқомат қилишга мажбур бўлган шоира ижоди барқ урган даврда яна она шаҳрига қайтади ва умрининг охиригача шу ерда қолади. Мусофирчиликда ўтган йиллари кечирган оғриқлари эса унинг шеърларида ҳам муҳрланган:

Мендан дариғ тутди ҳузурни замон,
Азоблар комида тутди беомон.
Аҳди шу экан-да фалак гардишин,
Мени чарх урдирди ўзи-ла чунон.

Ёки:

Ғурбатда ўтса-да ҳаётим ғамгин,
Душман жони ҳалак ҳолим билмайин.
“Тулкилар кўрмасин арслон ўлимин” –
Дея ўз-ўзимга берурман таскин.

Бу сатрлар шоиранинг мағрурлиги, дардини достон қилмаслигини кўрсатади.

Маҳсатий маълум бир вақт Султон Санжар саройида яшаган ва у ерда ўтказилган адабий мажлислар, мушоираларда қатнашган. Маълумотларга кўра, Маҳсатийнинг айниқса бир бадиҳаси отда сайр этишни хуш кўрган Султон Санжарнинг диққатини ўзига жалб этади. Шоира ёғаётган қор ҳақида кутилмаганда бир рубоий айтади:

Эй шоҳим, ўзингсан шоҳларга султон,
Фалак бахт тулпорин этди армуғон.
Олтин тақаларга юқмасин деб гард,
Тўшади кумушдан пояндоз ҳар ён.

Маҳсатийнинг мана шу каби ўз вақтида сўз айтиш маҳорати унинг шоира сифатидаги қадрини янада оширган.

Шоиранинг таржимаи ҳолига доир ривоятларда кўплаб зиддиятли ўринлар мавжуд. Келтирилган айрим далиллар эса мусулмон жамияти учун ғайриоддийдек туюлади.

Масалан, мазкур ривоятларда асосан шоиранинг Ганжадаги Харобот маҳалласида яшагани, вақтини зиёфатларда, мусиқа ва рақс мажлисларида ўтказгани айтилади. Унинг май ва ишқ туйғуси васф этилувчи асарларидан ташқари Харобот маҳалласида яшовчи ёш санъаткорлар, олтин қидирувчилар, тикувчилар ва бошқа ҳунармандларга бағишланган шеърлари ҳам учрайди:

Тупроқ эловчини ўйлаб толмайман,
Сирим очай десам куч тополмайман.
У қум элай-элай олтин излайди,
Мен-чи, қўлда олтин уни излайман.

Маҳсатий Ганжавий саройда ўтказилган мушоираларга доимий равишда таклиф қилинган ва у ўз шеърлари билан мажлис иштирокчиларининг олқишига сазовор бўлган. Ана шундай мажлис бўлишидан бир кун аввал Ганжа шоҳи базмга кечиккан меҳмонга жарима сифатида икки шох шароб ичирмоқ шартини қўяди. Биламизки, ўша пайтларда қадаҳ ҳўкиз шохидан тайёрланиб, чиройли ишлов берилган, қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Аксига олиб, шоира айтилган вақтдан кеч келади. Мажлис шартига бўйсунган Маҳсатий икки шох шароб ичишга мажбур бўлади. Шох-қадаҳ учинчи марта ҳам тўлдирилиб, унга узатилганда шоира шоҳга қараб шундай бадиҳа айтади:

Сени мадҳ айладим, эй шоҳим, етар,
Бир аёл дуоси басдир бу қадар.
Мен ҳўкиз эмасман, бу шох на даркор?
Бўлсам ҳам иккиси етмасму магар?

Бу шеър шоҳга шу қадар хуш келадики, унга қимматбаҳо тошлар билан безатилган ўша шох-қадаҳни ҳадя қилади.

“Амир Аҳмад ва Маҳсатий” достонида келтирилишича, дўстлари қуршовида шаҳарда сайр қилиб юрган Ганжа хатибининг ягона ўғли Амир Аҳмад Харобот маҳалласидан ўтаётганда мусиқа садоларини эшитиб қолади ва ўша тарафга юради. У ерда соз чалиб, чиройли овозда қўшиқ куйлаётган йигирма беш ёшлардаги қизни кўриб қолади ва у билан танишади. Бу танишув кейинчалик муҳаббатга айланади. Йигит тез-тез Хароботга, Маҳсатийни кўришга келади. Маҳсатийнинг онаси Амир Аҳмад кимнинг ўғли эканлигини билгач, бирор кўнгилсизлик юз бермасин дея, йигитдан бу ерга келмасликни илтимос қилади. Унинг сўзларини ёшлар эътиборга олмайдилар. Бу муносабатлардан хабар топган Амир Аҳмаднинг отаси ёшларнинг муносабатига қарши чиқади. Аммо Амир Аҳмад ўз сўзидан қайтмайди. Ганжа шоҳининг севишганларни айириш мақсадида шоирани саройга доимий яшаш учун кўчиришга чиқарган буйруғи сабаб Маҳсатий Амир Аҳмадга Балхга кетишни таклиф қилади. Аввал шоиранинг ўзи у ерга кетади. Унинг ташрифи шарафига Балх шоирлари мушоира уюштиришади. Маҳсатий шеърий топишмоқ айтади. Жавобини эса ҳеч ким топа олмайди. Беллашувнинг энг қизғин пайтида бир нотаниш кимса пайдо бўлади ва топишмоқнинг жавобини гўзал бир шеър тарзида ифода қилади. Бу Амир Аҳмад эди. Достоннинг охирида ҳикоя қилинишича, севишганлар турмуш қуриб Ганжага қайтишади. Улар икки фарзанд кўрадилар.

Отасининг вафотидан сўнг Амир Аҳмад Ганжага хатиб бўлади. Аммо тез орада унинг ўзи ҳам оламдан ўтади. Бу оғир жудолик Маҳсатийга жуда қаттиқ таъсир қилади. Йиғлай-йиғлай кўзи ожиз бўлиб қолади. Ёридан айрилган шоира ундан сўнг икки йилгина яшайди, холос.

1923 йил Озарбайжонда Низомий қабрини очиб, унинг хокини Шоҳ Аббос масжиди рўпарасида дафн этиш мақсадида олиб борилган қазилма ишлари чоғида шоир сағанаси ёнидан яна бир қабр топилади. Ундаги қолдиқлар аёл кишига тегишли эканлиги аниқланади. Бу аёл қабри кимники эканлиги ҳақида турли тортишувлар, фаразлар пайдо бўлади. Улардан баъзиларида, бу ерга шоирнинг севимли рафиқаси Офоқ хоним қўйилган, дейилса, бошқасига кўра гарчи Низомийнинг қизи бўлганлиги тўғрисида ҳеч қандай маълумот бўлмаса-да, қабр

шоирнинг қизиники бўлиши керак, деб тахмин илгари сурилади. Мазкур сир пардаси "Амир Аҳмад ва Маҳсатий" достонида бироз кўтарилгандек бўлади. Чунки достон сўнггида Маҳсатийнинг Низомий Ганжавийнинг қабри ёнида дафн этилгани қайд этилган ва тахминларга кўра у Маҳсатий Ганжавийнинг қабри деган фараз ҳақиқатга яқин ҳисобланади.

Маҳсатий Ганжавийнинг ҳаёти ҳам, ижоди ҳам сир-синоатларга, қарама-қаршиликларга бой. Тадқиқотчилар изланишлари давомида бу борада жуда кўп жумбоқларга дуч келишган: Нега кўплар қалбини ўз истеъдоди, гўзаллиги билан забт қилган, сарой адабий мажлислари, мушоираларининг безаги бўлган, ўз заковати, ақлини шахмат тахтаси ортида ўринлатиб намоён эта олган бу шоира оддий ҳунармандларга атаб ишқий рубоийлар битган? Нега олган яхши диний сабоқларига қарамай, шароб, зиёфатларни тараннум этган? Нега унинг шеърларида ишоралар, мавҳум маъноли мажозлар бунчалар кўп?

Олимларнинг бир фарази бу саволларга анча ойдинлик киритгандек бўлди. Унга кўра, Маҳсатий Ганжавий сўфийлик тариқатларидан бирининг тарғиботчиси бўлиши ва шу сабаб бу илмини шеърларида шартли белгилар мажмуаси сифатида қўллаган бўлиши мумкин, деган мулоҳаза илгари сурилади. Чунки сўфийлар узоқ вақт таъқиблардан сақланиш мақсадида ўз фикрларини мажозий тилда баён этганлар. Бундай шеърларда Тангри дўст ёки ёр деб аталган, сўфий эса ошиқ деб юритилган, унинг қаттиқ ҳаяжондаги ҳолати (ҳоли) – майдан сархушлик, сўфийлар тўпланадиган жой эса майхона (харобот) номини олган. Бода ҳам май номларидан бири бўлиб, тасаввуф адабиётида ишқ ва ирфон (маърифат) рамзи деб ҳисобланган.

Агар Маҳсатий Ганжавийнинг рубоийларига сўфийлик нуқтаи назаридан қаралса, масала моҳияти кўп жиҳатдан яхшироқ англанади. Масалан, унинг отаси илоҳиёт мутахассиси эканлигига қарамай, қизининг ҳаёти Харобот билан боғлиқ бўлиши ҳақидаги башоратни нима учун хотиржамлик билан қабул қилгани, нега уни мусиқа ва раққосаликка ўқитгани, ва нега Маҳсатийдек бир аёлни Ганжа хатибининг ўғли севгани аён бўлади.

Шоиранинг ҳаёти қандай кечганлиги, унинг ҳақидаги мунозарали фикрлардан қатъи назар, биз учун Маҳсатийнинг адабий мероси муҳим. Унинг рубоийларидаги қуюқ фикр, нафислик, ҳиссиётли сатрлар, халқ дардига шериклик асрлар оша ўқувчиларнинг дилига ҳаяжон солиб келмоқда.

Маҳсатий рубоийларида халқнинг буюк кучлиги, киши кимлигидан қатъи назар, яъни ҳатто шоҳ бўлса ҳам халқи дардига малҳам бўлиши зарурлиги яхши тасвирланган.

Гарчи халқ бошида бўлсанг ҳам бир тож,
Кун келиб йиғлатар сени эҳтиёж.
Халқ дарди-ла яша, унга малҳам бўл,
Қўрққи, сен ҳам бир кун бўларсан муҳтож.

Маҳсатий рубоийларида зулф, шам, бода, соқий, шароб, майхона каби анъанавий рамзий образлар кўп учрайди:

Майхонага тикдинг хумор кўзларинг...
Тун мужда берарди ошиққа минг-минг.
Зулфингга фармон бер, оғир занжирдан,

Халос этсин жонин бу девонанинг!

Бу сатрларнинг мазмунини англаш учун ўша давр адабий муҳити, тасаввуф адабиётини яхши билиш керак. Тасаввуф адабиётида соқий, зулф ва бошқа ҳар бир рамзнинг ўз мазмуни бор. Масалан, соқий деганда муршид тушунилади. Шоира ўз қалбига мурожаат қилиб, юрагини маҳрами деб билади. Унинг битганларидаги гўзал ташбеҳлар, нафис муболағалар эса ўқувчини шоиранинг суҳбатдошига айлантиради.

Яна:

Қумридек беғубор, севикли дилбар,
Ҳуснинг ҳатто товусни ҳам мот айлар.
Каклик каби эшигимдан кирсанг гар,
Юрак учмоқ истар мисли кабутар.

Унинг битганларидаги ёр ёнида бўлса “То маҳшар кундузни кўрмасин олам”, “Нозлансанг гар суртиб сочингга анбар, Дунё айланмасму терсига, дилбар?!” каби мисралари ўқувчининг кўнглига сурур солади.

Шарқ мумтоз адабиётида ёрнинг холи кўп тасвирланган, лекин уни томчи қонга менгзаш илк маротаба Маҳсатийда учрайди. Буни қўйидаги рубоийда келтирилган гўзал ташбеҳда кўриш мумкин:

Адо қилган оқ бўйнингга бир хол қўнмиш
Бўйнингда ажиб тилсиммиш, бир афсунмиш.
Қадди бастингга ҳеч уни нишон дема,
Менинг юрак қонимдир ул, бунда тўнгмиш.

Шоиранинг севгида собиту, муҳаббат йўлида қурбон бўлишга ҳам тайёрлигини куйлаш ўз даврида аёл шоира учун катта жасорат эди. Бу мисралар замирида руҳият эркинлиги яққол кўринади:

Севги йўлида жон қурбон этсанг яхши!
Севинмаса кўнгил, вайрон этсанг яхши!
Васлига заррадек умид бўлмаса,
Жар солиб оламга, афғон этсанг яхши!

Ёки мана бу гўзал мисраларни қаранг:

Сенсиз нафасим кўксима пайкон бўлсин,
Сенсиз яшаса қалб уйим, вайрон бўлсин.
Дардингдан ўзга бир ҳис бўлса кўнглимда,
Унга бутун бу вужудим зиндон бўлсин!

Маҳсатий лирик қаҳрамони қанчалик севмасин камтар. Ундаги ҳаётсеварлик ёрнинг ҳар бир жиҳатидан гўзаллик топади, оригинал қиёслар қилади:

Ажаб, недир анбар сочларнинг дарди,
Беҳисоб толалар бошинг чулғабди?
Ишқингда толадек бўлса ҳам жисмим,
Ҳеч бошингга чиқмам сочларинг каби!

Маҳсатий ижодида гул, булбул, сарв образлари ҳам ёр васфини келтиришда тез-тез учраб туради. Шоира ўз қалбини ишқ ошёни деб билади. Азобларга чидаш, ишқда сабот кўрсатишни ошиқлик бурчи ҳисоблайди. Яъни маъшуқ қанчалар тошбағир бўлмасин, ошиқнинг ҳам сабри тошдандир, дейди.

Асосий адабий мероси рубоийлардан иборат бўлиши билан бирга шоиранинг ўзи ҳам рубоийни ниҳоятда яхши кўриб ёзишини қуйидаги мисралари орқали ифодалаган: “Никоҳига олди мени рубоий, Борми бу никоҳга изн бергувчи дин?”

Маҳсатий Ганжафий рубоийларининг бу қадар фалсафий фикрларга тўлиқлиги унинг Умар Хайём ижодидан таъсирлангани натижаси деган фикр уйғотади. Умар Хайёмга (1048–1131) кичик замондош бўлган шоира машҳур шоир рубоийларидан илҳомланган бўлиши табиий. Шу боис ўзи ёзган рубоийларидаги теранлик бу ашъорлар тарбиявий аҳамиятини янада орттиради:

Тани нуқсонлидан ҳам олгин сабоқ,
Номард эркаклардан аёл яхшироқ.
Бевафо дўстлардан душман афзалдир,
Бебурд ошнолардан ўзни тут йироқ.

Ҳаётсевар бўлган шоира бу дунёнинг қадрига етиш кераклиги ҳақида шундай ёзади:

Гар бўлса сеники Миср, Рум, Чин ҳам,
Билки, сеникидир рўйи замин ҳам.
Ҳаётдан баҳра ол, ки, уч аршин ер,
Ўн аршин кафан сўнг насибинг, одам!

XI аср охири, XII аср ўрталарида яшаган Озарбайжоннинг илк шоираси Маҳсатий Ганжавий ижоди Озарбайжон адабиёти тарихида алоҳида ўринга эга. Форс тилида ижод қилган шоира шеъриятида муҳаббат лирикаси етакчилик қилади. Рубоийлари дунёвийлиги, инсонпарварлиги, муҳаббатга тўлиқлиги билан ажралиб туради. Маҳсатий Ганжавий муҳаббатни инсонни улуғловчи туйғу сифатида куйлайди. Хурофот, риёкорлик ва мутаассибликка қаршилиги, инсоннинг маънавий озодлиги тарафдори эканлигини жасорат билан акс эттиради. Шоиранинг ижодий мерос намуналарининг катта қисми, афсуски, сақланиб қолмаган. Бу кунга қадар етиб келган икки юз элликдан ортиқ рубоийлари ва ўттизга яқин шеърий парчалари эълон қилинган. Маҳсатий Ганжавий рубоийларини озарбайжон тилига Халил Юсуфли, Нигор Рафибейли, Рафаэл Ҳусайнов, Мирабдулмуин Ниёзийлар таржима қилган ва улар алоҳида китоб ҳолида бир неча марта нашр этилган. Маҳсатий Ганжавий шеърлари рус, инглиз, итальян, олмон, француз тилларига ҳам ўгирилган. Турли даврлар оша ҳам кўплаб тадқиқотчи олимлар

диққатини ўзига жалб этган Маҳсатий Ганжавий ижоди доим кўплаб баҳслар, бир-бирига қарама-қарши нуқтаи назарлар ўртасидаги мунозараларга сабаб бўлган. Озарбайжоннинг таниқли адабиётшунос олимларидан академик Рафаэл Ҳусайнов, Микоил Рафили, Акбар Оғаев, Мамад Ориф ва бошқалар Маҳсатий Ганжавийнинг ҳаёт йўли ва ижоди ҳақида илмий ишлар ёзган. Профессор Халил Юсуфлининг "Маҳсатий Ганжавий" (Боку, 1984) китоби, Сакина Содиқнинг "Шарқ қуёши – Маҳсатий" (2015) рисоласи, Академик Рафаэл Ҳусайновнинг 1989 йилда "Маҳсатий борлигича" китоби, 2014 йилда "Маҳсатий Ганжавий" портрет-очерки шулар жумласидандир. Маҳсатий ҳаёти ва ижоди Озарбайжон республикаси олий ва ўрта таълим мактаблари ўқув дастурларига киритилган.

Озарбайжонда шоира хотираси ҳурмат билан эсланади. Биринчи бор Маҳсатий Ганжавий сиймоси 1942 йилда драматург Меҳди Ҳусайннинг "Низомий" асари асосидаги спектаклда Боку шаҳрида Озарбайжон драматик театри томонидан саҳналаштирилади. 1964 йилда Нахчиван Мусиқали драма театрида, 1967 йилда эса Ганжа драматик театрида Камола Оғаеванинг "Маҳсатий" пьесаси саҳналаштирилди. Нигор Рафибейлининг Маҳсатий Ганжавийга бағишланган поэмаси асосида композитор Эртоғрул Жовид томонидан опера ёзилган. Ганжа шаҳрининг сўлим гўшасида 1982 йил ҳайкалтарош Мунаввар Ризаева томонидан яратилган шоира ҳайкали қад кўтариб турибди. Шоира сиймосини рассомлар, гиламдўзлар ҳам ўз асарларида акс эттирганлар. 2016 йилда Францияда ўтказилган "XII ва XXI асрларни бирлаштирувчи адабий кўприк" лойиҳаси доирасида Коньяк шаҳрида шоирага ёдгорлик ўрнатилган. 2014 йил 21 январида эса Озарбайжон Республикаси президенти Илҳом Алиев томонидан Ганжа шаҳрида Маҳсатий Ганжавий маркази Ҳайдар Алиев фонди ҳомийлигида қурилиб, ишга туширилади. Маҳсатий Ганжавий рубоийларидан айримлари ўзбек китобхонларига Абдулла Орипов, Ойдин Ҳожиева, Абдулла Шер ва Шаҳло Қосимова таржималарида тақдим этилган. Масалан:

Эй дўст, муҳаббатнинг умри тузоқдир,
Орзум истагингдир, бу сўзим ҳақдир.
Қароримни олди сифоришларинг,
Сабр деганлари мендан узоқдир.

(Абдулла ОРИПОВ таржимаси)

Айни пайтда Маҳсатий Ганжавийнинг ўзбек тилидаги шеърий тўплами Шаҳло Қосимова таржимасида чоп қилиниш арафасида ва бу юртимиз шеърият мухлисларига шоира ижоди билан янада кенгроқ танишиш имконини беради. Мазкур танишув, ҳеч шубҳасиз, ўзбек – озарбайжон адабий алоқаларида ҳам муҳим аҳамият касб этишига ишонамиз.



Эпистоляр романларда ижтимоий муҳит

Ориф БОЗОРОВ

Эпистоляр асарлар, асосан, ишқий-сентиментал характерда, ошиқ-маъшуқларнинг ёзишмаларидан иборат бўлади. Бироқ ижодкор ғоявий-бадиий ниятига кўра мазкур ёзишмалар орқали ҳам ижтимоий воқелик манзаралари берилиши мумкин. Масалан, бадиий асар жанрларининг роман спецификасига кўра қаҳрамон саргузаштлари ёки концентрик фабула асосида муайян тарихий даврнинг кенг манзаралари орқали сиёсий, ижтимоий, ахлоқий муаммолар акс эттирилиб, романнинг эпистоляр характерда бўлиши жанрнинг бу специфик хусусиятини кескин ўзгартириб юбормайди.

Худди шундай сентиментал-ишқий характердаги машҳур романлардан бири Иоганн Вольфганг Гётенинг "Ёш Вертернинг изтироблари"да ҳам дастлабки қарашда ортиқ даражада ҳиссиётчан, ижодкор табиатли ёш Вертернинг севгидаги омадсизлик туфайли ўз жонига қасд қилиши ҳикоя қилинса-да, асар бош қаҳрамони фожиасини фақат муҳаббат мотиви билан боғлиқ ҳолдагина кўриш мазкур роман ғоявий-бадиий қимматини анча тушириб қўяди. Чунки воқеалар ривожланиб борар экан, ёш Вертернинг ўзи яшаётган ижтимоий муҳит қирралари очилиб, қаҳрамоннинг бу муҳит билан зиддияти тасвирланади. Илк мактублар ўқувчини Вертернинг инсоний табиати билан таништирса, тўртинчи мактубдан бошлаб эса ижтимоий муҳит чизгилари ҳам берилади. Вертер ўзи келиб жойлашган шаҳарча манзаралари, у ердаги ҳаёт тартиби билан таништирар экан, ўзининг жамиятга оид кузатиш ва хулосаларини ҳам баён қила боради. Бу орқали Вертер яшаётган жамиятдаги табақаланиш даражаси маълум бўлади. Гўё шу табақаланишга урғу берилгандек, дарҳол хизматкор қиз воқеаси келтирилади. Қаҳрамон жамиятнинг мавжуд тартиб-қоидаларини яхши билиши, зоҳиран уни инкор қилмаса-да ҳурликка мойил руҳи ва тийнати бу тенгсизликни қабул қилолмай, уни жон-жаҳди билан рад этиши, ич-ичдан бу тартибнинг ғайриинсоний эканини ҳис қилишини кўриш мумкин. Бу жиҳат унинг 1771 йил 24 декабрида ёзган хатида ҳам аёнлашади. "Ярамас ижтимоий муносабатлар,

---

Ориф БОЗОРОВ *– 1967 йилда туғилган. Қарши давлат педагогика университетининг хорижий тиллар факультетини тамомлаган. Республика матбуотида илмий мақолалари эълон қилинган.*

айниқса жиғимга тегяпти. Табақаларни фарқлаш қанчалик муҳимлигини, ўзимга ҳам бу қанчалик фойдали эканлигини бошқалардан кам билмайман", дейди у.

Инсоннинг ижтимоий ўрни, турмуш даражаси – унинг иқтидори, ички потенциали, билими ва ғайрат-шижоатига қараб эмас, қайси табақага мансублигига кўра белгиланган учун ҳам роман воқеалари кечган муҳитда Вертер ва унга ўхшаганларнинг боши фожиадан чиқмас эди. Улар жамият учун катта ишларни амалга оширишга қодир эканликларига қарамасдан, бойларнинг хонадонида ёлланма ишчи ёки давлат идорасида кичик лавозимларда хизмат қилишга мажбур бўлар, улар ички потенциалининг бўғилиши фожиали оқибатларга олиб келар эди. Худди шунинг учун ҳам турли даврларда жуда кўп ўқувчилар Вертер сиймосида ўзларини кўрдилар. Асарнинг нафақат Германия, бошқа мамлакатларда ҳам катта тўлқин ҳосил қилганининг сабабларидан бири ҳам шу. Чунки Гёте жамият инсон ўзлигини воқелантиришга йўл бермаган, уни ўз ичига қамаган замондош образини яратган эди. Масалан, асарнинг Альберт ва Вертернинг худкушликка оид баҳс-мунозараси тасвирланган асосий саҳналаридан бирида Вертернинг: "Мустабид ҳокимнинг бениҳоя зулмидан эзилган халқ ниҳоят қўзғалса ва зулм занжирини узиб ташласа, сен буни ҳам кучсизлик дейсанми?" сўроғига жавобан Альберт бу сўзларнинг мавзуга алоқаси йўқлигини айтса, Вертернинг ўзи ҳам "Эҳтимол, шундайдир", дейди.

Романнинг биринчи қисми ўқувчини асосан Вертернинг табиати, унинг севги кечинмалари билан таништирса, "Иккинчи китоб" деб номланган қисмда ижтимоий ҳаёт манзаралари кенгроқ берилади. Вертер ўзининг Шарлоттага бўлган муҳаббати жавобсиз бўлмаса-да, натижасиз эканлигини англагач, бошқа шаҳарга кетади ва элчихонада кичкина бир лавозимни эгаллайди. Аммо фақат севги изтироблари туфайлигина эмас, бошқа сабабларга кўра ҳам ўзи излаган ички ҳаловатни топа олмайди. Бу ҳаловатсизлик, бир тарафдан, давлат хизматига оид юмушларнинг бефойда, майда, амалий аҳамиятга эга эмаслиги билан боғлиқ эди.

Маълумки Альбер Камю ҳам абсурд фалсафасини аниқлаштира туриб, давлат идораларида минглаб одамларнинг эртадан кечгача ҳеч кимга нафи тегмайдиган ишлар билан машғул бўлса-да, ўзларини жуда муҳим вазифа билан банд деб ўйлашига аҳамият беради. "Сизиф афсонаси. Абсурд ҳақида эссе"да шундай ёзади: "Шундай кун келадики алмисоқдан қолган декорация вайрон бўлади. Уйқудан уйғониш, трамвай, контора ёки заводда тўрт соат бўлиш, тушлик, трамвай, тўрт соатлик иш, кечки овқат, уйқу; душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба, жума, шанба, ҳаммаси яна ўша маромда – мана, кунба-кун юриладиган осон йўл. Лекин бир куни "Нимага?" деган савол пайдо бўлади. Ҳаммаси ўша бўяб-бежалган тушунарсиз зерикишдан бошланади. "Бошланади" – энг муҳими мана шу". Камюнинг назарида маънога эга бўлмаган ўша айланма елиб-югуришлар абсурд. Буни англаганлар учун эса икки йўл қолади: ё маънисиз айланмани англаган ҳолда яшашда давом этиш, ёки худкушлик. Шу маънода ёш Вертер ҳам ўзи яшаётган ижтимоий муҳитда ҳаётнинг абсурдлигини англаб етади.

Гарчи камюча абсурдизм XX асрда майдонга чиққан бўлса-да, "Абсурд ҳаёт, абсурд қаҳрамон то шу вақтгача мавжуд эмасди", дейиш факт ва назария диалектикасини тушунмасликдир. Камю абсурд назариясини яратди, аммо реал воқелик

сифатида абсурднинг ёши инсоният ёши билан тенг десак ҳам кўп муболаға бўлмайди. Хуллас, севги изтироблари домида қолган Вертер ҳаётнинг абсурдлигини англаб етади. Бу эса унинг учун яшашни янаям қийинлаштиради. У ақл-тафаккури ва иқтидори ҳар қандай юқори табақа кишисиникидан кам бўлмагани ҳолда, ўзининг ижтимоий ўрнини ҳазм қила олмайди. Йўқ, бу дискриминация ҳам эмас. Вертер инсоннинг жамиятдаги ўрни унинг бойлиги ёки қачонлардир одамларнинг ўзлари ўйлаб топган насл-насаб ёки унвонга қараб эмас, одамнинг ақл-идроки, қобилияти ва жамиятга тегаётган фойдасига кўра белгиланиши лозим деб ҳисоблайди. У ўз мактубида дўстига граф К...ни "Улкан ва теран ақл эгаси, лекин бу билан кеккаймайдиган, фикри кенг киши" сифатида таништирса, элчини "Учига чиққан аҳмоқ", инжиқ ва ланж дейди. Фройлайн фон Б...нинг холасини "Кексалигида бир неча аслзода авлодларидан ўзга на бир таянчга, на фаҳму фаросатга ва кўзга кўринарли мулкка эга бўлган, ўз ижтимоий мавқеи пардасига ўралиб қолган"лигини айтади. Яна бир ўринда эса "Бошқалар ўзларининг арзимас кучлари ва қобилиятларини намойиш қилиб олдимда вазминлик билан кеккайиб юришса-ю, мен ўз кучим ва истеъдодимдан иккиланиб ўтирайми?" дейди. Буларнинг бари ёш ва ақли расо, инсоний юксак сифатлар билан сийланган Вертернинг ўзи яшаётган, одамларни асоссиз равишда баланд ёки паст тоифага ажратган жамиятга баҳосини аниқлаштиради. Бир ўринда эса тўғридан-тўғри унинг "Юқори табақадаги кишилардан нафратлангани" ҳақида айтиб ўтилади.

Умуман олганда эса, Вертернинг табиат ва санъатга берилишининг ўзиданоқ ижтимоий муҳит уни қониқтирмаганини, у одамлар ва ижтимоий муносабатлар бўлмаган табиат қўйнида ёки тасаввур маҳсули бўлган санъатда ўзини яхши ҳис қилганини сезиш мумкин. Гёте ҳам Жан Жак Руссо каби ижтимоий тенгсизлик муаммосини асосий масала қилиб қўяди. Бойлик ва жамиятдаги сохта мавқе туфайли ўзи билан бошқалар ўртасига кўринмас чегара қўйиб олган аристократларнинг руҳан нақадар қашшоқ эканини очиб кўрсатади.

Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзонинг миллий тарихимизнинг муайян даврига хос ижтимоий воқеликни кенг тасвирлашдан иборат ғоявий-бадиий мақсадни кўзда тутган "Бону" романида эса ижтимоий ҳаёт манзаралари талабаларнинг пахта йиғим-теримига отланишидан бошланади. Адиб ўнлаб йиллар мобайнида бутун бошли халқни – раҳбаридан тортиб мактабнинг гўдак ўқувчиларигача қаттиқ хўрлаган адолатсизликни Бонунинг талабалиги манзарасида реал чизиб кўрсатади.

Бону коллежда ўқийди, ҳашарга кетиш арафасида қўл телефонига пул туширмоқчи бўлади. Мана шу кичик тафсилотлар бу воқеалар мустақиллик йилларида бўлаётганини англатади. Чунки шўро даврида бизда коллеж ҳам, қўл телефонлари ҳам бўлмаган. Асарда мустақиллик даврининг шўро инерциясида давом этаётган салбий воқелиги, жумладан, пахта яккаҳокимлиги ҳам қаламга олинган.

"Бону" романи эпистоляр шаклда ёзилган бўлса-да, кўпроқ одатдаги эпик прозани эсга солади. Чунки унда воқеалар жуда батафсил, кичик-кичик тафсилотлари билан, диалоглар ҳам тўлиқ-тўлиқ берилади. Бону телеграм ижтимоий тармоғи орқали хат ёзаётгандан кўра, қўлига қалам олиб батафсил кундалик ёза-

ётганга, ўтмиш воқеаларни ўзи учун ипидан-игнасигача хотирадан ўтказаётганга ўхшайди. У гўё кундаликдан иборат катта бир роман ёзгану, ўшани ёзувчига бўлиб-бўлиб хат шаклида жўнатган каби таассурот беради. Чунки асарда хатдан кўра анъанавий проза усули устуворроқ; хатнинг анъанавий шаблонлари ҳамма вақт ҳам ишлатилмайди.

Роман оилавий-маиший ҳаёт саҳналари, Бонунинг хотиралари, муҳаббат изтироблари, оиласидагилар билан катта-кичик тўқнашувлари тасвиридан бошланиб, Бону ҳаёти фонида миллат турмуши катта ижтимоий воқеликлари тасвирига ўтилади. Адиб бир аёл кечмишлари орқали миллат ҳаётининг катта тарихий даврини, шу даврнинг муҳим ижтимоий воқеаларини бадиий тафаккур сатҳига олиб чиқади.

Ота вафотидан кейин Бонунинг акаси қарзини тўлаш учун бобосининг ҳовлисини сотувга қўяди. "Эримнинг Россияга бориб ишлаб топганини..." дейди аканинг хотини. Мана шу жойдан романга меҳнат муҳожирлиги мавзуси кириб келади. Ишсизлик, йўқчилик акани иш излаб хорижга кетишга мажбур қилади. Бу ёқда эса рўзғор ғоридан ташқари "Бир-бирини етаклаб келадиган маърака"лар – жаноза, бегойи жума, учлик, еттилик, йигирма каби ортиқча расм-русумлар ҳам оиланинг иқтисодий аҳволини танг қилади.

Умуман олганда, оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар, унинг кўпинча моддийликка асосланиши ҳам миллий муҳитдаги катта ижтимоий фожиа ўлароқ идрок этилади. Айнан мол-мулк, пул туфайли ака онаси ва синглисини алдайди, уларни ёлғиз ташлаб кетади, қариндошлари Бону ва онасига фақат манфаат юзасидан яхши ёки ёмон ёки лоқайд муносабатда бўладилар. Айнан моддий манфаат туфайли Олмос Бонуни минг кўйга солади.


Бону дучор бўлган, гувоҳи бўлган фожиалар бир-бирига занжирдай уланиб кетаверади. Жамиятдаги янгиланишларни ўз манфаатига буриб юборган амалдор, корчалонларнинг гоҳ пул, гоҳ ҳокимият кучи билан ҳалол тадбиркорларни майдондан суриб чиқариши айни роман тасвирланган тарихий давр воқелигидир. Бонуга бетама, беминнат яхшилик қилган Икромиддин ҳам шундай бир мулозимнинг очкўзлиги туфайли балога гирифтор бўлади. "Пойтахтга арз қиламан, ҳақиқат қилишар..." деган қаҳрамон сохта айбловлар билан узоқ йилга қамалиб кетади. Оила бор-будидан айрилиб, йўқсил аҳволга тушиб қолади. Юқори доиралардаги, судлардаги адолатсизликлар, руҳий босим ва умидсизлик, адолат ўз ўрнини топишига ишончнинг йўқолиши ҳалол ва қонунга итоат қиладиган қаҳрамонларни қинғир йўллардан нажот излашга мажбур қилади; кимларгадир пора бериш билан иш битирмоқчи бўлишади. Аммо жамиятда қонун устуворлигига, ҳақиқат тантанасига ишонч йўқолганидан фойдаланган фирибгарлар тоифаси ҳам шаклланиб бўлганлиги учун Бону ва Шоира ўшаларга алданиб, қора меҳнат, тер ва қон эвазига топилган пулларидан ажралиб қоладилар.

Жиноят қилмаган одамдан жиноятчи, гуноҳсиздан – гуноҳкор ясаш тамойили, туҳматнинг қонун-қоидага айланиши нафақат жамият аъзолари, балки қавму қариндошларни ҳам бир-биридан айиради; одамни одамликдан мосуво қила боради. Ҳасад, арзимас мақсад манфаатлар йўлидаги олишувлар, қасоснинг замона

зўрлари – пулдор ва мансабдорлар қўлида кучли воситага айланиши, тамагирлик, пораҳўрлик, фирибгарлик Икромиддин воқеасидаги каби катта доиралардан тортиб мактаб радиоси билан боғлиқ воқеадаги каби жамиятнинг энг кичик доираларигача қонуниятга айланади. Бутун жамият – юқоридан пастгача, ҳатто оилавий давраларда ҳам танқидга тоқатсиз бўла боради. Вазият шу даражага бориб етадики, ҳатто одамлар тўғрилик, ҳалоллик – хато, нотўғри экан, деган фикрга бора бошлайдилар. Фарзандининг кўргиликларидан зада бўлган онаси Бонуга "Айб сендамас, болам, раҳматли дадангда! Сув қаёққа оқса, ўша ёққа қараб суз деб ўргатганида қулоғинг тинч бўларди. Болам, ҳақиқатталаб одамда дўст бўлмайди" дейди. Мактабдаги ноқонунийликлар, тарафкашлик ва адолатсизликларга қарши кураш бошлаган Бонуга эса бутун жамоа рўйхушлик бермай қўяди. Инсоний туйғулари, ҳалол тийнати ва тўғрилиги боис жамиятдан пес-мохов каби ажралиб қолган Бону ишдан кетади, унинг муҳожирлик ҳаёти бошланади. Олий маълумотли қиз, миллатнинг тафаккури баланд бир вакили дўконда дастёрлик билан иш бошлайди. Кейин ҳам худди шу хилдаги қора ишларни қилади. Турли бало-ю офатларга рўпара бўлади. Миллатнинг инсофу виждонини, ҳаё ва иффатини йўқотган вакилларини шу ерда ҳам учратади. Тақдир турли сабаблар билан ёт ўлкаларга улоқтириб ташлаган одамларнинг ахлоқан тубан кетганига гувоҳ бўлади. Яхши одамлар оғир кунда унга ёрдам қўлини чўзадилар...

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, биз тадқиқот объекти сифатида кўриб чиққанимиз немис ёзувчиси Иоганн Вольфганг Гётенинг "Ёш Вертернинг изтироблари"да ижтимоий муҳит муаллифнинг ғоявий-бадиий ниятини юзага чиқаришда фон вазифасини бажарган, орқа пландаги воқелик сифатида келган. Иқбол Мирзонинг "Бону" эпистоляр асари эса тўла маънодаги ижтимоий роман бўла олган. Яъни ёзувчи Бонунинг саргузаштлари, тақдири ва бошдан кечирганлари орқали тарихий-ижтимоий даврга ўз баҳосини берган.

Илинган дурларнинг зилоли



Бозор СОБИР

Тоғлар оғушида

“То-о-оғ” дедим мен,
“То-о-оғ” деди Бадахшон,
“То-о-оғ” деди Зарафшоннинг
Осмонбўс чўққилари.
Овозларим садо берди кўҳистонимда,
Ул ахир менинг
Ҳамдардим, қисматим, армоним.
Тоғ, дедим,
Вужудлари мармар
Бошлари тошдан
Юз минглаб паҳлавон турди уйқудан,
Юз минглаб қаҳрамон турди уйқудан.
Тоғ, дедим,
Норасо овозим бир неча лаҳза
Тошларга урилиб акссадо берди,
У бонгга, фарёдга айланди,
Буткул олам бир овозла жўр бўлди менга.
Арзимни тингловчи саркаш чўққилар
Юксакка ўролмаган нидоларимни
Айлантирадилар,
Осмоний хандаларга, гиряларга,
Жаҳоний дарду фарёдларга.
Чўққилар бошида кифоя нафас,

Бозор СОБИР *– Тожикистон халқ шоири. Рўдакий мукофоти лауреати. 1938 йилда туғилган. Тожикистон давлат университетининг филология факультетини битирган. Ижодкорнинг “Пайванд”, “Мижгони шаб”, “Чашми сафедор”, “Гули хор” каби шеърий тўпламлари чоп этилган.*

Қўзғалиб тошлардан ларзакор бир сас,
Гулдирай бошлайди энди овозинг.
Узоқлардан тингларлар сени.
Ер юзида кўп эмасдир бизларнинг уруғ,
Тоғу тошлар лекин барқарор экан,
Ҳаргиз камаймагай бонгу садоларимиз.
Тоғлар садо бергайдир,
Биз фаровон бўлгаймиз.
Токи, тоғлар бор экан,
Эмасмиз танҳо.
Ҳар битта тош такрор этар овозимиз,
Ҳар битта тош
Юксалтирар сонимиз.

Юлдузлар

Юлдузлар –
Сурмали кўзларнинг қорачиғидан
Силқиб дурларнинг зилоли.
Хаёлий бешикда улғайгувчилар,
Кеч осмон саҳнидан лола терарлар.
Улар –
Заминга оёғи тегмаган гўдаклар,
Таваллуд топмаган тирик хилқатлар,
Ватан этишгандир бепоёнликни.
Шом эди,
Шомки у мисоли бир куй,
Ёнимда ўшал моҳрўй,
Ошиқ юракларда ойдин-ойдин ўй,
Мен ва у
Юзлари унингдек,
Бўйлари менингдек,
Зарринсоч гўдакни қилардик орзу,
Қалбим турбаларига чўкди пушаймон.
Ўшал айтилган,
Айтилмаган эртаклар уруғин
Умидла экдигу
Униб чиқмади.
Энди, оҳ, бир чора йўқдир,
Энди, ул, моҳпора йўқдир.
Зарринсоч гўдагим бешикда ётмас,
Айланмиш зарфишон юлдузга.
Начора,
Тақдир.
Юлдузлар,


Юлдузлар.
Тунларнинг киприкларида
Шабнамга ўхшайдилар,
Боламга ўхшайдилар.
Юлдузлар –
Бенишонлар нишонлари,
Исмсиз, лолачин гўдаклар,
Ошифталар хаёли,
Дилу жонлари.
Болалик эртагин ва аллаларин
Эшитгайлар ҳар тун фаришталардан,
Эмиб оймоманинг сийналаридан.
Юлдузлар –
Жамил юлдузлар.
Орузнинг заркокил дўмбоқчалари
Ўйнашарлар тонг отгунча
Қаҳқашон кўчаларида,
Армон кўчаларида,
Осмоний фаришталар-ла.

Гўдаклик чоғларим ёди

Бўлган эдик бир пайтлар гўдак,
Туққан эди бекасу бечоралар.
Биз хомзодалар.
Биз норасидалар.
Оналар,
Эҳ, оналар,
Айни ёшлик чоғлари,
Кўзда ёш,
Билмасдилар шодлик нима?
Арпа донин алмашиб кўзёшига,
Бемаҳал қартайишган волидалар,
Эгнида йиртиқ чопон,
Қўллар қадоқ,
Елкаларин хору хас эзганларим,
Дон теришган далалардан,
Унутганлар ўзларин.
Эски-туски устибош,
Парча нон,
Совун учун,
Алмашишган уйда бору будларин.
Шу етимлар соғ қолишсин деб,
Дил парчасин кабоб қилиб бергандилар.
Ўша кунлар вайрона уй,

Кулбалар
Ҳувилларди бир мозордек.
Оналарнинг елкасида бор эди,
Бел синдирар рўзғор юки.
Биз хомзодалар.
Бизни туққан бекасу бечоралар,
Қадримиз йўқдир ҳатто йўл чангидай,
Оч, юпун, ранги сомон болалар
Муздайин кулбаларда сўлмадик.
Оймома кўп кулча ташлаб тўйдирарди,
Нонни эса фақат тушда кўрдик.
Гўдак эдик,
Нон ўрнида,
Дон ўрнида терган эдик
Аччиқ-аччиқ кўзёшининг томчиларин.
Бизнинг олис қишлоғимиз
Кўрди кўп мудҳиш уруш касратин,
Тинглар эдик неча мажруҳ ҳасратин.
Ўша кунлар ризқимиз
Этди бизни фаромуш.
Узун-узун эртакларнинг ўрнига,
Ширин-ширин эртакларнинг ўрнига,
Аччиқ-аччиқ ҳақиқатни тотдик биз,
Тор совуқ кўчаларда
Болаликнинг дилозор нишонлари.
Қулоқларимда,
Ўйларим,
Хаёлларимда ҳамон
Увол гўдакликнинг эзгин фарёди.
Унутолмам ҳаргиз у кунлар ёдин.

ЖАМШИД таржимаси



ЖАМШИД *– 1948 йилда туғилган. Хўжанд педагогика институтини битирган. Ижодкорнинг “Майса ҳиди”, “Моҳият” каби ўнлаб шеърий, публицистик китоблари нашр этилган.*

Ўзбек қиссаларида поэтик ифода



Умида РАСУЛОВА

Ҳозирги ўзбек насрида қиссанинг тутган ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этишда асар композициясидаги ноанъанавий тимсолларнинг эстетик омили аниқланмоқда. Қисса поэтикасидаги бадиий тафаккур, ижодий уйғунлик, умуминсоний қадриятга муштараклик ҳолатини ўрганиш, муаллиф адабий-фалсафий қарашини ёритишда муҳим саналгани учун бу борада сўз санъатини чуқур билиш талаб этилади.

Абдулла Қодирий эътирофича, сўз қўллашда андиша лозим. Демакки қисса жанрида ҳам сўзни беҳуда исроф этиш, ҳам этика, ҳам эстетикага зид ҳолатларни тасвирлашдан эҳтиёт бўлиш керак.

Шунга кўра замонавий ўзбек қиссаларида мавзулар кўламининг ортгани, образлар тизими ўзгарганини кўриш мумкин. Жамиятдаги муаммолар қаҳрамонлар дунёқарашига таъсир этиб, уларнинг фалсафий, эстетик қарашларини янгилаётгани аёнлашади.

Масалан, Эркин Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад насридаги яққол кўзга ташланадиган пичинг, кесатиқ ҳамда қаҳрамонлар нутқидаги қочиримлар иллатларни фош этишга қаратилади. Адиблар жамиятнинг турли қатлам вакиллари дунёқарашидаги ўзгаришларни муқояса этади. Инсон тийнатидаги бунёдкорлик, интилувчанлик хислатлари эса ёшлар образида тажассум топади.

Хуршид Дўстмуҳаммад “Куза” қиссасида кузатувчи, синалувчи, кузатилувчи дея гуруҳларни уч босқичга таснифлайди. Дўст, ҳамкасб, она мақомидаги қаҳрамонлар теграсидаги воқеалар алмашиб келишида тафаккурдаги тафовутлар аёнлашади. Ҳар бир инсон умр саҳнасида ўз ролини ижро этгани каби адиб қаҳрамони яшаш мазмунини ўз виждонини тафтиш этиш, ҳақиқатни тан олишда кўради. Қиссада кишининг ҳамият, ҳимматни авайлаши, фонийлик

Умида РАСУЛОВА *– филология фанлари доктори. 1977 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган."Ҳозирги адабий жараён: бадиий наср поэтикасида ритм", "XX аср ўзбек қиссалари тадрижи" қўлланмалари ва "XX аср ўзбек қиссачилиги (поэтик изланишлар ва тараққиёт тамойиллари)" монографияси нашр этилган.*

ҳамда боқийлик оламида кузатилувчи эканини ёдида тутиши борасидаги фалсафий мушоҳадалар илгари сурилади. Табиат ва инсон мувозанатидаги кемтиклик фожиага бошлаши асосланади. Дарахт, япроқ она ҳамда фарзанд меҳрига менгзалишида мантиқ теранлашади. Кексаликдаги ожиз ҳолат дарахт мисолида кўрсатилади. Йиллар давомида мевадан ризқланган одам уни кесишга жазм этар экан, яхшиликнинг тез унутилишига ишора берилади. Тўкилаётган япроқлар саси дарду армонлар ноласига уйғун садоланади. Курраи заминдаги яратиқлар одамга хизмат қилгани ҳолда у томонидан барбод этилиши умумбашарий аҳамият касб этади.

Мавзуга янгича ёндашув ижодкорни масала негизига нигоҳ ташлашга ундайди. Воқеалар ривожи асносида оламлар аро боғлиқлик бўртиб кўринади. Хуршид Дўстмуҳаммад қиссаларида ҳиссий, ақлий босқичдаги қаҳрамон воқеалар силсиласида нарсалар ҳикматини уқиб боради. Нигоҳ, паноҳ, куза...лар негизида инсон образининг йўллар ва йиллар сарасида янги моҳият касб этиши англанилади.

Эркин Аъзам “Отойининг туғилган йили” асарида Асқарнинг дадил фикрлари бўғиқ муҳит, доирага мос бўлмаса-да, адолат манзили борасидаги ақидага ойдинлик киритади. Қаҳрамон нутқидаги заҳархандалик диалогу монологларда конкретлашади. Машраб маслагига содиқ ўсмир феълидаги ҳақпарастлик шоир фитратининг кўзгуси янглиғ тасаввур пайдо қилади. Бадиий образ тийнатидаги озод фикрлар мозий ҳамда келажакаро зиё қатламини мустаҳкамлаб боради. Ёш талаба вужудидаги кенглик, донишлик замондошлари лоқайдлигидан сезилмагани боис, унинг кўнгли боболар ўгитидан малҳам излайди. Илму толиблик асл моҳиятни англаш машаққатини ҳис этишда билинади.

Таълим соҳасидаги баъзи иллатларнинг талаба томонидан фош этилиши эса воқеалар ривожини янада таранглаштиради. Унинг бой тафаккури, мустақил фикрлаши биринчи ўринда ўзига кулфат келтирса-да, ортга чекинмайди. Қиссада санъат, тарих, фалсафа уйғунлиги турли қатлам, доиралардаги суҳбатларда ойдинлашиб боради. Бир замону макондаги кишилар дунёқарашидаги тафовут баҳсу мунозараларни жонлантиради, киноявий муносабат иллат илдизи сари етаклайди. Асарда инсон қисматидаги кичик (фоний) имтиҳон осонлиги, бироқ катта (боқий) ҳаёт синови мураккаблиги фалсафа меҳварида тажассумланади.

Бу қиссаларда ижтимоий муҳитдаги кишилар дунёни идрок этишига кўра ажралиб туради. Ҳалол ҳамда ҳаром муқоясаси муайян образлар ҳаракатида реаллашиб боради. Ёшлар бир муҳитга мансуб бўлса ҳам ахлоқ меъёрларига зид ишдан орланмайди. Оила доирасидан ташқаридаги воқеалар орият, номус арконини узади. Ижодкор соддаликдан мураккабликка ишора бериб, кичик кулфатнинг улкан асоратини намоён этади. Кўнгил тубидаги армонлар руҳият таҳлили жараёнида бўй кўрсатади. Асарларда йўл хронотопи кенг ва тор маънода тушунилади. Улар асар композициясида бадиий ҳодисалар кўламини бойитиб боради. Инсон ботиний ҳамда зоҳирий оламидаги ўзгаришлар, фольклор ва мумтоз адабий қаҳрамонлар маслагидаги муштарак тамойиллар ягона йўлда бирлашиши мантиқни тасдиқлайди. Макону замон ўртасидаги тафовутга қарамай қаҳрамонлар интеллекти, тафаккури аро яқинлик мустаҳкамланиб боради.

Ижодий жараёнда жанр ғоявий-мавзуий кўлами янада бойитилиб, қаҳрамон ахлоқий, маънавий қарашлари ўзгариб бормоқда. Ёзувчи бадиий образ яратишда тафаккур ҳаракати, жараёнини реал тақдим этишга интилган. Авлодлар алмашинуви натижасида оммавий маданиятнинг миллий қадриятга таҳдиди ортиб бораётган экан, хаос пайдо бўлмаслиги учун инсонларни санъат, маърифат меҳварига жамлаш, руҳиятига эзгулик ёғдусини сингдириш жоиз. Мазкур қиссаларда миллий ўзликни англаш, маънавий қадриятни эъзозлаш, юксалтиришга интилган адабий қаҳрамонларни яратиш тамойили кучаймоқда.

Нурали Қобулнинг “Тубсиз осмон” асарида бола фитратидаги меҳру мурувват катталар феълидаги оқибатсизликка контраст тарзида берилади. Муаллиф садоқат тушунчасини ҳаётий коллизиялар замирига сингдириб боради. Оила муҳитидаги тўғрисўзлик, ҳалолликни асраш бобидаги ўгитларнинг фарзанд қисматига таъсири, шу билан бир пайтда ҳаромдан қўрқмайдиганлар тоифаси умуммулкидан манфаат излаши ҳолатларини кўрсатиб беради.

Ижодкор бола нигоҳи, пок туйғуларини ит ва қўзиларни парваришлаши, уларни ҳиссиз кимсалардан ҳимоялашида ёрқинлаштиради. Бўйноқ урғочи, бола, етим қўзи уйғунлигида ишонч, ҳаловат, табиат билан ҳаммаслаклик тарғиб этилади. Чорвадор ота ҳалол, тинч яшашига ҳамроҳ бўлган Бўйноқ кексайгач, эътибордан қолади. Ит йиллар давомида кўрсатган оқибати эвазига тўқайга болалари билан ташлаб кетилади.

Адолат мезони ноҳақлик юзага келганда ўзгаради. Ҳатто вафодор ит наслини авайлаш учун ўз хўжаси чорвасининг ўғирланишига кўникади. Муаллиф инсон ҳамда табиат орасидаги драматик вазиятда болани икки қутб аросатида тасвирлайди. Бола отаси ё жабрланган жонзотини танлаши, йўлсизлик, чорасизликдан қутулиши керак. Бу ҳолатда у ёлғизликни истаб, фақат осмон билан сирлашади, яъни заминий муаммоларга ечим ахтаришда самодан мужда кутади. Бола ўз муҳитидан жонзотларга қилинаётган зулм боис йироқлашиб боради. Унинг мусаффо туйғуларини яқинларидан тортиб бегонагача ҳис этишдан маҳрум эди. Асардаги кульминацион нуқта отанинг тўқайда итга мўлжалланган ўқи фарзандига тегиши билан тараңглашади. Бола Норбўта ва ит Бўйноқ орасидаги садоқат, ишонч риштаси жаҳолату зулмдан баланд қўйилади. Чорвадор отанинг итга қилган ноҳақ ҳукми фарзанди қотилига айланиши билан якунланади. Табиат билан уйғунликдан роҳатланган бола эса софлиги, поклиги боис чиркин муҳитни тарк этади. Табиатга йўлланган зулм айланиб жоҳилни ўз домига тортади. Катталар гуноҳи бадалини уларнинг фарзанди тўлайди. Бу фожеий қисмат инсонга борлиқдаги набототу жонзотга ёвузликдан насиб бўлгани англашилади. Инсон табиатдан кўп манфаат кўради, тириклик гашти, сурури, маъниси у билан муштаракликда бутун бўлади. Бироқ вақт синовида инсон ўзи фойдаланаётган табиатга яна зулм қилишдан орланмайди. Бу контраст асрлар давомида жиддий муаммога айланмоқда.

Кузатишимиз натижасида қиссаларда инсон туйғуларининг табиат ҳодисаларига параллел ё контраст келтирилиши воситасида борлиқдаги яратиқлар

аро қатъий мувозанатни идрок айлаш имкони юзага келаётгани маълум бўлади. Адибнинг айни шу мувозанатни меъёрлаштиришда оқилона ҳамда одилона йўл тутишни мақсад қилгани ҳолда онгли инсонга табиат билан ҳамнафас, бир бутунлигини ёдда сақлашни сингдириб бораётгани аёнлашади. Жонзот образини ҳар томонлама тасвирлашга эътибор берилиб, улар туйғу кечинмаси, қондошлик вафосини инсонга ибрат қилиб кўрсатаётгани ойдинлашади.

Умуман, бугунги глобаллашув даврида инсон тахайюл оламидаги тебранишлар бадиият намуналарида аксланиб, метафорик моҳият касб этаётгани, поэтик ифода йўсинида рамз, тимсоллар салмоғи воқеани таъсирли ифодалашга йўналтирила бошлангани қувонарли. Муайян нарса, ҳодисага ишора бериб, серқатлам маънони юзага келтирадиган ранглар, қаҳрамонларга исм танлашда улар сийратидаги нуқсон ёхуд фазилат табиатидан келиб чиқилиши ва бошқа жиҳатлар эса қиссалар поэтикасидаги ўзгаришларнинг янги талқинлари учун имкон яратади. Қиссалардаги метафорик образ ва тасвирлар янгиланаётгани бадиий ижод гармониясини намоён этмоқда. Муаллифлар миллий, маънавий қадриятлар талқинида бадиий матн поэтикаси орқали ҳаёт фалсафасининг умумбашарий асосини инсон ва дунё концепциясига жамлайди. Айнан шу ҳолатнинг бугунги кун ўзбек қиссачилигида мавжудлиги эса фахрланишга арзийдиган жиҳатлардан биридир.

Катта адабиётда умрбоқий мавзулар акс этиши керак.

Чингиз АЙТМАТОВ

Муаллифлар роман қаҳрамонлари қиёфасида



Биби Робиаъ САИДОВА

Саҳифаларга сочилган умр

1949 йилда Уильям Фолкнерга “Ҳозирги замон Америка романчилигига қўшган, бадиий нуқтаи назардан ноёб ва улкан ҳиссаси учун” Нобель мукофоти берилади. Нобель[6] маърузасида Фолкнер шундай сўзларни айтади: “Ҳозирги ёш қаламкашлар ҳақиқий адабий асарни бунёд эта оладиган, ёзишга, меҳнат қилиш ва азоб чекишга арзийдиган мавзу – одам ўзи билан ўзи курашиши муаммосини унутиб қўйдилар. Ёзувчи булар ҳақида ўйлаб кўриши, қўрқув – энг пасткаш ҳиссиёт эканини тушуниб етиши ва ниҳоят, ўз “устахонасидан” юрак ҳақиқатини, асарни абадийликка дохил қиладиган муҳаббат, ор-номус, мурувват, ғурур, раҳм-шавқат, фидойилик каби азалий ва абадий қадриятлардан бошқа барчасини чиқариб ташламоғи керак... Ёзувчи ва шоирнинг бурчи – шулар ҳақида ёзиш, мардлик, ор-номус, умид, раҳм-шавқат, мурувват, фидойилик каби инсонга хос азалий ифтихорни мустаҳкамлаш йўли билан одамлар қалбига мадад беришдан иборат”[1].

Атоқли адиб ёш қаламкашлар олдига келажакдаги вазифаларни қўяётган худди шу йили – 1949 йилда Самарқанднинг Ғазира қишлоғида – Аҳмад Аъзам деган бола эндигина дунёга келган, Тбилисидаги Сталин номли давлат университетининг иқтисод факультетида эса Нодар Думбадзе деган 21 ёшли талаба ўқир эди. Буни қарангки, уларнинг иккаласи ҳам келажакда ёзувчи бўлиб етишишди ва Фолкнер ёзувчининг бурчи деб қўйган юқоридаги ижод ақидаларига бутун фаолиятлари давомида содиқ қолишди.

Нодар Думбадзенинг “Абадият қонуни” эълон қилинган 1970 – 1980 йилларда ўзбек адабиётига Тоғай Мурод, Мурод Муҳаммад Дўст, Хайриддин Султонов,

[1] *Адибларнинг Нобель маърузалари. – Т.Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2008. – 32-бет.*

***Биби Робиаъ САИДОВА** – 1991 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг филология факультетини тугатган. Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети докторанти. “Парвоз”, “Какку овози” ва “Ақл ва руҳ баҳси” номли китоблари чоп этилган.*

Эркин Аъзам каби ёзувчиларнинг янги авлоди кириб келди. Буларнинг ичида саноқларда кўпда тилга олинмай ўтиладиган, аммо ўзига хос бадиий тасвир услубига эга Аҳмад Аъзам ҳам бор эди. Унинг ижодий фаолияти ҳақидаги маълумотномада ўқиймиз: "Ойнинг гардиши", "Бу куннинг давоми", "Асқартоғ томонларда", "Соясини йўқотган одам", "Ҳали ҳаёт бор" деган насрий асарлари, "Масъул сўз" деган адабий-танқидий мақолалар тўплами, "Ўзи уйланмаган совчи" (бу асар асосида кино олинган), "Рўё ёхуд Ғулистонга сафар" романлари чоп этилган".

Унинг асарлари махсус тадқиқ қилинмаган, фақат Қозоқбой Йўлдошевнинг "Кулгига эш тақдирлар тасвири" ("Ўзи уйланмаган совчи" романи ҳақида), Муҳайё Йўлдошева билан ҳаммуаллифликдаги "Руҳиятнинг бетакрор жилолари" ("Рўё ёхуд Ғулистонга сафар" романи ҳақида) ва Дилмурод Қуроновнинг "Завқимдан бир шингил"[2], Машхура Шералиеванинг "Аҳмад Аъзам ҳикояларида киноя"[3], "Инсон табиатининг теран мушоҳадалари"[4] сингари адибнинг қисса ва ҳикояларидан олган таассуротлари акс этган мухтасар мақолалар эълон қилинган. Бу манбаларга Собир Ўнар, Нодир Жонузоқнинг ҳамда радионинг ёзувчи билан суҳбатларини, айрим йиллик наср муҳокамаларида тўхталиб ўтилганини ва ниҳоят ёзувчининг вафоти муносабати билан интернетга қўйилган қисқа ёдномаларни ҳам қўшиш мумкин. Ушбу манбалар асосида ёзувчининг ижодий ва ҳаётий фаолияти ҳақида тасаввур ҳосил қилишга уриниб кўрамиз.

"Болалигим қишлоқда, Ғазирада кечган. Қилган катта саёҳатим Бухорога бориш бўлган. Отам раҳматли Ғиждувонга бориб, эллик учинчи йили бўлса керак, Хўжаи Жаҳон авлодидан олтмиш йилларча бурун узилишиб кетган амакиларининг оилаларини топиб, кўришиб, ришталарни қайта боғлаб қайтганлар. Кичкина эдим, отамнинг бобо-бобокалонимиз Хожа Абдухолиқ Ғиждувонийга қандай авлод эканимиз, шажарамиз Бухорои шарифдаги бир амакимизникида сақланиши ҳақида айтиб берган гапларини миямга қуйиб олганман. Ўн тўққизинчи аср охирларида Вафохўжа бобом амир билан ихтилоф туфайли, балки амир бу авлод нуфузини чеклаш пайига тушганми, ишқилиб, Ғиждувонни тарк этиб, Ғазирага, шу ерда хоки ётган улуғ аллома, яссавия-жаҳрия тариқати пири Ҳазрат Азизон Шайх Худойдоди Валий руҳини қора тортиб келган".[5], Амир билан ихтилоф туфайли Ғазирага келиб қолган бобонинг набирасини шўро тузуми ўзининг қандай "иссиқ" бағрига олганлигини адиб шундай ҳикоя қилади:

"Ўша шўро мафкуранинг ҳукми босими остида ўқиганмиз. Қишлоқ жой, "бола боғча" нималигини билмай, пахтанинг ичидан эмаклаб мактабга ўтганмиз, биринчи сабоғимиз шўро қўрғони юлдузлари, доҳий бобога бағишланган ва албатта, синфдан синфга кўчганимиз сари билиб-билмай "сиёсий тақаланиб" боравергандмиз. Лекин, айни пайтда ҳар хил китоб ўқиб, фикрлашга ўрганиб, мушоҳада юритганимиз сайин, ҳар куни пешанамизга уриладиган яккаҳоким мафкура мактаб пештоқида офтобда унниқиб кетган алвон шиорга айланиб, таъсирини йўқотиб боравергандмиз. Ақлли ўқувчи "Менинг икки онам бор", деб "беш" олиш учун шеър ёдлагани билан, онаси битталигини ёдидан чиқармаган, доҳий ҳайкалчаси олдида қизил галстук тақиб навбатчи турган пайти, нимадан ясалган ўзи деб, уни чер-

---

[2] Шарқ юлдузи", 2012 йил, 6 сон.

[3] http://www.ahmad-azam.com

[4] "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" 2012 йил 24 август.

[5] "Зарафшон" газетаси, 2013-йил, 30-апрел.

тиб-чертиб ҳам кўрган. Айтсак-айтибмиз-да, турса-турибди-да деган мазмунда. “Ёлғонга ё ялқов ишонар, ё – анқов” деганларидек “активисту активистка”лар ҳам бўларди, асосий кўпчилик эса ўзини эргашган кўрсатиб, аслида ўз билганидан қолмас эди. Бошқача айтганда, ёлғонга асосланган мафкура табиий равишда ўзига ёлғон муносабатни ҳам яратган, лекин шу билан бирга, “Ҳа-е, сеники жуфт десак, асакамиз кетибдими”, деган зайлда одамларнинг руҳиятида ички сиртига тескари бир лоқайдликни пайдо қилган эди. Инсон ўзи, ўзлиги, ватани, миллати учун нафақат курашишни, балки шу ҳақда ўйлашни бефойда, беҳуда билиб қолган, ўйлаганига ўзи ҳам ишонмас эди”[6].

Худди ана шу болалик даврида шаклланган дунёқараш, жамият ҳақидаги илк таассурот ва хулосалар Аҳмад Аъзамнинг ёзувчи бўлиб етишишига омил бўлганини тасаввур қилишимиз мумкин.

“Адабиётга қизиқиш болалигимдан, мактаб кутубхонасидан бошланган.Жуда кўп китоб ўқирдим. 4-синфда ўқитувчимиз “Аҳмад 40 та китоб ўқиди”, деб мақтагани ҳали ҳам эсимда. Қишлоқда ўсган бўлсам ҳам, қишлоқ мактабининг каттагина кутубхонаси бор эди. Шу ерда китоб ўқишга ружу қўйганман. Лекин ёзувчи бўламан, танқидчи ё сиёсатчи бўламан, деб ўйламаганман. Танқидга қизиққанман. 28 ёшимгача танқидчилик, адабиётшунослик билан шуғулланганман. 28 ёшимда биринчи ҳикоямни ёзганман. Энди кўп ёзмаганман... Дунё адабиётини жуда кўп ўқирдик. Кўпчилигимиз учун бу урф бўлган эди. Япон адабиётидан, лотин Америкаси буюк ёзувчиларидан Жером Сэлинжер, Кавабатани жуда яхши кўриб ўқиганман. Европанинг маънавиятига жуда катта таъсир қилган Жан-Поль Сартр, Камю асарлари бор эди”.

Кўриниб турибдики, ўқилган китобларнинг руҳияти ҳам болаликдаёқ мавжуд тузумга нисбатан шаклланган хулосаларни мустаҳкамлашга, инсон ва бир миллат вакили сифатида таҳқирланаётганини чуқурроқ ҳис қилишга сабаб бўлган. Ёзувчилик қобилияти эса бу туйғуларни бадиий асарларга эврилишига хизмат қилгани шубҳасиз.

Аҳмад Аъзам 1971 йили Самарқанд давлат университетининг ўзбек ва тожик филологияси факультетини битиргач, шу йили Алишер Навоий номидаги музейда илмий ходим сифатида иш бошлаган. Кейин “Гулистон” журнали, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, “Совет Ўзбекистони санъати” журнали редакцияларида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ишлаган, “Ўзбекистон” телеканалини, “Ўзбектелефильм” студиясини бошқарган. 1999–2004 йилларда Олий Мажлис депутатлигига сайланган. Умрининг охирги йилларида оғир хасталик билан курашади. Аҳмад Аъзам 2014 йили 4 январда Тошкентда вафот этган ва Камолон қабристонига қўйилган.

Ёзувчининг бу ҳаёт йўли унинг юқорида тилга олинган асарларида, айниқса, “Рўё ёхуд Ғулистонга сафар” романида “қисса ичида қисса” тарзида келтирилган кўплаб воқеалар ортида акс этиб туради. Улар қаҳрамоннинг характерини, ички кечинмаларини ёки жамият ва шахс муносабатларини очиб бериш учун қўлланилади албатта. Масалан, инсондаги қўрқув туйғуси ҳақида мушоҳада қилаётиб ровий-қаҳрамон адибнинг Самарқанддаги талабалик йилларига тааллуқли воқеани эслайди. Унда поллари қип-қизил рангга бўялган башанг ижара хонада яшайдиган талабаларнинг ёнига ҳар тун девордан соқоли кўксига тушган бир оқ яктакли бо-

[6] *“Маърифат” газетаси, 2005 йил, 12 ноябрь.*

бой тушиб келиб, устидан босар экан. Ва талабалар ижара пули арзон бўлишига қарамай у ерда кўп турмай қочиб кетишар экан.

Бу воқеа бежиз келтирилмаган, тагмаъносида романнинг умумий мазмунини акс эттирадиган рамзлар бор, албатта. Аввало талабаларнинг бошпанасиз сарсонлигидан шўро жамияти инсоннинг – ҳатто у шу темир тузумнинг мурватига айлантириш учун ўқитилаётган бўлса ҳам – қадр-қимматини ерга ураётганига ишорани пайқаш қийин эмас. Қолаверса, ана шу сарсонликда ожизлик, мутелик, дилидагини тилига чиқаролмаслик каби шахсни емирадиган хислатлар ҳам "тобланади". Асосий рамз эса – "хонаси ҳам зўр, баланд, поли қип-қизил бўялган", арзон хона, яъни гўё ҳамма шароити бадастур тузум, жамият. "Кечаси девордан соқоли кўксига тушган бир оқ яктакли бобой чиқиб келиб, устидан босиши"ни – ўша даврда деворларда сурати бўлиши шарт ҳисобланган яккаҳоким доҳий рамзи деб қабул қилиш мумкин.

Романда ровий-муаллиф ўзининг Ғулистонга келиб қолишига мувозий олам вакиллари сабабмикан деб ҳаёт йўлини тафтиш қилаётиб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ишлаган давридаги бошқа воқеаларни хотирлайди. Изотерик асарлардаги лавҳаларни эслатадиган бу воқеалар ўша пайтлар уюшмага қатнаб қолган, ўзини табибу экстрасенс, биотокчи одамлар ҳақида. Бири, менга тепадан ваҳий келди Оролни тўлдирман, мени Президентга учраштиринг деса, бири сизни сеанс қилдириб аждодларингиз руҳи билан, Аҳмад Яссавий билан учраштираман, деб ишонтирмоқчи бўлган. Муаллиф бу воқеалар охирида шундай ёзади: "Шундай кучли экстрасенс табиб ҳам менда бир нарса борлигини айтди-да лекин. Битта у билганда ҳам майли эди. Оролни сувга тўлдирадиган хотин ҳам олдимга бежизга келмаган, ундан кейинги экстрасенс йигит махсус юборилганман, деб аниқ шама қилди. Кимлар юборганини сўрашга юрагим дов бермади, аммо ўзимнинг танланганлардан эканимга ҳам унча шубҳам йўқ, Ғулистонга келганимга ҳам сабаблардан бири шуми, дейман".

Ўхшаш тақдирлар

Энди "Абадият қонуни"даги юқоридаги Аҳмад Аьзам хотираларига ўхшаш лавҳага назар ташлар эканмиз, бу воқеа Нодар Думбадзенинг биографияси билан боғлиқлигини, яъни унинг журнал муҳаррири бўлган даврига тааллуқлилигини ҳам эътироф этиб ўтамиз.

Роман қаҳрамони Бачананинг кабинетига ўзини Бош статистика бошқармасининг ходими Галактион Георгиевич Мтварадзе, деб таништирган, аммо ўзи асли бошқа сайёрадан келган гуманоид эканлигини айтиб бир одам келади. Ва у мақсади одамзодни нотўғри йўлга кириб кетишига қаршилик кўрсатиш, инсониятни урушлар, ваболар, очарчилик, маънавий қашшоқлик ва фалокатлардан қутқариш эканлигини айтади. Ва кетар чоғи Гомер, Сервантес, Бетховен, Руставели, Шекспир, Гёте, Леонардо да Винчи, Боккаччо, Архимед, Жордано Бруно, Жанна Д' Арк, Толстой, Пушкин, шоҳ Парнаваз, Давид Строитель, Авраам Линкольн, Фолкнер, Гегель, Кант, Владимир Ульянов, Блок, Эйнштейн, Чарли Чаплин, Галактион, Важа, Акакий, Илья... каби даҳо ва олимларнинг ҳам гуманоид эканлигини айтади. Ва ниҳоят асар қаҳрамони – адибга сиз ҳам гуманоидсиз, бизнинг ердаги вазифамизни давом эттиришингиз керак, дейди. Романдаги воқеани ёзувчи шундай сўзлар билан тугатади: "...Бачана секретарь аёл хонага қандай кирганини ҳам, столга бир

уюм қоғозни қачон ташлаб кетганини ҳам сезмади. У дераза олдида турганча бесабаб-беихтиёр жилмаяр, иккала юзидан эса ёш оқарди...”

Ўзининг кимлигини, нега бошқаларга ўхшамаслигини мушоҳада қилаётган икки адибнинг руҳияти, туйғулари нақадар бир-бирига яқин. Киноявий тил, ҳазиломуз луқмалар нақадар ҳамоҳанг. Жисми бу дунёда-ю, руҳи ўзга оламда яшаётган бу одамлар носоғми ёки жисму руҳи билан шу жамият ичида қийналиб яшаётган асар қаҳрамонлари носоғми? Ахир улар ҳам ўзларининг қалбларидаги поклик, озодлик оламларида яшаётганлари учун атрофларидагиларга носоғ кўринмаяптиларми? Нега бу икки муҳаррир уларнинг инсониятнинг келажаги, Оролнинг қуриши каби глобал муаммолар ҳақидаги гапларига кулгили киноялар билан жавоб бердилар? Чунки мустабид жамият қалбдан умидни ҳам юлиб бўлаёзган, тақдирга тан беришга олиб келган эди. Аммо, тақдирни бичиш нақадар қудратли зулмга қурилган бўлмасин жамиятнинг қўлида эмас.

Шунинг учун ҳам “Рўё...”да Аҳмад Аъзам Оролни тўлдиришга ёрдам бермоқчи бўлган “бу дунёнинг одамига ўхшамайдиган” аёлнинг “кўзлари жуда маъноли, одамга тик боқади”, деса, “Абадият қонуни”да Нодар Думбадзе ўзини гуманоид-ман деб таништирган Галактионни “кўзларидан ақл ва эзгулик ёғиларди” дейди. Кўзларидаги маъно ва ақл билан бу икки адибнинг хотирасида қолган улар ким? Бу кўзлар – жамият нақадар залолатга ботмасин, уни бир кун қутқариш мумкин, деган умиднинг рамзими?! Агар шундай бўлса улар бу икки адибни бежиз танлашмагандир?!

Шу ўринда Аҳмад Аъзамнинг сўзларини эслаймиз: “Яккаҳоким мафкура энг аввало авомни оломонлаштиради, оломоннинг кучи, оломончилик билан афкор оммани итоатга келтиради, лекин халқни буткул қул қила олмайди, ҳар қандай шароитда ҳам фикри тушовларга тушмайдиган одамлар бўлади, булар зиёлилар. Фикрни бемалол этиш мумкин, лекин ўлдириб бўлмайди, фашизм ё коммунизм каби тоталитар мафкура машиналари миллионларни қатағон қилгани билан доим янгидан кўтарилган зиёлилар қатламларига дуч келаверганини тарихдан биласиз. Устидан такрор-такрор ётқизиладиган асфальтни ҳар йили қайта-қайта ёриб чиқадиган чайир гиёҳлар – шўро даврида етишган нафақат ҳақиқий олимларга, балки ўша даврларда ичда бўлса-да, фикрлашдан тўхтаб қолмаган инсонларга ҳам бир тимсол!”

Энди Аҳмад Аъзам таъбири билан айтганда, ана шундай “асфальтни ҳар йили қайта-қайта ёриб чиқадиган чайир гиёҳлар”дан бири Нодар Думбадзенинг ҳам ҳаёт йўлига назар ташлаш мавриди келди.

1928 йилда Тбилисида райком котиби оиласида Нодар исмли бола туғилади. Ғам, қайғу уни куттириб ўтирмай етти ёшидаёқ ёнига етиб келади – ота ва онасини халқ душмани сифатида қамоққа олишади.

Нодар Думбадзенинг “халқ душманларининг ўғли” сифатидаги болалигининг оғир йиллари Ғарбий Грузиядаги Хидистави қишлоғидаги қариндошлари қўлида кечади. Қишлоқ мактабида ўқийди. Пионер бўлиб галстук таққанида ҳамма қатори қувонади, комсомолга қабул қилишганида ҳамма қатори севинади. Шўро тузуми уни ўзининг ёлғон ғояларига содиқ одамларни тайёрлаш мактабининг ҳамма босқичларидан ўтказади. Тбилиси давлат университетининг иқтисод факультетига ўқишга кириб уни 1950 йилда тугатади. Бир неча йил университетда илмий лаборант вазифасида ишлайди. Аммо 1957 йилдан бошлаб ўзини бутунлай адабиёт соҳасига бағишлайди. “Цискари” (“Тонг”) журналида адабий ходим, (“Тимсоҳ”) журналида (1957–1962) бош муҳаррир ўринбосари, “Грузия-фильм” сценарийлар

бўлимида ходим (1962–1965), “Нианги” журналида бош муҳаррир (1965–1973) вазифаларида ишлайди. 1973 йилдан бошлаб Грузия Ёзувчилар уюшмаси котиби ва 1981 йилдан умрининг охиригача бош котиби бўлади. Ёзувчи сифатида жуда катта шуҳрат қозонади. Руставели номидаги адабий мукофот (1975), Ленин комсомоли (1966), Ленин мукофоти (1980) билан тақдирланади. Грузия Олий Советига икки марта (1971–1978), ССР Олий Советига (1979–1984) депутатликка сайланади. Умрининг охирги йилларида оғир хасталик билан курашади. Нодар Думбадзе 1984 йили 14 сентябрда Тбилисида вафот этган ва “Мзиури” (“Қуёшли”) қабристонида дафн этилган.

Ижодий фаолияти дастлабки шеърларининг университетда чиқадиган “Биринчи шуъла” альманахида эълон қилиниши билан бошланган дейиш мумкин. 1956 – 1957 йилларда бирин-кетин юмористик ҳикоялардан иборат учта китоби чоп этилади. 1960 йилда эълон қилинган “Мен, бувим, Илика ва Илларион” романи (ўзбек тилига Мухтор Худойқулов ўгирган) унга шуҳрат келтиради ва машҳур қилиб юборади. Бу роман асосида Г.Лордкипанидзе билан ҳамкорликда пьеса ёзилган, 1962 йилад эса Тенгиз Абдуладзе (машҳур “Тазурру” фильмининг режиссёри) уни экранлаштиради. 1960 – 1962 йилларда эълон қилинган болалар учун шеърлар тўплами ва ҳикоялардан иборат бир неча китоблардан сўнг уни атоқли ёзувчи даражасига кўтарган романлари бирин-кетин машҳур бўлади. "Мен қуёшни кўряпман" (1962), “Қуёшли тун” (1967), “Қўрқма, онагинам” (1971), “Оқ байроқлар” (1973), “Абадият қонуни” (1978) (ўзбек тилига Низом Комилов ўгирган). Булардан ташқари у қатор шеърлар, достонлар, болалар учун ёзилган асарлар ва публицистик мақолалар муаллифи ҳамдир.

Нодар Думбадзенинг ҳаёт йўлини унинг асарлари орқали қадам-бақадам тиклаб чиқиш мумкин. Аҳмад Аъзам суҳбатларидан бирида айтганидек: “Ҳар қандай образ, персонажга ёзувчининг кўргани, эшитгани ё ўз бошидан кечиргани, ёхуд хаёлидан ўтказгани асос бўлади. Шу боис қаҳрамонлар муаллифдан унча узоқда бўлмайди”. Нодар Думбадзенинг романларидан бирида уруш пайтида почтальонлик қилган ўсмир бола образи бор. Бу бола уруш йиллари қишлоқдошларининг уйига учбурчак конвертларни ташиган ёзувчининг ўзи. Бир куни ёш Нодарга фронтдан келган бир хатни эгасига элтиб беришни буюришади. Нодар бу “қора хат” эканлигини тушунади. Хатнинг манзилида қўшнисининг исми шарифи ёзилган. Нодар уни элтиб беришни ич-ичидан хоҳламайди ва ёқиб юборади. Тақдирнинг ҳукмини қарангки, орадан икки-уч йил ўтиб ўлганлиги тўғрисида қора хат келган ўша одам қишлоғига соппа-соғ кириб келади. Ўз бошидан ўтказган ана шу воқеани ёзувчи романга олиб киради.

Шу ўринда Аҳмад Аъзамнинг “Маконда ломакон” ҳикоясидаги воқеани эсламай иложи йўқ... “Ўзбекистон санъати” журналида ишлаб юрган вақтида ёнига икки йигит келади ва кичик укалари Афғонистонда ҳалок бўлганини, темир тобутни очтирмай кўмиб кетишганини, ҳозир онаси оғир хаста эканлигини, ўғлимдан бирор ёдгорлик қолган чиқар, пайпоғини ҳидласам ҳам боламнинг исидан биларди, деб адойи тамом бўлганини, агар иложи бўлса ёзувчининг афғонда бўлган, ҳозирда Чирчиқда хизмат қилаётган укасидан сўраб берса, ўз укаларининг бирор куйлагими, пайпоғими, тароғими қолган бўлса, олиб боришмоқчи эканликларини, айтиб илтимос қилишади. Ёзувчи бориб Чирчиқдаги укасидан афғонда ўлган фарғоналик Мирзараҳим деган йигитни сўраб, акаларининг илтимосини айтади, укаси ҳайрон бўлиб, Мирзараҳим тирик эканлигини, шу ерда хизмат қилиб юрганлигини айтади, ёзувчи акаларга хабарни етказади, улар укаларини олиб боришса,

оналари бир нарса бўлиб қолишидан қўрқиб, кейин секин-секин тушунтирамиз деб унинг йўл-йўл десантчи куйлагидан бир-иккитасини элтиб беришади, она ҳидлаб кўриб болам ўлмаган, ўзини топиб берасизлар, мана, бу тирик боламнинг кўйлаги деб вовайло кўтаради, тағин Мирзараҳимни кўрмай, бир нарса бўлиб қолмасин деб, акалар қайтиб келиб укаларини олиб кетишади.

Иккала асарда ҳам уруш даври, иккала асарда ҳам ўлган деб хабар қилинган одамлар тирик қайтади. Ёзувчилар ҳаётларида юз берган бу воқеани қизиқарлилиги учунгина ёки урушда мана шунақа тасодифлар бўлишини кўрсатиш учунгина асарларига киритишмагани аниқ. Сабаби ёзувчиларнинг қалбида эзгуликка, ёруғликка муҳаббат, талпиниш борлигида деб изоҳлаш мумкин. Қолаверса, ҳаётнинг ўзи рамз, ўзи ҳикматлигидан келиб чиқадиган бўлсак, уруш бу – ҳукмронлик даъвосида бўлган тузумларнинг, жамиятларнинг ўзи, яшаш усули, улар доим бошқалар билан ҳам, ўз фуқаролари билан ҳам уруш ҳолатида бўлади, улар ёки қул қилади ёки ўлдиради. Шундай экан руҳи, ўзлиги ўлдирилди деб ҳукм қилинган шахснинг ҳам бир кун тирилишига, ўзини инсон деб ўзлигига қайтишига умид бор.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, инсонни маънавий қуллик исканжасида тутиб туриш аъмолида бўлган жамиятнинг ғайриинсоний қонун-қоидаларига ўз асарлари билан муносабат билдирган бу икки адибнинг ҳаёт йўлида ҳам, ғоявий-фалсафий коцепцияларида ҳам, ижодий мақсадларида ҳам уйғунлик бор.

Ҳайратланарли томони шундаки, меҳнат фаолиятлари ҳам, тақдирлари ҳам ўхшаш: Аҳмад Аъзам ҳам, Нодар Думбадзе ҳам дастлаб илмий ходим бўлишган, сўнгра журналда ишлашган, Аҳмади Аъзам телевидение ва “Ўзбектелефильм”да, Нодар Думбадзе “Грузияфильм”да ишлаган, Аҳмад Аъзам Ўзбекистондаги Нодар Думбадзе Грузиядаги Ёзувчилар уюшмасида ишлаган. Иккаласи ҳам депутат бўлган ва ниҳоят иккала адиб ҳам умрининг охирида узоқ хасталикни бошидан кечирган. Яна қуйидаги жиҳатларни ҳам таъкидлаш лозим:

Биринчидан, ҳаётий позициялари битта тоталитар тузумда шаклланган;

Иккинчидан, иккала адиб ҳам эзгулик ва ёвузлик курашида инсоннинг олий хислатларига таянишни, инсонпарварлик, адолат ва ҳақиқат тарафида бўлишни ижодларининг бош принципи қилиб белгилаб олишган;

Учинчидан, шахс ва жамият ўртасидаги қарама-қаршиликлар келиб чиқишининг бош сабабларини ҳаётий драмалар орқали кўрсатиб беришган;

Тўртинчидан, асарлари деярли биографик элементларга қурилган;

Бешинчидан, ўзларининг ҳаётдаги миссиялари ҳақида бир хил мушоҳада қилишган;

Олтинчидан, киноявий-юмористик тилнинг яққол кўзга ташланиб туришидан уларнинг табиатлари ҳам бир-бирига яқин деб хулоса чиқариш мумкин.

Шу ўринда Уильям Фолкнернинг мақоламиз аввалида келтирилган ёзувчининг бурчи ҳақидаги сўзларини эсламай илож йўқ...

Тиканли пиллапоялар

Кечмиш ҳикоятларидан



Ҳамиджон ҲОМИДИЙ

Кимошди савдоси

Тахминан 1939 йилнинг октябрь ойлари эди. Отам Абдуҳомид Холиқзода ери, боғчаси, ўн икки киши ишлайдиган корхонаси, от-араваси, Гулбоғ мавзеида 50 гектар ери бўлгани учун мулкдор сифатида қулоқ этилиб, Сибирга сургун қилинган. Маҳаллада, “Устаникида кимошди савдоси бўлар экан”, деган дув-дув гап тарқалди. Ҳақиқатда ҳам, бир куни эрталаб уч киши: Аълам Мирзо, Йўлдош Шаббода ҳамда Абдукарим Пансод кириб келиб, қулфлаб-муҳрлаб кетилган хоналарни очиб, барча рўзғор анжомларини: кўрпа-тўшак, ёстиқлар, самовар, чинни косалар, лаганлар, обдаста-ю, чойнак, пиёлаларни 8 метрлик пешайвонга чиқариб, тартиби билан жойлаб чиқишди. Шундан сўнг Аълам Мирзо:

– Тўйларда чой қайнатадиган мис ва кумушранг самовар, дастлабки нархи икки сўм ким ошди? – дея буюмларни рўйхатга қараб нархини эълон қила бошлади. Хоҳлаганлар бир танга, икки танга ошириб, Йўлдош Шаббодага пулини тўлаб, олиб чиқиб кета бошлашди. Биз хонавайрон бўляпмиз, қўшнилар бўлса бойнинг мулкини арзон-гаровга хомталаш қилишаётганидан хурсанд, буюмларни қўлтиқлашарди.

Тушга қолмай улкан пешайвондаги рўзғор анжомлари сотиб бўлинди. Ўша пешайвон, мудҳиш воқеалар гувоҳи ҳозир ҳам савлат тўкиб турибди. Онаси билан учбирдай фарзандлар қаерда ётади, қандай тирикчилик ўтказади, дейдиган одамнинг ўзи йўқ. Жоҳиллик шу даражага етганди.Тор кўчамизнинг бошидаги бева аёл Йўлдош амма бизни ўз бағрига олиб, бир хонасига жойлаштирди. Бу орада “Меҳнат бирлик” артелининг цех бошлиғи Раҳмонберди тоғам колхоздан ҳовлимизни сотиб олиб, кўчиб келдилар. Ҳозир ўша манзилда тоғаваччам Дадажоннинг болалари яшайди.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ *– филология фанлари доктори, профессор. “Дўстлик” ордени соҳиби. 1935 йилда туғилган. Тошкент давлат педагогига институтининг (ҳозирги ТДПУ) тарих-филология факультетини тамомлаган. Олимнинг “Тасаввуф алломалари”, ”Авесто” файзлари”, “Фирдавсий ва ўзбек адабиёти” каби ўттиздан зиёд китоблари эълон қилинган.*

Илк тўқнашув

Телман номидаги мактабда 7-синфни тугатгач, бизни “Ленин йўли” колхози ҳузуридаги Куйбешов номидаги 6-ўрта мактабга кўчиришди. Энди биз юқори синфларда ўқишни интернатда яшаб давом эттира бошладик. Менинг каравотим ҳаммадан пойгакда – эшик ёнгинасида эди. Қулоқвачча-да! Ўнинчи синфни битириш арафасида устимга ёпиб юрган хитой русумидаги одеялни кимдир ўғирлаб кетди. Мактаб директори мени, “Сен қулоқвачча, йўқсил ўзинг сотиб егансан?” деб ҳақоратлаб, мактабнинг битирув тантанасига ҳам киритмади, расмимни “винетка”га қўшмай, атестат бермади. Натижада мен олий ўқув юртларига боролмай ёки бирон ишга жойлашолмай аросатда қолдим.

Тоғам қўшни Қирғизистоннинг Шокафтар кончилар шаҳарчасига қатнайдиган савдогарларга қўшиб қўйдилар. Мен тожирларнинг юкли эшакларини ҳайдаб бориб-келиб юрдим. Кунлардан бир кун сафардан кеч қайтдик.

– Тур, чойингни ич, вақт чошгоҳ бўлди, – деб уйғотдилар Шаҳрибону янгам. Нонуштани қилиб, гузарга тушиб, сойнинг улкан кўприги четида оёғимни пастга осилтириб, сувга тушиб кетишдан қўрқмай саланглатиб ўтирсам:

– Ҳой, Ҳомидов, бери кел, – деган овоз эшитилди.

“Ялт” этиб рўпарага қарасам, сувга киритиб қурилган “Райҳон” ошхонаси айвонида интернатимизнинг бошлиғи Миша Гейдаров турарди. Негадир у кишининг ҳузурига чопқиллаб бордим.

– Бошқа эскирган, синган ва сўтилган ашёлар қаторида одеялни ҳам списат қилдириб юбордим, ма аттестатингни ол, илмий бўлим мудиридан олдим, – деб сариқ ағдарма этиги қўнжидан газетага ўралган аттестатни олиб узатди. Ҳайрон бўлдим ва: “Раҳмат!” дедим-да маҳаллага чопдим. Бир миллатдошим етимни қон қақшатди, озар фарзанди унинг бошини силади. Тоғам уйда эканлар роса хурсанд бўлиб:

– Муродов домлага бор, бирон ишга жойлаб қўйсин, – дедилар.

Ўша кунлари мактабимиздаги она тили ва адабиёт ўқитувчимиз район ижроия қўмитасига масъул котиб этиб тайинланган эди. Ҳузурларига бордим. У киши мени редакцияга юборди. Туман “Сталинчи” газетаси идорасига борсам, муҳаррир Раҳим Отажонов бир юзимга, бир қадду бастимга қаради-да:

– Муродов ҳеч нарсага тушунмайдими дейман. “Бу ер болалар боғчаси эмас! Босмахонадан бир ҳарф йўқолса, бошим билан жавоб бераман”, деб ишга олмади.

Яна Муродов ҳузурига бориб, воқеани айтдим. Устоз телефон гўшагини кўтариб, газета бошлиғига сим қоқиб деди:

– Раҳимжон ака! Сизда кассирлик, босмахонада шогирдлик ўринлари бўш. Бир етимни тарбиялаб берсангиз, савоб бўлади-ку! Ёш бола бўлса, сизнинг қўл остингизда тарбияланиб ўсади, улғаяди, – деди-да гўшакни ўрнига қўя туриб:

– Боринг, кассирлик вазифасига ишга қабул қилади, – деди.

Бордим. Муҳаррир яхши пешвоз олиб, кассир, босмахонада ҳарф терувчи шогирд қилиб ишга қабул қилди. Ёш бола икки вазифада иш бошладим ва тез орада уста ҳарф терувчи бўлиб етишдим. Баъзан газетани саҳифалардим ҳам. Кунлардан бир кун Раҳимжон ака ҳузурига чақириб:

– Кассадан олтмиш сўм пул келтириб беринг, – деди.

Мен бошлиқ ҳузуридан чиқиб, бош ҳисобчига унинг фикрини айтдим.

– Раҳбар айтгандан кейин беринг, маош тарқатишда олиб қоласиз, – деди Нина опа Валкова.

Мен пулни элтиб бердим. Маош берилаётганда олтмиш сўмни ушлаб қолсам, муҳарриримиз:

– Мен сендан қачон пул олдим, туҳматчисан! – деб бақирди.

Воқеани ҳисобчига айтсам, у сардор олдига кириб:

– Раҳим Отажонович, ахир олтмиш сўмни менинг олдимда олиб кириб бердику! Нега бундай қиласиз? Бир етимнинг ҳаққини еманг! – деди.

– Бекорни айтибсан! Икковингни ҳам туҳматчи сифатида ишдан бўшатиб юбораман! – деб ўшқирди. Оқибатда икковимиз кассанинг камомадини йил охиригача беш сўмдан тўлаб, беркитдик. Ана шундай, бир мусулмон мени қақшатган, рус аёли эса кўмаклашиб, авайлаган.

Талаба бўлдим

Қўшним Аҳмаджон ака Тошхўжаев (Аллоҳ охиратини обод қилган бўлсин) Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институтида ўқирди. Мен тўғри институтнинг собиқ Абдулла Тўқай кўчасида жойлашган ётоқхонасига бордим. Эртаси куни дўстим мени ҳозирги Миллий университетнинг қабул комиссияси жойлашган бинога бошлаб борди. Бахтга қарши ўша йили "журналистика" ихтисослиги бўйича рус гуруҳларга талабалар қабул қилинаркан. Кейин билсак, бир йил ўзбек гуруҳига, бир йил эса рус гуруҳига талаба қабул қилиниш тартиби бор экан. Шундан сўнг университетнинг "филология" факультетига ҳужжат топширадиган бўлдим. Қарасак, 12 июлда бир ўринга 18 нафар абитуриент ҳужжат топширибди. Мени ваҳима босди. Бунинг устига мен ўрта мактабни тожик тилида битирганман. Аҳмаджон ака:

– Юринг, пединститутга бориб кўрамиз, – деб мени Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика инситутига бошлаб борди. Ҳужжатларимни Ўзбек тили ва адабиёти факультетига топширдим.

Аҳмаджон ака ётоқхонасида яшаб, имтиҳонга жиддий тайёргарлик кўрдим. Натижада олтита фандан "4", "5" баҳолар олдим. Охирги имтиҳон "Рус тили" бўйича ёзма ишим "2" га баҳоланди. Ҳужжатларимни олиб, "Совет Ўзбекистони" газетасига ишга таклиф қилишаётганди редакцияга бораман", десам қабул комиссиясининг масъул котиби:

– Наманган вилоятига режа бўйича иккита ўрин ажратилган, сиз ҳужжатингизни олсангиз, планни бажаролмай гап эшитамиз. Қўшимча имтиҳон ўтказамиз, – деб кафедрага учрашимизни айтди. "Комсомолская Правда" газетасидан бир ахборотни ўзбек тилига таржима қилдириб кўриб, "Жуда яхши", деди-ю, варақамга "3" баҳо қўядиган бўлди. Мен гапга аралашиб:

– Устоз, "3" қўйманг, мен етим боламан, институтга киришим, талабалар ётоқхонасидан жой, ҳам стипендия олишим керак, – дедим йиғламсираб. У киши мендан рус тили қоидаларини сўрагандай бўлди-да, имтиҳон варақамга "4" қўйиб берди. Натижада мен институт талабаси бўлдим.

Беш йиллик ўқиш давомида дунёга машҳур замон алломалари Яҳё Ғуломов,

Аюб Ғуломов, Шопўлат Абдуллаев, Виктор Василович Решетов, Мазлума Асқарова, Мурод Шамс, Натан Маллаевлардан сабоқ олиш бахтига муяссар бўлдим.

Энди маош ҳам оласиз

Учинчи курсда ўқиётганимда бир умрга раҳнамойим Натан Маллаев таклифи билан "Совет педагоги" газетасининг корректурасини ўқиб бериб юрардим. Бу орада профессор Зуҳриддин Нуриддинов газета редактори этиб тайинланди. Бир куни ректоримиз Хайриддин Салоҳга қараб:

– Хайриддин, сиз шоирсиз. Қаторларингизда журналистикага қизиқадиганлар ҳам борми? Бўлса, институтнинг "Совет педагоги" газетасига маъсул котиб қилиб ишга оламиз, – дедилар.

Хайриддин "лик" этиб ўрнидан турди-да:

– Мана Ҳомиджон тайёр журналист, куни кеча "Ёш ленинчи" газетасида Қўйлиқдаги бир мактаб директори ҳақида очерки ҳам чиқди, – деди.

– Жуда яхши, дарсдан кейин ўқув ишлари бўйича проректор Муҳаммад Галимович Давлатшинга учранг, суҳбатлашади. Маъқул кўрса, ишга оламиз, – деди.

Давлатшин уч ой олдин "Правда востока" газетасида менинг "Сто ошибок в одной книга" деб номланган мақоламнинг босилишига ёрдам берганди. Дарсдан кейин борсам, у, "Ариза ёзинг", деди. Ёздим, бир бурчагига "розиман" деб имзо чекиб берди-да:

– Ректорга олиб киринг, – деди.

Устоз ҳузурига кирдим. У киши аризага имзо чека туриб деди:

– Ана энди ҳам стипендия, ҳам маош оласиз. Мана бу битта кастюм иккита бўлади, – деб қўшиб қўйди, эгнимдаги кастюмнинг этагини ушлаб. Устознинг гапларига фаришталар "омин" деган экан, шекилли, шу даргоҳда эллик тўрт йил ишладим. Инсон сифатида шаклланишим, олим бўлиб танилишимда Низомий чинакам ҳаёт дорилфунуни бўлган.

Қайтиб келсангиз, ишга олмайман

Ўқишни тугатиб, ҳамон газетада масъул котиб, "Ўзбек адабиёти" кафедрасида соатбай ўқитувчи бўлиб ишлаб юрибман. Аммо фикру хаёлим мумтоз адабиёт бўйича аспирантурага кириш эди. Ўқув бўлимидан сўрасам, аспирантнинг бир жойдан оладиган маоши юз сўмдан ошиқ бўлиши лозим экан. Менинг эса икки жойдан келадиган маошим бир юзи ўттиз етти сўм эди. Шунинг учун тўла ўқитувчилик вазифасига ўтказишни илтимос қилиб ректорга мурожаат қилдим:

– Давлашинга айтинг, ижтимоий йўналишдаги қайси кафедрада ўқитувчиликка бўш ўрин бўлса, ўтказсин, мен қарши эмасман, – деди раҳбаримиз. Проректор:

– Фақат "Умумий тилшунослик" кафедрасида битта ўқитувчилик ўрни бўш. Аммо мудир Саидзода сизни қабул қиладими, йўқми буни билмайман. Зеро, вазирликдан бир кишини юборишувди, рад этди, ректор бировни тавсия этувдилар,

маъқул тушмади, – деди.

– Мени ўзлари ўқитганлар, сиз айтсангиз қабул қилсалар керак, – дедим умидворлик билан. У киши Саидзодага сим қоқиб деди:

– Шогирдингиз Ҳамиджон аспирантурага кириш учун кафедрага ўтиши лозим экан. Сиздаги бўш ўринга ўзингизнинг шогирдингизни олинг, – деди. Устоз "Хўп" деди, шекилли: "Ҳозироқ боринг, ишга қабул қилади", – деди проректор.

Бордим, аризамга "розиман" деб имзо чекдилар-да қўшиб қўйдилар:

– Энди гап бундай: адабиёт тарихини қўясиз, шевашунос бўласиз. Тошкент шаҳар шеваси бўйича номзодлик, келажакда вилоят шевасининг лексикаси бўйича докторлик диссертациясини ёзасиз. Келаси йили кафедрамизга аспирантура учун битта ўрин беради.

Аризамни олиб ректорга бордим. Устоз имзони кўриб:

– Саидзодага қойил, биз икки кишини юборсак, қабул қилмай, ўз шогирдини олибди. Сизни табриклайман.

Шевашунослик ва форс тиллари бўйича амалий машғулотлар олиб бора бошладим. Бир ярим йил кутдим, аспирантурага ўрин берилмади. Иккинчи йили "Ўзбек адабиёти" кафедрасига аспирантура учун иккита ўрин келди. Кўнглимга ғулғула тушди ва бир куни мудирга:

– Устоз, умр ўтиб боряпти, адабиёт бўйича ҳужжат топширсаммикан? – дедим қўрқа-писа.

– Майли, топширинг, кира олсангиз, табриклайман. Қуласангиз, қайтиб ишга олмайман ва бошқа кафедраларга ҳам ишга олдиртирмайман! – зарда билан гапни чўрт кесди.

Адабиёт бўйича икки ўринга тўққиз киши даъвогарлик қилдик. Ботирхон Акрам билан камина барча имтиҳонларни юқори баҳоларга топшириб, аспирантурага кирдик. Бир куни Саидзода домла йўлакда кўриб:

– Ишлар нима бўлди? – дедилар.

– Мандатдан ўтдим, устоз, – дедим.

– Сизни табриклайман. Ишга жиддий киришинг. Муддатидан олдин ҳимоя қилишга интилинг. Институтда штат масаласини кўриб турибсиз, ниҳоятда тиғиз, вақтида ҳимоя қилмасангиз, дарвозадан ташқарида қолиб кетишингиз турган гап, – дедилар.

Институт илмий кенгаши Ботирхон Акромга замон алломаси, миллат фидойиси Ҳамид Султонни, менга эса Шарқ адабиётининг донишманди Натан Маллаевни раҳнамо этиб тасдиқлади.

"Илмий ишда енгил йўл қидирманг"

Устозим Натан Муродович Маллаев "Шоҳнома"нинг ўзбекча таржимаси "муаммоси"ни номзодлик мавзуси қилиб бердилар. Мен дастхат хазиналардаги қўлёзмаларни кўриб чиқсам, асарнинг бир тугал, иккита номукаммал ўзбекча таржимаси мавжуд экан. Улардан Хомушийнинг "Шоҳномаи туркий"си тошбосма усулида 1903, 1906, 1909 йилларда уч марта нашр этилган. Шунча матнни аслият билан қиёсий ўрганиб, тавсифлаб, типологик жиҳатдан илмий таҳлиллаб чиқиш жуда мушкул иш туюлди менга. Бунинг устига Мирий "Рустам ва Суҳроб", Ҳасан Муҳаммад Хоразмийнинг "Сиёвуш" достони таъсирида ёзилган "Қиссаи Самироншоҳ", "Шоҳномаи Шоҳ Ҳижрон" каби қиёсга жалб этилиши лозим

бўлган камёб манбалар ҳам аниқланган эди. Уларнинг ҳар бири ўзи бир илмий муаммо. Кунлардан бир кун суҳбат жараёнида устозга ийманиброқ шундай дедим:

– Натан Муродович, “Шоҳнома”нинг ўзбекча таржималари бир нечта экан. Бунинг устига уларнинг айримлари тошбосмада бир неча бор нашр этилган. Шунча манбани ўқиб чиқишнинг ўзига бир неча йил кетади. Бунинг устига араб ёзувдаги матнларни ўқишда машқим ҳам расо эмас. Менга бирон ихчамроқ мавзу берсангиз, – дедим.

Устоз ўзларига хос вазминлик билан:

– Мен сизни заҳматкаш йигит деб ўйловдим. Илмда енгил йўл қидириш хосиятли бўлмайди, изланишни давом эттиринг, – дедилар.

“Номзод бўлиш учун шошилиш керак”

Барча манбаларни кўриб чиққач, устозим Ленинградга олти ойга илмий сафарга рухсат олиб бердилар. Ленинград университетининг “Эрон филологияси” кафедрасида бўлдим. Устоз Александр Николаевич Болдиревнинг дарсларидан, суҳбатларидан, анжуман, семинар машғулотларидан файз топдим. Номзодлик мавзуим хусусида суҳбатлашаётиб устоз шундай дедилар.

– “Шоҳнома”нинг ўзбекча таржималари” бу улкан мавзу. Сиз бунда чўкиб кетасиз. Мавзуни тор олинг-да, таҳлилни чуқурлаштиринг. Ҳозирча “Рустам ва Суҳроб” ҳамда “Бинжон ва Манижа” достонларининг қиёсий-типологик таҳлилини олсангиз бас. Келажакда “Фирдавсий ва ўзбек адабиёти” муаммоси бўйича докторлик ёзасиз, барча янги топган далилларингизни ишлатасиз. Бу мавзу ҳали келажакда шогирдларингизга ҳам етади. Номзодликни тез ёзиш керак. Ҳар бир олий ўқув юрти муаллими камида номзод бўлиш шарт. Ҳамма ҳам фан доктори бўла олмайди.

Эрмитаж, С.Шчердин номидаги кутубхоналар заҳираларини ўрганиб чиқиб, “Шоҳнома”нинг XIX асрда бажарилган шеърий таржимаси мусаввадасини (мутаржим дасхатини), хоразмлик шоир Толиб Толибийнинг “Даробнома” достонини аниқладим. Жаҳоний эътироф соҳиби Болдиревнинг самимий ўгитлари мен учун умр бўйи дастуриламал бўлди. У киши бағри бутун, кенг қамровли, шогирдлар учун жон фидо мураббийлардан эди.

“Устозлар қалами ерда қолмайди”

Сафардан қайтгач, диссертацияни ёзишга киришдим. Битган бўлим ва бобларни устозим пешма-пеш кўриб, қўшимчаларни киртиб бера бошлади. Натижада диссертация муддатидан олдин якунланиб, кафедра муҳокамасидан ўтди. Ва ниҳоят қўлёзмани йўлланма хат билан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтига олиб бордим. Филология фанлар доктори, шевашунос Болта Жўраев ҳужжатларим билан танишиб чиққач, шундай деди:

– Ҳозир ҳамма бўлим ходимлари режадаги ишлар билан жиддий банд, ишингизни ўқиб, муҳокама қилиб бера олмайди. Бунинг устига ҳадемай меҳнат таътили ҳам бошланиб кетади. Яхшиси сентябрда олиб келинг, – деди қатъий оҳангда.

– Қачон кўришса ҳам майли, қайтариб олиб кетмай, бирон бўлимга

юборинг, – ялиндим.

– Майли, “Матншунослик ва манбашунослик” бўлимига топширинг, – дея йўлланма хатнинг бир чеккасига “кўрсатма” ёзиб, имзо чекиб берди директор.

Бўлимга борсам, замонимиз алломаси Ҳамид Сулаймон ўтирган эканлар. Хатни ўқиб кўргач:

– Э, адаш иш битдими, табриклайман, – дедилар.

– Сизнинг дуоларингиз, устозимнинг ёрдамлари билан тугади, – дедим.

– Бугун қайси кун, адаш? – яна сўрадилар устоз.

– Бугун чоршанба... – дедим.

– Ундай бўлса, келаси чоршанба куни тайёргарлигингизни кўриб келаверинг, диссертациянгизнинг муҳокамасини ўтказамиз, – дедилар.

Хурсандчилигимнинг чеки йўқ. Лекин бари бир ишонқирамай қайтдим. Айтган кунлари борсам, илмий ишимни беш киши ўқиб, жиддий муҳокама қилиб, очиқ ҳимояга тавсия қилишди.

– Бир айланиб, тушлик қилиб, соат учларда келсангиз, мажлис протоколини олиб кетасиз, – дедилар устоз.

Ҳақиқатдан ҳам соат учдан кейин борсам, йиғилиш баённомаси кўчирилиб, уч нусхада муҳрланган турарди.

– Устоз, мингдан-минг раҳмат, ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан, – дедим.

– Адаш, сизга ўхшаган садоқатли шогирдлар кўпайса, устозлар қалами ерда қолмайди. Мендан Натан Муродовичга салом айтинг, – дедилар.

“Биз ҳамиша шогирдларни ўйлаб юрамиз”

Номзодлик диссертациясини ҳимоя қилганман. Қулоғим Московга динг. Кунлардан бир кун дарсларни тугатиб, энди йўлга тушаётсам, тарихшунос дўстим Абдуғафур Набиев қаерга кетаётганимни сўради.

– Дарс тугади, уйга кетяпман.

– Устоз Яҳё Ғуломов курортдан келган, юринг зиёрат қилиб қайтамиз, – дея таклиф қилди.

“Хўп” дея у кишига эргашдим. Биргаликда Нурободдаги тўққиз қаватли уйнинг учинчи қаватига чиқиб, эшик тугмасини боссам, устоз эшикни очиб:

– Эҳ қойил, яхшиям келиб қолдинглар. Ош дамловдим, келинойингиз “мазам бўлмаяпти” деб хонасига кириб ётиб олди. Энди паловни ким билан ейман деб хунобим ошаётувди, – дедилар хурсанд бўлиб. Ошни сузиб келдилар, уччовлон бир лаганни пок-покиза туширдик. Узоқ чақчақлашиб ўтирдик. Бир вақт соатга қарасам етти бўлибди.

– Устоз, бизга рухсат берсангиз, мен Бешқайроғочда тураман, – дедим ялиниб.

Дастурхонга фотиҳа ўқиб, кетишга изн бердилар. Ўрнимиздан туриб энди эшик тутқичини ушловдим, устоз:

– Ҳамиджон, тўхтанглар, сюрприз бор, сюрприз, – деб хоналарига кириб кетди. Бир дақиқадан сўнг чиқиб: "Истироҳатдан кейин йўлда бирон шогирднинг

иши тасдиқланган бўлса, дипломини олакетай, деб ВАКка кирувдим сизники тасдиқдан ўтган экан", – деб "Диплом кандидата наук" деган варақни узатдилар. Ҳангу-манг бўлиб, устозни қучоқлаб, йиғлаб раҳмат айтдим.

– Биз қаерда юрсак ҳам шогирдларни ўйлаб юрамиз. Ҳа, айтмоқчи, бунинг чопони борми? – деб сўрадилар муаллим.

– Чопонни дўкондан сотиб оламиз, – дедим.

– Тўхтанглар, мен бир уйни қарай, – деб ичкарига кириб, бир ғилоф олиб чиқиб келдилару: – Энди буниси пулли, – дедилар.

Чўнтагимдан уч сўм чиқазиб берсам, хоналарига кириб икки сўм йигирма тийин чиқариб:

– Ҳамиджон, ош қанақа бўлибди? – деб сўрадилар.

– Устоз, росмана чойхона палов бўпти ўзиям, – дедим ҳаяжон ичра.

– Йўқ, бу диплом оши бўлди, диплом оши, Ҳамиджон, – таъкидладилар.

Ҳа, Ўзбекистон археологларининг саркори, жаҳоний эътироф соҳиби академик Яҳё Ғуломов шогирдига диплом оши пишириб берган. Кейин билсам, "Ҳамиджонни бошлаб кел, дипломини олиб келдим, ош пишириб тураман", деган эканлар Абдуғафурга.

"Ҳовли Юсуфжонга қолса"

1972 йил таътилда Косонсойга бориб ҳовлимизда Руқияжон опам билан суҳбатлашиб ўтиргандик, у киши томдан тараша тушгандай изҳори ақида қилдилар:

– Умр ҳам ўтиб боряпти, ука. Шўртепа маҳалласидаги поччангизнинг ота меросини Ёқубжон эгаллади. Юсуфжон бир шўртумшуқ йигит. Юқори идораларга ариза ёзиб, бир парча ер олиб, манзил қуриш қўлидан келмайди. Муаллимчиликдан бошқа даромади йўқ. Сиз катта олим, пулингиз (фан номзодини улар пулдор, деб ўйлашади) кўп. Истаганингизда уй-жой сотиб олаверасиз. Шунинг учун бу ҳовлини жиянингиз Юсуфжонга берсангиз, – дедилар.

Ҳайрон бўлиб, бироз донг қотиб қолдим. Кейин ўзимни қўлга олиб, сергакланиб:

– Сиз онамнинг ўрнига – она, отамнинг ўрнига ота бўласиз. Сиз шуни хоҳлайсизми? – ҳаяжон билан сўрадим.

– Ҳа, шундай бўлишини истайман, – қайта таъкидладилар опам.

– Ундай бўлса, қўлингизни кўтаринг: мана қиблага қараб айтяпман. Шу бугундан эътиборан бу ҳовли Юсуфжонга ўтди, омин Аллоҳу акбар!

– Сизга мингдан минг раҳмат, укажон, – деб дуо қилдилар опам.

Орадан бир ҳафта ўтгач, косонсойлик дўстлар билан "Шаҳраб" сойбўйи чойхонасида чойхўрлик қилиб ўтирувдик, иттифоқо атлас фабрикасининг директори дўстим Абдулазиз Тошматов:

– Уйлар анча нураб кетибди, усталаримни берсам, яхшилаб бир суватиб, таъмирлатсангиз бўларкан, Ҳамиджон ака, – деди.

– Ҳовлини Юсуфжонга бердим, энди ўзи нима қилса қилар, – дедим.

– Бу қанақаси, ота-онадан қолган жойни ҳам жиянга берадими? Энди ўзингиз туманга келганингизда болалар билан қайга бош суқасиз? – ҳайрон бўлишди улар.

– Опам шуни истадилар, раъйларига қарши бора олмадим, – дедим.

Дастурхонга фотиҳа ўқиш олдидан Абдулазиз жамоага шундай мурожаат қилди.

– Азиз дўстлар, бу масалани шундай қолдириб бўлмайди. Ҳамиджон аканинг ўз юртида бир бошпанаси бўлиши керак. Ҳусайнхон ака билан Турсунхон акадан илтимос, эртага "Косон" савхозининг директори Аъзамхон Жафаровга кириб, тўрт сотих ер олиб беришсин, қурилишига биз қараб турмаймиз.

Эртаси куни Турсунхон Муртазаев ва Ҳусайнхон Ғозиев билан бирга савхоз директори ҳузурига бориб аҳволни тушунтирдик. У киши ер ўлчовчиси В.Садировга буюриб, "Гулистон" мавзеидан тўрт сотих ер ўлчатиб бердилар. Ҳозир ўғлим Жамшид яшаётган манзил, ана шу ерга қурилган ҳовли ҳисобланади.

"Мен тарафкашликни ёқтираман"

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида машҳур тилшунос, академик Ғанижон Абдураҳмонов Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига ректор бўлиб тайинланган эдилар. Ўша кезлари университетнинг "Ўзбек адабиёти" кафедраси мудирлиги лавозимига жой бўшаб, танлов эълон қилинганди. Икки касбдошимиз танловда қатнашиш ҳақида ариза беришганди. Кунлардан бир кун ректор ҳузурларига чақириб:

– Нега танловга ариза бермадингиз? – дедилар.

– Сайловдан ўтишга кўзим етмади, мухолифлар зўр, – дедим.

– Бекорни айтибсиз, сизнинг илмий ишингиз кўп, ҳозироқ чиқиб ариза ёзинг, – деб буюрдилар.

Илмий котиб олдига бориб ариза ёзиб бердим. Ҳақиқатда ҳам, илмий кенгаш аъзолари менга юз фоиз овоз беришди. Эртаси куни бошлиғимиз ҳузурларига чорлаб:

– Ана, кафедра мудири ҳам бўлдингиз. Энди бир гап: ҳеч қачон қўл остингиздагиларга дўқ қилиб, бақириб гапирманг, ҳалим бўлишга интилинг, – дедилар.

Устознинг ана шу пандларига амал қилиб, кафедрани роса 28 йил бошқардим.

Do'stning eskisi yaxshi



Gulsifat SHAHIDI

Afsuski, insonlarning umri biz qo‘g‘irchoqlarnikidek emas ekan-da. Yillar yillarga ulanib o‘tgani sari buni yaqqol his qildim. Masalan, men uzoq yillar bekamning ovunchog‘i bo‘ldim. U meni shunday mehr bilan avaylab-asrar ediki, ko‘z ochib dunyoni ko‘rganimga ancha yillar bo‘lgan bo‘lsa-da hali-hanuz xuddi yangidek edim. Ha-ya ismimni aytmabman-ku. Tanishib qo‘yaylik, ismim Alyonushka.

Bekamning ham yoshi ulg‘aydi. Ilgarilari meni bir zum qo‘lidan qo‘ymasdi. Endi bo‘lsa, uning mendan boshqa do‘stlari ham ko‘payib qolgan. Oxirgi paytlarda yolg‘iz qolib ketadigan bo‘ldim. Xullas, shunday zerikarli kunlardan birida bekam meni Tanya ismli qizaloqqa sovg‘a qildi. Tanyaning mehrli jajji qo‘llari menga yana yangi hayot baxsh etdi. U bilan sira zerikmas edim. Tanya har kuni sochlarimni tarab, erkalardi. Egnimdagi o‘zimga yarashib turgan bejirim libosimni ham o‘z qo‘llari bilan tikib bergan edi.

Kunlarning birida Tanyaning tug‘ilgan kuni bo‘ldi. Uni qutlagani barcha do‘stlari, yaqinlari yig‘ildi. Ular qo‘shiqlar aytishdi, raqsga tushishdi. Rosa maza qilib yayrashdi. Kun kech bo‘lgach hamma uy-uyiga tarqadi. Shunda Tanya do‘stlari keltirgan sovg‘alarni bir-bir ochib ko‘ra boshladi.

Men ham bir chekkada, hayajon bilan qutichalar ichidan qanday sovg‘alar chiqishini kuzatar edim. Sovg‘alarning ko‘plari bejirim, zamonaviy libos kiydirilgan barbi qo‘g‘irchoqlari ekan. Ularning hammasi bir xil. Birini-biridan ajratib olish juda qiyin edi. Tanyaning quvonganini ko‘rib men tashvishga tusha boshladim. Negaki jajjigina, chiroyli bu qo‘g‘irchoqlar go‘yo mendan Tanyaning mehrini tortib olayotgandek edi-da.

Ertasi kuni Tanyaning qo‘shnisi, yaqin dugonasi Katya sovg‘alarni ko‘rgan

---

***Gulsifat SHAHIDI** – filologiya fanlari nomzodi. 1955 yilda tug‘ilgan. Tojikiston davlat universitetini tamomlagan. Uning “Yer sharining jannat burchagi”, “Mening yorqin quyoshim”, “Orzular ushaladigan yurt”, “Qo‘shnilar”, “Navgilamlik Farhod”, “Gulsifat momoning ertaklari” kabi o‘nga yaqin qissa va hikoyalari dunyoning turli mamlakatlarida chop etilgan.*

ko‘rgani chiqdi. Hammasi ana o‘sha payt boshlandi. Katya Tanyaga: “Men senga o‘n dona barbi qo‘g‘irchoqlarini sovg‘a qilaman. Sen bo‘lsa, evaziga menga Alyonushkani beraqol”, dedi. Tanya o‘ylanib qoldi: “Rostdan sen Alyonushkamning evaziga menga o‘n dona barbi bermoqchimisan?” Katya: “Ha”, deya bosh irg‘ab ta’kidladi. Tanya bo‘lsa: “Mayli men o‘ylab olay, javobini ertaga aytaman”, dedi. O‘sha vaqtda gapira olganimda edi. Katyaga o‘zim: “Yo‘q, sen bilan ketmayman”, degan bo‘lar edim. Bilsangiz, judayam Tanyani yo‘q, deyishini istadim. “Yo‘q, dugonajon, Alyonushkani senga berolmayman. Axir u bilan mening buvim, oyim ham o‘ynagan. U oilamizning qadrdoni bo‘lib qolgan”, deyishini juda-juda istadim.

Tanya barbi qo‘g‘irchoqlari bilan o‘ynab bo‘lgach, meni qo‘liga oldi va jilmaydi. Keyin meni kiyimlarimni almashtirib joyimga yotqizdi. Men bo‘lsam ko‘zlarimni yummadim. Shunda u bugun men uchun qanchalar og‘ir kun bo‘lganini angladi: “Azizim Alyonushka, sen nega hafasan? Men seni judayam yaxshi ko‘raman va hech kimga berib qo‘ymayman! Buvijonim: “Eski do‘st, yangisidan afzal”, deganlar. Bilsang, menda barbi qo‘g‘irchoqlari yetarli. Katya bo‘lsa, sen uchun yana o‘n dona barbi taklif qilyapti. U bilmaydiki, sen men uchun juda qadrlisan. Menga Katyaning barbilari kerak emas”. Tanyaning bu so‘zlaridan keyin men asta ko‘zimni yumdim. U bo‘lsa yuzimdan ohista o‘pib qo‘ydi.

Ertasi tong sahar Katya keldi. Tanya: “Men o‘ylab ko‘rdim, senga Alyonushkani berolmas ekanman”, dedi. Shunda Katya: “Alyonushkani hech bo‘lmasa, bir kungina berib tur”, deb iltimos qildi. Tanya rozi bo‘lmadi. Katya barbilarini bir chetga qo‘yib, meni qo‘liga oldi. Men bo‘lsam ko‘zlarimini ochmadim. Tanya: “Alyonushka, unday qilma. Katya shunchaki sen bilan o‘ynamoqchi u seni olib ketmaydi”, dedi. Men endi bemalol ko‘zlarimni ochdim. Katya men bilan uzoq o‘ynadi va uyiga qaytar chog‘i Tanyaga: “Alyonushka seni juda yaxshi ko‘rarkan. Sendan boshqa bekaga sira rozi bo‘lmaskan, qara, sen aytmasang ko‘zlarini ochgisiyam kelmayapti”, dedi.

Men bo‘lsam Tanyusha bilan qolganimdan xursand edim. Seni yaxshi ko‘radigan va ishongan do‘sting bo‘lishi qanday yaxshi.

Ha, aytgancha, men barbilar bilan ham til topishib oldim. Faqat haliyam ularni bir-biridan ajratolmay juda qiynalaman.

Ruschadan Muhammad Siddiq RAHMATOV tarjimasi



***Муҳаммад Сиддиқ РАҲМАТОВ** – 1972 йил таваллуд топган ЎзМУ ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Олий адабиёт курсини тамомлаган. "Юрт соғинчи", "Ишқ дарди", “Мўътадил лаҳзалар”, "Пастлаб учган турналар" номли шеърий китоблари чоп этилган.*

Адабий ҳаёт

* * *

1 июль. Ойбек уй-музейида адибни хотирлаш куни ўтказилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан журналистлар учун музей бўйлаб пресс-тур ташкил этилди. Пресс-турда адабиётшунослар Наим Каримов, Сувон Мели, Шуҳрат Ризаев Ойбекнинг болалик йиллари, ижодининг гуллаган даври, ёзувчи ҳаёти билан боғлиқ адабий жараёнлардаги гурунглар ҳақида сўзлаб бердилар.

* * *

2 июль. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Президент таълим муассасалари агентлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинганлигининг 30 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Энг яхши мақола" танлови ғолиблари – Ирода Насимова, Айнура Азатбаева, Ойдин Иброҳимовалар дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирладилар.

* * *

6 июль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Туркий адабиёт хазинасидан” 100 жилдлик асарлар мажмуасини нашрга тайёрловчи ишчи гуруҳнинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда нашр ишлари борасида бугунгача амалга оширилган ишлар ҳажми ҳақида ахборот берилди. 6 июль ҳолатига кўра, мажмуанинг 45 та жилди нашрга топширилган. Улар орасида умумтуркий адабиёт, шунингдек, ўзбек, қорақалпоқ, турк, озарбайжон, қозоқ, қирғиз, туркман адабиёти намуналари киритилган жилдлар бор. Қайд этиш керакки, “Туркий адабиёт хазинасидан” асарлар мажмуасига йирик асарлар сирасидан 25 та роман, 30 та қисса, йигирмага яқин достонлар кирган. Мажмуа туркий тилларда ижод қилувчи 450 дан зиёд ёзувчи ва шоирлар ҳақида маълумотлар ва улар ёзган бадиий асарларни ўз ичига олган.

* * *

8 июль. Artel компаниясининг “Китоб уйчалари” лойиҳаси доирасида Адиблар хиёбонига Китоб уйчалари ўрнатилди. Ёш ижодкорларнинг мушоиралари, адабий кечаларга гувоҳ бўладиган бу боғ эндиликда мутолаа масканига ҳам айланади.

* * *

14 июль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Президентнинг тегишли қарори ижро-

сини таъминлаш мақсадида уюшманинг бир гуруҳ аъзолари I даражали “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирланди. Нишонларни марҳум ёзувчи Шароф Бошбековнинг қизи ва адиблар Маҳкам Маҳмудов, Хуршид Даврон, Абдулла Шер, Шодмон Отабек, Шаҳодат Исохоновалар қабул қилиб олишди. Тадбирда кекса авлод вакилларининг ибратли ҳаёти, фаолияти ва забт этган чўққилари эътироф этилди ва бу ютуқлар ёш авлодга намуна сифатида кўрсатилди.

* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тайёрланган Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижодига оид илмий мақолалар, хотиралар ва изҳорлар ўрин олган “Инсон ўзинг” номли китоб нашрдан чиқди.

* * *

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, журналист Гулчеҳра Умарованинг “Яхшидир аччиқ ҳақиқат” деб номланган мақолалар тўплами тақдимоти бўлиб ўтди. Китобдан муаллифнинг бугунги ўзбек санъати ҳақидаги мулоҳазалари, таҳлил-кузатишлари, санъат дарғаларининг ҳаёт йўллари ва ибрат мактаблари ҳақидаги мақолалари ўрин олган. Тадбирда Сирожиддин Саййид Гулчеҳра Умаровага Ёзувчилар уюшмасининг аъзолик гувоҳномасини топширди.

* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими кутубхонасида Республика Маънавият ва маърифат маркази Тошкент вилояти бўлими ташаббуси билан "Китоб – маънавият сарчашмаси" мавзусида маърифий тадбир бўлиб ўтди. Мазкур адабий-бадиий анжуманда вилоят ижодкорларининг Маънавият ва маърифат маркази томонидан чоп этилган янги китоблари тақдимоти ўтказилди.

* * *

16 июль. Истеъдодли ёш қаламкашимизнинг ижоди Шарқ дунёсида эътироф этилди. Ёш ёзувчи Жуманазар Йўлдошнинг "Ёмғирдан сўнг" ҳикояси ветнам тилида "Van Nghe" адабий босма журналида чоп этилди.

* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Баҳодир Қобулнинг "Салом, Туркистон" номли шеърий битиглар китоби нашрдан чиқди.

* * *

Адиблар хиёбонида “Хиёбон оқшомлари” мушоирасининг ярим йиллик якунларига бағишланган байрам дастури бўлиб ўтди. Ёшлар мушоираси би-

лан бошланган байрам дастури ғолибларни тақдирлаш маросимига уланиб кетди. Собир Ўнар, Зикрилла Неъмат ва Абдураззоқ Обрўй сингари таниқли ижодкорлар мушоираларда энг фаол қатнашган ёшларни аниқлаб беришди. “Хиёбон оқшомларининг энг фаол иштирокчиси” номинацияси бўйича Фаррух Ҳасанов, Нуриддин Расулов, Насрулло Эргашев, Азиза Шокирова, Шаҳриёр Ибрагимов, Эркинжон Ҳожиматов, Масиҳуллоҳ Мадаминов, Ҳилола Жўрақулова, Муҳаммад Сиддиқ ва Алишер Сабрий сингари бир гуруҳ ёшлар пул мукофотлари билан тақдирланишди.

* * *

19 июль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, уюшма аъзоси, ёзувчи Луқмон Бўрихоннинг “Имом Мотуридий” романи тақдимоти бўлиб ўтди.

* * *

20 июль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Сирожиддин Сайид Сербия Ёзувчилар Ассоциацияси халқаро бўлими бошлиғи, серб адабиёти музейи директори Виктор Лазични қабул қилди. Учрашувда икки давлат Ёзувчилар уюшмаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми тузиш бўйича келишиб олинди. Меҳмон ҳамкорлик алоқаларини бошланиши сифатида ўзбек ва серб ижодкорлари антологиясини яратиш таклифини берди.

* * *

25 июль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан бир неча авлод тожик шоирларидан иборат, “Замонавий тожик шеърияти антологияси” китоби нашрдан чиқди. Ушбу антология икки қону қардош ўзбек ва тожик халқлари ўртасида кўприк вазифасини ўтаётган истеъдодли шоир ва моҳир таржимон Одил Икромнинг меҳнати маҳсулидир.

* * *

27 июль. Таниқли адиба Рисолат Ҳайдарованинг “Себзор” номли китоби нашрдан чиқди. Ушбу китоб Тошкентнинг қадим тарихий масканлари, тошкентча урф-одатлар, удумлар, анъаналар ҳақида ҳикоя қилади. Китобдан, шунингдек, адибанинг қатор эсселари, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Муҳаммад Али, Анвар Обиджон каби адабиётимиз дарғалари, жаҳон адабиётининг йирик вакиллари – Иво Андрич, Воле Шойинка, Александр Солженицин, Александр Беляев ижодининг баъзи қирралари таҳлил қилинган мақолалар ўрин олган.

МУНДАРИЖА

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Комил АВАЗ. Тилсимий созларда авжланар ҳаёт 4

НАЗМ

Муҳтарама УЛУҒОВА. Аллоҳдан ўзгага дилингни берма 53

Зариф ҲИКМАТЗОДА. Тонгларнинг гуноҳи сенмидинг сулув 59

Шуҳрат АЗИЗОВ. Ўйиқлари пинҳон ойдек юрагим 64

Алиқул МЎМИНОВ. Наволарга наво қўшса ҳислар тўлғониб 68

Шамсиддин САДОИЙ. Тилло ёмғир ёғмас осмондан 99

Мадина НОРЧАЕВА. Денгизлар устидан юриб ўтяпман 105

Комил ХОРАЗМИЙ. Жалолиддин Румий 122

НАСР

Муродбой НИЗАНОВ. Икки қотил. *Қисса* 9

Иброҳим МУҲАММАД. Денгизга термилган қиз. *Ҳикоя* 71

Мастура БЎРИЕВА. Қичқириқ. *Новелла* 89

Наврўза МУҲАММАДҲЎЖАЕВА. "Токи сўнгги нафасдай ўлгин..." 95

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Олимжон ДАВЛАТОВ. Алишер Навоийнинг щаҳрошуб ғазаллари ...114

БОТИР ЗОКИРОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 85 ЙИЛЛИГИГА

Ашурали ЖЎРАЕВ. Қўшиқ дунёсининг олтин овози. *Эссе* 128

BOLALAR DUNYOSI

Gulsifat SHAHIDI. Do'stning eskisi yaxshi 171

БИЗНИНГ МУЛОҚОТ

Мансурхон ТОИРОВ, Тўлқин МУҲИДДИН. Меҳр – олам меҳвари 83

ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ. Тиканли пиллапоялар. 162

ҚАРДОШ ҲАЛҚЛАР АДАБИЁТИ

Бозор СОБИР. Илинган дурларнинг зилоли 147

ТАЛҚИН

Нусратулло ЖУМАХЎЖА. Ижодий такомил омили 118

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ. Эй дўст, муҳаббатнинг умри тузоқдир..134

ТАДҚИҚОТ

Ориф БОЗОРОВ. Эпистоляр романларда ижтимоий муҳит 142

Умида РАСУЛОВА. Ўзбек қиссаларида поэтик ифода 151

Биби Робиаъ САИДОВА. Муаллифлар роман қаҳрамонлари қиёфасида 155

Адабий ҳаёт 173

Шарқ юлдузи

2022

7-сон

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 "Ўзбек адабиёти" ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шуғулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:
100066, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўча, Адиблар хиёбони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.
Телефонлар:
71231-23-65, 71231-23-68 903721438
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi@umail.uz
sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди:
26.08.2022
Қоғоз бичими 70x108 $^{1}/_{16}$
Офсет босма усулида офсет қоғозида босилди. Босма табоғи 11,0.
Шартли босма табоғи 15,4.
Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.
Адади 6650 нусха.
Буюртма №20

Эслатма: Журнал пандемия шароитида танаффуслар билан чоп этилганини эътиборга олиб, маълумотлар аниқлигини текшириш учун журналнинг босмахонага топширилган санасига қаралсин.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган.
"PRINT REBEL" МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Ўрозбоев кўчаси, 35-уй
Журнал ойда бир марта чоп этилади

Мусаҳҳиҳлар:
Дилфуза Маҳмудова
Моҳира Ҳусанова

Саҳифаловчи-дизайнер:
Ҳудаёров Бунёдбек

Copyright © "Шарқ юлдузи"